

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 20-21-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (312-313)  
**ТЎПЛАМИ** 2008 й.  
май

---

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпلامнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпلامнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## **МУНДАРИЖА**

### *Иккинчи бўлим*

170. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 майдаги ПФ-3996-сон Фармони
171. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 7 майдаги ПҚ-863-сон қарори
172. «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ-872-сон қарори

## Учинчи бўлим

174. «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 майдаги 97-сон қарори
175. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ–834-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 майдаги 100-сон қарори
176. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 101-сон қарори
177. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон қарори

## Бешинчи бўлим

- 178. «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)* +
179. «Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/4-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 522-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
180. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортикча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сонли қарори. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 майда 1807-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*
181. «Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 7 майдаги 49-сонли буйруғи. *(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 майда 1808-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

182. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 99-мх-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 майда 1809-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
183. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг айрим меъёрий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/1-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 майда 1810-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
184. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 156-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 майда 480-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
185. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 майда 1641-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
186. «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 5 майдаги 49, 34-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 майда 1811-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
187. «Хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 2008 йил 7 майдаги 518-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 майда 349-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
188. «Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 43, 51, 2008-22 -сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 майда 1460-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

189. «Академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2008 йил 30 апрелдаги 01-148Қ/Қ, 118, 16/ҚҚ-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 майда 1812-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
190. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг 2008 йил 28 апрелдаги 11-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 19 майда 1188-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
191. «Банкрот корхонани тугатишга доир иш юритишни олиб бориш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 апрелдаги 4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 20 майда 993-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
192. «Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 апрелдаги 5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 20 майда 493-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
193. «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 5 майдаги 47-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 майда 1813-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
194. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 22 майдаги 111-мқ-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 майда 1814-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
195. «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 22 майда 1815-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 10 майдан 23 майгача бўлган маълумот

**ИККИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ****170 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи  
хужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек ай-  
римларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ–834-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти****И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 май,  
ПФ–3996-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2008 йил 22 майдаги  
ПФ–3996-сон Фармонига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 5 октябрдаги ПФ–3665-сонли Фармонининг иловасидаги «Р.В. Абдуқодиров — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати раҳбари» сўзлари «С.Х. Бекенов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 февралдаги Ф–2118-сонли фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисидаги низомда:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

а) 3, 6-бандларда, III бўлим номланишида, 8 ва 23-бандларда «Аппаратининг», «Аппаратига», «Аппаратида» ҳамда «Аппарати билан» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратига», «Ижро этувчи аппаратидан» ҳамда «Ижро этувчи аппарати билан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банднинг учинчи хатбошида «ўринбосари» сўзи «Биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 13-бандда:

«ўринбосари» сўзи «Биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Аппарат раҳбарига» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 16 ва 20-бандлардаги «Аппарат раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2008 йил 22 майдаги  
ПФ-3996-сон Фармониغا  
2-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган айрим ҳужжатлари рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартдаги ПҚ-607-сонли қарорининг 3-банди ва унинг иловаси.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 21 сентябрдаги Р-2836-сонли фармойиши 2-иловасининг 2 банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 январдаги ПҚ-770-сонли қарори 1-бандининг иккинчи хатбошиси ва унинг 1-иловаси.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**171** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарорига ўзгартиш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 4 апрелдаги ПҚ-830-сонли қарорига мувофик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сонли қарори 2-иловасининг 14 ва 16-позициялари чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

+

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
ПҚ-863-сон

-

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**172** Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Суғурта фаолиятини янада такомиллаштириш, суғурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва суғурта компанияларининг инвестицион жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириш, шунингдек, суғурта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорларини белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

умумий суғурта соҳасида — 750 минг еврога эквивалент суммада;

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

хаётни суғурта қилиш соҳасида — 1000 минг еврога эквивалент суммада;  
мажбурий суғурта бўйича — 1500 минг еврога эквивалент суммада;  
фақат қайта суғурта қилиш бўйича — 4000 минг еврога эквивалент суммада.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда устав капитали миқдорларини юқорида кўрсатилган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб мазкур қарорнинг 1-банди талабларига жавоб бермайдиган суғурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрсин.

3. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда суғурталовчилар томонидан кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди;

суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомда белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади);

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга суғурталовчи учун белгиланган энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдорига-ча жарима белгиланган тартибда солинади ва жарима суммаси республика бюджетига ўтказилади.

4. 2008 йилнинг 1 июнидан бошлаб уч йил муддатга:

юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин;

суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинсин ва солиқдан бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

мазкур қарор билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низом;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда суғурталовчиларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қўлланиладиган жарима санкциялари тўғрисида низом.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин;



вазирлик ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 21 май,  
ПҚ-872-сон

+

-

**УЧИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ****174 Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сотиш бўйича савдо ташкилотларини танлаб олиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 35-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

— **Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

+

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 16 май,  
97-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 16 майдаги 97-сон қарорига  
ИЛОВА

**Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мол-мулкни сотиш танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига мувофиқ белгиланадиган савдо ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Савдо ташкилотларини белгилашда уларнинг ихтисослашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун бориш осон бўлиши (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва бошқалар), тегишли омборхона биноларининг мавжудлиги, аввалги фаолиятида белгиланган савдо фаолияти қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Мол-мулкни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартномалар ушбу савдо ташкилотлари билан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини мод-

дий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бошқармалари томонидан тузилади.

Мол-мулкни сотиш хизматлари кўрсатиш юзасидан шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур шартнома шартларига риоя этиш ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилишига йўл қўйилмаганлиги ҳам ҳисобга олинади».

2. 29-бандга қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши қўшилсин:

«Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарлари пулли асосда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига берилади ҳамда савдо ташкилотларининг ихтисослаштирилган омборхоналарида сақланади (ғамлаб қўйилади). Ушбу товарлар фақат Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорига кўра, товарларнинг сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда сотилади».

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **175** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 9 апрелдаги ПҚ-834-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 20 май,  
100-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 20 майдаги 100-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензияланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун лицензия бланкасини ҳамда Лицензия бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисобдан чиқариш, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратида расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 2 майдаги 200-сон қарорига:

а) қарор номидаги ва 1-банднинг учинчи хатбошидаги «аппаратида» сўзи «Ижро этувчи аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари (Абдуқодиров)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси (Бекенов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошидаги «аппаратида» сўзи «Ижро этувчи аппаратида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «аппарати» сўзи «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-банддаги «Биринчи бўлими ва Юридик бўлими» сўзлари «Биринчи бўлими ва Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 5-банддаги «аппарати» сўзи «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2-иловада:

илова номидаги ва 1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги ва 2-банднинг биринчи хатбошидаги «аппаратида» ва «аппаратининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» ва «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «аппаратининг» ва «Юридик бўлимига» сўзлари «Ижро этувчи аппаратининг» ва «Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «аппаратининг», «Аппарат Раҳбарига» ва «Юридик бўлимнинг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчисига» ва «Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «аппарати», «Аппарат Раҳбарининг» ва «Юридик бўлимнинг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппарати», «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» ва «Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банддаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошидаги «аппарати» сўзи «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги «Биринчи бўлими ва Юридик бўлими» ҳамда «Аппарат Раҳбарига» сўзлари «Биринчи бўлими ва Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси» ҳамда «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси мансабдор шахсларига хизмат кўрсатувчи хизмат автотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида» 2001 йил 28 июндаги 277-сон қарорига** илованинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси» бўлимида:

а) 11-банддаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банд чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорида:**

а) 2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бош вазир котибияти тузилмаси, Бош вазир ўринбосари аппаратининг тузилмаси, Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси котибияти тузилмаси ва Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг ўринбосари аппарати тузилмаси 2-иловага мувофиқ»;

б) 2-иловада:

«Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари аппаратининг тузилмаси» бўлими қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати  
бошқарувчиси котибияти тузилмаси**

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси	— 1
Етакчи мутахассис	— 1
Инспектор	— 1
Жами:	— 3»;

қуйидаги мазмундаги бўлим қўшилсин:

**«Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати  
бошқарувчиси ўринбосарининг аппарати тузилмаси**

Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг ўринбосари	— 1
Етакчи мутахассис	— 1
Инспектор	— 1
Жами:	— 3»;

в) 11-иловадаги «Юридик бўлим» бўлими чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 октябрдаги 482-сон қарорида:

а) қарор номидаги «ижро этувчи тузилмаси» сўзлари «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

илова номидаги «ижро этувчи тузилмаси» сўзлари «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

III бўлим қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«III. Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати  
бошқарувчисининг котибияти**

1. Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси	20
2. Етакчи мутахассис	16
3. Инспектор	10»;

қуйидаги мазмундаги IV бўлим қўшилсин:

**«IV. Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати  
бошқарувчиси ўринбосарининг аппарати**

1. Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг ўринбосари	19
2. Етакчи мутахассис	16
3. Инспектор	10»;

IV ва V бўлимлар тегишли равишда V ва VI бўлимлар деб ҳисоблансин;

V бўлим қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«V. Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар  
масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти**

1. Департамент мудир	19
2. Мудирнинг биринчи ўринбосари	19
3. Мудир ўринбосари	18
4. Шўъба мудир	18
5. Бош мутахассис	17
6. Етакчи мутахассис	16
7. Инспектор	10»;

қуйидаги мазмундаги VII бўлим қўшилсин:

**«VII. Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар  
бошқармаси**

1. Бошқарма бошлиғи	19
---------------------	----

2. Бўлим мудир	18
3. Бўлим мудирининг ўринбосари	17
4. Бош мутахассис	16
5. Етакчи мутахассис	15
6. Инспектор	10»;

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорида:

1) 3-иловада:

а) 1, 2 ва 5-бандлардаги «Аппаратининг», «Аппаратини» ва «Аппаратининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини» ва «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

в) 7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Аппаратида» ва «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» ва «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Департамент мудир:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истикболдаги вазифаларини

амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплексининг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан ахборот-таҳлил департаменти мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

— чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

ж) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқирилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумот-

+



лар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади; вазибалар тақсимотиға мувофиқ бошқа функцияларни амалға оширади;

з) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазибаларға мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади; ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

2) 7-иловада:

а) 1, 2 ва 5-бандлардаги «Аппаратининг», «Аппаратини» ва «Аппаратининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини» ва «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунади ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

в) 7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Аппаратида» ва «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 14-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жихатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва

тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда тегишли комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режасини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

ж) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланган борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

з) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон

Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади».

6. Вазирлар Маҳкамасининг **2004 йил 2 декабрдаги 698-ф-сон фармойишида:**

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари Р.В.Абдуқодиров» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х.Бекенов» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

1-банддаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Котибият ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

6-бандда:

учинчи, саккизинчи, тўққизинчи, ўн иккинчи — ўн бешинчи хатбошидаги «Аппаратининг», «Аппаратида», «Аппаратининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратида», «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппаратининг тегишли департаментлари ва бўлимларига» сўзлари «Ижро этувчи аппаратининг департаментларига, шунингдек Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармаси ҳамда бўлимларга» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошидаги «Аппаратининг Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги «Аппаратида», «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида», «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Котибият мудури:

Котибиятга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ёрдамчи, матбуот котиби ва инспекторлар ишларини ташкил қилади, Котибиятга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош вазирга юборилган ёзма топшириқлари тўғрисида Бош вазирга ўз вақтида ахборот берилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди ва унинг топшириғига қўра уларнинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номига келган хат-хабарларни таҳлил қилади, пухта экспертизадан ўтказди ва Ижро этувчи аппарат таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқлар (фишкалар) тайёрлайди, шунингдек улар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга ахборот беради;

Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларининг кун тартиби лойиҳасини шакллантиради, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади ва тегишли ҳужжатлар тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири учун маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материалларни тайёрлайди;

йиғилишлар ва мажлислар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлик қиладиган Ҳукумат комиссиялари мажлислари ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан фуқаролар қабул қилинишини ташкил этади ва фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан Котибият мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Котибият ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Котибият ишини такомиллаштириш, унинг ходимлари иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади»;

15-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«15. Бош вазир ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши назорат ва таҳлил қилинишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг жорий иш режаларини шакллантиришда қатнашади ва уларнинг ижросини ташкил қилади;

Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири масалаларни кўриб чиқиши учун зарур бўлган ахборот-маълумотнома ва бошқа материалларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маърузалари ва нутқларини тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўтказадиган йиғилишлар ва мажлислар, шу жумладан Ҳукумат комиссиялари мажлислари тайёрланишини ҳамда ўтказилишини ташкил этади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, топшириқлар ва кўрсатмаларнинг бажарилиши тўғрисида Котибият мудирига ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига белгиланган муддатларда ахборот беради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири номига келган хат-хабарларни таҳлил қилади, тегишли материаллар тўғрисида ахборот беради ҳамда хат-хабарлар юзасидан топшириқларни белгиланган тартибда ижрочиларга юборади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари қабул қилинишини таъминлайди;

Ижро этувчи аппаратнинг таркибий бўлинмалари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан фуқаролар қабул қилинишини ташкил этади, Бош вазир ва Котибият мудирининг топшириғига биноан фуқароларни шахсан қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири топшириқларини бажарувчиларга етказиши, Бош вазирнинг топшириқлари ва кўрсатмалари бажарилишини назорат қилади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмаларидан зарур маълумотномаларни, ахборот материалларни сўраб олади»;

16-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошидаги «Аппарати» сўзи «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банднинг бешинчи хатбошидаги «Аппарати» ва «Аппарати таркибий бўлинмалари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппарати» ва «Ижро этувчи аппарати таркибий бўлинмалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг **«Қиймат ва моддий балансларнинг тасдиқланган параметрлари бажарилишининг самарали мониторинги олиб борилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 февралдаги 16-сон қарорининг** 8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати Раҳбари Р.В. Абдуқодиров» сўзлари «Ўзбекистон Республи-

каси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов» сўзлари билан алмаштирилсин.

**8. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 апрелдаги 180-ф-сон фармойишида:**

а) «Тошкент» халқаро аэропортининг алохида муҳим йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 1-руйхати 4-бандининг 4.2-кичик бандидаги «Аппарат Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ва унинг ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси аэропортларининг расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали тўғрисидаги низомга илованинг 1-руйхати 4-бандининг 4.2 ва 4.4-кичик бандларидаги «Аппарат Раҳбари» ва «аппарати» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» ва «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин.

**9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 22 мартдаги 56-сон қарорида:**

1) 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари Р.В. Абдуқодиров» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) 1-иловада:

1, 2 ва 5-бандлардаги «Аппаратининг», «Аппаратини» ва «Аппаратининг» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини» ва «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Аппаратида» ва «Аппарати Раҳбарининг» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» ва «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишни таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

16-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари бўйича мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш юзасидан мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосда мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

мутахассисларнинг, департаментнинг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давр учун иш режаларида тасдиқланган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирларни амалга оширишнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида департамент мудирига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, шўъба мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига бириктилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

18-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти

дентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

19-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,

қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудирини билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

3) 2-иловада:

1, 2 ва 5-бандлардаги «Аппаратининг», «Аппаратини» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини», сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Аппаратида», «Аппарати Раҳбарининг» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» ва «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Департамент мудирини:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишлари-

ни ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

16-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари бўйича мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш юзасидан мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўрин-

босарлари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосда мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

мутахассисларнинг, Департаментнинг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давр учун иш режаларида тасдиқланган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирларни амалга оширишнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида Департамент мудирига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, шўъба мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

18-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда

республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

19-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республи-

ка иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудирини билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

4) 3-иловада:

1, 2 ва 5-бандлардаги «Аппаратининг», «Аппаратини» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбоши куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбари» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Аппаратида» ва «Аппарати Раҳбарининг» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» ва «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Департамент мудирини:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишлари-



ни ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

16-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари бўйича мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш юзасидан мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўрин-

босарлари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосда мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

мутахассисларнинг, Департаментнинг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давр учун иш режаларида тасдиқланган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш мувофиқлаштирилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида Департамент мудирига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан иктисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, шўъба мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирининг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

18-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда

республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказиши;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

19-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республи-

ка иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудирини билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади».

10. Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 26 сентябрдаги 204-сон қарорида:**

а) 4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати Раҳбари Р.В. Абдуқодиров» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

1, 2 ва 5-бандлардаги «Аппаратининг», «Аппаратини» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

7-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Аппаратида» ва «Аппарати Раҳбарининг» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида», «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» ва «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Департамент мудир:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

Департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Департамент мутахассисларининг иш режаларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукуматининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан ахборот-таҳлил департаменти мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

16-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари бўйича мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш юзасидан мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосарлари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосда мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

мутахассисларнинг, Департаментнинг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давр учун иш режаларида тасдиқланган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш мувофиқлаштирилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида департамент мудирига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, шўъба мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Департамент мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

18-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки республика ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланган борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотида мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

19-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи

ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Департамент мудирига, шўба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўба мудирини билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади».

11. Вазирлар Маҳкамасининг «**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**» **2008 йил 14 январдаги 6-сон қарорида:**

а) 3-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аппарати Раҳбари Р.В. Абдуқодиров» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси С.Х. Бекенов» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

1-банддаги «аппаратининг», 2-банднинг саккизинчи хатбошидаги «аппаратини», 5-банддаги «Аппаратининг», 8-банд «а» кичик бандининг иккинчи ва бешинчи хат-



бошидаги «Аппарати» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратининг», «Ижро этувчи аппаратини», «Ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Йиғма департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига бўйсунди ҳамда айни пайтда унинг фаолияти Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан мувофиқлаштирилади»;

9-бандда:

бешинчи ва еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг», «Аппарати Раҳбарига» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппарат бошқарувчисининг», «Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Аппаратининг» сўзи «Ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банднинг ўн иккинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарининг» сўзлари «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошидан «халқаро шартномаларни экспертиза қилиш бўйича етакчи мутахассис (юрист)» сўзлари чиқариб ташлансин;

15-банднинг биринчи хатбошидаги «Аппаратида» ва «Аппарати Раҳбарининг» ва «Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппаратида» «Ижро этувчи аппарати бошқарувчисининг» ва «Ижро этувчи аппаратининг бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Йиғма департамент мудури:

Йиғма департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринбосарлари, шўъба мудирлари, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Йиғма департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Йиғма департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назоратни таъминлайди;

тегишли тармоқлар, соҳалар ва республика ҳудудларида иқтисодий ислохотларнинг аҳволи ва натижадорлиги тўғрисида тизимли мониторингни ва маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммоли масалаларни ҳал этиш, тармоқлар ва республика ҳудудларини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифаларини амалга ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

Йиғма департаментнинг тасдиқланган тузилмаси ва штатлар жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия этиладиган номзодлар, мутахассисларнинг касб даражасини ва ишчанлик малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси билан келишган ҳолда комплекс раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

мутахассислар ўртасида вазифаларнинг тақсимотини, шунингдек Комплекснинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тегишли комплекс раҳбари тасдиқлаши учун киритади, Йиғма департамент таркибий бўлинмалари ва мутахассисларининг иш режасини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тушган, республика Ҳукума-

тининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси томонидан Йиғма департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ижро этувчи аппаратда амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди»;

18-банднинг бешинчи ва еттинчи хатбошидаги «Аппарати Раҳбарига», Аппарати Раҳбари» сўзлари тегишли равишда «Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига», «Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Шўъба мудир:

шўъба мутахассислари ишларини мувофиқлаштиради ҳамда шўъбага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

шўъбага биркитилган масалалар, тегишли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республика ҳудудлари бўйича мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик материаллар ва бошқа материаллар, шунингдек қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

кабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларини амалга ошириш юзасидан мутахассислар томонидан ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режалари тайёрланишини, уларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланишини мувофиқлаштиради, эришилган натижаларнинг доимий асосда мониторинги олиб борилишини таъминлайди;

мутахассисларнинг, департаментнинг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давр учун иш режаларида тасдиқланган масалаларни ўрганиш ва чора-тадбирларни амалга ошириш мувофиқлаштирилишини таъминлайди, танқидий таҳлил асосида Йиғма департамент мудирига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига кўриб чиқиш учун тегишли таклифлар киритади;

мутахассислар томонидан иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари, соҳалари ва секторлари, шунингдек республика ҳудудлари бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

маълумотнома материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Йиғма департамент мудирига, мудир ўринбосарига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига, Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

ислохотларни чуқурлаштириш, республикани, тармоқлар ва ҳудудларни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, шунингдек тегишли масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Йиғма департамент мудирини ўринбосарига, мудирига такдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралараро комиссиялар, кенгаш-

лар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, шўъба мутасаддилик қиладиган соҳага кирадиган масалалар бўйича Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда қатнашади;

Йиғма департамент мудирининг топшириғига биноан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ҳамда ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

вазифалар тақсимотиға мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

20-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Йиғма департаментнинг бош мутахассиси:

функционал вазифаларға мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Йиғма департамент мудирига, шўъба мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади ҳамда республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларининг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат

комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассис фаолиятини назорат қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади;

21-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«21. Йиғма департаментнинг етакчи мутахассиси:

функционал вазифаларга мувофиқ таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши, топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича зарур таҳлилий материаллар ва эксперт таклифлар тайёрлайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Регламентига мувофиқ уларнинг зарур тарзда келишилишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида Йиғма департамент мудирига, унинг ўринбосарига, шўъба мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига ва Ижро этувчи аппарат бошқарувчисига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режаси ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, республика иқтисодиёти тегишли тармоқлари ва соҳалари ёки ҳудудлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ижро этилишини тизимли назорат қилади;

тегишли функционал масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари марказий аппаратлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари таркибий бўлинмалари (иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишининг ҳолати ва натижадорлигини доимий асосда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат

комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ижро этувчи аппарат бошқарувчиси ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

шўъба мудири билан келишган ҳолда ўз ижросида бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан муҳокама қилади;

вазифалар тақсимотига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади»;

22-банд чиқариб ташлансин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 176 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 21 май,  
101-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 21 майдаги 101-сон қарорига  
ИЛОВА

#### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар

ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан энгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 9-банднинг ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Экспертлар кенгаши ташаббускор таклифининг тасдиқланган мезонларга мувофиқлигини ўрганиб ҳамда ишчи органнинг дастлабки баҳоси натижаларини кўриб чиқиб ўн иш кунни мобайнида бундан кейин ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида расмий хулоса беради»;

б) 10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашини ишлаб чиқиш Экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланадиган энгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини танлаб олиш бўйича мезонлар асосида амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандида назарда тутилган тегишли талабларга мувофиқ бўлган лойиҳалар бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш кўрсатиб ўтилган низомнинг IV бўлимига мувофиқ амалга оширилади»;

в) 11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши экспертизадан ўтказиш учун «Ўзбек-енгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясига берилади. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашини «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида экспертизадан ўтказиш лойиҳа бўйича қабул қилинган технологик ечимни (фойдаланиладиган технологиялар даражаси, асбоб-ускуналарнинг — технологик жараённинг тавсия этилаётган занжирининг комплекслиги, юқори сифатли ва кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимининг мавжудлиги, хом ашё базаси билан таъминланганлик, шунингдек умуман тармоқ бўйича лойиҳани амалга оширишнинг комплекслиги) баҳолаш юзасидан икки ҳафта муддатда амалга оширилади. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашини «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясида экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра ташаббускор уни кўриб чиқиш учун Экспертлар кенгашига киритади»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг техник-иқтисодий асослаш юзасидан эксперт хулосаси»;

еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Лойиҳа ташаббускори «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хулосасига рози бўлмаган тақдирда Экспертлар кенгашига асосланган эътирозни тақдим этиш ҳуқуқига эга. Экспертлар кенгаши лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашини «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси хулосаларини, шунингдек лойиҳа ташаббускори фикрини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади»;

г) 14-банднинг «в» кичик бандидаги «лоийҳанинг техник-иқтисодий асослаши бўйича бир ёки бир нечта ваколатли экспертиза органларининг салбий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 15-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

е) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши бўйича Экспертлар кенгашининг ижобий қарори лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашида назарда тутилган шартлар, талаблар ва параметрларга мувофиқ лойиҳани келгусида амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Ушбу Низомнинг 10-банди учинчи хатбошида назарда тутилган лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослашини тасдиқлаш лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши бўйича Экспертлар кенгашининг ижобий қарори олингандан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг IV бўлимига мувофиқ амалга оширилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 6-сон, 34-модда):

а) 1-бандда:

«г» кичик банддаги «камида 25 фоиз» сўзлари «50 фоиздан ортиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

«д» кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. ДТИА (ДТИХ) лойиҳа ташаббускори ёки унинг буюртмаси бўйича лойиҳалаш ташкилоти ёки инжиниринг компанияси томонидан ишланма юзасидан топширик асосида ишлаб чиқилади.

Лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқувчи, агар фаолиятнинг ушбу турини амалга ошириш учун лицензия олиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, тегишли соҳада объектларни лойиҳалаштириш учун лицензияга эга бўлиши керак.

Лойиҳалаштиришнинг сифати учун жавобгарлик ишлаб чиқувчига юкланади»;

в) 9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Фақат ушбу Низомнинг 1-банди «б» кичик бандига мувофиқ амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳанинг ТИА (ТИХ)ни лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни ишлаб чиқмасдан ишлаб чиқишга йўл қўйилади»;

г) 11-банддан «танлов асосида» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 12-бандда:

«в» кичик банддан «техник даражаси ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Саноатнинг базавий тармоқларида (электр энергетикаси, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноатда) инвестиция лойиҳасининг ДТИА (ДТИХ) ва ТИА (ТИХ) фақат «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техник кенгашининг ижобий хулосасидан кейин ушбу бандда кўрсатилган ваколатли органларга экспертиза қилиш учун киритилади»;

е) 13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Лойиҳа ташаббускори Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига ДТИА (ДТИХ)ни тегишли тушунтириш хатини, кўриб чиқиладиган материалларни, шунингдек ушбу Низомнинг 12-бандида кўрсатилган ваколатли экспертиза органларининг хулосаларини илова қилган ҳолда икки нусхада киритади»;

ж) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаменти уч кун

муддатда ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ)ни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжатни тайёрлайди ва икки кун муддатда Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари комплекси раҳбари билан келишиш учун Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига тақдим этади»;

з) 15-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

и) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. ДТИА (ДТИХ) Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Комплекси раҳбари томонидан тасдиқланган лойиҳанинг ДТИА (ДТИХ) ҳар бир саҳифасига «20\_\_ й. \_\_\_\_\_да \_\_\_\_\_-сон билан тасдиқланган» деган ёзувли штемпель билан мажбурий белги қўйилади. Тасдиқланган ДТИА (ДТИХ)нинг бир нусхаси лойиҳа ташаббускорига берилади, иккинчи нусхаси эса Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Ахборот-таҳлил департаментига қолади, лойиҳанинг ТИА (ТИХ) тасдиқланганда — Вазирлар Маҳкамасининг Умумий бўлимига берилади».

к) 20-бандда:

иккинчи хатбошидаги «қарори» сўзи «қабул қилинадиган қарори» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниши зарурлигини асослайдиган кўриб чиқиладиган материаллар билан биргаликда тегишли тушунтириш хатини»;

учинчи — бешинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи — олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

л) 21-банддаги «қарори» сўзи «қабул қиладиган қарори» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 22-банддаги «қарори» ва «қарорига» сўзлари «қабул қиладиган қарори» ва «қабул қиладиган қарорига» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 23-бандга қуйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) ҳар бир саҳифасига «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20\_\_ й. \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сон \_\_\_\_\_ билан тасдиқланган» деган ёзувли штемпель билан мажбурий белги қўйилади»;

о) V бўлим ва 31-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

п) 36-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«36. Лойиҳани молиялаштириш (биргаликда молиялаштириш) тўғрисидаги жамғармани бошқариш бўйича Кенгашнинг қарори, лойиҳанинг тасдиқланган ДТИА (ДТИХ) асосида инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) ишлаб чиқилади.

Жамғарма маблағлари ҳисобига молиялаштириш (биргаликда молиялаштириш) тавсия қилинаётган инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) саноатнинг базавий тармоқларида (электр энергетикаси, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноатда)ги лойиҳалар бўйича «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти билан келишилиши керак (инвестиция лойиҳасининг ТИА (ТИХ) ишлаб чиқувчиси «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ҳисобланган ҳоллар бундан мустасно»);

р) Инвестиция лойиҳасини техник-иқтисодий асослаш (ТИА)нинг намунавий таркибида (5-илова):

11.4-11.5-бандлар қуйидаги мазмундаги 11.4 — 11.8-бандлар билан алмаштирилсин:

«11.4. Иқтисодий самарадорликни баҳолаш;



11.5. Қарзга олинган маблағларнинг (улардан фойдаланилган тақдирда) қопланишини ва ўз вақтида қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда молиявий самарадорликни баҳолаш, валютанинг қопланиши;

11.6. Лойиҳанинг асосий таваккалчиликларга сезгирлиги;

11.7. Соф жорий қиймат кўрсаткичлари ва капитал қўйилмалар ички қайтарилувчанлигининг иқтисодий нормаси;

11.8. Молиявий натижаларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини баҳолаш»;

15-бандга «11.5» рақамларидан кейин «11.8» рақамлари қўшилсин;

с) Лойиҳани техник-иқтисодий асослашнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларининг 9-бандидаги (6-илова) «қайтариш» сўзи «тақдим этиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**177** **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Чакана савдода электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни тўлаш тизimini янада такомиллаштириш, электрон тижоратнинг жадал ривожлантирилишини рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 21 май,  
102-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2008 йил 21 майдаги 102-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва

чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбошидаги «шахсларга» сўзидан кейин «шунингдек электрон тижоратга нисбатан» сўзлари қўшилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 94-модда) 4-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тижорат чакана савдо тўловлари тизимларининг транзакциялари («электрон чеклар»)дан кўчирмалар квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади».

—

+

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**178 Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг  
тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 22 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 158-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат қарорлари тўплами, 1992 йил, 12-сон, 37-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2006 йил 8 февралдаги 10-сонли «Суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2006 йил 22 апрель, рўйхат рақами 1565 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 17-сон, 144-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 апрель,  
41-сон

Молия вазирининг  
2008 йил 22 апрелдаги 41-сон  
буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15 сон, 158-модда) мувофиқ, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти нормативларини ва уларни аниқлаш тартибини, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларни белгилайди.

### І. Умумий шартлар

1. Мазкур Низом давлат ижтимоий суғурта ташкилотларига нисбатан қўлланилмайди.

2. Мазкур Низом мақсадларида қўлланиладиган асосий тушунчалар:

**суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активлари** — суғурталовчи (қайта суғурталовчи) назоратида бўлган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолияти натижасида олинган иқтисодий ресурслар;

**Давсуғуртаназорат** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекцияси;

**қайта суғурта қилиш шартномаси** — шартнома бўлиб, унга мувофиқ, қайта суғурталовчи қайта суғурта қилиш шартномасида келишилган тўлов (қайта суғурта мукофоти) эвазига қайта суғурта қилиш шартномаси шартлари асосида қайта суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси бўйича аниқланган суғурта товонини (суғурта суммасини) тўлаш мажбурияти билан боғлиқ харажатларини тўлиқ ёки қисман қайта суғурта қилдирувчига (ёки у томонидан кўрсатилган бошқа шахсга) қоплаб бериш мажбуриятини олади;

**ҳисобланган суғурта мукофоти** — пул маблағлари қачон олинганлигидан қатъи назар, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта мукофоти (қайта суғурта мукофоти);

**ҳисобланган суғурта товони** — пул маблағлари қачон тўланганлигидан қатъи назар, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича ҳисобот даврида ҳисобланган суғурта товони;

**қайта суғурта қилиш** — суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши;

**қайта суғурта қилдирувчи** — ўзига қабул қилган таваккалчиликларни қайта суғуртага берувчи суғурталовчи (қайта суғурталовчи);

**қайта суғурталовчи** — фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга ёхуд суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга

эга тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс, ўзи жойлашган давлат қонунчилигига мувофиқ, қайта суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга чет эл суғурта ташкилоти;

**суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти** — суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилияти. Тўлов қобилиятининг асоси бўлиб, шакллантирилган устав капитали, етарли суғурта захиралари, шунингдек қайта суғурта қилиш тизимининг мавжудлиги ҳисобланади;

**боғлиқ шахслар** — суғурталовчи (қайта суғурталовчи) билан алоҳида муносабатларга эга бўлган юридик ёки жисмоний шахслар, яъни:

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) Кузатув кенгаши ёки бошқа ваколатли органи таркибидаги ҳар қандай шахс, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) устав капиталида 20 фоиздан ортиқ улушга эга ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс, ёки ушбу юридик шахснинг ҳар қандай раҳбари ёки йирик акциядорлари (таъсисчилари), шунингдек уларнинг яқин қариндошлари;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) фаолиятини қонунчиликка мувофиқ назорат қилувчи юридик шахслар ва уларнинг бошқарувчилари;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) улуши устав капиталида 20 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, ушбу юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ва уларнинг яқин қариндошлари.

Юқорида кўрсатилган шахслардан бири билан боғлиқ шахс уларнинг ҳар бири билан боғлиқ шахс бўлиб ҳисобланади;

**ўзида қолдирилган улуш** — суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича қабул қилинган, қайта суғуртага ўтказиш ман этилган суғурта мажбуриятлари ҳажми;

**суғурта мукофотлари** — сўм ёки чет эл валютасида тўланадиган, ҳисоблаш тартиби ва миқдори суғурта шартномаси билан белгиланадиган, суғурта қилдирувчи томонидан суғурталовчига тўланадиган бадаллар;

**тўлов қобилияти маржаси** — суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активлари ва у томонидан қабул қилинган суғурта мажбуриятлари ўртасидаги мутаносиблик;

**ҳисобот даври** — 1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йил. Бунда мазкур Низомга мувофиқ ҳисоб-китоблар ва маълумотлар тузиладиган ҳисобот даври деб, ҳисобот йилининг 1 январидан ҳар бир чорагининг охириги календарь кунигача бўлган давр қабул қилинади;

**ҳисобот санаси** — мазкур Низомга мувофиқ ҳисоб-китоблар ва маълумотлар тузиладиган ҳисобот даврининг охириги календарь куни;

**алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятлар** — суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича қабул қилинган ва ҳисобот санасида амалда бўлган суғурта мажбуриятлари;

**суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) мажбуриятлари жамининг миқдори** — суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан бешта энг йирик алоҳида таваккалчиликлар (суғурта шартномалари) бўйича қабул қилинган ва ҳисобот санасида амалда бўлган суғурта мажбуриятларининг ҳажми;

**ўз маблағлари манбаларининг суммаси** — ҳисобот даври охирига, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) баланси пассив қисмининг биринчи бўлими бўйича жами;

**суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) раҳбари** — қонунчилик ва суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) таъсис ҳужжатларига мувофиқ тайинланиши ёки сайланиши натижасида, тузилган меҳнат шартномасига асосан суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ягона ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланадиган ёки суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) коллегиял ижро этувчи органи устидан бошқарадиган жисмоний шахс.

3. Тўлов қобилияти нормативлари қуйидагилардан иборат:

тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи;

алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори;

суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори.

4. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти кўрсаткичини аниқлаш учун охириги ҳисобот санасига суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, шунингдек, ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланадиган маълумотлардан фойдаланилади.

5. Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) тўлов қобилиятининг кўрсаткичи бўлиб, улар томонидан мазкур Низом билан белгиланган тўлов қобилияти нормативларига, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилиниши ҳисобланади.

## II. Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи

6. Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 1 дан кам бўлмаслиги шарт.

7. Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорини тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдorigа бўлган нисбатига тенг бўлиб, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{ТҚМЕН} = \frac{\text{ТҚМХМ}}{\text{ТҚМНМ}}, \text{ бу ерда:}$$

ТҚМЕН — тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи;

ТҚМХМ — тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори;

ТҚМНМ — тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори.

8. Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори бўлиб, қуйидаги учта миқдорнинг энг каттаси ҳисобланади:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори;

«мукофотлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор;

«тўловлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор.

9. «Мукофотлар усули» бўйича миқдор умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициентни ўтган ўн икки ой мобайнида барча суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммасидан ушбу давр мобайнида тузилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларининг бекор қилиниши (шартлари ўзгариши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта

қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофотларини чегириб қолиб аниқланган миқдорнинг 20 фоизига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Бунда 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари 50 фоизга оширилади.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача ўн икки ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда лицензия олинган вақтдан ҳисобот санасигача бўлган даврни ҳисоб даври сифатида қўллайди.

10. «Тўловлар усули» бўйича миқдор, умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициентни қуйидаги кўрсаткичлар суммасининг 10 фоизини ташкил этувчи миқдорга кўпайтириш йўли билан ҳисобланади:

ўтган ўттиз олти ой мобайнида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари суммаси. Бунда 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича суғурта товонлари 50 фоизга оширилади.

Ҳисобот санасига хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси. Бунда 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси 50 фоизга оширилади.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача ўттиз олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда лицензия олинган вақтдан ҳисобот санасигача бўлган даврни ҳисоб даври сифатида қўллайди.

11. Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонларидан қайта суғурталовчиларнинг улушларини чегириб қолинган суммани ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммасига нисбати сифатида ҳисобланади. Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент 0,5 дан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ҳисоб-китоб натижасида аниқланган катталиқ 0,5 дан кам бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент сифатида 0,5 қабул қилинади.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача ўттиз олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент сифатида 1,0 қабул қилади.

12. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун тўлов қобиляти маржасининг норматив миқдори бўлиб, қуйидаги миқдорларнинг энг каттаси ҳисобланади:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори;

қуйидаги икки миқдорнинг йиғиндиси:

а) мукофотлар захирасининг 5 фоизини ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун тузатувчи коэффициентга кўпайтмаси;

б) умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 класслари учун тузатувчи коэффициентни (мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳисобланган) қуйидаги миқдорларнинг энг каттасига кўпайтмаси:

ўтган ўн икки ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммасидан ушбу давр мобайнида тузилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларининг бекор қилиниши (шартлари ўзгариши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофотларини чегириб қолиб аниқланган миқдорнинг 20 фоизи;

ўтган ўттиз олти ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари ва ҳисобот санасига умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларга оид хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси йиғиндисининг 10 фоизи.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) биринчи маротаба белгиланган тартибда суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олган вақтдан сўнг ҳисобот санасигача мос равишда ўн икки ёки ўттиз олти ойдан кам вақт ўтган бўлса, ҳисобкитобларни амалга оширишда лицензия олинган вақтдан ҳисобот санасигача бўлган даврни ҳисоб даври сифатида қўллаиди.

Ушбу банднинг «б» кичик банди, агар ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчи умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 класслари бўйича ҳам суғурта фаолиятини амалга оширадиган бўлса, қўлланилади.

13. Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун тузатувчи коэффициент қайта суғурталовчиларнинг мукофотлар захирасидаги улуши чегириб қолинган мукофотлар захирасининг мукофотлар захирасига нисбати сифатида ҳисобланади. Ҳаёт суғуртаси соҳаси учун тузатувчи коэффициент 0,85 дан кам бўлиши мумкин эмас. Агар ҳисобкитоб натижасида аниқланган катталик 0,85 дан кам бўлса, ҳисоб-китобни амалга оширишда ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун тузатувчи коэффициент 0,85 сифатида қабул қилинади.

14. Тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз маблағлари манбаларининг суммасидан қуйидаги кўрсаткичлар суммасини чегириш орқали аниқланади:

номоддий активлар, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг 10 фоизидан ошмаган миқдордаги суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) асосий фаолияти учун харид қилинган дастурий таъминот бундан мустасно (бу ҳолатда дастурий таъминот бошланғич баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади);

таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи;

мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захира-лар;

таъсисчилар (акциядорлар) ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган тақсимланмаган фойданинг қисми;

таъсисчиларга, акциядорларга ва ходимларга берилган қарзлар, шунингдек ушбу қарзлар бўйича жамғарилган фоизлар;

дебитор-боғлиқ шахсларнинг қарзлари;

суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта (қайта суғурта) мукофотлари;

берилган кафолатлар;

солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар.



**III. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори ва мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори**

15. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори суғурта захиралари ва ўз маблағлари манбалари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи), агарда олинган мажбуриятларнинг нормативдан ортган қисми мазкур Низомга мувофиқ қайта суғурталанган бўлса, алоҳида таваккалчиликлар бўйича мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган нормативдан ортиқ миқдорда мажбуриятларни олишга ҳақли.

Бош полис бўйича суғурта амалга оширилганда, суғурталовчининг алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятлари миқдори бош полиснинг амал қилиш доирасига кирувчи ҳар бир суғурта полиси бўйича ҳисобланади.

16. Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун мажбуриятлар жамининг миқдори ўз маблағлари манбалари суммасининг 200 фоизидан ошмаслиги шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи), агарда олинган мажбуриятларнинг нормативдан ортган қисми мазкур Низомга мувофиқ қайта суғурталанган бўлса, мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори бўйича мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган нормативдан ортиқ миқдорда мажбуриятларни олишга ҳақли.

**IV. Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) активларини жойлаштиришга оид талаблар**

17. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа юридик шахсларнинг устав капиталарига жойлаштирган активларининг умумий суммаси, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) устав капиталининг 50 фоизи миқдори билан чегараланади.

18. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ушбу юридик шахснинг устав капиталининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт (агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса), суғурта фаолияти, шунингдек суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган шўъба корхоналар бундан мустасно.

19. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активлари кўчмас мулк объектларига жойлаштирилганда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг 50 фоизидан ортиғини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектига ёхуд битта объект сифатида кўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

20. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг 40 фоизидан ошмаслиги шарт.

21. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларидан ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштириш-

да, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.

22. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларининг 30 фоизидан ошмаслиги шарт.

23. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини қуйидаги йўллар билан жойлаштириш тақиқланади:

интеллектуал мулкка қўйилмалар (дастурий таъминот, маълумотлар базаси, адабиёт, фирма номлари ва товар белгиларини харид қилиш бундан мустасно);

мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар билан қарз шартномасини тузиш (молиявий ёрдам бериш).

24. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз таъсисчилари, акциядорлари ва ходимларига, шунингдек у билан ҳаёт суғуртаси шартномасини тузган суғурта қилдирувчиларга ушбу шартномалар билан кафолатланган қарзлар беришга ҳақли. Бунда берилган қарзларнинг умумий суммаси суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) устав капиталининг 10 фоизидан ошмаслиги шарт.

25. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) ўз маблағлари манбалари суммасининг 30 фоизидан ошган ҳажмдаги қарзларни (молиявий ёрдамни) фақат Давсуғуртаназоратни хабардор этгандан сўнггина, олишга ҳақли.

26. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) касса ва/ёки ҳисоб (валюта) ва бошқа банк рақамларида ўтган ўн икки ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммасининг 3 фоизидан кам бўлмаган миқдорда пул маблағларига эга бўлиши шарт.

27. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан боғлиқ шахсларга имтиёзли шартларни тақдим этиш тақиқланади. Имтиёзли шартларни тақдим этиш қуйидагиларни англатади:

моҳияти, мақсади, ўзига хос хусусиятлари ва таваккалчилигига кўра, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа шахслар билан, агар улар билан алоҳида муносабатлар бўлмаган тақдирда, тузмайдиган битимни тузиши;

суғурталовчи (қайта суғурталовчи) фойдасига бошқа мижозлардан талаб қилинадиган суммалардан кам бўлган фоизларни, бадалларни ундириш, инвестицияларнинг таъминоти сифатида гаровга қабул қилиш, шунингдек, бошқа тўловларни қабул қилиш;

етарли асосларсиз инвестиция маблағларининг қайтарилишини кечиктириш.

28. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) боғлиқ шахслар билан фаолиятининг кўрсаткичлари суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан битта ёки барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активлар суммасининг суғурталовчи (қайта суғурталовчи) устав капиталига нисбати сифатида аниқланади:

$$СК = \frac{СА \times 100\%}{УК} \quad \text{ёки} \quad СК = \frac{УС \times 100\%}{УК}, \text{ бу ерда:}$$

СК — суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) барча боғлиқ шахслар билан фаолиятининг кўрсаткичлари;

СА — суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активлар;

УС — барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси;

УК — устав капитали.

29. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) устав капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги шарт, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси суғурталовчи (қайта суғурталовчи) устав капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги шарт.

Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларни боғлиқ шахсларда фақат суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) Кузатув кенгаши ёки бошқа ваколатли органи рухсати билан инвестиция қилинаётган маблағларнинг ликвидлиги, фойдалилиги ва қайтарилишини, шунингдек мазкур Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланган техник-иқтисодий асосланиш (бизнес-режа) асосида жойлаштиришга ҳақли.

30. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) дастлабки икки йиллик фаолияти давомида боғлиқ шахсларда жойлаштириш тақиқланади.

31. Хусусий мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ гаровга берилганда, кафолат берилганда ёхуд балансда акс этмаган бошқа мажбурият қабул қилинганда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) 5 кундан кечикмаган муддатда Давсуғуртаназоратни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

#### **V. Қайта суғурта қилиш операцияларига оид талаблар**

+

32. Суғурталовчилар таваккалчиликларни фақат уларда мавжуд лицензияда кўрсатилган класслар бўйича қайта суғурта қилишга ҳақли.

33. Қайта суғурта қилдирувчи таваккалчиликларни фақат тасдиқланган қайта суғурталовчиларга қайта суғуртага беришга ҳақли.

Тасдиқланган қайта суғурталовчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга суғурталовчи;

б) суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга ва устав капиталининг шакллантирилган қисми фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчи учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига эга суғурталовчи;

в) ҳисобот йили бошига қуйидаги рейтинглардан бирига эга чет эл суғурта ташкилоти:

«Moody's Investors Services» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «Вaa3»-дан паст бўлмаган;

«Standard & Poog's Corporation» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «ВВ+»дан паст бўлмаган;

«Fitch, Inc» (Буюк Британия) агентлиги таснифи бўйича «ВВ-»дан паст бўлмаган;

«А.М. Best Company, Inc.» (АҚШ) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «В+»дан паст бўлмаган;

«Эксперт-РА» (Россия Федерацияси) рейтинг агентлиги таснифи бўйича «А++»дан паст бўлмаган.

34. Мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига қайта суғуртага берилган мажбуриятлар ҳажми

-

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳажмининг 95 фоизидан ошмаслиги шарт.

35. Мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, ўзида қолдирилган улушнинг энг кам миқдори суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорининг 5 фоизидан ортиқ ёки тенг бўлиши шарт, экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш ва чет элга чиқувчи шахсларни суғурта қилиш шартномалари бундан мустасно.

Бунда ўзида қолдирилган улушнинг энг кам миқдорини ҳисоблаш учун суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ўтган чоракдаги тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори қўлланилади.

**VI. Тўлов қобилияти нормативлари ҳисоб-китобини ва суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида маълумотлар тақдим этиш тартиби ва муддатлари**

36. Суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) тўлов қобилияти нормативлари ҳисоб-китобини ва суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак, чорак ўтгандан кейинги ойнинг 25 санасигача Давсуғуртаназоратга тақдим этишади.

37. Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчининг тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

38. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчининг тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

39. Алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдорига, ҳамда суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини жойлаштиришга оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тақдим этилади, суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ҳисоб-китоби ва суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан битта боғлиқ шахс ёки барча боғлиқ шахсларга жойлаштирилган активлар суммаси ҳисоб-китоби бундан мустасно.

40. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

41. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) битта боғлиқ шахс ёки барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активлари суммаси ҳисоб-китоби мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

42. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) қайта суғурта қилиш операция-

ларига оид талабларга риоя қилганлиги тўғрисидаги маълумотлар мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

**VII. Тўлов қобилияти нормативларига ва суғурталовчилар  
(қайта суғурталовчилар) активларини жойлаштиришга оид,  
шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга  
риоя қилмаслик оқибатлари**

43. Ҳисобот давридаги (чорак, ярим йил, 9 ой, 1 йил) фаолият якунлари бўйича тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 1 дан 0,5 гача камайган тақдирда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) камчилик аниқланган санадан бошлаб ўн кун ичида молиявий аҳволни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқади ва Давсуғуртаназоратга келишиш учун тақдим этади.

44. Чора-тадбирлар мажмуаси камчилик аниқланган санадан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддат учун ишлаб чиқилади ва молиявий аҳволни барқарорлаштириш тадбирларини, муддати ва ушбу тадбирдан кутилаётган натижалари кўрсатилган ҳолда, ўз ичига олиши лозим. Чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш муддатининг охирига режалаштирилган суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) тўлов қобилияти кўрсаткичлари ҳисоб-китоби чора-тадбирлар мажмуасига илова қилинади.

Чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишда, суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) молиявий аҳволини энг қисқа муддатларда соғломлаштиришга олиб келувчи чора-тадбирлар устувор, деб қаралиши лозим.

Чора-тадбирлар мажмуасида устав капитали миқдорининг ўзгариши, қайта суғурта қилиш операцияларининг кенгайтирилиши, тариф сиёсатининг ўзгартирилиши, дебитор ва кредитор қарзларнинг қисқартирилиши, активлар тузилмасининг ўзгариши, шунингдек тўлов қобилиятини сақлаб турувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усулларнинг қўлланилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

45. Зарур ҳолларда, Давсуғуртаназорат суғурталовчига (қайта суғурталовчига) вужудга келган ҳолатнинг сабабларини ўрганиш ва суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқишга қўмаклашиш учун ўзининг вакилини юбориш ҳуқуқига эга.

46. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) раҳбари томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуаси Давсуғуртаназоратга икки нусхада тақдим этилади. Агар чора-тадбирлар мажмуасида устав капиталини таъсисчилар (акциядорлар) маблағлари ҳисобидан ўзгартириш назарда тутилган бўлса, чора-тадбирлар мажмуаси таъсисчилар билан келишилган бўлиши керак. Бунда чора-тадбирлар мажмуасида таъсисчилар (акциядорлар) йиғилиши баёнининг рақами ва санаси кўрсатилади.

47. Тақдим этилган чора-тадбирлар мажмуаси ва ҳисоботларнинг таҳлили асосида Давсуғуртаназорат суғурталовчига (қайта суғурталовчига) молиявий аҳволни яхшилаш бўйича маслаҳатлар беради, шунингдек чора-тадбирлар мажмуасида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

48. Ҳисобот давридаги (чорак, ярим йил, 9 ой, 1 йил) фаолият якунлари бўйича тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 0,5 дан камайган тақдирда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) лицензияси(лари)нинг амал қилиши тўхтаб турилади ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилади.

49. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори ёки мажбуриятлари

жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори нормативлари, ҳамда суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинмаган тақдирда, Давсуғуртаназорат суғурталовчига (қайта суғурталовчига) йўл қўйилган камчиликларни энг қисқа, аммо суғурталовчи (қайта суғурталовчи) кўрсатмани олган сандан бошлаб бир ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиши тўғрисида кўрсатма беради.

Камчиликлар белгиланган муддатда бартараф этилгандан сўнг уч кун ичида, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) Давсуғуртаназоратга тегишли ҳисоб-китоблар ва камчиликларни бартараф этилганлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этиши шарт.

50. Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан мазкур Низомда белгиланган норматив ва талабларга риоя қилинмаган, молиявий аҳволни соғломлаштириш бўйича чоралар кўрилмаган, суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) молиявий аҳволини соғломлаштириш чора-тадбирлар мажмуасида кўзда тутилган натижаларга белгиланган муддатда эришилмаган тақдирда, белгиланган муддатда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги Давсуғуртаназорат кўрсатмасини бажармаган тақдирда, суғурталовчи (қайта суғурталовчи) лицензиясининг амал қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилади.

Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ нинг  
(умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчининг тўлиқ номи)

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига  
тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

№ т/р	Нормативнинг номи	Миқдор (минг сўм)
1.	Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори	
2.	Қайта суғурталовчиларнинг улушларини чегириб қолинган ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммаси	
3.	Ўтган ўттиз олти ой мобайнида ҳисобланган суғурта товонлари суммаси	
4.	Умумий суғурта соҳаси учун тузатувчи коэффициент (2-сатр миқдорининг 3-сатр миқдорига нисбати, 0,5 дан кам бўлмаслиги шарт)	
5.	Ўтган ўн икки ой мобайнида барча суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммаси	
6.	Ўтган ўн икки ой мобайнида 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммасининг 50 фоизи	
7.	Ўтган ўн икки ой мобайнида тузилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаларининг бекор қилиниши (шартлари ўзгариши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофотлари суммаси	

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

№ т/р	Нормативнинг номи	Миқдор (минг сўм)
8.	5 ва 6-сатрлар миқдорларининг йиғиндисидан 7-сатр миқдорини чегириб қолиб аниқланган натижанинг 20 фоизи	
9.	«Мукофотлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор (4-сатр миқдорини 8-сатр миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланган миқдор)	
10.	Ўтган ўттиз олти ой мобайнида 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари суммасининг 50 фоизи	
11.	Ҳисобот санасига хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг миқдори	
12.	Ҳисобот санасига 11 ва 13 классларга оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси миқдорининг 50 фоизи	
13.	3, 10, 11 ва 12-сатрлар миқдорлари йиғиндисининг 10 фоизи	
14.	«Тўловлар усули» бўйича ҳисобланган миқдор (4-сатр миқдорини 13-сатр миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланган миқдор)	
15.	Тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори (1, 9 ва 14-сатрларнинг миқдорларидан энг каттаси)	
16.	Ўз маблағлари манбаларининг суммаси (бухгалтерия баланси пассив қисмининг биринчи бўлими бўйича жами суммаси)	
17.	Номоддий активлар суммаси, суғурталовчи активларининг 10 фоизидан ошмаган миқдордаги суғурталовчининг асосий фаолияти учун харид қилинган дастурий таъминот бундан мустасно	
18.	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи суммаси	
19.	Мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар суммаси	
20.	Таъсисчилар (акциядорлар) ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган тақсимланмаган фойда қисмининг суммаси	
21.	Таъсисчиларга, акциядорларга ва ходимларга берилган қарзлар, шунингдек ушбу қарзлар бўйича жамғарилган фоизлар суммаси	
22.	Дебитор — боғлиқ шахсларнинг қарзлари суммаси;	
23.	Суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта (қайта суғурта) мукофотлари суммаси	
24.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар суммаси	
25.	Берилган кафолатлар суммаси	
26.	17-дан 25-гача бўлган сатрлар миқдорларининг йиғиндисидан	
27.	Тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори (16-сатр миқдоридан 26-сатр миқдорининг чегириш орқали аниқланади)	
28.	Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи (27-сатр миқдорининг 15-сатр миқдорига нисбати)	

Чора-тадбирлар мажмуаси илова қилинади / қилинмайди (керак бўлмаганини чизиб учиринг).

Мазкур шаклда берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

(суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Мухр ўрни

Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

НИНГ

(хаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчининг тўлик номи)

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига  
тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

№ т/р	Нормативнинг номи	Миқдор (минг сўм)
1.	Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори	
2.	Қайта суғурталовчиларнинг мукофотлар захирасидаги улуши чегириб қолинган мукофотлар захираси миқдори	
3.	Мукофотлар захираси миқдори	
4.	Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун тузатувчи коэффициент (2-сатр миқдорининг 3-сатр миқдорига нисбати, 0,85 дан кам бўлмаслиги шарт)	
5.	3-сатр миқдорини 4-сатр миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланган миқдорнинг 5 фоизи	
6.	Қайта суғурталовчиларнинг улушларини чегириб қолинган ўтган ўттиз олти ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари суммаси	
7.	Ўтган ўттиз олти ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари суммаси	
8.	Умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 класслари учун тузатувчи коэффициент (6-сатр миқдорининг 7-сатр миқдорига нисбати, 0,5 дан кам бўлмаслиги шарт)	
9.	Ўтган ўн икки ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суммаси	
10.	Ўтган ўн икки ой мобайнида умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид тузилган суғурта (қайта суғурта қилиш) шарт-	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.



№ т/р	Нормативнинг номи	Миқдор (минг сўм)
	номаларининг бекор қилиниши (шартлари ўзгариши) муносабати билан суғурта қилдирувчиларга (қайта суғурта қилдирувчиларга) қайтарилган суғурта мукофотлари суммаси	
11.	9-сатр миқдоридан 10-сатр миқдорини чегириб қолиб аниқланган натижанинг 20 фоизи	
12.	Ҳисобот санасига умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 классларига оид хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг миқдори	
13.	7 ва 12-сатрлар миқдорлари йиғиндисининг 10 фоизи	
14.	11 ва 13-сатрларнинг миқдорларидан энг каттаси	
15.	8-сатр миқдорини 14-сатр миқдорига кўпайтириш йўли билан ҳисобланган миқдор	
16.	5 ва 15-сатрлар миқдорлари йиғиндиси*	
17.	Тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори (1 ва 16-сатрларнинг миқдорларидан энг каттаси)	
18.	Ўз маблағлари манбаларининг суммаси (бухгалтерия баланси пассив қисмининг биринчи бўлими бўйича жами суммаси)	
19.	Номоддий активлар суммаси, суғурталовчи активларининг 10 фоизидан ошмаган миқдордаги суғурталовчининг асосий фаолияти учун харид қилинган дастурий таъминот бундан мустасно	
20.	Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи суммаси	
21.	Мақсадли тушумлар ва келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар суммаси	
22.	Таъсисчилар (акциядорлар) ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган тақсимланмаган фойда қисмининг суммаси	
23.	Таъсисчиларга, акциядорларга ва ходимларга берилган қарзлар, шунингдек ушбу қарзлар бўйича жамғарилган фоизлар суммаси	
24.	Дебитор — боғлиқ шахсларнинг қарзлари суммаси;	
25.	Суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган тўлов санасидан уч ойдан кўп муддат мобайнида суғурта қилдирувчилар (қайта суғурта қилдирувчилар) томонидан тўланмаган суғурта (қайта суғурта) мукофотлари суммаси	
26.	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича дебиторлик қарзлар суммаси	
27.	Берилган кафолатлар суммаси	
28.	19 дан 27-гача бўлган сатрлар миқдорларининг йиғиндиси	
29.	Тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори (18-сатр миқдоридан 28-сатр миқдорининг чегириш орқали аниқланади)	
30.	Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи (29-сатр миқдорининг 17-сатр миқдорига нисбати)	

\* 5 дан 15-гача бўлган сатрлар, фақат ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчи умумий суғурта соҳасининг 1 ва 2 класслари бўйича ҳам суғурта фаолиятини амалга оширадиган бўлса, қўлланилади.

Чора-тадбирлар мажмуаси илова қилинади / қилинмайди (керак бўлмаганини чизиб учиринг).

Мазкур шаклда берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

(суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Мухр ўрни

Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

НИНГ

(суғурталовчи/қайта суғурталовчининг тўлиқ номи)

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига алоҳида  
таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларнинг йўл  
қўйиладиган энг кўп миқдори ва мажбуриятлар жамининг  
йўл қўйиладиган энг кўп миқдори нормативларига риоя  
қилганлиги ҳамда суғурталовчи (қайта суғурталовчи)  
активларини жойлаштиришга оид талабларга риоя  
қилинганлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

№ т/р	Нормативнинг номи	Миқдор (минг сўм)	
		норма-тив	ҳақи-қатда
1.	Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори		
2.	Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) бешта энг катта алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг миқдори (мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори)		
3.	Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси		
4.	Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектга ёхуд битта объект сифатида қўрилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштиришининг энг кўп миқдори		
5.	Битта тижорат банкига жойлаштирилган энг кўп омонат (депозит)		
6.	Кредит ташкилотларига (тижорат банкларидан ташқари) жойлаштирилган омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси		
7.	Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда бошқа иштирок этиш ҳуқуқи		
8.	Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) таъсисчилари, акциядорлари ва ходимларига берилган, шунингдек, у билан ҳаёт суғуртаси шартномасини тузган суғурта қилдирувчиларга берилган ушбу шартномалар билан кафолатланган қарзларнинг умумий суммаси		
9.	Жалб этилган қарзнинг (молиявий ёрдамнинг) энг кўп миқдори		
10.	Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) касса ва/ёки ҳисоб (валюта) ва бошқа банк рақамларидаги пул маблағлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган маблағлар		

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Мазкур шаклда берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)      \_\_\_\_\_ (имзо)      \_\_\_\_\_ (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)      \_\_\_\_\_ (имзо)

Мухр ўрни

+

-

Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг  
тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

178-модда

\_\_\_\_\_ нинг  
(суғурталовчи/қайта суғурталовчининг тўлиқ номи)  
200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига ҳар қандай битта юридик шахснинг  
устав капиталида иштирок этиш улуши  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Юридик шахснинг номи	Юридик шахснинг устав капитали миқдори (минг сўм)	Устав капиталда суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) иштирок этиш миқдори (минг сўм)	Устав капиталда суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) иштирок этиш улуши (%)
1				
2				
3				
4				
...				

Мазкур шаклда берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.) (имзо) (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Мухр ўрни

— 68 —

20-21 (312-313)-сон

+

+

Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг  
тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

20-21 (312-313)-сон

\_\_\_\_\_ **нинг**  
(суғурталовчи/қайта суғурталовчининг тўлиқ номи)  
**200\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига битта боғлиқ шахс ёки барча боғлиқ  
шахсларда жойлаштирилган активлари суммаси**  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/р	Боғлиқ шахс (номи ёки Ф.И.Ш.)	Жойлаштириш тури	Қўйилманинг даромадлиги (йиллик фоизларда)	Жойлаштирилган активлар суммаси	Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) боғлиқ шахслар билан фаолиятининг кўрсаткичи (%)	Норматив (%)
1						15
2						
3						
...						
	Жами					100

— 69 —

Мазкур шаклда берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.) (имзо) (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(Ф.И.Ш.) (имзо)

Мухр ўрни

178-модда

Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
НИНГ

(суғурталовчи/қайта суғурталовчининг тўлиқ номи)

**200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига қайта суғурта қилиш  
операцияларига оид талабларга риоя қилганлиги тўғрисида  
МАЪЛУМОТЛАР**

**1-жадвал**

Кўрсаткичнинг номи	Қатор рақами	Миқдор, минг сўм, АҚШ доллари, бошқа	Изоҳ
Ўзида қолдирилган улушнинг энг кам миқдори (мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда), экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш ва чет элга чиқувчи шахсларни суғурта қилиш шартномалари бундан мустасно	1		
Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) ўтган чорадаги тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори	2		
1-қаторнинг 2-қаторга нисбати (%)	3	%	Йўл қўйилмайдиган энг кам миқдор 5%
Ўзбекистон Республикаси ташқарисига қайта суғуртага берилган ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича мажбуриятларнинг энг кўп ҳажми	4	%	Йўл қўйилмайдиган энг кўп миқдор 95%

+

2-жадвал

Т/р	Суғурталовчининг/ қайта суғурталовчининг номи (кимга қайта суғурта қилишга берилган)*	Молиявий барқарорлик рейтинги (рейтинг агентлигининг номини кўрсатган ҳолда)	Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) мамлақати	Қайта суғуртага берилган суғурта мажбуриятлари ҳажми (минг сўм, АҚШ доллари, бошқа)	Қайта суғуртага берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари ҳажми (минг сўм, АҚШ доллари, бошқа)	Қайта суғуртага берилган суғурта мажбуриятлари умумий ҳажмидаги қайта суғурталовчининг улуши (%)
1	2	3	4	5	6	7
1.						
2.						
3.						
...						
	<b>Жами</b>					

\* Суғурта брокери орқали қайта суғурта қилинганда унинг номи ва улуши кўрсатилади, қайта суғурталовчилар тўғрисидаги маълумот ушбу жадвалга, мазкур шаклга мувофиқ илова қилинади.

Мазкур шаклда берилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини тасдиқлаймиз. Шунингдек, мазкур шакл суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ тузилганлигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (суғурталовчи ижро этувчи органининг раҳбари лавозими)

Бош ҳисобчи

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Мухр ўрни

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**179** **Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш,  
рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидаларига  
қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
12 майда 522-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 22 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ва «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидаларига (1998 йил 9 ноябрь, рўйхат рақами 522) иловага\* мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киритилсин

— **Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ** +

Тошкент ш.,  
2008 йил 19 апрель,  
10/4-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**180 Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғи-  
нинг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тас-  
диқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
16 майда 1807-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

+

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

-

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
44-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси****Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
2008-23-сон

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги  
44, 2008-23-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг  
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисида  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 227 ва 228-моддаларига мувофиқ солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тартибини белгилайди.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

**§ 1. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қўшилган қиймат солиғи (кейинчалик — ҚҚС)нинг ортиқча суммаси деганда ҳақиқатда олинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўланган (тўланадиган) ҚҚС суммасининг ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиган оборотлар учун ишлатиладиган қисми учун ҳисоблаб ёзилган суммасидан ошиб кетиши тушунилиши керак.

2. ҚҚС суммасини қайтарилиши қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига асосан тўланиши керак бўлган ҚҚС суммасини (Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан тақдим қилинган ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммасини) қоплашга;

корхонанинг бошқа солиқлардан бўлган қарзларини қайтаришга;

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиб бериш ноль ставкаси бўйича солиқ солинадиган оборотларга доир ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси бир қисми.

3. Солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисобига ҚҚС суммасини қайтаришни тегишли молия органлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан корхоналарнинг ёзма аризаларига асосан қайтариш бўйича хулоса тақдим қилингандан сўнг амалга оширадилар.

Солиқлар бўйича қарздорлик, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 207-моддасига мувофиқ, ҚҚС тўловлари бўйича қарздорликни ҳисобга олган ҳолда солиқлар бўйича қарзларни ёпиш ҳисобига ҚҚС суммасини қайтариш, ҚҚСнинг ортиқча суммаси доирасидаги маблағлар суммаларини бошқа солиқ турлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасига мувофиқ аниқланган мавжуд қарз миқдорида жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда йўналтириш йўли билан зарурат туғилган ҳолда махсус 23202-сон ҳисобварақдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Корхонанинг ҳисоб рақамига ҚҚСнинг қайтариладиган суммасини ўтказишни тегишли молия органлари 23402 баланс ҳисоб рақамидан ҚҚС учун шартли ҳисобварақ рақами (ШХР)дан амалга оширадилар. Маблағ ўтказиш бюджетга тушадиган ҚҚС нинг жорий тушумларидан, ушбу тушумларнинг республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда маҳаллий бюджетларга тақсимлангунига қадар амалга оширилади.

4. Солиқлардан қарзи бўлмаган корхонага ҚҚС суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетининг асосий 23402-ҳисобварақидан тегишли давлат солиқ хизмати органининг хулосасида белгиланган сумма доирасидаги маблағларни корхонанинг банк ҳисобварақига ўтказиш йўли билан амалга оширади.

Бунда, корхоналарнинг банк ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиб бериш ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар учун ишлатилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси доирасида амалга оширилади.

5. ҚҚС суммасини қайтаришни ушбу Низомининг 4-бандига мувофиқ, тегишли давлат солиқ хизмати органидан солиқ тўловчининг ҚҚСни қайтариш тўғрисидаги аризаси олинган вақтдан бошлаб ўттиз кун мобайнида амалга оширилади.

**§ 2. ҚҚСни қайтариш тартиби**

6. Солиқ тўловчилар ҚҚС суммасини қайтариш учун мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ рўйхатга олинган жойдаги туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясига ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги аризага қўйидаги ҳужжатларни тўрт нусхада илова қилган ҳолда тақдим қиладилар:

а) туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиштириш далолатномаси.

Солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги бўйича солиштириш далолатномаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг турлари бўйича ҳисобот ойининг 15-санасига қадар тузилади ҳамда календарь ой мобайнида амал қилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 29 декабрдаги 111 ва 2007-66-сонли «Солиқ ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида» (2008 йил 21 январь, рўйхат рақами 1760 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2008 й., 3-4 сон, 15 модда) қарорига мувофиқ ҚҚС ҳисоб-китоби шакли;

в) солиқ тўловчининг раҳбари ва бош ҳисобчиси (ёки зиммасига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий бошқариш вазифалари юкланган бошқа шахс) ва давлат солиқ хизмати органининг ҚҚСни қайтарилиши бўйича материалларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган жавобгар ходими томонидан имзоланган солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ҳисоб-китоби (ҳисоб-китобларни тўлдириш бўйича шартли мисол ушбу Низомнинг 2а ва 2б-иловаларида келтирилган);

г) агарда, солиқ тўловчиларга илгари ҚҚС суммаси қайтарилган бўлса, у ҳолда ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда қайтарилган ҚҚС суммасининг санаси, даври ва суммаси тўғрисида маълумот тақдим қилинади;

д) агарда, солиқ тўловчиларга ҚҚС мазкур Низомнинг 15-бандида белгиланган тартибда қайтарилган тақдирда, солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга доир тузилган шартномаларнинг нусхалари, товарлар (ишлар, хизматлар) сотилганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ тўловчиларнинг етказиб берувчи корхоналардан қарзи бўйича солиштириш далолатномалари, шунингдек етказиб берувчи корхоналарнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бюджет, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига, шунингдек бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича қарздорлигини ҳисобга олган ҳолда қарздорлиги бўйича белгиланган тартибда расмийлаштирилган солиштириш далолатномалари;

Солиштириш далолатномаси ҳужжатлар тақдим қилинадиган ойнинг биринчи ёки кейинги саналари ҳолатига тузилади ҳамда тақвимий ой мобайнида ҳақиқийдир.

7. Мазкур Низомнинг 6-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қўйидаги ҳужжатлар тўрт нусхада тақдим этилади:

а) товарларни экспорт қилиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун:

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган контракт нусхаси;

товарларни экспорт режимида божхона расмийлаштирувини амалга оширади-

ган давлат божхона органининг белгилари билан божхона юк декларацияси (кейинчалик — БЮД) нусхаси, шунингдек БЮД йиғма кўчирма реестри;

контракт (товарларнинг юклаб жўнатилган туркуми) бўйича валюта тушумларини тушганлигини тасдиқловчи банк кўчирмаси ва шахсий ҳисоб рақамдан кўчирмаларнинг йиғма реестри, шунингдек кўчирмаларнинг йиғма реестри;

товарларни республика ҳудудидан тайинланган мамлакатга олиб чиқиш далилини тасдиқлайдиган божхона органлари томонидан белги қўйилган товарларга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхалари;

б) чет эл дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун товарлар (ишлар, хизматлар) сотилиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун — солиқ тўловчининг мансабдор шахси томонидан имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуранинг нусхаси;

в) «божхона ҳудудида қайта ишлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни қайта ишлаш бўйича ишлар (хизматлар)ни бажариш (кўрсатиш), шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали чет эл юкларини ташиш (транзит ташишлар) натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун:

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган товарларни қайта ишлаш бўйича хизматларни кўрсатиш, ишларни бажариш учун контрактлар нусхаси;

шахсий ҳисобварақдан бундан олдинги хатбошида кўрсатилган бажарилган иш (кўрсатилган хизмат)ларга тўловларни тасдиқловчи банк кўчирмаси ва йиғма реестр кўчирмаси;

— солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган, ишлар (хизматлар) сотувчи ва харидори томонидан имзолаган ишлар бажарилганлиги, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхаси; +

г) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотлари (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йиғириш чиқиндилари)ни эркин муомаладаги валютага ҚҚСни ноль даражали ставкасини қўллаш билан ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилишини назарда тутиб сотилиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун:

солиқ тўловчининг мансабдор шахси имзолаган ва муҳр билан тасдиқланган тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни етказиб беришга оид контракт нусхаси;

тўқимачилик ярим тайёр маҳсулотларни экспортёр-корхонага жўнатилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактураларнинг нусхалари;

текстил ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспортга сотилганлиги тўғрисида ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда ўтган ҳисобот даври учун экспорт маҳсулотлари ҳажми тўғрисидаги маълумотни илова қилган ҳолда корхона-экспортёрнинг хати;

д) аҳолига сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти бўйича коммунал хизматлар кўрсатиш натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ортикча суммасини қайтариш учун — ноль ставкасини қўлланилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси:

сув таъминоти ва канализация бўйича — сув сотиш ва канализация хизматларини кўрсатганлик тўғрисида маълумот;

иссиқлик таъминоти бўйича — иссиқлик энергиясини сотганлиги тўғрисида маълумот;

газ таъминоти бўйича — табиий ва сиқилган газни сотганлиги тўғрисида ҳисобот.

8. Аризалар ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар давлат солиқ инспекциясининг девонхонаси томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати ва миқдорини кўрсатган ҳолда масъул ходимнинг тилхати билан қабул қилинади.

ҚҚСни қайтариш учун тақдим қилинган ҳужжатлар тўплами билан бирга, ушбу ҳужжатларни қабул қилиб олувчи вазирлик ва идораларнинг номи, келиб тушиш санаси, ижрочининг фамилияси ва лавозими мажбурий равишда қайд қилинган ҳолда, ушбу Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда техник йўналиш қоғози (туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси томонидан расмийлаштириладиган) тақдим қилинади.

Техник йўналиш қоғозининг нусхаси ҳужжатлар тўпламининг барча ўтиш босқичлари мобайнида давлат солиқ хизмати органлари ва Молия вазирлигида сақланади.

9. Ҳужжатлар олинганидан кейин тегишли туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси беш иш куни мобайнида ҚҚС бўйича ноль ставкасини қўллашнинг асослилиги, мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган ҳужжатларнинг борлиги ва ишончилигини текширади. ҚҚСни қайтаришни рад этиш мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган асослар бўйича ва тартибда амалга оширилади.

10. ҚҚСни қайтариш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси солиқ тўловчи аризаси олинган кундан бошлаб 5 иш кунидан кечиктирмай:

аризачи тақдим этган банк ҳисоб рақамига ўтказиладиган ҚҚСнинг ортиқча суммаси ҳисоб-китобининг барча нусхаларини тасдиқлайди;

мазкур Низом 7-сон иловасига мувофиқ шаклда ҚҚСни қайтариш бўйича хулосани (кейинчалик — хулоса) расмийлаштиради ва уни бундан кейин кўриб чиқиш учун юқори давлат солиқ бошқармасига тақдим этади.

Юқори солиқ бошқармасига юборилаётган хулосага рўйхат билан биргаликда аризачи тақдим этган ҳужжатлар уч нусхада илова қилинади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси давлат солиқ инспекциясида сақлаш учун қолдирилади.

Бунда аризачидан тегишли ҳужжатларни қабул қилган давлат солиқ инспекцияси хулосага илова қилинаётган ҳужжатлар барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.

11. Давлат солиқ бошқармаси хулоса олингандан кейин 5 иш кунидан кечиктирмай олинган хулосанинг асослилигини текширади. Мазкур текшириш натижалари бўйича хулосани келишиб текширилган ва келишилган хулосани Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади ёки ҚҚСни қайтаришни мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган асослар бўйича ва тартибда рад этади.

Давлат солиқ қўмитасига юборилаётган хулосага тегишли рўйхат билан биргаликда давлат солиқ инспекцияси тақдим этган ҳужжатларнинг икки нусхаси илова қилинади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси давлат солиқ бошқармасида сақлаш учун қолдирилади.

Бунда давлат солиқ бошқармаси хулосага илова қилинаётган ҳужжатлар барча нусхаларининг айнан бир хиллиги, шунингдек уларнинг бутлиги учун жавобгар ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси олинган кундан бошлаб 5 иш куни мобайнида хулосанинг асослилигини текширади, тасдиқлайди ва уни ҚҚСни қайтариш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига топширади ёки мазкур Низомнинг 17-бандида белгиланган асослар бўйича ва тартибда ҚҚСни қайтаришни рад этади.

Бунда Молия вазирлигига юборилаётган хулосага мазкур Низомнинг 6 ва 7-банд-

ларида кўрсатилган ҳужжатларнинг бир нусхаси рўйхат билан илова қилинади. Ҳужжатларнинг бир нусхаси Давлат солиқ қўмитасида сақлаш учун қолдирилади.

13. Хулосани кўриб чиқиш ва ҚҚСни қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси томонидан хулоса тақдим этилган кундан бошлаб 10 иш кунидан кечиктирмай қуйидаги тартибда амалга оширади:

Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ бошқармаси томонидан 5 иш кунни мобайнида кўриб чиқилади, у кўриб чиқиш натижалари бўйича ҚҚСни қайтариш тўғрисида таклиф тайёрлайди. Мазкур таклиф молия вазирининг тегишли ўринбосари томонидан имзоланади ва ижро учун Давлат бюджети Бош бошқармасига топширилади;

Молия вазирлиги ҚҚСни қайтаришни рад этган ҳолда ушбу тўғрисида солиқ тўловчи ва Давлат солиқ қўмитасига ёзма равишда маълум қилади.

Давлат бюджети Бош бошқармаси 5 иш кунни мобайнида тегишли тармоқ бошқармаси ҚҚСни қайтариш тўғрисида тақдим этган таклифи асосида ҚҚСни қайтаради.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҚҚСни қайтаргандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасини ўтказилган суммалар тўғрисида ёзма равишда ҚҚСни қайтариш бўйича тўлов топшириқномалари нусхаларини илова қилган ҳолда хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгиланган тартибда ушбу тўғрисида тегишли давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тақдим этган тўлов топшириқномаларининг нусхалари давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига ҚҚС бўйича суммани тўлов топшириқномалари нусхаларида кўрсатилган суммага камайтириш учун асос ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органининг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ бошқармасида сақланади, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли тармоқ бошқармасининг ҚҚСни ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги тасдиқланган таклифи ҳамда техник йўналиш қоғозининг асл нусхалари эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджети Бош бошқармасида сақланади.

15. Солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёзма мурожаати бўйича ҚҚСнинг ортиқча суммасини қайтариш солиқ тўловчининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини сўндиришга, шунингдек етказиб берувчи корхоналар солиқ бўйича қарзларини ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармаси олдидаги қарзларини сўндириш орқали товарлар (ишлар, хизматлар) учун уларга солиқ тўловчининг тўловларини (шу жумладан бўнак тўловларини) тўлаш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

16. Тегишли давлат солиқ хизмати органлари ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойднинг 10-кунига қадар тегишли давлат солиқ бошқармаларига мазкур Низомнинг 8-илласида белгиланган шаклга мувофиқ корхоналар бўйича ҳосил бўлган ва ҳақиқатда қайтарилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси бўйича маълумот тақдим этадилар.

Тақдим этилган маълумот асосида давлат солиқ бошқармаси ҚҚС бўйича қайтарилган суммалар тўғрисида ҳудуд бўйича йиғма маълумот тузади ва уни белгиланган муддатларда Давлат солиқ қўмитасига тақдим этади, Давлат солиқ қўмитаси бу маълумотни ҳудудлар бўйича жамлаб чиқади ва ҳар ойда, ҳисобот ойдан

кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

17. Давлат солиқ хизмати органлари, Молия вазирлиги ҚҚСнинг ортиқча суммасини мазкур Низомнинг 4-банди бўйича қайтаришга рад жавобини бериш қарорини қабул қилишга қўйидаги ҳолатларда ҳақли:

солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда;

ҳисобга олинмаган ҚҚС суммасини экспортга сотилган товарлар обороти бўйича келиб тушмаган валюта тушумларига тўғриланмаган ҳолатда;

ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ бўлмаган ҳолатда тақдим этилганда;

ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилганда;

ҳужжатларни мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган талабларни бузган ҳолда расмийлаштириб тақдим қилганда.

Бунда ҚҚС бўйича ортиқча суммани қайтаришга рад этиш тўғрисидаги хат рад этиш сабаблари ва асосларини кўрсатган ҳолда баён этилиши керак.

18. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан хулоса ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар тақдим этилиши фельдъегерлик хизматлари бўлинмалари орқали амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат солиқ хизматининг тегишли органлари билан биргаликда ҚҚСни бўйича ортиқча суммани ҳосил бўлиши асослигини аниқлаш учун ҳужжатларни текширишга ҳақлидир.

### § 3. Назорат ва жавобгарлик

20. Молия органлари ва давлат солиқ хизмати органлари белгиланган тартибда солиқ тўловчиларни ҚҚС бўйича қайтариладиган суммасини тўғри ҳисобланганлиги ва улар тақдим этган қайтаришга доир материаллар масаласи бўйича биргаликда текширишни амалга оширадилар. Ортиқча қайтариш суммаси олинганлиги далиллари аниқланган тақдирда солиқ тўловчидан ҳақиқатда қайтаришнинг ҳисоб-китоб қилинган ва аниқланган суммалари ўртасидаги фарқ олиб қўйилади ҳамда республика бюджетининг даромадига, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар таснифининг 12-бўлими, 26-параграфига йўналтирилади, айбдор мансабдор шахслар эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Агарда, ортиқча қайтариш суммаси олинганлиги далиллари солиқ тўловчиларнинг ўзлари томонидан аниқланган тақдирда, солиқ тўловчидан ҳақиқатда қайтаришнинг ҳисоб-китоб қилинган ва аниқланган суммалари ўртасидаги фарқ олиб қўйилади ҳамда республика бюджетининг даромадига, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар таснифининг 12-бўлими, 26-параграфига йўналтирилади. Солиқ тўловчиларнинг ёзма билдиришномаси ва унга илова қилинган тўлов топшириқномаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкасига тегишли ёзувларни қайд қилишга асос бўлиб хизмат қилади.

21. Тақдим этилаётган ҳисоб-китоблар, бирламчи ҳужжатлар ва бошқа материаллар, шунингдек улар нусхаларининг ишончлилиги ва асослиги, тўлов ҳужжатларининг тўғри ва ўз вақтида расмийлаштирилиши, уларни тўлашга ўз вақтида тақдим этиш, маблағларни ўтказиш ва мақсадли тўлов бўйича қайд этиш учун шахсан жавобгарлик солиқ тўловчиларнинг раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

22. Давлат солиқ хизмати органлари томонидан хулосани ўз вақтида ва тўғри тақдим қилиш бўйича жавобгарлик тегишли давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

23. Мазкур Низом талабларини қатъий бажариш, мақсадли тўлов бўйича молиялашни имкони борича қисқа муддатларда ўтказиш учун шахсан жавобгарлик тегишли корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг зиммасига юкланади.

24. ҚҚС суммасини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органи хулосасида кўрсатилган маблағларни ўз вақтида ўтказиш, шунингдек ҳужжатлар тўпламини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан ўтиш бўйича техник йўналиш қоғозини ўз вақтида ва тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли мансабдор шахсларининг зиммасига юкланади.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставка-  
ни қўллаш натижасида ҳосил бўлган  
кўшилган қиймат солиғининг ортиқча  
суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Қайтариладиган ҚҚС суммасини банк ҳисоб рақамига олиш тўғрисида А Р И З А

Корхона \_\_\_\_\_,  
(солиқ тўловчининг тўлиқ номи)

манзил бўйича жойлашган \_\_\_\_\_,  
(почта манзили, шаҳар (туман, кишлоқ),

\_\_\_\_\_,  
кўча номи ва уй (квартира) рақами

\_\_\_\_\_ амалга оширувчи  
(асосий фаолият (ихтисослик) тури)

корхонанинг банк ҳисоб рақамига \_\_\_\_\_ давр учун  
\_\_\_\_\_ сўм ҚҚС суммасини қайтариш бўйича материалларни  
кўриб беришингизни сўрайди.

Материаллар	<input type="text"/>	варақда тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тузилди ва уларнинг иловалари	<input type="text"/>	варақда	Ўлчов бирлиги	<input type="text"/>
-------------	----------------------	--	----------------------	---------	------------------	----------------------

Аризани тақдим қилиш муддати (кун/ой/йил)

\_\_\_\_\_ га тақдим қилинган  
(Солиқ ҳисобига олинган жой бўйича давлат солиқ хизмати органи)

### Солиқ тўловчи тўғрисида Маълумот

1. Давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳнома

2. Ташкил қилинган санаси (кун/ой/йил)

3. СТИР



4. ОКОНХ 5. Телефон: код  рақам 

Мазкур аризада кўрсатилган ишончли ва тўлиқ маълумотларни ҳамда аризага илова қилинган ҳужжатларни тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар: СТИР <input type="text"/> Ф.И.Ш. _____ Имзо _____  Бош ҳисобчи СТИР <input type="text"/> Ф.И.Ш. _____ Имзо _____  Сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)	Ушбу ариза билан тақдим қилинади («V» белгиси билан белгиланиши лозим) <input type="checkbox"/> Қоғозда <input type="checkbox"/> Электрон кўринишда  <input type="checkbox"/> шахсий <input type="checkbox"/> Почта бўйича <input type="checkbox"/> Электрон почта бўйича <input type="text"/> варақда  Тақдим қилиш санаси <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй)  Ф.И.Ш. _____ имзо _____

М.Ў.

+

-

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ортиқча суммасининг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот								ҚҚС суммаси қайтарилди			сўм	
		жами		шу жумладан:						солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёпишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхона-нинг ҳисоб рақамига	Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
				амалдаги ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль ставка бўйича		ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар						
		сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС			
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Товар (иш, хизмат) сотиш обороти	010									x	x	x	x	x
Товар (иш, хизмат) сотишдан соф тушум	020									x	x	x	x	x
Чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар	021	x	x	x	x	x	x		x	x	x	x	x	x
Валюта тушуми (чет эл валютасида)	030	x	x	x	x	x	x		x	x	x	x	x	x
Чет эл валютасида тушган тушумнинг улуши (030 уст. / 021 уст. x 100)	040	x	x	x	x	x	x		x	x	x	x	x	x
Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинган товар (иш, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси.	050	x		x		x			x	x	x	x	x	x
Жорий солиқ даврида тушган, ўтган солиқ даврининг экспорт маҳсулотларини сотиш оборотлари бўйича ҳисобга олинган ҚҚС суммалари	060	x	x	x	x	x	x		x	x	x	x	x	x
Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚСнинг умумий суммаси	070	x		x		x			x	x	x	x	x	x

+

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот								ҚҚС суммаси қайтарилди			сўм	
		жами		шу жумладан:						солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёнишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхона-нинг ҳисоб рақамига	Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган маблағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
				амалдаги ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль ставка бўйича		ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар						
		сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 070 уст.)	080	х		х		х		х						

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Ҳисоб-китобни текширувчи  
ДСИ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Корхонанинг М.Ў

М.Ў. давлат солиқ хизмати органи

Изоҳ:

- 010 (020) қаторда — 2 ва 3- устунларда жами сотиш обороти (соф тушум), солиққа тортилмайдиган оборотни қўшган ҳолда кўрсатилади, 8 ва 9-устунларда товарларни экспортга сотилгани миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг товарларни юклаган кундаги курси бўйича кўрсатилади
- 050 қаторда ҚҚС ҳисоб-китобига 2-сонли иловадаги ҚҚС суммаси кўрсатилади, жумладан 3-устунда 050 қатордаги, 5-устунда 0501-қатордаги, 7-устунда 0502-қатордаги, 9-устунда 05031-қатордаги.
- 060 қаторнинг 9-устунида ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-сонли иловаси 050 қаторидаги ҚҚС суммаси кўрсатилади
- 080 қаторнинг 13-устуни 7 ва 9-устунлар суммаларига тенг бўлиб, 5-устун кўрсаткичларига камайтиради (агарда у ижобий кўрсаткич билан бўлса, агарда у манфий кўрсаткич билан бўлса унда бу кўрсаткич ҳисоб-китобда иштирок этмайди) ҳамда 10, 11 ва 12-устунлар кўрсаткичларига камайтиради.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
2а-ИЛОВА

180-модда

**Корхоналарнинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚС нинг  
ортиқча суммасининг ҳисоб-китоби бўйича шартли мисол**

сўм

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот шу жумладан:								ҚҚС суммаси қайтарилди			Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтарила- диган маб- лағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
		жами		амалдаги ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль ставка бўйича		ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қи- линган товарлар		солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тў- ловлар бўйича қарздорликни ёпишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхона- нинг ҳисоб рақамига		
		сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС					
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Товар (иш, хизмат) сотиш обо- роти	010	370	24	120	24	50	0	200	0	x	x	x	x	x
Товар (иш, хизмат) сотишдан соф тушум	020	350	20	100	20	50	0	200	0	x	x	x	x	x
Чет эл валютасига экспорт қи- линган товарлар	021	x	x	x	x	x	x	160	x	x	x	x	x	x
Валюта тушуми (чет эл валю- тасида)	030	x	x	x	x	x	x	140	x	x	x	x	x	x
Чет эл валютасида тушган ту- шумнинг улуши (030 уст. / 021 уст. x 100)	040	x	x	x	x	x	x	87,5	x	x	x	x	x	x
Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хиз- матлар) бўйича ҚҚС суммаси.	050	x	46,4	x	14,3	x	7,2	x	24,9	x	x	x	x	x
Жорий солиқ даврида тушган, ўтган солиқ даврининг экспорт маҳсулотларини сотиш оборот- лари бўйича ҳисобга олина- диган ҚҚС суммалари	060	x	x	x	x	x	x	x	10	x	x	x	x	x
Ҳисобга олиш учун қабул қи- линган ҚҚСнинг умумий сум- маси	070	x	56,4	x	14,3	x	7,2	x	34,9	x	x	x	x	x

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2008 й.

— 84 —

20-21 (312-313)-сон

+

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот								ҚҚС суммаси қайтарилди			сўм	
		жами		шу жумладан:						солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарздорликни ёпишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхонанинг ҳисоб рақамига	Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтарилган маблағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
				амалдаги ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль ставка бўйича		ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар						
		сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	10	11	12	13	14
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Банк ҳисоб рақамига қайтарилган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 070 уст.)	080	х	-32,4	х	9,7	х	-7,2	х	-34,9	5	10	7,7	-9,7	16,4

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Ҳисоб-китобни текширувчи  
ДСИ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Корхонанинг М.Ў

М.Ў. давлат солиқ хизмати органи

Изоҳ:

1) 010 (020) қаторда — 2 ва 3- устунларда жами сотиш обороти (соф тушум), солиққа тортилмайдиган оборотни қўшган ҳолда кўрсатилади, 8 ва 9-устунларда товарларни экспортга сотилгани миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг товарларни юклаган кундаги курси бўйича кўрсатилади

2) 050 қаторда ҚҚС ҳисоб-китобига 2-сонли иловадаги ҚҚС суммаси кўрсатилади, жумладан 3-устунда 050 қатордаги, 5-устунда 0501-қатордаги, 7-устунда 0502-қатордаги, 9-устунда 05031-қатордаги.

3) 060 қаторнинг 9-устунида ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-сонли иловаси 050 қаторидаги ҚҚС суммаси кўрсатилади

4) 080 қаторнинг 13-устуни 7 ва 9-устунлар суммаларига тенг бўлиб, 5-устун кўрсаткичларига камайтирилади (агарда у ижобий кўрсаткич билан бўлса, агарда у манфий кўрсаткич билан бўлса унда бу кўрсаткич ҳисоб-китобда иштирок этмайди) ҳамда 10, 11 ва 12-устунлар кўрсаткичларига камайтирилади.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
26-ИЛОВА

180-модда

**Корхоналарнинг банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚС нинг  
ортиқча суммасининг ҳисоб-китоби бўйича шартли мисол**

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот шу жумладан:								ҚҚС суммаси қайтарилди			сўм	
		жами		амалдаги ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль ставка бўйича		ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қи- линган товарлар		солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тў- ловлар бўйича қарздорлиқни ёпишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхона- нинг ҳисоб рақамига	Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтарила- диган маб- лағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
		сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС					
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Товар (иш, хизмат) сотиш обо- роти	010	370	24	120	24	50	0	200	0	x	x	x	x	x
Товар (иш, хизмат) сотишдан соф тушум	020	350	20	100	20	50	0	200	0	x	x	x	x	x
Чет эл валютасига экспорт қи- линган товарлар	021	x	x	x	x	x	x	160	x	x	x	x	x	x
Валюта тушуми (чет эл валю- тасида)	030	x	x	x	x	x	x	140	x	x	x	x	x	x
Чет эл валютасида тушган ту- шумнинг улуши (030 уст. / 021 уст. x 100)	040	x	x	x	x	x	x	87,5	x	x	x	x	x	x
Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хиз- матлар) бўйича ҚҚС суммаси.	050	x	120,7	x	37,2	x	18,6	x	64,9	x	x	x	x	x
Жорий солиқ даврида тушган, ўтган солиқ даврининг экспорт маҳсулотларини сотиш оборот- лари бўйича ҳисобга олина- диган ҚҚС суммалари	060	x	x	x	x	x	x	x	10	x	x	x	x	x
Ҳисобга олиш учун қабул қи- линган ҚҚСнинг умумий сум- маси	070	x	130,7	x	37,2	x	18,2	x	74,9	x	x	x	x	x

— 86 —

20-21 (312-313)-сон

+

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот								ҚҚС суммаси қайтарилди			сўм	
		жами		шу жумладан:						солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тў- ловлар бўйича қарздорлиқни ёпишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхона- нинг ҳисоб рақамига	Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтарила- диган маб- лағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
				амалдаги ставка бўйича		экспортдан ташқари ноль ставка бўйича		ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қи- лингган товарлар						
		сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма	ҚҚС	сумма
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 070 уст.)	080	х	-106,7	х	-13,2	х	-18,2	х	-74,9	5	10	7,7	-70,4	-106,7

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Ҳисоб-китобни текширувчи  
ДСИ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Корхонанинг М.Ў

М.Ў. давлат солиқ хизмати органи

Изоҳ:

- 010 (020) қаторда — 2 ва 3- устунларда жами сотиш обороти (соф тушум), солиққа тортилмайдиган оборотни қўшган холда кўрсатилади, 8 ва 9-устунларда товарларни экспортга сотилгани миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг товарларни юклаган кундаги курси бўйича кўрсатилади
- 050 қаторда ҚҚС ҳисоб-китобига 2-сонли иловадаги ҚҚС суммаси кўрсатилади, жумладан 3-устунда 050 қатордаги, 5-устунда 0501-қатордаги, 7-устунда 0502-қатордаги, 9-устунда 05031-қатордаги.
- 060 қаторнинг 9-устунида ҚҚС ҳисоб-китобининг 3-сонли иловаси 050 қаторидаги ҚҚС суммаси кўрсатилади
- 080 қаторнинг 13-устуни 7 ва 9-устунлар суммаларига тенг бўлиб, 5-устун кўрсаткичларига камайтирилади (агарда у ижобий кўрсаткич билан бўлса, агарда у манфий кўрсаткич билан бўлса унда бу кўрсаткич ҳисоб-китобда иштирок этмайди) ҳамда 10, 11 ва 12-устунлар кўрсаткичларига камайтирилади.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**Сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва газ таъминоти бўйича  
хизматларни кўрсатувчи коммунал корхоналарнинг банк ҳисоб рақамига  
қайтариладиган ҚҚС суммасининг ҳисоб-китоби**

Кўрсаткичлар	Қатор коди	Солиққа тортиладиган оборот						ҚҚС суммаси қайтарилди			сўм	
		жами		шу жумладан:				солиқ кодексининг 207-моддасига асосан, тўловлар бўйича қарз- дорликни ёпишга	бошқа солиқ тури бўйича қарзни қоплаш учун ҳисобга олинди	корхона- нинг ҳисоб рақамига	Корхонанинг банк ҳисоб рақамига қайтарила- диган маб- лағларнинг ҳисоб-китоби	Корхонанинг шахсий карточкасида келтирилган ҚҚС нинг ортиқча суммаси
				амалдаги ставка бўйича	ноль ставка бўйича чет эл валютасига экспорт қилинган товарлар	сумма	ҚҚС					
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Товар (иш, хизмат) сотиш обороти	010							x	x	x	x	x
Ҳисобот даврида ҳисобга олиш учун қабул қилинадиган сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси.	020	x		x		x		x	x	x	x	x
Ҳисобга олиш учун қабул қилинган ҚҚСнинг умумий суммаси	030	x		x		x		x	x	x	x	x
Банк ҳисоб рақамига қайтариладиган ҚҚСнинг ҳисоб-китоб бўйича жами суммаси. (010 уст. – 030 уст.)	040	x		x		x						

Раҳбар \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Ҳисоб-китобни текширувчи  
ДСИ инспектори \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

Корхонанинг М.Ў

М.Ў. давлат солиқ хизмати органи

Изоҳ:

1) 010 устун 2 ва 3 графаларда ҚҚС ҳисоб-китоби 4-илованинг 10 қатор 3 ва 4 графасидаги суммалар кўрсатилади.

+



+

- 2) 020 устунда ҚҚС ҳисоб-китоби бўйича 2-иловинг ҚҚС суммаси кўрсатилади:  
050 қатор 3 графада, 0501 қатор 5 графада, 0502 қатор 7 графада.
- 3) 030 устун 3, 5 и 7 графада 020 графадаги сумма кўрсатилади.



+

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
 натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
 ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
 5-ИЛОВА

**Ички бозорда ЭМВга сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлардан олинган  
 экспорт маҳсулотлари ҳажми тўғрисида Маълумот  
 \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил ҳолатига**

Тр	Корхона — сотувчининг номи	Сотиб олинган маҳсулотлар- нинг навлари	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар		Чиқарилган маҳсулотлар- нинг навлари	Чиқиш меъёри %да	Ярим тайёр маҳсулотлардан олинган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми		Шу жумладан экспортга сотилган тайёр маҳсулотлар		Умумий ҳажмдан экспортнинг ҳажми, %
			натурада	валютада			натурада	сўм	натурада	валютада	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Экспортёр-корхона раҳбари

Бош ҳисобчи

«\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

М.Ў.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

180-модда

\_\_\_\_\_ хужжатлар тўпламининг техник йўналиш қоғози,  
(корхона номи)  
**ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил  
бўлган ҚҚСни қайтариш учун тақдим қилиш**

Т/р	Идора (ташкilot)нинг номи	Хужжат рақами ва келиб тушиш санаси	Хужжатлар тўпламини қабул қилиб олувчи шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.	Хужжатлар тўпламини ижроцига бериш санаси	Хужжатларни олган ижрочининг Ф.И.Ш ва имзоси	Хужжатларни кейинчалик қайта ишлашга бериш санаси	Хужжатларни қўриб чиқишнинг кечикиши сабаби
1.	Туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияси (5 иш куни)						
2.	Давлат солиқ бошқармаси (5 иш куни)						
3.	Давлат солиқ қўмитаси (5 иш куни)						
4.	Молия вазирлиги (10 иш куни), шу жумладан:						
4.1.	Тармоқ бошқармаси (5 иш куни)						
4.2.	Давлат бюджети Бош бошқармаси (5 иш куни)						

— 92 —

20-21 (312-313)-сон

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани  
қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган  
қиймат солиғининг ортиқча суммасини  
қайтариш тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

## «КЕЛИШИЛГАН»

Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

(хууд номи)

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ  
қўмитаси раисининг ўринбосари

«\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

## \_\_\_\_\_ -сон Х У Л О С А

(хулоса берган ДСИ номи)

\_\_\_\_\_ аризаси бўйича

(корхона номи)

## СТИР \_\_\_\_\_,

ноль ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган, қайтариладиган ҚҚСнинг  
ортиқча суммаси

\_\_\_\_\_ учун тақдим қилинган ҳужжатларни текшириш

(давр)

асосида тўловчида \_\_\_\_\_ 20\_\_ й. ҳолатига қайтариладиган ҚҚСнинг  
ортиқча суммаси \_\_\_\_\_ сўм.

(рақам билан)

\_\_\_\_\_ сўм.

(сўз билан)

ҳосил бўлганлиги аниқланди.

ДСИ бошлиғи \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ йил

М.Ў.

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш  
натijasида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солигининг  
ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомга  
8-ИЛОВА

**Ҳисобланган ва ҳақиқатда қайтарилган ҚҚСнинг ортиқча суммаси тўғрисида  
Маълумот**

\_\_\_\_\_ ойи учун  
\_\_\_\_\_ учун  
(худуд (туман, шаҳар) номи)

Т/р	Корхона номи	Қайтариш учун тақдим қилинган	Жами қайтарилган сумма		
			Жами (5 уст + 6 уст)	Корхонанинг депозит ҳисобварағига республика бюджетидан ўтказилган маблағ	Шу жумладан Солиқ кодексининг 207-моддасига мувофиқ ҚҚС тўловлари бўйича қарздорлигини ҳисобга олган ҳолда корхоналарнинг солиқ тўловлари бўйича қарзларини ёпишга йўналтирилди
1	2	3	4	5	6

сўм

ДСИ бошлиғи \_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш) \_\_\_\_\_ (имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_ й.

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**181** Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
16 майда 1808-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 40-сон, 410-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ-535-сонли «2007 — 2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 508-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Илова қилинаётган Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низом тасдиқлансин.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
49-сон

Молия вазирининг  
2008 йил 7 майдаги 49-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек  
хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш  
манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини  
маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш  
(тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль йўллари тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 40-сон, 410-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ–744-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 534-модда), 2006 йил 20 декабрдаги ПҚ–535-сонли «2007 — 2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 51-52-сон, 508-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 45-сон, 442-модда) мувофиқ тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари тасарруфида бўлган шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини (бундан кейин матнда — автойўллар) сақлаш ва таъмирлаш тегишли шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ёки автойўллар балансида бўлган бошқа ташкилотлар (бундан кейин матнда — Бююртмачи ёки Бюджет маблағларини олувчи) томонидан амалга оширилади.

2. Автойўлларни таъмирлаш қуйидаги турга бўлинади:

мукаммал таъмирлаш;

ўрта таъмирлаш;

жорий таъмирлаш.

3. Муайян автойўл (автойўл участкаси) бўйича амалга ошириладиган таъмирлаш ишлари тури ва ҳажмини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрдаги 226-сонли «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланишни ташкил этишни ҳамда сифатини назорат қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига асосан амалга оширилади.

4. Автойўлларни мукаммал таъмирлаш ишлаб чиқилган, давлат экспертизаси-



дан ўтказилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан амалга оширилади ҳамда таъмирланаётган автойўл участкасининг тўла узунлигида автойўлнинг барча қурилмалари ва таркибий қисмлари бўйича кенг қамровли бажарилиши шарт.

Автойўлни транспорт-фойдаланиш ҳолатини техник текшириш натижаси бўйича аниқланган қуйидаги ҳолатлар мукамал таъмирлаш учун мезон ҳисобланади:

йўл қопламасининг мустаҳкамлилиқ даражаси йўл қўйилиши мумкин бўлган даражагача камайиб кетиши;

автойўл ва йўл қурилмаларининг бошқа таркибий қисм параметрлари ҳамда тавсифлари ортиб бораётган йўл ҳаракати талабларини қониқтирмай қолиши ва ушбу ҳолатларни автойўлларни оддий сақлаш ишлари ёрдами билан талаб даражасига келтиришнинг имконияти бўлмаса ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб топилса.

5. Автойўлларни ўрта таъмирлаш техник текшириш ва техник кўриқдан ўтказиш натижаси асосида ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтказилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан амалдаги таъмирлаш ишлари оралиғи муддатларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Техник ҳисоб-китоб ва муҳандислик изланишлар олиб боришни талаб этмайдиган алоҳида турдаги ишларни бажаришда ўрта таъмирлаш ишларини техник текшириш ва техник кўриқдан ўтказиш натижаси ёки нуқсон далолатномалари ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширишга йўл қўйилади.

6. Автойўлларни жорий таъмирлаш вақти-вақти билан олиб бориладиган техник кўриқдан ўтказиш (баҳорги ва кузги) натижаси асосида сметаларда жорий таъмирлаш ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Автойўл қопламаси ва йўл қурилмалари ҳолатини техник кўриқдан ўтказиш натижасида аниқланган аҳамиятсиз ва осон бартараф этилиши мумкин бўлган шикастланиш ҳолатлари шу автойўлни жорий таъмирлаш учун мезон ҳисобланади.

## **II. Автойўлларни таъмирлаш бўйича манзилли рўйхатларни шакллантириш тартиби**

7. Буюртмачи томонидан ҳар йили автойўлларнинг ҳолатини техник кўриқдан ўтказиш ва баҳолаш амалга оширилади. Бунинг натижасида нуқсон далолатномалари ва мукамал, ўрта ҳамда жорий таъмирлаш (бундан кейин матнда — автойўлларни таъмирлаш) манзилли рўйхатлари тузилади.

8. Автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 19 сентябрда 107-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган бинолар ва иншоотларни мукамал таъмирлашни маблағ билан таъминлаш ва манзилли рўйхатларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга (2001 йил 3 октябрь, рўйхат рақами 1073-сон — Меъёрий ҳужжатлар бюллетени, 2001 йил, 19-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 23-модда) асосан амалга оширилади.

9. Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатлари буюртмачи томонидан, молия идораларида рўйхатга олинган харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида, ҳар йили шакллантирилади.

10. Автоўўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатларини тузишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

молиялаштириш манбаи мавжудлиги;

ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, ресурс сметасини инобатга олган ҳолда, ёки нуқсон далолатномаларига асосан таъмирланадиган автоўўллар бўйича бажариладиган ишлар рўйхати;

автоўўлларни таъмирлаш ишларини асосан ҳисобот йили давомида амалга оширилиши.

Манзилли рўйхатга қуйидагилар ҳам киритилиши лозим:

ўтган йил манзилли рўйхатига киритилган ва таъмирланиши яқунланмаган автоўўл объектлари;

ўтган йил манзилли рўйхатига киритилган ҳамда бажарилган ишлар, хизматлар, етказиб берилган материал ва жиҳозлар учун кредитор қарздорлик мавжуд бўлган объектлар.

11. Мукамал ва ўрта таъмирланадиган автоўўллар бўйича лойиҳа ҳужжатлари, ресурс сметасини инобатга олган ҳолда, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Жорий таъмирланадиган автоўўллар бўйича бажариладиган ишлар рўйхати нуқсон далолатномалари асосида тузилади.

12. Автоўўлни таъмирлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг таркиби қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2003 йил 29 декабрдаги 89-сонли буйруғи билан тасдиқланган Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари «Қорхона, бино ва иншоотларни капитал қуришда лойиҳа ҳужжатларининг таркиби ҳамда ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби»га (ШНҚ 1.03.01-03) мувофиқ аниқланади.

Лойиҳа-смета ҳужжати ва лойиҳада қабул қилинган ечимнинг деталлаштирилганлик даражаси қабул қилинаётган техник ечимларни, лойиҳанинг ҳажми ва қийматини асослаш учун етарли бўлиши ҳамда йўл-таъмир ишларини лозим даражадаги сифатда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаган ҳолда бажаришни таъминлаши лозим.

13. Автоўўлларни таъмирлаш бўйича лойиҳа ҳужжатларини, ресурс сметасини ҳисобга олган ҳолда, ёки бажариладиган ишлар рўйхатини ўрнатилган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш Буюртмачи томонидан жорий йилнинг 1 мартигача амалга оширилади.

14. Бюджет маблағларини олувчилар (Буюртмачилар) томонидан туман ва шаҳар ҳокимликлари молия бўлимлари билан келишилган ҳолда шакллантирилган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган автоўўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатлари жорий йил 15 мартгача туман ва шаҳар ҳокимликларига кўриб чиқиш учун киритилади ҳамда уларнинг қарорлари билан тасдиқланади.

15. Автоўўлларни таъмирлашнинг тасдиқланган манзилли рўйхатлари ўн кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳудуд бўйича (туман ва шаҳарлар кесимида) умумлаштирилган манзилли рўйхатни тузади. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ишларига масъул ҳоким ўринбосари котибиятлари ушбу манзилли рўйхат ижросини мониторинг қилиб боради.

16. Таъмирлаш манзилли рўйхатини шакллантиришда бюджет маблағларига бўлган эҳтиёж ўтган йилда ишлатилмаган аванс бўйича дебитор қарздорлик ва бу-

юртмачи томонидан сотиб олинган материал-техник ресурслар қийматини айириб ташлаган ҳолда кўрсатилади.

17. Автойўллари мукамал ва ўрта таъмирлашни бажарувчи пудратчи ташкилотни танлаш Буюртмачи томонидан тендер савдоси асосида, жорий таъмирлашни амалга оширишда эса мустақил равишда пудратчиларнинг таклифларини танлов асосида танлаш орқали амалга оширилади.

18. Тендер савдосини ташкил этиш ва ўтказиш Буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда бу харажатлар савдо предмети қийматига олиб борилади.

19. Йил давомида манзилли рўйхатга қўшимча объектларни киритишга авария ҳолатлари юзага келганда, ҳамда ушбу ишлар учун қўшимча молиялаштириш манбаи мавжудлиги тасдиқланганда йўл қўйилади.

Агар қўшимча молиялаштириш манбаи мавжуд бўлмаса, автойўллари таъмирлаш манзилли рўйхатига, қўшимча киритилаётган объектни ҳисобга олган ҳолда, ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида аниқлик киритилади.

### **III. Автойўллари таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) тартиби**

20. Мукамал ва ўрта таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 17-18-сон, 146-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2003 йил, 9-сон, 83-модда) асосан амалга оширилади.

21. Автойўллари таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) манбалари маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

22. Давлат бюджетининг фазначилик ижроси шароитида Буюртмачилар ўрнатилган тартибда харажатлар учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигининг (бундан кейин матнда — Фазначилик) тегишли ҳудудий бўлинмалари орқали амалга оширади. Бунда Буюртмачилар таъмирлаш харажатларига тўловни амалга ошириш учун талаб этиладиган барча ҳужжатларни ўрнатилган тартибда Фазначилик бўлинмасига тақдим этадилар.

23. Автойўллари таъмирлаш харажатларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш), қатъий равишда тасдиқланган бюджет (Буюртмачи харажатлар сметасининг 4-гурӯҳида шу мақсадлар учун кўзда тутилган) маблағлари доирасида, Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг 100-бўлим, 110-боби қуйидаги параграфлари орқали амалга оширилади:

§ 90. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаларининг шаҳардаги йўллари таъмирлаш харажатлари;

§ 91. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаларининг хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш харажатлари;

§ 92. Туман ободонлаштириш бошқармаларининг туман марказларидаги йўллари таъмирлаш харажатлари;

§ 93. Туман ободонлаштириш бошқармаларининг хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш харажатлари.

24. Манзилли рўйхатга киритилган, лекин ўрнатилган тартибда лойиҳа хуж-

жатларини, ресурс сметаларини инобатга олган ҳолда, ёки бажариладиган ишлар рўйхатини тасдиқланиши таъминланмаган автойўллар бўйича бажарилган ишларни молиялаштиришга (тўловларини амалга оширишга) йўл қўйилмайди.

25. Тасдиқланган ва келишилган автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатлари, шунингдек, ойма-ой тақсимланган харажатлар сметалари Буюртмачилар томонидан Ҳазначиликнинг тегишли ҳудудий бўлимларига ва хизмат кўрсатувчи банкларга тақдим қилинади.

26. Пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган мукамал ва ўрта таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) Буюртмачи томонидан амалга оширилади:

бўнак тўловлар — биринчи икки ой давомида жорий йилда бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоиз миқдорини тенг улушларга бўлган ҳолда;

жорий молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) — ажратилган бўнак тўловларини ойма-ой мутаносиб равишда чегириб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмининг 95 фоизидан кам бўлмаган қисми. Қолган 5 фоиз миқдордаги қисми, шартномада кўрсатилган, кафолат муддати тугаганидан сўнг амалга оширилади.

27. Автойўлларни жорий таъмирлаш бўйича молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) жорий йил иш ҳажмининг 15 фоиз миқдорида бўнак бериш йўли билан кейинчалик, ажратилган бўнак тўловларини мутаносиб равишда ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) амалга оширилади.

28. Автойўлларни таъмирлаш бўйича бажарилган иш учун Буюртмачининг пудрат ташкилотлари билан ҳисоб-китоблари, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бир ойда бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари асосида, бажарилган иш миқдори (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактуралар (маълумотномалар) бўйича амалга оширилиши лозим.

29. Буюртмачилар ҳар чорақда автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатларини келишган тегишли ҳудудий молия идораларига шартномавий нархларда маблағларни ўзлаштиришнинг бориши, шунингдек манзилли рўйхатга мувофиқ объектлар кесимида молиялаштириш тўғрисида ҳисобот топширади.

#### **IV. Автойўлларни таъмирлашда бажарилаётган ишлар сифатини ҳамда ажратилаётган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат**

30. Манзилли рўйхатга киритилган автойўллар бўйича лойиҳа ҳужжатларини, ишлар рўйхатини тасдиқланиши ҳамда тендер савдоларини ўтказилиши тўғрилигини, бюджет маблағларини мақсадли сарфланганлиги, тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳажми ва сифати устидан назорат қилиш давлат бошқаруви маҳаллий органлари ва Буюртмачилар томонидан амалга оширилади.

31. Автойўлларини таъмирлашга ажратилаётган бюджет маблағларини мақсадли сарфланишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

32. Автойўлларни мукамал ва ўрта таъмирлашда бажарилган иш сифати, қурилиш меъёри ва қоидаларига риоя қилиниши устидан назорат Буюртмачилар, лойиҳа ташкилотлари ва Давархқурилишназоратнинг ҳудудий инспекциялари томонидан,

жорий таъмирлаш ишлари бажарилганда эса давлат бошқаруви маҳаллий органлари ва Буюртмачилар томонидан амалга оширилади.

33. Назорат ўлчови ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини текшириш натижасида бажарилган ишлар ҳажми ва қийматини қўшиб ёзиш ҳолати аниқланганда, шу ҳолат ортиқча маблағ олиншига олиб келган бўлса, ортиқча олинган маблағ пудрат ташкилотидан ўрнатилган кетма-кетлик тартибида ундириб олинади. Фош қилинган қўшиб ёзиш ҳолати учун жавобгарлик қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда аниқланади.

34. Мазкур Низом талабларига риоя қилинмаганлиги учун объектларни балансда сақловчи корхона раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

#### Ҳ. Яқуний қоидалар

35. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва «Ўзавтойўл» ДАК билан келишилган.

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

*Н. ХАНОВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май*

*«Ўзавтойўл» ДАК раиси*

*М. АБДУЛЛАЕВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 182 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
16 майда 1809-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза қилиш натижаси бўйича 2008 йил 13 майдаги хулосага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябр-

даги 469-сон, «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасининг 2008 йил 5 майдаги 15-727-сон хатини инобатга олган ҳолда, буюраман:

1. Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 октябрда 494-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Тузларнинг қўллардаги конлари захираларига таснифлашни қўллаш бўйича Вақтинчалик йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақида мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 16 май,  
99-мҳ-сон

**Р. МУҲИТДИНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**183** Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ай-  
рим меъёрий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб  
топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
16 майда 1810-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий бан-  
ки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари асосида Мар-  
казий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 4 апрелда  
122-сон билан тасдиқланган «Ўзсавдогарбанкнинг ҳисоб-китоб чекларини аҳоли томо-  
нидан товарлар учун ҳисоб-китобларда қўлланиши тўғрисида Йўриқнома» (1996 йил  
17 январь, рўйхат рақами 217);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 7 майда 415-сон  
билан тасдиқланган «Турғун шохобчалар орқали савдо фаолиятини амалга ошира-  
ётган якка тартибдаги ишбилармонларнинг нақд пул маблағларини топшириш ва  
олиш тартиби» (1999 йил 18 июнь, рўйхат рақами 752).

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-  
дан ўтказилган кундан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк**  
**Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 3 май,  
11/1-сон

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**184** Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар  
томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсу-  
лотларни Мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибига  
ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
16 майда 480-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 26 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 373-сон қарорига мувофиқ **бюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни Мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибининг (1998 йил 24 август, рўйхат рақами 480) 2.6. бандида «Ўздавстандарт» сўзи «Ўзстандарт» агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Ушбу буйруқ «Ўзвиносаноат-холдинг» холдинг компанияси ва «Давлат белгиси» ДИЧБ билан келишилган.

**«Ўзстандарт» агентлиги  
Бош директори**

**Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 апрель,  
156-сон

**Келишилди:**

**«Ўзвиносаноат-холдинг»  
холдинг компанияси  
бошқарувининг раиси**

**С. САЙИДЖАЛОЛОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 апрель

**«Давлат белгиси» Давлат  
ишлаб чиқариш бирлашмаси  
Бош директори**

**С. ХУДАЙҚУЛОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 апрель



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**185** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 майда 1641-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низом»га (2006 йил 14 ноябрь, рўйхат рақами 1641 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 46-47-сон, 467-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 19 апрель,  
10/5-сон

Марказий банк Бошқарувининг  
2008 йил 19 апрелдаги 10/5-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан  
тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари,  
бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари  
ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари  
лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака  
талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларнинг лавозимга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида Тижорат банкларининг Бош банкларида касбга мувофиқликни аниқлаш бўйича ички комиссия ташкил этилади. Ушбу комиссия таркибига Банк Кенгашининг аъзоларидан бири киритилиши шарт».

2. 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармасига» сўзлари «Кредит ташкилотлари раҳбар ходимлари билан ишлаш департаментига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 15 ва 16-бандлардаги «Тижорат банклари раҳбар ходимларини танлаш ва улар билан ишлаш Бош бошқармаси» сўзлари «Кредит ташкилотлари раҳбар ходимлари билан ишлаш департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги таҳрирдаги 23 ва 24-бандлар билан тўлдирилсин:

«23. Ходим тижорат банкларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман филиаллари, Амалиёт бошқарма (бўлим)ларига раҳбар ёки бош бухгалтер лавозимига тайинланганидан сўнг (Марказий банк номенклатурасига кирувчи лавозимга тенг ёки юқори лавозимга тайинланган ходимлар бундан мустасно) тижорат банкларининг Бош банки томонидан мазкур филиалнинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича 1 йил давомида мониторинг ўрнатилиб, унинг таҳлили ҳар чорак якуни бўйича банк Бошқаруви муҳокамасига киритиб борилади.

24. Тижорат банкларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар, туман филиали, Амалиёт бошқармаси (бўлими)га раҳбар ёки бош бухгалтер (Марказий банк номенклатурасига кирувчи лавозимга тенг ёки юқори лавозимга тайинланган ходимлар бундан мустасно) лавозимига тавсия этилаётган номзод Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Касбга мувофиқликни аниқлаш комиссиясининг суҳбат ва (ёки) тест синовига таклиф этилишидан аввал банк тизимининг ўқув марказларида ташкил этилган курсларда ёки тегишли олий ўқув юртлилари ҳузуридаги малака ошириш курсларида ўз малакасини ошириши ҳамда малака оширганлиги тўғрисидаги ҳужжат нусхасини Марказий банкка тақдим этиши лозим».

5. 1-иловада:

тўртинчи хатбоши «ва малака оширганлиги тўғрисида ҳужжат нусхаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тавсия этилаётган номзод билан Бош банкда ўтказилган суҳбат натижалари бўйича расмийлаштирилган баённома нусхаси ва номзод билан ўтказилган суҳбат варақаси»;

ўнинчи хатбоши «ҳамда номзоднинг паспорти нусхаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 2-иловадаги тўққизинчи хатбоши «ҳамда номзоднинг паспорти нусхаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**186** Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 майда 1811-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 57-сонли қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Шакар инвестмент» ҚК ва Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасининг 2004 йил 11 июндаги «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 36, 01/24-33, 80, 1-693, 42-01/342-сон қарори (2004 йил 28 июнь, рўйхат рақами 1378 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 26-сон, 304-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 май,  
49-сон

**Б. ХЎЖАЕВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 5 май,  
34-сон

**Р. АЗИМОВ**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

Иқтисодиёт вазирлиги,  
Молия вазирлигининг 2008 йил 5 майдаги  
49, 34-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) мувофиқ шакарни товар-хом ашё биржаларида (бундан кейинги ўринларда Биржа деб юритилади) сотиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом шакарни ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва ундан фойдаланувчи — Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларга татбиқ этилади.

2. Мазкур Низомга мувофиқ биржа савдоларида сотиб олинган шакар фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади ва экспорт қилиниши мумкин эмас. Шакарни улгуржи қайта сотиш фақат улгуржи савдо ҳуқуқига лицензияси мавжуд юридик шахсларга рухсат берилади. Биржа савдоларида саноат корхоналари томонидан сотиб олинган шакар қайта сотилиши мумкин эмас.

3. Шакарни республика ички истеъмолларига сотиш электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади.

### II. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилган:

**закалат** — Биржада амалга ошириладиган битишувлар бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲҚКПнинг иккиламчи депозит ҳисобварағига киритиладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;

**нархлар котировкаси** — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказилган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотга ўртача нарх;

**маҳсулот** — ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ҳисоб-китоб балансига мувофиқ биржа савдоларида республика истеъмолчиларига сотиладиган шакар;

**сотувчилар** — маҳсулотни биржа савдоларига чиқариш ва сотишни амалга оширувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар;

**харидорлар** — улгуржи ва/ёки чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган, шунингдек шакарни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун саноат қайта ишлаш мақсадларида фойдаланадиган юридик шахслар;

**битишув баённомаси** — харидор ва сотувчига биржа савдоларини ўтказиш якунлари бўйича бериладиган, сотувчи, харидор ва биржа брокери томонидан имзоланган, тарафларни белгиланган муддатда талаб ва таклиф нархи бўйича биржа савдолари натижаларига кўра харид қилинган ҳажмда маҳсулотнинг олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклайдиган ҳужжат;

**ҳисоб китоб-клиринг палатаси** (бундан кейинги ўринларда ҲҚКП деб юри-

тилади) — биржа битишувлари бўйича клиринг, ҳисоб-китоблар ва ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи Биржанинг тузилмавий бўлинмаси;

**тўланган битишувлар реестри** — тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ қопланилишини таъминлайдиган миқдордаги маблағларнинг харидорнинг ХККПдаги шахсий ҳисобварағига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

**биржа савдолари электрон тизими** — биржа аъзоларига республиканинг ҳар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими.

### III. Шакар ҳажмини шакллантириш ва уни сотиш тартиби

5. Маҳсулот сотиш ҳажмлари ҳар йили шакар ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳисоб-китоб балансидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

6. Сотувчилар шакар ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳисоб-китоб балансига мувофиқ ҳар ойда, ой бошланишидан 10 кун аввал Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда маҳсулот сотиш учун уни биржа савдоларига чиқаришнинг кунлик биржа савдоларига қўйиш жадвалларини тасдиқлайди.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси кейинги ой бошланишидан уч кун аввал тасдиқланган жадвални Биржага тақдим этадилар.

7. Сотувчилар йилига бир марта Биржа билан биргаликдаги фаолият тўғрисида сотувчиларнинг биржа савдоларида иштирок этиш шартлари, шартнома тузган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган шартномалар тузади.

Савдолар ҳафтанинг иш кунларида мунтазам ўтказиб борилади.

8. Биржа савдолари Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонунига ва Биржа савдолари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

9. Биржа савдоларининг ўтказилиши, биржа сессияларининг давомийлиги, сотувга қўйиладиган маҳсулотлар ҳажми, шунингдек маҳсулотнинг жойлашган жойи, ишлаб чиқарувчи — корхона, бошланғич нархи тўғрисидаги ахборот Биржа томонидан харидорларга мажбурий тартибда оммавий ахборот воситалари, брокерлар ҳамда бошқа ахборот каналлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали етказилади.

10. Биржа барча савдо иштирокчиларига, уларнинг республика ҳудудида жойлашишидан қатъи назар, электрон савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконини таъминлаб бериши шарт.

11. Савдоларни ўтказиш, киритилган закат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича иштирокчиларни киритиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари голибларини аниқлаш ва битишувларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими орқали амалга оширилади.

12. Битишувни рўйхатдан ўтказиш куни Биржа брокерга битишув баённомаси ва намунавий олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тақдим этади.

13. Олди-сотди шартномаси битишув баённомасида назарда тутилган шартларда у олинган кунда расмийлаштирилади.

Битишув баённомаси шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

14. Савдоларда сотилмай қолган маҳсулотлар ҳажми кейинги савдоларга кўчирилади. Бунда, сотувчилар маҳсулотни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича биржа савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдолари натижаларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича сотиш ҳуқуқига эга.

15. Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақи сотувчилар ва харидорлар учун Биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган Биржа хизматлари тарифларига мувофиқ ўрнатилади.

16. Тузилган олди-сотди шартномалар бўйича маҳсулотни сотиш олдиндан тўловни тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир партияси учун чакириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шарти билан амалга оширилади.

17. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, сотувчи маҳсулотни қайта савдога қўяди.

#### **IV. Шакар нархини аниқлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми**

18. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйишнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан декларацияланадиган нарх (монополист корхоналар учун) ва улгуржи сотиш нархи (бошқа корхоналар учун) даражасида белгиланади.

19. Биржа савдоларида шаклланган маҳсулот нархи унинг бошланғич нархидан ошиши натижасида сотувчи томонидан олинган қўшимча даромад унинг ихтиёрида қолади.

20. Савдо жараёнида нархлар ошишининг йўл қўйиладиган чегараси бошланғич нархга нисбатан 5 фоиз миқдорда белгиланади. Нархлар 5 фоиздан ошиб кетган тақдирда савдолар тўхтатилади ва сотилмай қолган маҳсулот ҳажми кейинги савдоларга ўтказилади.

21. Биржа савдоларида тузилган битишувларнинг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Биржа ҲККПси орқали амалга оширилади.

22. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида, ҲККП Биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ва биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган иккиламчи талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағини очади. Иккиламчи талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағи Биржага хизмат кўрсатувчи банкда Биржанинг иккиламчи депозит ҳисобварағини очиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ очилади.

23. Сотувчи ва харидорларнинг иккиламчи талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағидаги маблағлари ҳаракатларини назорат қилиш учун ҲККП ҳар бир сотувчи ва харидорга фойдаланувчининг шахсий рақамига (бундан кейинги ўринларда ФШР деб юритилади) мос келувчи алоҳида ҳисобварақ очади.

Сотувчилар ва харидорларнинг маблағлари ушбу ҳисобварақларда ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олинган ҳисобварағи доирасида ҳисобга олинади.

24. ҲККП мижознинг сўровига мувофиқ уларга хизмат кўрсатиш шартлари, ушбу мижознинг қолган маблағлари тўғрисида ахборот бериб туриши шарт.

ҲККП томонидан мижознинг шахсий ҳисобварағи ҳолати, шахсий ҳисобварақларда қолган маблағлар тўғрисидаги маълумотлар учинчи шахсларга ошкор этилиши ман этилади.

25. Биржа мижозларнинг сўровларига кўра уларни биржа клиринги натижалари, уларнинг маблағлари ҳолати ва жорий кунда белгиланган савдолар лимитлари пул маблағлари тўғрисида хабардор қилиб туриши шарт.

26. Сотувчилар ва харидорлар Биржага хизмат қилувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига биржа савдоларига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 10 фоизгача миқдоридagi закатлатни қўяди.

27. Харидорлар Биржада депонентга қўйилган закатлатни ҳисобга олинган ҳолда тўлаш мўлжалланаётган маблағ ҳажмида битишувлар тузишга ҳақлидир.

28. Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидagi сотувчилар ва харидорларнинг маблағларидан:

биржа битишувлари бўйича мажбуриятлар бажарилиши, харажатлар қисмида ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳисоб-китобларини амалга ошириш учун;

келишилган муддат давомида, битишув амалга оширилмаган ёки белгиланган тартибда бекор қилинган тақдирда, мижознинг банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қайтариш учун;

депонентга қўйилган маблағлар ҳисобидан Биржа хизматларига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

29. Биржа битишуви рўйхатга олинганидан кейин беш банк иш кунида харидор тузилган олди-сотди шартномаси бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига қўшимча маблағларни ўтказиши шарт. Бунда, маблағларни ўтказиш учун тўлов топширикномасининг «тўлов мақсадлари» устунида харидорнинг ФШРи мажбурий тартибда кўрсатилиши шарт.

30. ҲККП харидордан маблағлар келиб тушган вақтдан бошлаб бир банк иш кунида сотувчига харидор томонидан ўз мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарганлигини тасдиқловчи тўланган битишувлар реестрини тақдим этиши шарт.

31. Агар харидор ушбу Низомнинг 29-бандида белгиланган муддатларда тузилган олди-сотди шартномасига мувофиқ маблағларни тўлиқ ҳажмда ўтказилишини таъминламаса, ҲККП кўрсатилган муддат ўтгач, бир иш куни мобайнида сотувчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар беради ва шу куннинг ўзидаёқ жарима чораси сифатида сотувчининг ҳисобварағига, Биржанинг воситачилик ҳақини чегирган тарзда, лекин закатлат миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги маблағни шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун ўтказиб қўяди.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

32. Сотувчи томонидан маҳсулотни харидорга олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда юклаб жўнатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, ҲККП шартномада белгиланган муддат ўтганидан кейин Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда маҳсулотни етказиб бериш учун белгиланган қийматдан 10 фоизгача миқдордаги маблағни жарима чораси сифатида харидор ҳисобига ўтказиши ва харидор, сотувчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар қилади.

Битишув бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан қайта савдога қўйилади.

33. ҲККП томонидан сотувчига харидорнинг шахсий ҳисобварағига маблағларни келиб тушганлиги тўғрисида тўланган битишувлар реестрини тақдим этилиши сотувчининг маҳсулотни харидорга юклаб жўнатишига асос бўлади.

Сотувчи маҳсулотни харидор ўзининг мажбуриятларини бажарганлиги фактини ХҚКПнинг тасдиғисиз жўнатган тақдирда, Биржа рўйхатдан ўтказилган олди-сотди шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

34. Маҳсулот жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактини харидор юкни ўзи олиб кетса, харидор ва сотувчи имзолари билан тасдиқланган юк хатининг нусхаси тасдиқлайди, темир йўл транспорти орқали жўнатилганда — сотувчи ва юк жўнатилган станция имзолари билан тасдиқланган юк хатлари реестри тасдиқлайди.

35. Юк хати нусхасининг тақдим этилиши ХҚКП учун бир банк иш куни мобайнида ушбу Низомнинг 22-бандига мувофиқ очилган иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварақдан сотувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, сотувчининг шахсий ҳисобварағи кўрсатилган ҳолда ўтказиш, шунингдек битишувни ёпиш учун асос ва мажбурият бўлади.

36. Маҳсулотни харидорларга юклаб жўнатиш олди-сотди шартномаларида белгиланган муддатларда сотувчининг нарядлари бўйича амалга оширилади.

#### **V. Томонларнинг жавобгарлиги ва низоларни ҳал этилиши**

37. Харидор билан сотувчи ўртасида тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

38. Биржа аъзолари, биржа савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги Биржа савдолари қондаларида назарда тутилган масалалар бўйича юзага келадиган низолар Биржанинг арбитраж комиссияси ёки суд томонидан ҳал қилинади.

Арбитраж комиссияси томонидан низоларни кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилиши ман этилади.

#### **VI. Ахборот таъминоти ва мазкур Низом бажарилиши юзасидан мониторинг**

39. Биржа котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича Биржанинг биржада сотилган маҳсулот баҳоларининг биржа котировкаларини аниқлайди ва уларни ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи саҳифаларида эълон қилиб боради.

40. Сотувчилар ва Биржа ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига биржа савдосига қўйилган, сотилган маҳсулот ҳажми ҳамда савдоларда ҳосил бўлган ўртача сотиш нархлари ҳақида маълумот берадилар.

41. Биржа ҳар куни Ўзбекистон Республикасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига савдога қўйилган ва сотилган маҳсулот ҳажмлари, шунингдек савдоларда шаклланган ўртача нархлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади.



## VII. Яқуний қоида

42. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, «ЎзРМХБ» ОАЖ ва «Хоразм Шакар» ОАЖ ҚК билан келишилган.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 1 май*

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва  
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

**Б. УЛАШОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 1 май*

**«ЎзРМХБ» ОАЖ бошқарув раиси**

**Т. ТЎХТАБОЕВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 1 май*

+

-

**«Хоразм Шакар» ОАЖ ҚК  
Бош директори**

**Ф. СРАДЖИДДИНОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 1 май*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ TAШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**187** Хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 майда 349-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари ва Ўзбекистон Республикасидан кетишлари тартибига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг 1997 йил 15 майдаги Хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномага (1997 йил 4 июнь, рўйхат рақами 349) ўзгартиришлар иловага\* мувофиқ киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ташқи ишлар вазири**

**В. НОРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 7 май,  
518-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**188** Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 майда 1460-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига мувофиқ **қарор қиламиз:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 15 февралдаги 27, 50 ва 2005-24-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори (2005 йил 22 март, рўйхат рақами 1460) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
43-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Иқтисодиёт вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
51-сон

**Б. ХЎЖАЕВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
2008-22-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ  
ҚАРОРИ

**189 Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқув-чиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 майда 1812-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори**

**Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
01-148К/Қ-сон

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

**А. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
118-сон

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими  
маркази директори**

**З. САТТОРОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 30 апрель,  
16/ҚҚ-сон

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат  
тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар  
таълими марказининг 2008 йил 30 апрелда-  
ги 01-148К/К, 118, 16/ҚҚ-сон қарори  
билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари  
ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини  
назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 204-сон ва 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сон қарорларига асосан академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тартибга солиди.

**И. Умумий қоидалар**

1. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400-сон қарори билан тасдиқланган «Ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартлари»нинг (бундан кейин Давлат таълим стандартлари деб юритилади) таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

2. Ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими барча академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида жорий этилади ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

**II. Рейтинг тизимининг мақсад ва вазифалари**

3. Рейтинг тизимининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалари савиясини шаклландирилганлиги даражасини назорат қилиш;

б) ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларини баҳолашнинг асосий тамойиллари: Давлат таълим стандартларига асосланганлик, аниқлик, ҳаққонийлик, ишончлилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

в) ўқувчилар билими, кўникма ва малакалари даражаларини таққослаш ва таълим жараёнида ўзаро мусобақа муҳитини яратиш;

г) ўқувчиларнинг фанлар бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш;

- д) ўқувчиларнинг ҳар бир фан ва амалиёт турлари бўйича ўзлаштириш даражаларини аниқлаш;
- е) ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалари савиясини шаклланиш суръатини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш.

### III. Рейтинг тизимининг асосий тамойиллари ва назорат турлари

4. Ўқувчиларнинг билим савияси ва ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат тартиботларини ўтказиш назарда тутилади:

**жорий назорат** — сўровлар, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар (диктант, баён, иншо) ва тестлар тарзида билимлар, малака ва кўникмалар текширилади;

**оралиқ назорат** — семестр тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин амалга оширилади. Унинг асосида ўқувчи рейтингги аниқланади. Билимлар, малака ва кўникмаларни баҳолаш учун оралиқ назорат имтиҳонлар, тестлар, синовлар, курс ва малака ишлари шаклида ўтказилади;

**якуний назорат** — академик лицейда, касб-ҳунар коллежида ўқиш тугаллангандан кейин давлат аттестацияси: имтиҳонлар, тестлар, малака ишлари, диплом лойиҳаларини ҳимоя қилиш шаклида амалга оширилади.

Фан тугалланишида якуний назорат тест усулида ўтказилади. Бошқа ҳолларда якуний назоратнинг ўтказилиш тартиби, шакли таълим муассасасининг илмий-педагогик кенгаши томонидан белгиланади.

Ҳар бир курсда ўқиш тугагандан кейин рейтинг назорати натижаларига кўра ўқувчиларни кейинги курсга ўтказиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилинади.

5. Рейтинг тизимини жорий қилишда қуйидаги асосий тамойиллар бажарилиши зарур:

а) ҳар бир фан бўйича тегишли кафедралар томонидан маъқулланган вариантлар асосида бошланғич назорат ўтказилади. Бошланғич назорат рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи томонидан ўтказилади;

б) ўқув дастурининг мантиқан тугалланган бўлими бўйича ўқувчи албатта баҳоланади ва натижаси ўтиш балидан (3 балл) паст бўлганда қайта назорат белгиланади. Ушбу бўлимларни тегишли кафедралар аниқлайди;

в) якуний назорат кафедралар томонидан тузилган вариантлар асосида рейтинг мониторинги ва таҳлили гуруҳи қузатуви остида ўтказилади.

6. Семестр мобайнида ўқув юкмаси 24 соатдан кам бўлган фанлардан оралиқ назорат ўтказилмайди.

### IV. Ўқувчиларнинг билим савиясини баҳолаш ва якуний рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш

7. Ўқувчиларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида ўқувчининг ҳар бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

8. Ҳар бир назорат тури қандай шаклда ўтказилишидан қатъи назар, беш (5) баллик («5», «4», «3», «2») усулда бутун сонлар ёрдамида баҳоланади.

9. Бошланғич назоратнинг натижаси бошқа назоратдан олинган балларга қўшилмайди. У ўқувчининг семестр давомида ушбу фан бўйича ўзлаштириш суръатини

таҳлил қилишда, ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш фаолиятининг самараси мезони сифатида қўлланилади.

10. Муайян фан бўйича ўқувчининг семестр мобайнида тўплаши мумкин бўлган умумий бали (R семестр) максимум «5» бални ташкил қилиб, қуйидагича ҳисобланади:

$$R \text{ семестр} = \frac{\text{ЖН} + \text{ОН} + \text{ЯН}}{3}, \text{ бунда:}$$

ЖН — ўқувчининг семестр давомида жорий назорат бўйича бутун сонга яхлитланган ўртача бали,

ОН — ўқувчининг семестр давомида оралик назоратлар бўйича бутун сонга яхлитланган ўртача бали.

Агар фаннинг семестр бўйича юкламаси 24 соатдан кам бўлиб, оралик назорат ўтказилмаган тақдирда,

$$R \text{ семестр} = \frac{\text{ЖН} + \text{ЯН}}{2} \text{ бўлади.}$$

11. Муайян фан ёки ўқув амалиёт бўйича йиллик умумий балл сифатида семестрларда тўпланган умумий балларнинг ўртачаси олинади

$$R \text{ йиллик} = \frac{R1\text{-семестр} + R2\text{-семестр}}{2}.$$

12. Ҳар бир фан бўйича умумий рейтинг балл R йиллар бўйича тўпланган умумий рейтинг балларининг ўрта қиймати каби аниқланади (масалан, фан уч йил ўқитилса),

$$R = \frac{R1 \text{ йил} + R2 \text{ йил} + R3 \text{ йил}}{3}.$$

13. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари учун ҳам максимал семестр бали «5» балл бўлиб, рейтинг тизимида уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб лойиҳалаштирилади.

## V. Рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи

14. Таълим муассасаларида рейтинг тизимини тўлақонли жорий этиш, ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатиш, рейтинг натижаларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш мақсадида услубчи, электрон ҳисоблаш машинаси оператори, кафедра мудирлари, психолог ва бошқа тажрибали ўқитувчилардан иборат рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи тузилади. Унга директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари раҳбарлик қилади.

15. Рейтинг мониторинги ва таҳлил гуруҳи ўз фаолиятини мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

#### **VI. Яқуний қоидалар**

16. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон Бадий академияси билан келишилган:

*Соғлиқни сақлаш вазири*

**Ф. НАЗИРОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 25 апрель*

*Маданият ва  
спорт ишлари вазири*

**Р. ҚУРБОНОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 25 апрель*

*Ўзбекистон Бадий  
академияси раиси*

**Т. ҚЎЗИЕВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 25 апрель*

+



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,  
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**190** **Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
19 майда 1188-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 29 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Реклама тўғрисида»ги қонунларига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **буюради:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги 2002 йил 29 октябрдаги 322-сон буйруғига (2002 йил 16 ноябрь, рўйхат рақами 1188 — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 22-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва  
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

**Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 28 апрель,  
11-сон

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,  
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ  
ҚўМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**191** **Банкрот корхонани тугатишга доир иш юретишни олиб бориш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
20 майда 993-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 30 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Банкрот корхонани тугатишга доир иш юретишни олиб бориш тўғрисидаги низом» (рўйхат рақами 993, 2000 йил 22 декабрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Марказий банки билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва  
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

**Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 апрель,  
4-сон

**Келишилган:**

**Олий хўжалик  
суди раиси**

**А. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 9 апрель

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 9 апрель

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,  
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**192** Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк  
мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк  
ҳуқуқини расмийлаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб  
топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
20 майда 493-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 30 майдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ-66-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби» (1998 йил 29 сентябрь, рўйхат рақами 493) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Давлат мулки қўмитаси билан келишилган.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва  
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.**

**Б. УЛАШОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 11 апрель,  
5-сон

**Келишилган:**

*Олий хўжалик  
суди раиси*

**А. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 9 апрель

*Давлат мулки  
қўмитаси раиси*

*Д. МУСАЕВ*

*Тошкент ш.,  
2008 йил 9 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҲЙРУФИ

## **193 Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
22 майда 1813-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 1 июндан кучга киради)*

— «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ–618-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 15-сон, 158-модда) асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида»ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 йил, 12-сон, 37-модда) мувофиқ буюраман:

1. Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

*Тошкент ш.,  
2008 йил 5 май,  
47-сон*

Молия вазирининг  
2008 йил 5 майдаги 47-сон буйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар РЕЖАСИ

### I. Счётлар режасининг умумий характеристикаси

1. Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби Счётлар режаси (кейинги матнларда — Счётлар режаси) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва суғурталовчиларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича ягона ёндашувнинг услубий асосларини белгилайди.

2. Счётлар режаси, молиявий ҳисобот элементлари: активлар, мажбуриятлар, суғурта захиралари, капитал, даромадлар ва харажатларга мувофиқ гуруҳлаштирилган счётлар йиғиндисини акс эттиради

3. Счётлар режаси суғурталовчилар томонидан уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, ижро этилиши мажбурийдир.

4. Суғурталовчилар Счётлар режаси асосида Хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасини ишлаб чиқадилар ва у суғурталовчининг ҳисоб сиёсатида акс этирилиши шарт.

5. Суғурталовчиларнинг бухгалтерия ҳисоби счётларида хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобини юритиш тамойилларига мувофиқ акс этириш тартиби ушбу Счётлар режасига илова қилинган счётлар режасини қўллаш тўғрисидаги Йўриқнома билан белгиланади.

### II. Счётлар рўйхати

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
<b>I ҚИСМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР</b>		
<b>I БЎЛИМ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, НОМОДДИЙ ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ АКТИВЛАР</b>		
<b>0100</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш*	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	
0140	Мебель ва офис жиҳозлари	
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Ишчи ҳайвонлар	
0180	Кўп йиллик ўсимликлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	

Кейинги ўринларда «Узоқ муддатли ижара» атамаси лизинг тушунчасини ҳам ўз ичига олади.

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
<b>0200</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>КА</b>
0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши	
0212	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0220	Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши	
0240	Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши	
0250	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Ишчи ҳайвонларнинг эскириши	
0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши	
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши	
<b>0300</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ИЖАРА ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0310	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
<b>0400</b>	<b>НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий таъминот	
0440	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари	
0450	Ташкилий харажатлар	
0460	Франчайз	
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари	
0480	Гудвилл	
0490	Бошқа номоддий активлар	
<b>0500</b>	<b>НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АМОРТИЗАЦИЯСИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>КА</b>
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси	
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси	
0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси	
0540	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси	
0550	Ташкилий харажатларнинг амортизацияси	
0560	Франчайзнинг амортизацияси	
0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси	
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси	
<b>0600</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0610	Қимматли қоғозлар	
0620	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0640	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
<b>0700</b>	<b>ЎРНАТИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0710	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий	
0720	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий	

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
<b>0800</b>	<b>КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0810	Тугалланмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни харид қилиш	
0830	Номоддий активларни харид қилиш	
0840	Асосий подани ташкил қилиш	
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалари	
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
<b>0900</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
0910	Олинган векселлар	
0920	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар	
0950	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
0960	Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
0990	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
<b>II ҚИСМ. ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>		
<b>II БЎЛИМ. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРИ</b>		
<b>1000</b>	<b>МАТЕРИАЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
1010	Хом ашё ва материаллар	
1020	Бутловчи буюмлар	
1030	Ёқилғилар	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идишбоб материаллар	
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	
1090	Бошқа материаллар	
<b>1100</b>		
<b>1200</b>		
<b>1300</b>		
<b>1400</b>		
<b>1500</b>	<b>МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ХАРИД ҚИЛИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	
1510	Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш	
<b>1600</b>	<b>МАТЕРИАЛЛАР ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	
<b>1700</b>		
<b>1800</b>		
<b>1900</b>		
<b>2000</b>	<b>СУҒУРТА ИШИНИ ЮРИТИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
2010	Суғурта ишини юритиш харажатлари	
<b>2100</b>		

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
<b>2200</b>	<b>СУҒУРТА ТОВОНЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2210	Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри суғурта бўйича содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари	
2220	Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари	
2230	Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари	
<b>2300</b>	<b>ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
<b>2400</b>	<b>ҚАЙТА СУҒУРТА ҚИЛИШГА ОИД РАҒБАТЛАНТИРИШЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2410	Қайта суғурта қилишга оид комисион ва брокерлик рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатлар	
<b>2500</b>	<b>УМУМИШЛАБЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2510	Умумишлабчиқариш харажатлари	
<b>2600</b>		
<b>2700</b>	<b>ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
<b>2800</b>		
<b>2900</b>		
<b>III ҚИСМ. КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ВА КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР — ЖОРИЙ ҚИСМИ</b>		
<b>3000</b>		
<b>3100</b>	<b>КЕЛГУСИ ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизматлар ҳақи	
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари	
<b>3200</b>	<b>КЕЧИКТИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	
3220	Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар	
3290	Бошқа кечиктирилган харажатлар	
<b>3300</b>		
<b>3400</b>		
<b>3500</b>		
<b>3600</b>		
<b>3700</b>		
<b>3800</b>		
<b>3900</b>		
<b>IV БЎЛИМ. ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР – ЖОРИЙ ҚИСМИ</b>		
<b>4000</b>	<b>ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар	
4020	Олинган векселлар	
4030	Суғурталанувчилардан олинадиган счётлар	
4040	Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар	



Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
4050	Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар	
4051	Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар	
4060	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар	
4070	Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар	
4080	Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари	
4090	Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари	
<b>4100</b>	<b>АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4110	Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар	
4120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар	
<b>4200</b>	<b>ХОДИМЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4210	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар	
4220	Хизмат сафарларига берилган бўнаклар	
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар	
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
<b>4300</b>	<b>МОЛ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАРГА БЕРИЛГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4310	ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	
4320	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	
4330	Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун берилган бўнаклар	
4340	Бошқа берилган бўнаклар	
<b>4400</b>	<b>БЮДЖЕТГА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4410	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)	
<b>4500</b>	<b>МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ВА СУҒУРТАЛАР БЎЙИЧА БЎНАК ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4510	Суғурталар бўйича бўнак тўловлари	
4520	Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари	
<b>4600</b>	<b>УСТАВ КАПИТАЛИГА ТАЪСИСЧИЛАРНИНГ УЛУШЛАРИ БЎЙИЧА ҚАРЗИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4610	Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи	
<b>4700</b>	<b>ХОДИМЛАРНИНГ БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4710	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4720	Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4730	Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи	
4790	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
<b>4800</b>	<b>ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ҚАРЗЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>А</b>
4810	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4820	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
4830	Олинадиган фоизлар	
4840	Олинадиган дивидендлар	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
4850	Олинадиган роялти	
4860	Даъволар бўйича олинадиган счётлар	
4890	Бошқа дебиторлар қарзлари	
<b>4900</b>	<b>ДАРГУМОН ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА РЕЗЕРВНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>КА</b>
4910	Даргумон қарзлар бўйича резерв	
<b>V БЎЛИМ. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАР</b>		
<b>5000</b>	<b>КАССАДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	
<b>5100</b>	<b>ҲИСОБ-КИТОБ СЧЁТИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5110	Ҳисоб-китоб счёти	
<b>5200</b>	<b>ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5210	Мамлакат ичидаги валюта счётлари	
5220	Чет элдаги валюта счётлари	
<b>5300</b>		
<b>5400</b>		
<b>5500</b>	<b>БАНҚДАГИ МАХСУС СЧЁТЛАРДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа махсус счётлар	
<b>5600</b>	<b>ПУЛ ЭКВИВАЛЕНТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
<b>5700</b>	<b>ЙЎЛДАГИ ПУЛ МАБЛАҒ (ЎТКАЗМА)ЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5710	Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари	
<b>5800</b>	<b>ҚИСҚА МУДДАТЛИ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5810	Қимматли қоғозлар	
5830	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
<b>5900</b>	<b>КАМОМАДЛАР ВА ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ БУЗИЛИШИДАН ЙЎҚОТИШЛАР ВА БОШҚА ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>A</b>
5910	Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар	
5920	Бошқа жорий активлар	
<b>III ҚИСМ. МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
<b>VI БЎЛИМ. ЖОРИЙ МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
<b>6000</b>	<b>ТЎЛАНДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	
6011	Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар	
6020	Берилган векселлар	
6030	Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар	
6040	Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар	

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
6050	Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар	
6060	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар	
6070	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар	
6080	Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тангъемалар ва йигимлар бўйича тўланадиган счётлар	
6090	Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган счётлар	
<b>6100</b>	<b>АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА ТЎЛАНДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6110	Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар	
6120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	
<b>6200</b>	<b>КЕЧИКТИРИЛГАН МАЖБУРИЯТЛАР ВА СУГУРТА МУКОФОТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар	
6230	Бошқа кечиктирилган даромадлар	
6240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар	
6250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар	
6270	Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари	
6280	Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари	
6290	Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар	
<b>6300</b>	<b>ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар	
6330	Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
<b>6400</b>	<b>БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)	
<b>6500</b>	<b>СУГУРТА ВА МАҚСАДЛИ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАЛАРИГА ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6510	Суғурта бўйича тўловлар	
6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	
<b>6600</b>	<b>ТАЪСИСЧИЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6610	Тўланадиган дивидендлар	
6620	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар	
<b>6700</b>	<b>МЕХНАТ ҲАҚИ БЎЙИЧА ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар	
6720	Депонентланган меҳнат ҳақи	
<b>6800</b>	<b>ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	
6820	Қисқа муддатли қарзлар	
6830	Тўланадиган облигациялар	
6840	Тўланадиган векселлар	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
<b>6900</b>	<b>ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА БЎЛГАН ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
6910	Тўланадиган қисқа муддатли ижара	
6920	Ҳисобланган фоизлар	
6930	Роялти бўйича қарз	
6940	Кафолатлар бўйича қарз	
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми	
6960	Даъволар бўйича тўланадиган счётлар	
6970	Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз	
6990	Бошқа мажбуриятлар	
<b>VII БЎЛИМ. УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР</b>		
<b>7000</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ ТЎЛАНДИГАН СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7011	Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7020	Берилган векселлар	
7030	Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7040	Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7050	Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7060	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7070	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар	
7080	Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
7090	Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар	
<b>7100</b>	<b>АЖРАТИЛГАН БЎЛИНМАЛАР, ШЎЪБА ВА ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИГА БЎЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗ</b>	<b>П</b>
7110	Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз	
7120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз	
<b>7200</b>	<b>КЕЧИКТИРИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7230	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар	
7240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
7250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар	
<b>7300</b>	<b>ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАРДАН ОЛИНГАН БЎНАКЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
<b>7400</b>		
<b>7500</b>		
<b>7600</b>		

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
7700		
<b>7800</b>	<b>УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР ВА ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7810	Узоқ муддатли банк кредитлари	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7830	Тўланадиган облигациялар	
7840	Тўланадиган векселлар	
<b>7900</b>	<b>ТУРЛИ КРЕДИТОРЛАРГА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
7910	Тўланадиган узоқ муддатли ижара	
7920	Турли кредиторларга узоқ муддатли қарзлар	
<b>VIII БЎЛИМ. СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИ</b>		
<b>8000</b>	<b>СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8010	Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси	
8020	Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси	
8030	Хабар қилинган, лекин баргараф этилмаган зарарлар захираси	
8040	Олдини олиш чора-тадбирлари захираси	
8050	Активларнинг номувофиқлиги захираси	
8060	Фалокатлар захираси	
8070	Зарарлиликнинг тебраниши захираси	
8090	Ҳаёт суғуртаси бўйича захира	
<b>8100</b>	<b>СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИДАГИ ҚАЙТА СУҒУРТАЛОВЧИЛАР УЛУШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>КП</b>
8110	Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	
8120	Хабар қилинган, лекин баргараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	
8130	Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	
8140	Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши	
<b>IV ҚИСМ. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ</b>		
<b>IX БЎЛИМ. КАПИТАЛ, ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА ВА РЕЗЕРВЛАР</b>		
<b>8200</b>		
<b>8300</b>	<b>УСТАВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8310	Оддий акциялар	
8320	Имтиёзли акциялар	
8330	Пай ва улушлар	
<b>8400</b>	<b>ҚЎШИЛГАН КАПИТАЛНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8410	Эмиссия даромади	
8420	Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи	
<b>8500</b>	<b>РЕЗЕРВ КАПИТАЛИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8510	Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	
8520	Резерв капитали	
8530	Текинга олинган мулк	
<b>8600</b>	<b>СОТИБ ОЛИНГАН ХУСУСИЙ АКЦИЯЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>КП</b>
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий	
8620	Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
<b>8700</b>	<b>ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР)НИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
<b>8800</b>	<b>МАҚСАДЛИ ТУШУМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8810	Грантлар	
8820	Субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8840	Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари	
8890	Бошқа мақсадли тушумлар	
<b>8900</b>	<b>КЕЛГУСИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАР РЕЗЕРВЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>П</b>
8910	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари	
<b>V ҚИСМ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИШЛАТИЛИШИ</b>		
<b>Х БЎЛИМ. ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР</b>		
<b>9000</b>	<b>АСОСИЙ (ОПЕРАЦИОН) ФАОЛИЯТНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9030	Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар	
9040	Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари	<b>КП</b>
9050	Харидорлар ва буютмачиларга берилган чегирмалар	<b>КП</b>
9060	Суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан даромадлар	
9070	Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар	
9080	Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тангемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар	
9090	Сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар	
<b>9100</b>	<b>СОТИЛГАН ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР ТАННАРХИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9130	Кўрсатилган хизматларнинг таннарни	
9140	Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш	
9150	Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар	
<b>9200</b>	<b>АСОСИЙ ВОСИТАЛАР, БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ВА СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИ ЎЗГАРИШИНИНГ НАТИЖАСИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9210	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши	
9220	Бошқа активларнинг чиқиб кетиши	
9230	Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси	
9240	Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси	
9250	Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси	
9260	Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси	
9270	Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси	
9280	Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси	
9290	Активларнинг номувофиқлиги захираси ўзгаришининг натижаси	
<b>9300</b>	<b>АСОСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ БОШҚА ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9310	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9320	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
9330	Ундирилган жарима, пеня ва устамалар	
9340	Ўтган йиллар фойдалари	
9350	Қисқа муддатли ижарадан даромадлар	
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари	
9380	Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромадлар	
<b>9400</b>	<b>ДАВР ХАРАЖАТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9410	Сотиш харажатлари	
9420	Маъмурий харажатлар	
9430	Бошқа операцион харажатлар	
9431	Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари	
9432	Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари	
9440	Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган, ҳисобот даври харажатлари	
<b>9500</b>	<b>МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ ДАРОМАДЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9510	Роялти кўринишидаги даромадлар	
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	
9540	Валюталар курслари фарқидан даромадлар	
9550	Узоқ муддатли ижарадан даромадлар	
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар	
9590	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	
<b>9600</b>	<b>МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9610	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	
9620	Валюталар курслари фарқидан зарарлар	
9630	Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
<b>9700</b>	<b>ФАВҚУЛОДДАГИ ФОЙДА (ЗАРАР)ЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9710	Фавқулоддаги фойдалар	
9720	Фавқулоддаги зарарлар	
<b>9800</b>	<b>СОЛИҚЛАР ВА ЙИГИМЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ФОЙДАНИНГ ИШЛАТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9810	Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар	
9820	Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар	
<b>9900</b>	<b>ЯКУНИЙ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР</b>	<b>Т</b>
9910	Якуний молиявий натижа	
<b>VI БЎЛИМ. БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАР</b>		
<b>001</b>	Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар	<b>БТ</b>
<b>002</b>	Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар	<b>БТ</b>
<b>003</b>	Қайта ишловга қабул қилинган материаллар	<b>БТ</b>
<b>004</b>	Комиссияга қабул қилинган товарлар	<b>БТ</b>

Счётлар рақамлари	Счётлар номи	Счёт тури
005	Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	БТ
006	Қатъий ҳисобот варақлари	БТ
007	Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи	БТ
008	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган	БТ
009	Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган	БТ
010	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар	БТ
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк	БТ
012	Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар	БТ
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	БТ
014	Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	БТ

Суғурталовчилар молиявий-  
хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби  
Счётлар режасига  
ИЛЮВА

**Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг  
бухгалтерия ҳисоби Счётлар режасини қўллаш бўйича  
ЙЎРИҚНОМА**

**I қисм. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома мақсадида фойдаланиладиган атама ва тушунчалар:

**актив сёт (А)** — бу активларни акс эттиришга мўлжалланган сёт бўлиб, унда иқтисодий ресурсларнинг қолдиғи ва кўпайиши сётнинг дебетиди, камайиш эса кредитиди акс эттирилади;

**балансдан ташқари сётлар (З)** — бу суғурталовчига қарашли бўлмаган, лекин вақтинчалик тасарруфида бўлган, активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳақидаги ахборотни умумлаштиришга мўлжалланган сётлар. Бу сётлар бошқа сётлар билан боғланмайди ва суғурталовчининг молиявий ҳисоботида акс эттирилмайди;

**бухгалтерия сёти** — суғурталовчилар иқтисодий ресурсларининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги бухгалтерия ахборотини қайд этиш ва сақлаш услуги ва уларга бўлган талаблар;

**депонентланган суғурта мукофоти (депо мукофот)** — қайта суғурталанувчининг ҳисобида вақтинча бўлган ва қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурталовчига тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти;

**доимий сётлар** — бу ҳисобот даври охирига қолдиққа эга бўлиб, бухгалтерия балансида акс эттириладиган активлар, мажбуриятлар ва капитал сётларидир. Доимий сётлар актив, пассив, контр-актив ва контр-пассив сётларга бўлинади;

**контр-актив сёт (КА)** — бу, молиявий ҳисоботда активнинг соф қийматини акс эттириш учун, қолдиғи у билан боғлиқ бўлган актив сётнинг сальдосидан чегириладиган сётдир;

**контр-пассив сёт (КП)** — бу, молиявий ҳисоботда мажбурият ёки капи-



талнинг соф қийматини акс эттириш учун, қолдиғи у билан боғлиқ бўлган пассив счётнинг сальдосидан чегараладиган счётдир;

**пассив счёт (П)** — бу мажбурият ва капитални акс эттиришга мўлжалланган счёт бўлиб, унда мажбуриятлар ва капиталнинг қолдиғи ва кўпайиши счётнинг кредити бўйича, камайиш эса дебети бўйича акс эттирилади;

**ретроцессия** — қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган суғурта мажбуриятларини ёки уларнинг бир қисмини қайта суғурта қилиш шартномаси асосида қайта суғурта қилишга бериш;

**суғурта полиси** — суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи томонидан суғурта мукофоти тўлангандан сўнг (агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса) бериладиган, суғурта шартномасининг тузилганлигини ва суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шаҳодатнома, сертификат, квитанция);

**транзит счётлар (Т)** — бу ҳисобот даврида фойдаланиладиган, лекин ёпиладиган ва ҳисобот даври охирида қолдиққа эга бўлмайдиган, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган, даромадлар ва харажатларга вақтинчалик счётларидир;

**қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар** — суғурталовчи томонидан бошқа суғурталовчилардан қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қабул қилинган таваккалчиликлар;

**қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар** — суғурталовчи томонидан қабул қилинган ва қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ бошқа суғурталовчида суғурталанган таваккалчиликлар;

**қайта суғурталанувчи** — ўзига қабул қилиб олган суғурта мажбуриятларини қайта суғурта қилишга берувчи суғурталовчи ёки қайта суғурталовчи;

**қайта суғурталовчи** — қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ёки бир вақтда қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи суғурта фаолияти бўйича лицензияга эга бўлган суғурталовчи, жойлашган жойидаги давлат қонунчилигига мувофиқ қайта суғурта қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган чет эл суғурта ташкилоти.

## II қисм. Асосий қоидалар

### I бўлим. Узоқ муддатли активлар

#### I кичик бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар

2. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари қуйидагилар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

а) мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли бўлган ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши;

б) мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли бўлган номоддий активларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши;

в) қимматли қоғозларга, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига, чет эл капитали мавжуд бўлган ва бошқаларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар;

г) маҳаллий ва хориждан келтирилган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида;

- д) барча турдаги капитал қўйилмалар;
- е) олинган векселлар бўйича ҳисоб-китобларнинг узоқ муддатли қисми, узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар, ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари, бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар, вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи, бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар.
3. Ушбу бўлимда қуйидаги счётлар бўйича ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:
- 0100 — Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0200 — Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0300 — Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0400 — Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0500 — Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0600 — Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0700 — Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0800 — Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар;
  - 0900 — Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар.

#### 1-§. Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100)

4. Мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли бўлган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, фойдаланилаётган, консервация қилинган ёки қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 0110 «Ер»;
- 0111 «Ерни ободонлаштириш»;
- 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш»;
- 0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;
- 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар»;
- 0140 «Мебель ва офис жиҳозлари»;
- 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;
- 0160 «Транспорт воситалари»;
- 0170 «Ишчи ҳайвонлар»;
- 0180 «Кўп йиллик ўсимликлар»;
- 0190 «Бошқа асосий воситалар»;
- 0199 «Консервация қилинган асосий воситалар».

Аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши республика ҳудуди ва хориждаги асосий воситаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

5. Бухгалтерияда мулкни асосий воситалар таркибига киритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 10 октябрда 114-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) «Асосий воситалар» (2004 йил 20 январь, рўйхат рақами 1299 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 35-модда) ва харид қилиш вақтида олинган паспорт ва фойдаланиш бўйича йўриқнома, ҳамда бошқа техник ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

6. Асосий воситалар асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларда қуйидаги объектлар учун аниқланадиган бошланғич қийматда ҳисобга олинади:

а) суғурталовчининг устав капиталига таъсисчилар томонидан уларнинг улуши ҳисобидан киритилган объектлар — томонларнинг келишувига асосан;

б) суғурталовчининг ўзидан тайёрланган шунингдек, тўлов эвазига бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган объектлар — ушбу объектларни (иншоот, қуриш, тиклаш) барпо этишга кетган ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб ёки ушбу объектларни харид қилишда, тўланган ва қопланмайдиган солиқ (йиғимлар) шунингдек, етказиб бериш, йиғиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва ушбу активни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда;

в) бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган, шунингдек, ҳукумат идоралари томонидан субсидия кўринишида олинганлари — қабул қилиш санадаги бозор баҳоси ёки қабул қилиш топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати фақат қайта қурилганда, таъмирланганда ва қисман тугатилганда ҳамда қайта баҳоланган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилги параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ барча хўжалик юритувчи субъектлар мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар йили 1 январь ҳолатига асосий воситалар қийматини жорий баҳога келтириш учун қайта баҳолашни амалга оширадilar. Асосий воситалар баҳосини ошириш (тушириш) суммаси асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети (кредити) бўйича 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

7. Таъсисчилар томонидан суғурталовчининг устав капиталига улуш ҳисобидан киритилган асосий воситаларни кирим қилиш асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети ва 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади.

8. Суғурталовчининг ўзи томонидан қурилган шунингдек, пудрат шартномасига асосан қурилган асосий восита объектларини тегишли асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети, 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счётининг кредити бўйича кирим қилинади.

9. Мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа шахслардан сотиб олинган асосий восита объектлари асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебети, 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счётининг кредити бўйича кирим қилинади.

10. Бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган асосий воситаларнинг кирим қилиниши асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларнинг (0100) дебетида 8530 «Текинга олинган мулклар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бирок, солиққа тортиш мақсадида, текинга олинган асосий воситаларнинг қиймати даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага қўшилади.

11. Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиши натижасида ҳисобдан чиқаришда уларнинг бошланғич қиймати тегишли (0100) асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлардан 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг дебети орқали ҳисобдан чиқарилади.

12. 0110 «Ер» счётида қонунчиликка мувофиқ суғурталовчига мулк сифатида берилган ер майдонлари ҳисобга олиб борилади. 0110 «Ер» счётининг дебетида шунингдек, ер майдонларини харид қилишда тўланадиган қўшимча харажатлар, қўчмас мулк агентларининг комиссия мукофоти, адвокатларнинг хизмат ҳақи, сотиб

олиш билан боғлиқ солиқлар, зовурлар қиймати, ерларни тозалаш ва текислаш харажатлари ҳисобга олинади.

Ерларни фойдаланишга тайёрлаш жумладан, сув олиб келиш, оқова сувларни чиқариш иншоотлари, геодезия ишлари бўйича умумий харажатлар 0110 «Ер» счётида капитализация қилинади. Чунки ушбу харажатлар ердан келгусида фойдаланиш ва унинг қийматини ошириш учун зарур.

Ер майдони бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ёки қуриш учун сотиб олинганда, мавжуд конструкциялар ва бошқа тўсиқларни бартараф этиш қиймати 0110 «Ер» счётининг дебетида капитализация қилинади. Бунда конструкцияни тугатишдан олинган материалларни сотишдан тушган тушум ушбу харажатларни камайтиради.

Агар ер майдони олдиндан тасарруфда бўлса ва мавжуд конструкциялар янги қурилиш объектига жой бериш учун бузиб ташланса, бузиш бўйича харажатлар 0110 «Ер» счётига капитализация қилинмайди, балки эски конструкцияларни ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ харажат сифатида акс эттирилади.

13. 0111 «Ерни ободонлаштириш» счётида ер майдонлари тузилишини ўзгартириш, келиш йўллари, автомобиллар ва бошқа транспорт воситаларининг тўхташ майдонлари, деворлар ва бошқа иншоотларнинг ҳолатини яхшилаш харажатлари ҳисобга олинади.

14. 0112 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счётида узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олинган мулкни ободонлаштириш билан боғлиқ капитал харажатлар ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш бўйича капитал харажатларга, шунингдек, реконструкция ва модернизация қилиш харажатлари ҳам қўшилади.

15. 0120 «Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счётида қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) бино — ишлаб чиқариш, маъмурий, ижтимоий-маиший, уй-жой (инвентар объекти бўлиб, мустақил хўжалик аҳамиятига эга бўлган, алоҳида турган бино ёки қўшимча қурилишлар ҳисобланади). Бино ва қўшимча қурилишлар таркибига бир меъёردа фойдаланиш учун шароит яратиб берадиган барча коммуникация тизими (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизимлари, ички телефон ва компьютер тармоқлари, лифт хўжалиги, ёнғиндан сақлаш ва қўриқлаш сигнализация тизими) киради;

б) иншоотлар — автомобиль йўллари, кўприклар, осма йўллар, сув омбори, нефть ва газ қудуқлари, шахта қудуқлари ва бошқалар;

в) ўтказувчи мосламалар — электр қувватини узатиш тизимлари, труба йўллари, иссиқлик ва газ тармоқлари, трансмиссиялар ва бошқалар.

16. 0130 «Машина ва асбоб-ускуналар» счётида қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) кучлантирувчи машина ва ускуналар — атом реакторлари, қозонлар, буғ двигателлари, турбиналар, кучлантирувчи трансформаторлар, ички ёнув двигателлари ва бошқалар;

б) ишчи машиналар ва ускуналар — меҳнат буюмларига механик, иссиқлик, кимёвий ва бошқа технологик таъсир кўрсатувчи станоклар, аппаратлар, агрегатлар;

в) ўлчов ва бошқарув мосламалари ва лаборатория ускуналари ҳамда жиҳозлари — тарозилар, манометрлар, термостатлар, диспетчер назорати ускуналари, сигнализация, илмий-текшириш лабораторияси, сейсмологик станция ускуналари ва бошқалар;

г) бошқа машиналар ва ускуналар — телефон станцияси ускуналари ва бошқа олдинги гуруҳларда ҳисобга олинмайдиган машина ва ускуналар.

17. 0140 «Мебель ва офис жиҳозлари» счётида ишлаб чиқариш ва бошқарув учун мўлжалланган мебель ва жиҳозлар (столлар, шкафлар, мебель йиғимлари, кресло, темир сейфлар ва бошқалар) шунингдек, офис жиҳозлари (телефакс аппарати, қоғоз қирқадиган ва йўқ қиладиган машиналар ва бошқалар) ҳисобга олинади.

18. 0150 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси» счётида компьютерлар, принтерлар, сканерлар, модем ва бошқа компьютер жиҳозлари, ҳамда ҳисоблаш техникалари ҳисобга олинади.

19. 0160 «Транспорт воситалари» счётида темир йўл, сув, ҳаво, автомобиль, ишлаб чиқариш ва коммунал транспорт воситаларининг ҳаракатланувчи таркиби шунингдек, магистраль қувур тармоқлари (трубопроводлар) ҳисобга олинади.

20. 0170 «Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар» счётида ишчи кучи сифатида фойдаланиладиган ишчи ҳайвонлар — отлар, хўкизлар, туялар, хачир ва эшаклар ва бошқа ишчи ҳайвонлар (шунингдек, юк транспорт воситаси сифатида фойдаланиладиган ҳайвонлар) ҳисобга олинади.

21. 0180 «Кўп йиллик ўсимликлар» счётида кўкаламзорлаштириш, декорация, мева-резавор дарахтлар ва ўсимликлар, яшил деворлар ва бошқалар ҳисобга олинади.

22. 0190 «Бошқа асосий воситалар» счётида юқорида келтирилган счётларда санаб ўтилмаган асосий воситалар ҳисобга олинади.

23. 0199 «Консервация қилинган асосий воситалар» счётида қонунчиликда ўрнатилган тартибда консервация қилинган асосий воситалар ҳисобга олинади.

24. Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Қуриб битказилган ва фойдаланишга топширилган объектларнинг асосий воситалар таркибига ўтказилиши	0110 — 0190	0810
2.	Асосий воситаларнинг ҳақиқий таннархи бўйича харид қилиниши (бошланғич қиймати)	0110 — 0190	0820
3.	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни узоқ муддатли ижара шартномаси тугагандан кейин асосий воситалар таркибига қабул қилиниши	0110 — 0190	0310
4.	Таъсисчиларнинг устав капиталига улуш (пай) сифатида киритилган ёки акцияларга тўлов сифатида келиб тушган асосий воситаларнинг кирим қилиниши	0110 — 0190	4610
5.	Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши	0110 — 0190	8530
6.	Асосий воситаларнинг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушиши	0110 — 0190	6110, 6120
7.	Кўшимча қуриш, усқуналар ўрнатиш, модернизация, реконструкция қилиш ва бошқа сифат жиҳатдан яхшилаш натижасида асосий воситалар бошланғич қийматининг кўпайиши	0110 — 0190	0890
8.	Ерни ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш	0111	0850
9.	Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни ва ободонлаштириш билан боғлиқ харажатларни асосий воситалар таркибига киритиш	0112	0860
10.	Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонларнинг асосий воситалар таркибига кирим қилиниши	0170	0840
11.	Асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	0110 — 0199 8510	8510 0110 — 0199

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
12.	Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш	9210	0110 — 0190
13.	Ажратилган бўлинмаларга асосий воситаларнинг берилиши	4110	0110 — 0190
14.	Қонунчиликда белгиланган тартибда консервация қилинган асосий воситалар	0199	0110 — 0190

## 2-§. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200)

25. Суғурталовчининг мулки ҳисобланган ёки узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0211 «Ерни ободонлаштиришнинг эскириши»;

0212 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши»;

0220 «Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»;

0230 «Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши»;

0240 «Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши»;

0250 «Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»;

0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»;

0270 «Ишчи ҳайвонларнинг эскириши»;

0280 «Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши»;

0290 «Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»;

0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва хориждаги асосий воситаларнинг мавжудлиги ва эскиришининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

26. Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 10 октябрда 114-сон билан тасдиқланган (5-сонли БХМС) «Асосий воситалар» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида (2004 йил 20 январь, рўйхат рақами 1299 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 3-сон, 35-модда) белгиланган меъёр ва усуллар асосида амалга оширилади.

27. Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

а) кутубхона фондларига;

б) қонунчиликда белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган фондларга;

в) музей қийматликларига;

г) санъат ва архитектура ёдгорликларига;

д) тўлиқ эскириш ҳисобланган асосий воситаларга.

28. 0211 — 0290 счётларда мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли бўлган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобга олинади.

29. 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётида узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг

эскириши хусусий асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартиби каби бир хил тартибда ҳисобга олинади.

30. Асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларнинг (0200) кредитида, харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда олиб борилади.

31. Ижарага берувчи — суғурталовчилар жорий ижарага берилган асосий воситалар бўйича ҳисобланган эскириш суммасини тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларнинг (0200) кредити ва 9430 «Бошқа операциялар» счётининг дебетиде акс эттирадилар.

32. Суғурталовчи мулки бўлган асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида ҳисобдан чиқаришда уларга ҳисобланган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларнинг (0200) дебетидан 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредити бўйича амалга оширилган ёзув орқали ҳисобдан чиқарилади.

33. Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар (0200)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш	2010, 2310, 2710	0211 — 0299
2.	Умумишлабчиқариш мақсадида фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш	2510	0211 — 0299
3.	Маъмурий мақсадлар учун фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш	9420	0211 — 0299
4.	Ишчи ҳайвонларга эскириш ҳисоблаш	2010, 2310	0270
5.	Кўп йиллик ўсимликларга эскириш ҳисоблаш	2010, 2310, 9430	0280
6.	Жорий (қисқа муддатли) ижарага берилган асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш	9430	0220 — 0299
7.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни хусусий асосий воситалар таркибига ўтиши натижасида уларга ҳисобланган эскириш суммасини ўтказиш	0299	0211 — 0290
8.	Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагандан кейин ижарага берувчига қайтариладиган асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобдан чиқариш	0299	0310
9.	Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолаш: а) қиймати оширилганда б) қиймати камайтирилганда	8510 0211 — 0299	0211 — 0299 8510
10.	Асосий воситаларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиш натижасида уларга ҳақиқатда ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш	0211 — 0290	9210

### 3-§. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300)

34. Суғурталовчида узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 0310 «Узоқ

муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётида амалга оширилади. Ушбу счёт ижарачи суғурталовчиларда қўлланилади.

35. Суғурталовчи томонидан қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисоби баланسدан ташқари 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счётида юритилади.

36. Ижара ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 12 майда 75-сон билан тасдиқланган (6-сонли БХМС) «Ижара ҳисоби» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (2004 йил 22 июнь, рўйхат рақами 1374 — Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 25-сон, 292-модда) мувофиқ амалга оширилади.

37. Суғурталовчига узоқ муддатли ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебети ва 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» ҳамда 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счётининг кредитида акс эттирилади.

38. Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланадиган жорий тўловлар 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счётининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

39. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси куйидагича акс эттирилади:

а) ижарачида — 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётининг дебети ва 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг кредитида;

б) ижарага берувчида — 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг дебети ва 9550 «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» счётининг кредитида.

40. Узоқ муддатли ижара шартномасининг шартларига мувофиқ (ёки ижарага берувчи ва ижарачининг қўшимча келишуви асосида) ижарага олинган асосий воситалар ижарачи корхонанинг мулкига ўтиши, ҳисобда асосий воситаларни ҳисобга олувчи (0100) счётларнинг тегишли счётлари дебети ва 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредитида тегишли асосий воситалар турлари бўйича ёзувлар амалга оширилади. Бир вақтнинг ўзида ушбу объект бўйича 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётида ҳисоблаб борилган эскириш суммаси тегишли асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётларга (0200) ўтказилади.

Агар узоқ муддатли ижара шартномасининг тугаши билан асосий восита объектлари ижарага берувчига қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётининг дебети ва 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар ижарага олинган асосий воситалар узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугашига қадар ижарага берувчига қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити ва 0299 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» (ҳисобланган эскириш суммасига), 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми», 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» (ижара тўловларининг қолдиқ суммасига) счётларининг дебети бўйича ёзувлар амалга оширилади.

0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентарь объектлари бўйича юритилади.



41. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар (0300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича асосий воситаларнинг келиб тушиши	0310	6950 7910
2.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг хусусий асосий воситалар таркибига ўтказилиши. Бир вақтнинг ўзида эскириш суммасининг ўтказилиши	0110 — 0190  0299	0310  0211 — 0290
3.	Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектга ҳисобланган эскириш суммаси	0299	0310
4.	Узоқ муддатли ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилган объектлар бўйича узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича тўланмай қолган қолдиқнинг: жорий қисмига узоқ муддатли қисмига	  6950 7910	  0310 0310
5.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	 0310 8510	 8510 0310

+

#### 4-§. Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400)

-

42. Мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 0410 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау»;
- 0420 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»;
- 0430 «Дастурий таъминот»;
- 0440 «Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари»;
- 0450 «Ташкилий харажатлар»;
- 0460 «Франчайз»;
- 0470 «Муаллифлик ҳуқуқлари»;
- 0480 «Гудвилл»;
- 0490 «Бошқа номоддий активлар».

43. Объектларни номоддий активларга киритиш тартиби ва уларнинг таркиби қонунчилик асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 25 мартда 35-сон билан тасдиқланган (7-сонли БХМС) «Номоддий активлар» (янги таҳрир) Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 188-модда) асосида тартибга солинади.

44. Номоддий активлар қуйидаги объектлар учун аниқланадиган бошланғич баҳода номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларда ҳисобга олинади:

- а) таъсисчилар томонидан суғурталовчининг устав капиталига улуш ҳисобидан киритилгани — томонларнинг келишуви бўйича;
- б) тўлов асосида бошқа корхона ва шахслардан харид қилинган ушбу объект-

ларни харид қилиш ва тайёр ҳолатга келтириш бўйича амалга оширилган — ҳақиқий харажатлар бўйича;

в) бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган объектлар — кирим қилиш санасидаги бозор баҳосида ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат бўйича;

г) суғурталовчининг ўзи томонидан яратилган ёки суғурталовчининг ўзида илмий-тадқиқот ишлари натижасида олинган объектлар — ҳақиқий таннархи бўйича.

45. Таъсисчилар томонидан суғурталовчининг устав капиталига уларнинг улушлари ҳисобига киритилган номоддий активларни кирим қилиш (0400) номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида ва 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг кредитида акс эттирилади.

Бошқа корхона ва шахслардан харид қилинган номоддий активлар, номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети, 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» счётининг кредитига кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан текинга олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши номоддий активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида, 8530 «Текинга олинган мулк» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар номоддий актив суғурталовчининг ўзи томонидан яратилса ва уни яратиш харажатларининг аниқ суммасини аниқлаш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда номоддий актив ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Номоддий активларнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолда ушбу харажатлар илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) ёки илмий-тадқиқот ва синов конструкторлик ишлари (ИТСКИ) харажатлари сифатида акс эттирилади.

46. «Гудвилл (фирма баҳоси)»нинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 25 мартда 35-сон билан тасдиқланган (7-сонли БХМС) «Номоддий активлар» (янги таҳрир) Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 188-модда) мувофиқ амалга оширилади.

47. Номоддий активлар чиқиб кетганда (сотилганда, текинга берилганда ва бошқаларда) уларнинг бошланғич қиймати номоддий активларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг (0400) кредитидан 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

48. Номоддий активларни ҳисобга олувчи счётлар (0400)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Харид қилинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати (ҳақиқий таннархи) бўйича кирим қилиниши	0410 — 0490	0830
2.	Корхонанинг ўзида яратилган номоддий активларнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши	0410 — 0490	0830
3.	Устав капиталига улуш сифатида ёки акцияга обуна бўлишга ҳақ тўлаш ҳисобига олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши	0410 — 0490	4610
4.	Текинга олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши	0410 — 0490	8530
5.	Суғурталовчини сотиб олишда активларнинг ҳақиқий баҳоси ва сотиб олиш баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида вужудга келадиган гудвилл (фирма баҳоси)ни акс эттириш	0480	8330
6.	Гудвилл (фирма баҳоси) суммасини ҳар ой фойдали хизмат муддати давомида ҳисобдан чиқарилиши	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	0480

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
7.	Номоддий активларнинг бошланғич қиймати бўйича сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, харид қилинган қимматли қоғозлар ҳақининг тўлови учун берилиши, бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида, шунингдек, текинга берилганда ва бошқалар натижасида чиқиб кетиши	9220	0410 — 0490

#### 5-§. Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500)

49. Мулкчилик ҳуқуқи суғурталовчига тегишли бўлган номоддий активлар объектлари бўйича жамланган амортизация тўғрисида маълумотлар қуйидаги счётларда умумлаштирилади:

0510 «Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси»;

0520 «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси»;

0530 «Дастурий таъминотнинг амортизацияси»;

0540 «Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси»;

0550 «Ташкилий харажатларнинг амортизацияси»;

0560 «Франчайзнинг амортизацияси»;

0570 «Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси»;

0590 «Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси».

50. Номоддий активлар амортизацияси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 25 мартда 35-сон билан тасдиқланган (7-сонли БХМС) «Номоддий активлар» (янги таҳрир) Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2005 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1485 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 188-модда) кўзда тутилган усулларга мувофиқ, белгиланган меъёрлар бўйича суғурталовчи томонидан ҳисоблаб чиқилиб, оймаой тегишлилигига қараб таннархга ёки давр харажатларига олиб борилади.

51. Номоддий активларга ҳисобланган амортизация суммаси харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва (0500) номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитига олиб борилади.

52. Номоддий активларнинг чиқиб кетиши (сотилиши, текинга берилиши ва бошқалар)да улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси (0500) номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетидан 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500) бўйича аналитик ҳисоб номоддий активларнинг турлари ва алоҳида объектлари бўйича юритилади.

53. Номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи счётлар (0500)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	2010, 2310	0510 — 0590
2.	Умумишлабчиқариш мақсадида ва хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	2510, 2710	0510 — 0590

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
3.	Бошқарув мақсадида фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	9420	0510 — 0590
4.	Капитал қўйилмаларда фойдаланилаётган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблаш	0810 — 0890	0510 — 0590
5.	Номоддий активларни тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижарага бериш, камомад ёки бузилиши натижасида йиғилган амортизация суммасини ҳисобдан чиқариш ва ҳоказо.	0510 — 0590	9220

#### 6-§. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600)

54. Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, мамлакат ҳудудида ва хорижда тузилган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва бошқа корхоналарнинг устав капиталларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар (қўйилмалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

- 0610 «Қимматли қоғозлар»;
- 0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар»;
- 0630 «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар»;
- 0640 «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар»;
- 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар».

55. Активларни инвестициялар таркибига киритиш ва уларнинг турлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 декабрда 65-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (12-сонли БХМС) «Молиявий инвестициялар ҳисоби» (1999 йил 16 январь, рўйхат рақами 596 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 3 ва 6-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-сонли БХМС) «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» (1998 йил 28 декабрь, рўйхат рақами 580 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 6-сон) билан тартибга солинади.

56. 0610 «Қимматли қоғозлар» счётида давлат фоизли облигациялари ва маҳаллий қарзлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қилинган узоқ муддатли инвестиция (қўйилма)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

57. 0620 «Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар», 0630 «Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар», 0640 «Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар» счётларида тегишли чет эл капитали мавжуд бўлган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қилинган узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

58. 0690 «Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» счётида келажакда молиявий наф олиш мақсадида давлат корхоналари ёки бошқа хайрия, экология жамиятларига қилинган узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

59. Акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сотиб олиш баҳосида 0610 «Қимматли қоғозлар» счётининг дебетиде ушбу қўйилмалар ҳисобига берилган қийматликлар ҳисобга олинадиган счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

60. Агар суғурталовчи томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби

бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ қисми ҳисобдан чиқарилади. Бунда 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётининг дебети ва 0610 «Қимматли қоғозлар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар суғурталовчи томонидан харид қилинган облигациялар ва шу каби бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда харид қилинган вақтдан то қоплаш вақтигача бўлган даврда харид қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қисми қўшимча ҳисобланади. Бунда 0610 «Қимматли қоғозлар» счётининг дебети ва 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда ҳам қимматли қоғозларни қоплаш муддати келганда 0610 «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинган баҳо номинал қийматга тўғри келиши лозим.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизлар (дивидендлар) ҳисобланганда 4830 «Олинадиган фоизлар» ёки 4840 «Олинадиган дивидендлар» счётининг дебети ва 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» ёки 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётиларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу инвестициялар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, суғурталовчи иштирокчиси ҳисобланган шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари ва шу кабилар) бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги объектларга қилинган узоқ муддатли инвестициялар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

61. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (0600)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётиларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9210
2.	Сотувчи корхонага номоддий активлар ва материаллар бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9220
3.	Сотувчи корхонага хизмат кўрсатиш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9030
4.	Сотувчи корхонага ўрнатилган асбоб-ускуналарни бериш йўли билан қимматли қоғозларни харид қилиш	0610	9220
5.	Қимматли қоғозлар узоқ муддатли инвестициялар сифатида текинга олинганда	0610	8530
6.	Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари харид қилинганда	0610	5010 — 5530
7.	Дебиторлик қарзлари ҳисобига қимматли қоғозларнинг харид қилиниши	0610	Олинадиган счётлар
8.	Қисқа муддатли инвестициялар таркиби ўзгартирилганда (реструктуризация)	0610	5810 — 5890
9.	Таъсисчиларнинг суғурталовчи устав капиталига уларнинг улуши сифатида берилган қимматли қоғозларнинг қиймати	0610	4610
10.	Суғурталовчи қимматли қоғозларга тегишли ҳуқуқлар унга ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома олди	0610	6990, 7920

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
11.	Қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқ:		
	а) номинал қиймати харид қийматидан юқори б) харид қиймати номинал қийматдан юқори	0610 9690	9590 0610
12.	Чет эл валютасидаги узоқ муддатли инвестициялар билан боғлиқ операциялар бўйича курс фарқлари:		
	Ижобий Салбий	0610 9620	9540 0610
13.	Узоқ муддатли инвестицияларни:		
	а) шўъба хўжалик жамиятларида;	0620	9030,
	б) қарам хўжалик жамиятларида;	0630	9210 — 9220
	в) чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарда акс эттириш.	0640	
14.	Узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг қопланиши (сотиб олинishi)	5110 — 5530	0610
	15.	Узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг сотилиши	9220

### 7-§. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700)

62. Қурилаётган (таъмирланаётган) капитал қўйилма объектларида ўрнатиш учун мўлжалланган ва монтажни талаб қилувчи технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарнинг (шунингдек, лаборатория, тажриба мосламалари ва устаноналар учун мўлжалланган асбоб-ускуналар) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

0710 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий»

0720 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий»

63. Монтажни талаб қилувчи асбоб-ускуналарга уларнинг қисмлари йиғилганидан сўнг ва фундаментга ёки таянчга, полга, қаватлар ўртасидаги устунларга ва бошқа бино ва иншоотларнинг конструкцияларига мустаҳкамлангандан сўнг ишга тушириладиган кўтарма асбоб-ускуналар шунингдек, шу каби асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари киради. Бундай асбоб-ускуналар таркибига шунингдек, назорат-ўлчов аппаратлари ёки ўрнатиладиган асбоб-ускуна таркибида йиғиш-ўрнатиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар киради.

64. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётларда (0700) монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналар: транспорт воситалари, мустақил турувчи станоклар, қурилиш механизмлари, қишлоқ хўжалиги машиналари, ишлаб чиқариш воситалари, инвентарлар, ўлчов асбоблари ва бошқалар ҳисобга олинмайди. Монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш харажатлари улар суғурталовчига келиб тушиши билан бевосита 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счётида акс эттирилади.

65. Асбоб-ускуналар ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700)да суғурталовчи омборларига ушбу қийматликларни етказиб бериш ва тайёрлаш харажатлари ҳамда харид қилиш (тайёрлаш) баҳолари қийматидан ташкил топадиган ҳақиқий харид қилиш таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Суғурталовчининг устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари ҳисобига киритилган асбоб-ускуналарни кирим қилиш 0710 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — маҳаллий», 0720 «Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар — хорижий» счётларининг дебе-

ти ва 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

66. Қурувчи (буюртмачи) томонидан қурилиш майдонига келтирилган монтаж ва ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускуналар пудратчи томонидан баланسدан ташқари 005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счётига қабул қилинади. Ушбу монтажга берилган асбоб-ускуналар ёки уларнинг қисмлари қийматини пудратчи баланسدан ташқари 005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счётидан ҳисобдан чиқаради. Пудратчига берилган, бироқ доимий фойдаланиш жойига ўрнатиш ва монтаж қилиш ҳали бошланмаган асбоб-ускуналар қиймати қурувчида ҳисобдан чиқарилмайди.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700) бўйича аналитик ҳисоб асбоб-ускуналарнинг турлари ва сақланиш жойлари бўйича юритилади.

67. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счётлар (0700)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Келиб тушган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг кирим қилиниши	0710 — 0720	6010 — 6020, 6110 — 6120
2.	Келиб тушган, ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг кирим қилиниши (1510 счётдан фойдаланилганда)	0710 — 0720	1510
3.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қиймагига ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг турли хизматлари: транспорт, эҳтиёт қисмлар, штампларни тайёрлаш ва бошқаларнинг киритилиши	0710 — 0720	2310
4.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ ишларга меҳнат ҳақи ҳисобланиши	0710 — 0720	6710
5.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш ва сақлашда ҳисобланган иш ҳақи бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар қилиниши	0710 — 0720	6520
6.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш, етказиб бериш ва сақлаш билан боғлиқ турли харажатлар ҳисобдор шахслар томонидан тўланиши	0710 — 0720	4220 — 4290, 6970
7.	Акциянинг тўлови эвазига ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг келиб тушиши	0710 — 0720	4610
8.	Турли шахслардан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотиб олинishi	0710 — 0720	6990
9.	Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча асбоб-ускуналар суммаси	0710 — 0720	9390
10.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	0710 — 0720 8510	8510 0710 — 0720
11.	Банклар томонидан уларнинг узоқ ва қисқа муддатли кредитлари ҳисобидан тўланган, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар кирим қилиниши	0710 — 0720	6810, 7810
12.	Қарз берувчилар томонидан уларнинг узоқ ва қисқа муддатли қарзлари ҳисобидан тўланган, ўрнатиладиган асбоб-ускуналар кирим қилиниши	0710 — 0720	6820 — 6840 7820 — 7840
13.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг сотилиши, харид қилинган қимматли қоғозларнинг ҳақини тўланиши, бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида, текинга берилиши ва бошқалар натижасида ҳисобдан чиқарилиши	9210	0710 — 0720

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
14.	Монтажга берилган асбоб-ускуналар қийматининг ҳисобдан чиқарилиши	0810	0710 — 0720
15.	Мол етказиб берувчиларга ёки транспорт корхоналарига ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади учун даъво-лар билдирилиши	4860	0710 — 0720
16.	Инвентаризация натижасида аниқланган асбоб-ускуналарнинг камомади	9220	0710 — 0720
17.	Табиий офатдан кейин ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган асбоб-ускуналарнинг камомади	9720	0710 — 0720

### 8-§. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)

68. Суғурталовчининг асосий воситалар ва номоддий активларга инвестициялари, шунингдек, маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг асосий подасини ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

0810 «Тугалланмаган қурилиш»;

0820 «Асосий воситаларни харид қилиш»;

0830 «Номоддий активларни харид қилиш»;

0840 «Асосий подани ташкил қилиш»;

0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар»;

0860 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар»;

0890 «Бошқа капитал қўйилмалар».

69. 0810 «Тугалланмаган қурилиш» счётида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) капитал қурилиш сметалари, смета-лойиҳа ҳисоб-китобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асбоблар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

70. 0820 «Асосий воситаларни харид қилиш» счётида асосий воситаларни харид қилиш, ўрнатиш ва йиғиш билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

71. 0830 «Номоддий активларни харид қилиш» счётида номоддий активларни харид қилиш ёки суғурталовчининг ўзида яратилиши билан боғлиқ барча харажатлар ҳисобга олинади.

72. 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счётида: асосий подага ўтказиладиган хўжаликдаги ёш ишчи ҳайвонларни ўстириш бўйича харажатлар; асосий пода учун харид қилинган катта ёшдаги ишчи ҳайвонларнинг қиймати, шунингдек, уларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар; бошқа корхоналардан текинга олинган катта ёшдаги ҳайвонларни хўжаликка етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар ҳақиқий таннарх бўйича баҳоланади. Асосий подага ўтказиладиган ёш ишчи ҳайвонларнинг барча турларининг қиймати йил давомида 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётидан 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счётининг дебетига йил бошида ҳисобда турган баланс қийматига, йил бошидан то ҳайвонларни асосий подага ўтказиш вақтигача бўлган даврда ортган вазни ёки ўсган вазнининг режа таннархини қўшган ҳолда, ҳисобдан чиқарилади. Бир вақтнинг ўзида, ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказишда 0170 «Ишчи ҳайвонлар» счёти дебетланади ва 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счёти кре-



дитланади. Йил охирида ҳисобот калькуляцияси тузилгандан кейин йил давомида ўтказилган ёш ҳайвонларнинг кўрсатилган қиймати билан унинг ҳақиқий таннархи ўртасидаги фарқ 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» счётидан 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счётига, бир вақтнинг ўзида ҳайвоннинг баҳосини аниқлаб, қўшимча 0170 «Ишчи ҳайвонлар» счётига ҳисобдан чиқарилади.

Четдан харид қилинган катта ёшдаги ишчи ҳайвонларнинг қиймати 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счётининг дебетига уни етказиб бериш харажатлари билан биргаликда, харид қилишнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилинади.

Асосий подани ташкил этишнинг тугалланган муомалалари бўйича харажатлар 0840 «Асосий подани ташкил қилиш» счётидан 0170 «Ишчи ҳайвонлар» счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

73. 0850 «Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар» счётида суғурталовчининг ер майдонини ободонлаштириш бўйича харажатлари, шунингдек, кириш йўллари, автомобиль ва бошқа транспорт воситаларининг тўхташ майдонлари, деворлар ва кўкаламзорлаштиришнинг бошқа турлари қиймати ҳисобга олинади.

Ер майдонлари, ўрмон ва сув ҳавзалари ва кўп йиллик ўсимликларга қилинган инвентар хусусиятига эга бўлган капитал қўйилмалар, асосий воситалар таркибига, комплекс ишлар тугашидан қатъи назар, фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар суммаси бўйича киритилади.

74. 0860 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар» счётида узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага олинган мулкни ободонлаштириш ҳамда унинг таъмирланиши ва модернизациясига қилинадиган капитал қўйилмалар ҳисобга олинади.

75. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматига ўрнатилган тартибда қўшиладиган қурувчининг барча ҳақиқий харажатлари, шунингдек, суғурталовчининг асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил этиш ва бошқа капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича қолдик, суғурталовчининг тугалланмаган қурилишга, асосий воситалар, номоддий активларни харид қилиш, ерни ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришга қилинган капитал қўйилмалар миқдорини, шунингдек, асосий подани ташкил этиш бўйича тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800) бўйича аналитик ҳисоб капитал қўйилмаларнинг ҳар бир йўналиши бўйича юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг ташкил этилиши қуйидаги харажатлар ҳақида маълумот олиш имконини бериши лозим:

а) қурилиш ва реконструкция ишлари; бурғулаш ишлари; асбоб-ускуналарни йиғиш; ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилиш; монтажни талаб қилмайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш, шунингдек, капитал қўйилмаларнинг сметаларида назарда тутилган асбоблар ва инвентарларни харид қилиш лойиҳа-қидирув ишларига оид ва бошқа капитал қўйилмалар бўйича харажатлар;

б) асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш харажатлари — асосий воситалар ва номоддий активларнинг турлари ва номлари бўйича;

в) ер ва узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш харажатлари — объектларнинг тури ва номи бўйича;

г) асосий подани ташкил этиш харажатлари — ҳайвонларнинг турлари (йирик шохли ҳайвонлар, қўйлар, отлар ва бошқалар) бўйича.

## 76. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар (0800)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Объектларни қуришда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши, капитал қўйилмалар харажатига киритилиши	0810	0211 — 0299
2.	Объектларни қуришда фойдаланилаётган номоддий активларнинг амортизацияси харажатларга киритилиши	0810	0510 — 0590
3.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар монтажга топширилди (монтажга тайёргарлик бошланган пайдан)	0810	0710 — 0720
4.	Сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар қиймати капитал қўйилмалар бўйича харажатларга киритилиши	0810	1010 — 1090
5.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг капитал қўйилмаларга кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилиши	0810	2310
6.	Капитал қўйилмаларда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳисобланиши	0810	6920
7.	Тугалланмаган қурилишни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши; б) қийматининг камайтирилиши	0810 8510	8510 0810
8.	Капитал қурилишда бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзлар	0810	6010, 7010
9.	Капитал қўйилмалар билан боғлиқ қондирилмаган даъволар бўйича сумма ҳисобдан чиқарилиши	0810	4860
10.	Инвентаризация натижасида тугалланмаган қурилишда камомад суммаси аниқланиши	5910	0810
11.	Ёш ҳайвоннинг асосий подага ўтказилиши	0840	2710
12.	Асосий поданинг ташкил қилиниши	0170	0840
13.	Келгуси давр харажатлари тегишли қисмининг капитал қўйилмаларига олиб борилиши	0810 — 0890	3110 — 3190
14.	Капитал қўйилмалар таннархига киритиладиган суғурта бўйича қарзлар	0810 — 0890	6510
15.	Капитал қўйилмалар таннархига киритиладиган мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзлар	0810 — 0890	6520
16.	Таъсисчилар томонидан устав капиталига улуш (пай) сифатида киритилган тугалланмаган капитал қўйилмалар	0810 — 0890	4610
17.	Автотранспорт воситаларини сотиб олиш солиғи (инвентар қийматига)	0810 — 0890	6520
18.	Капитал қўйилмаларни ўзлаштиришда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи бўйича турли суммалар ҳисобланиши	0810 — 0890	6710
19.	Ҳисобдор шахсларнинг капитал қўйилмаларга уларнинг қилган харажатлари бўйича қарзлари ҳисобдан чиқарилиши	0810 — 0890	4220 — 4290, 6970
20.	Асосий воситаларни харид қилиш ва қуриш жараёнида вужудга келган турли кредиторлар олдидаги қарзлар	0810 — 0890	6990
21.	Капитал қўйилмалар бўйича ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг кўрсатган хизматлари учун қарзлар	0810 — 0890	6110 — 6120
22.	Асосий воситалар объектларини қуриш ёки харид қилиш натижасида уларни бошланғич қиймати бўйича фойдаланишга бериш	0110 — 0190	0810 — 0890
23.	Асосий воситаларни қуриш ва харид қилиш билан боғлиқ, аммо объектларнинг бошланғич қийматига қўшилмайдиган харажатлар суғурталовчи маблағлари ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши	9430	0810 — 0820

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
24.	Агар айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаса, камомад ва бузилган қийматликларнинг суммаси капитал қўйилмалар бўйича харажатларга олиб борилиши	0810 — 0890	5910

**9-§. Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900)**

77. Қўйидаги ҳисоб-китобларнинг узоқ муддатли қисми:

- а) харидорлар ва буюртмачилар билан олинган векселлар бўйича;
  - б) ижарачилар билан уларнинг узоқ муддатли ижара шартномаси асосида олган асосий воситалари бўйича;
  - в) мол етказиб берувчилар билан — уларга товар-моддий бойликлар ва бошқа активларни етказиб бериш учун берилган бўнаклар бўйича;
  - г) харидорлар ва буюртмачилар билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счётлар бўйича;
  - д) ажратилган бўлинмалар билан товарлар, тайёр маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун олинадиган счётлар бўйича;
  - е) корхоналар ва ташкилотлар билан берилган қарзлар бўйича;
  - ж) моддий-жавобгар шахслар ва суғурталовчининг ходимлари билан моддий зарарни қоплаш бўйича;
  - з) бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан суғурталовчига юқорида келтирилмаган турли қарзлар бўйича;
  - и) вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича;
  - к) облигациялар дисконтлари бўйича кечиктирилган харажатлар;
  - л) бошқа кечиктирилган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:
- 0910 «Олинган векселлар»;
- 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»;
- 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари»;
- 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар»;
- 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи»;
- 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар»;
- 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар».

78. 0910 «Олинган векселлар» счётида харидорлар ва буюртмачилардан улар сотиб олган товар-моддий захиралари ва бошқа активлар, улар учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича харидорлар ва буюртмачилар томонидан тўлов ҳужжати сифатида вексель тақдим қилиши натижасида, улардан олиниши керак бўлган тўлов суммаси ҳисобга олинади. Бунда шундай ҳисоб-китоблар содир бўлганда, олинадиган счётларнинг узоқ муддатли қисми 0910 «Олинган векселлар» счётининг дебети ва 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар», 9030 «Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар», 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши», 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётларининг кредитида акс эттирилади.

79. 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти ижарага берувчи суғурталовчида мулкнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича муомалаларни ҳисобга олишда фойдаланилади.

Асосий восита объектларини узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бериш-

да ижарага берувчи объектларнинг қийматини умумий тартибда ҳисобдан чиқаради. Бунда узоқ муддатли ижарага берилган асосий восита объектларининг қиймати ижарачи ва ижарага берувчи билан келишилган баҳода узоқ муддатли қисми 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётининг дебети, жорий қисми 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг дебети ва дебиторлик қарзининг жами суммаси 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитига ўтказилади.

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти бўйича кредитдаги сальдо (ижарага берилган асосий восита объектларининг ижарачи ва ижарага берувчи томонидан келишилган баҳодаги қиймати билан бу объектларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ) кечиктирилган фойда сифатида 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётига узоқ муддатли қисми ва 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётига жорий қисми ҳисобдан чиқарилади.

Ижарага берилган асосий восита объектларининг ижарачи ва ижарага берувчи келишган баҳодаги қиймати билан ушбу объектларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқнинг тегишли қисми ижара ҳақи келиб тушганда 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётидан 9550 «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» счётининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисобот йилининг охирида ижарага берувчи жорий йилда келиб тушадиган суммаларни 0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётининг кредитидан 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг дебетига ўтказилади. Ижара ҳақининг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Агар асосий воситалар объекти ижара муддатининг тугашига қадар ижарачининг мулкига ўтса, у ҳолда сотиб олиш баҳоси тўланган ижара ҳақини чегириб ташлаган ҳолда юқорида кўриб ўтилган ижара ҳақининг келиб тушишини акс эттириш тартибида сотиб олиш вақтида акс эттирилади.

0920 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси бўйича юритилади.

80. 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счётида суғурталовчи ходимларига кредитга сотилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар, берилган қарзлар бўйича уларнинг қарздорлиги, ходимларнинг суғурталовчига пул маблағлари, товармоддий қийматликларининг камомати ва ўғирланиши, яроқсизлиги натижасида етказилган моддий зарарларнинг қопланиши шунингдек, бошқа турдаги зарарларнинг қопланиши ва шу кабилар ҳисобга олинади.

Кредитга товар сотиб олган шахс ишлайдиган суғурталовчи уларга берилган кредитни савдо суғурталовчилари томонидан банк кредити ҳисобидан тўлиқ қоплаши мумкин. Бунда банк савдо корхоналарининг тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатларини ўзининг кредити ҳисобидан тўлайди. Ушбу муомала суғурталовчиларда 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счётининг дебети ва 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётининг кредитида акс эттирилади.

Ходимларга берилган қарзлар суммаси 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счётининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Кредитга сотилган товарлар, берилган қарзлар, моддий ва бошқа зарарларнинг қопланиши бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисмининг жорий дебиторлик қарзлари қисмига ўтказилишида 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи», 4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи», 4730 «Моддий

зарарни коплаш бўйича ходимларнинг қарзи», 4790 «Ходимларнинг бошқа қарзлари» счётларининг дебети, 0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счётининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

0930 «Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчининг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

81. 0940 «Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар» счётида харидорлар ва буюртмачилардан даъволар ва бошқалар бўйича олинадиган счётларнинг узоқ муддатли қисми ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган счётлар бўйича аналитик ҳисоб харидорлар ва буюртмачиларга берилган ҳар бир счёт бўйича юритилади. Аналитик ҳисобнинг ташкил қилиниши векселлар, харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича қарзлар тўғрисида маълумотларни олиш имкониятини бериши лозим.

82. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори (ЎзР ҚТ, 1999 йил, 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-иловасига мувофиқ жорий ҳисобот даврида тўланадиган солиқнинг узоқ муддатли қисми 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётида ҳисобга олинади. Вақтинчалик фарқларга оид харажатлар бўйича солиқни ҳисоблаш 0930 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебети ва 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг кредитида акс эттирилади. Кейинчалик бу харажатларнинг жами фойдали хизмат муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, бу муддатларнинг қайси бири қисқароқ бўлишидан келиб чиққан ҳолда, (вақт оралиғидаги фарқлар) солиқнинг тегишли қисми узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилади, бу эса 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебети ва 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган фойда (даромад) солиғи» счётининг кредитида акс эттирилади. Тегишли муддатда тўланадиган фойда (даромад) солиғини ҳисоблашда ушбу сумма ҳисобга олинади.

Вақтинчалик фарқлар — бу даромад ва харажатларнинг айрим моддалари солиққа тортиладиган фойдага киритиладиган ҳисобот даври билан ушбу моддалар ҳисоб фойдасига киритиладиган ҳисобот даврининг мувофиқ келмаслиги натижасида юзага келадиган ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган ва ҳисоб фойдаси ўртасидаги фарқдир.

Харажатларнинг тегишли суммасига солиқлар камайрилиши юз берадиган даврлар келганда солиқлар суммаси 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счётининг дебети ва 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг кредитида акс эттирилади. Шундай қилиб, 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебетидаги қолдиқ келгуси даврларда бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммасининг камайириш зарур бўлган солиқ суммасининг узоқ муддатли қисмини кўрсатади.

83. 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётида харажатларга қоплаш муддати давомида тақсимланиб бориладиган облигация дисконт (чегирма)лари бўйича суғурталовчининг узоқ муддатли кечиктирилган харажатлари акс эттирилади. Ушбу счёт фақат облигацияларни сотувчи (эмитент)лар томонидан фойдаланилади. Облигацияларнинг чегирма билан сотилиши 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти ва олинган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг де-

бетида ва 7830 «Тўланадиган облигациялар» счётининг кредитида акс эттирилади. Облигациялар бўйича фоизларнинг жорий қисми ҳисобдан чиқарилганда 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» счёти билан боғланган ҳолда кредитланади.

84. 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётида 0960 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» ва 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётларида кўрсатилмаган бошқа кечиктирилган харажатлар акс эттирилади. Ушбу харажатларни ишлаб чиқариш, давр харажатлари, молиявий фаолият харажатларига ҳисобдан чиқариладиган муддати қонунчилик асосида тартибга солинади. Бунда бошқа кечиктирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисми 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётининг дебитида, жорий қисми эса 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг дебитида акс эттирилади.

0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган бўнак бўйича мол етказиб берувчи ёки пудратчи бўйича юритилади.

85. Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (0900)нинг боғлиниши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғлиниши	
		Дебет	Кредит
1.	Банк томонидан тўлови кафолатланган харидорлар ва буюртмачилардан олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми	0910	4010
2.	Олинган векселларнинг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказиш	4020	0910
3.	Ижарачи билан келишилган баҳода асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилиши: узоқ муддатли қисмига жорий қисмига	0920 4810	9210 9210
4.	Олинадиган узоқ муддатли ижаранинг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказилиши	4810	0920
5.	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимлар қарзларининг узоқ муддатли қисми	0930	7810
6.	Кредитга сотилган товарлар бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказилиши	4710	0930
7.	Берилган қарзлар бўйича ходимлар қарзларининг узоқ муддатли қисми	0930	5110 — 5530
8.	Берилган қарзлар бўйича қарзлар суммасининг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказилиши	4720	0930
9.	Моддий зарарларни қоплаш бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисми	0930	1010 — 1090, 5010 — 5530, 9210
10.	Моддий зарарларни қоплаш бўйича қарзлар суммасининг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказилиши	4730	0930
11.	Берилган бўнақларнинг узоқ муддатли қисми	0940	5110 — 5530
12.	Берилган бўнақларнинг узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказилиши	4310 — 4340	0940
13.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётларнинг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказиш	4110 — 4120	0940
14.	Бошқа шахслар қарзлари суммасининг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказиш	4890	0940

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
15.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи	0950	6410
16.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи суммасининг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказиш	3210	0950
17.	Облигацияларни чегирма (дисконт) билан сотиш	0960	7830
18.	Дисконт бўйича кечиктирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказиш	3220	0960
19.	Келгуси даврлар (узоқ муддатли) ҳисобига тўланган ижара тўловлари	0990	5110 — 5530
20.	Келгуси даврлар (узоқ муддатли) ҳисобига тўланган абонент тўловлари	0990	5110 — 5530
21.	Кечиктирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисмини жорий қисмига ўтказиш	3290	0990

## II бўлим. Жорий активлар

### I кичик бўлим. Товар-моддий захиралари

86. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари қуйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

а) хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган хом ашё захиралари, материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар, инвентар ва хўжалик жиҳозлари, бошқа материаллар;

б) тугалланмаган хизматлар кўрсатиш.

87. Товар-моддий захиралари ҳисобини ташкил қилишда уларнинг таркиби, ҳолати, ҳаракати, миқдори, харид қилиниши, қайта баҳолаш тартиби ва ҳоказоларга эътибор қаратиш лозим. Ҳисоб маълумотлари маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини қидириб топиш, моддий қийматликлардан тежамли фойдаланиш, харажат меъёрларини камайитириш, уларни тегишли ҳолатда сақлаш ва уларнинг бутлигини таъминлаш тўғрисидаги ахборотлардан иборат бўлиши лозим.

88. Ушбу бўлимда қуйидаги счётларнинг ҳисоб тартиби ёритилади:

1000 — Материалларни ҳисобга олувчи счётлар;

1500 — Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар;

1600 — Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар;

2000 — Суғурта ишини юритиш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар;

2200 — Суғурта товонларини ҳисобга олувчи счётлар;

2300 — Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар;

2400 — Қайта суғурта қилишга оид рағбатлантиришлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар;

2500 — Умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар;

2600 — Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар;

2700 — Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар.

89. Қийматликларни товар-моддий захиралари таркибига киритиш ва уларнинг ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2006 йил 15 июнда 52-сон билан тасдиқланган (4-сонли БҲМС) «Товар-моддий захиралари» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (2006 йил 17 июль, рўйхат

рақами 1595 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 28-29-сон, 282-модда) билан тартибга солинади.

### 1-§. Материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)

90. Суғурталовчига тегишли бўлган хом ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоб материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 1010 «Хом ашё ва материаллар»;
- 1020 «Бутловчи буюмлар»;
- 1030 «Ёқилғилар»;
- 1040 «Эҳтиёт қисмлар»;
- 1050 «Қурилиш материаллари»;
- 1060 «Идиш ва идишбоб материаллар»;
- 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар»;
- 1080 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари»;
- 1090 «Бошқа материаллар».

91. Материаллар ҳисобда иккита баҳонинг энг пастги бўйича материалларни ҳисобга олувчи счётларда — ҳақиқий таннархи (сотиб олиш баҳоси ёки ишлаб чиқариш таннархи) бўйича ёки бозор баҳоси (сотишнинг соф қиймати) бўйича ҳисобга олинади.

92. Зарур ҳолларда (ишлатиладиган материалларнинг номенклатураси катта бўлганда, суғурталовчи ичида материалларнинг ҳаракати интенсив бўлганда, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришида ва бошқаларда) материаллар ҳисоби ҳисоб баҳоси бўйича юритилиши мумкин. Ҳисоб баҳоси сифатида режа таннархи, ўртача сотиб олиш нархлари, улгуржи ва бошқалар қабул қилинади. Материалларни ҳисоб баҳоси бўйича ҳисобга олишда, ҳар ой, ҳақиқий таннархи кўрсатилган баҳосининг қийматидан фарқланиш суммаси ва фоизлари ҳисоблаб чиқилади. Фарқлар 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади.

93. 1010 «Хом ашё ва материаллар» счётида қуйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади:

а) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таркибига кирадиган, унинг асосини ташкил этадиган ёки уни тайёрлашда (ишлаб чиқаришда) зарур таркибий қисмлар ҳисобланиладиган хом ашё ва асосий материаллар;

б) маҳсулот ишлаб чиқаришда ёки хўжалик эҳтиёжлари учун сарфланадиган, техник мақсадлар ва ишлаб чиқариш жараёнига ёрдамлашишда иштирок этадиган ёрдамчи материаллар;

в) қайта ишлаш учун тайёрланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ш. к.;

г) ем-хашак ва тўшамалар. Ўзида ишлаб чиқарилган ем-хашак ва тўшамалар йил охирида ҳақиқий таннархига тўғрилаш билан йил давомида режа таннархи бўйича акс эттирилади.

94. 1020 «Бутловчи буюмлар» счётида тайёр бутловчи буюмлар, қурилиш деталлари ва конструкцияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Илмий-тадқиқот ёки конструкторлик мавзуси бўйича илмий ва синов ишларини амалга ошириш учун керак бўлган бутловчи буюмлар, махсус асбоб-ускуналар, асбоблар, қурилмалар, мосламалар ва ҳоказоларни четдан харид қилувчи суғурталовчилар, ушбу қийматликларни 1020 «Бутловчи буюмлар» счётида ҳисобга оладилар.



95. 1030 «Ёқилғилар» счётида нефть маҳсулотлари, ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) (нефть, бензин, керосин, дизель ёқилғиси, ёғ ва ҳоказолар), қаттиқ ёқилғи (кўмир, ўтин ва ҳоказолар) ва газсимон ёқилғи (газ, газолин) шунингдек, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва қаттиқ ёқилғи сифатида ишлатиладиган иккиламчи материал қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Ёқилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) учун талонлардан фойдаланилганда ҳам уларнинг ҳисоби 1030 «Ёқилғилар» счётида юритилади.

96. 1040 «Эҳтиёт қисмлар» счётида машина, ускуна, транспорт воситалари ва бошқаларни таъмирлаш ва эскирган қисмини алмаштириш учун мўлжалланган асосий фаолият учун харид қилинган ёки тайёрланган, эҳтиёт қисмларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, ҳамда захирадаги автомобиль шиналари ҳисобга олинади. Шу ерда таъмирлаш заводларида ва техник сервис пунктларида суғурталовчининг таъмирлаш бўлимларида қилинган (яратилган) агрегатлар, двигателлар, ускуналар, тўлиқ комплектли машиналарнинг алмашиш фонди ҳаракати ҳам ҳисобга олинади.

97. 1050 «Қурилиш материаллари» счётида қурилиш конструкциялари ва деталлари, бино ва иншоотларнинг қисмлари, конструкция ва деталларини қуриш ва пардоз қилиш, қурилиш деталларини тайёрлаш, қурилиш ва монтаж ишларида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган, шунингдек, бошқа эҳтиёжлар учун четдан сотиб олинган ва ўзида ишлаб чиқилган қурилиш материалларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

98. 1060 «Идиш ва идишбоб материаллар» счётида идишларнинг барча турлари (хўжалик инвентари сифатида фойдаланиладиган идишлардан ташқари) шунингдек, идишлар тайёрлаш ва таъмирлаш учун мўлжалланган материаллар ва деталлар (яшикларни йиғиш учун деталлар, бочка тахтаси, темир гардиш ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати юритилади. Юкланадиган маҳсулотларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, баржалар, самолётлар, кемаларни кўшимча жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмлар 1010 «Хом ашё ва материаллар» счётида ҳисобга олинади.

99. 1070 «Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар» счётида четга қайта ишлаш учун берилган материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бунда материалларга қайта ишлов бериш билан боғлиқ четдаги корхоналарга тўланган харажатлар бевосита қайта ишлашдан олинган буюмларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига олиб борилади.

100. 1080 «Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётида суғурталовчининг айланма маблағлари таркибига кирадиган инвентарлар, асбоблар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа меҳнат воситаларининг (кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Ушбу счётда қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мулк ҳисобга олинади:

а) хизмат қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаган;

б) хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, бир бирлиги (комплекти)нинг қиймати (сотиб олиш вақтида) Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг эллик баробаригача бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида буюмларнинг инвентар ва хўжалик жиҳозлари таркибида ҳисобга олинishi учун қийматининг паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга.

Хизмат қилиш муддати ва қийматидан қатъи назар, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари таркибига қуйидагилар киритилади:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (алоҳида буюртмани тайёрлаш учун ёки

маълум бир турдаги буюмларни серияли ва оммавий ишлаб чиқариш учун мўлжалланган мақсадли асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитар буюмлар, махсус пойабзал;

в) ётоқ жиҳозлари;

г) канцелярия жиҳозлари (калькуляторлар, стол жиҳозлари ва ҳ. к.);

д) ошхона ва овқатланиш хонаси жиҳозлари, шунингдек, овқатланиш хонаси чойшаблари;

е) харажатлари, уларни куриш, қурилиш-монтаж ишлари таннархига олиб бориладиган вақтинчалик (титулсиз иншоотлар) қурилма ва мосламалар;

ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) ов қуроллари (қўқан, қопқон, тўрлар ва ҳ. к.).

Суғурталовчилар мустақил равишда инвентарлар, асбоблар ва хўжалик жиҳозларни ҳисобга олувчи счётларни уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ўрни ва ролига қараб очишлари мумкин. Уларнинг қиймати фойдаланишга берилган вақтда ишлаб чиқариш ёки давр харажатларига тўлиқ қўшилади. Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида кейинчалик уларнинг ҳисоби баланسدан ташқари 014 «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари» счётида цех, омбор ва алоҳида фойдаланувчилар бўйича юритилади.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланишга яроқсиз ҳолга келган ҳолларда уларни баланسدан ташқари счётдан ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш далолатномасига асосан амалга оширилади.

101. 1090 «Бошқа материаллар» счётида юқорида келтирилган счётларда назарда тутилмаган материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Бу ерда ишлаб чиқариш чиқиндилари (қирқимлар, қиринди ва ш. к.); тузатиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотлар; асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан олинган моддий қийматликлар (металлолом, яроқсиз хом ашё, эскирган шиналар, камералар, яроқсиз резина, ишлатилган мой, нигрол ва ҳ. к.) ҳисобга олинади.

102. Материалларнинг келиб тушиши 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ва 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётларидан фойдаланилган ҳолда (агар бу суғурталовчининг ҳисоб счётида белгиланган бўлса) ёки ушбу счётлардан фойдаланилмаган ҳолда акс эттирилиши мумкин.

103. Материалларни ишлаб чиқаришга ёки бошқа хўжалик мақсадларига ҳақиқатда сарфланиши (1000) материалларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Материалларни четга сотиш (1000) материалларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредити ва 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг дебитида акс эттирилади.

Материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)нинг аналитик ҳисоби сақланиш жойлари ва уларнинг алоҳида номлари (турлари, навлари, ҳажмлари ва бошқалар) бўйича юритилади.

104. Материалларни ҳисобга олувчи счётлар (1000)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Мол етказиб берувчилардан материаллар олинishi	1010 — 1090	6010
2.	Асосий воситаларни тугатиш натижасида келиб тушган материалларнинг қиймати	1090	9210
3.	Таъсисчилардан уларнинг улуши ҳисобидан турли хил материалларнинг келиб тушиши	1010 — 1090	4610

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
4.	Ажратилган бўлинмалар, шўба ва қарам хўжалик жамиятларидан материалларнинг келиб тушиши	1010 — 1090	6110, 6120
5.	Бошқа шахслардан материалларнинг текинга олиниши	1010 — 1090	8530
6.	Материаллар кирим қилингандан кейин аниқланган яроқсизлик (дефект) бўйича мол етказиб берувчига билдирилган даъво	4860	1010 — 1090
7.	Транспорт-тайёрлов харажатларининг материаллар таннархига киритилиши	1010 — 1090	1510
8.	Материалларнинг ҳақиқий таннархи бўйича кирим қилиниши (1500 счёт қўлланилганда)	1010 — 1090	1510
9.	Ўзида ишлаб чиқарилган материалларнинг кирим қилиниши	1010 — 1090	2310
10.	Тўлови инкор этилган олдин билдирилган даъво суммасининг ҳисобдан чиқарилиши	1010 — 1090	4860
11.	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга материалларнинг чиқарилиши	2010, 2310 2510, 2710	1010 — 1090
12.	Маъмурий эҳтиёжлар учун материалларнинг берилиши	9420	1010 — 1090
13.	Четга чиқиб кетаётган материалларнинг қийматини ҳисобдан чиқариш	9220	1010 — 1090
14.	Табиий офат натижасида йўқотилган материалларнинг ҳисобдан чиқарилиши	9720	1010 — 1090
15.	Инвентаризация натижасида материалларнинг камомати аниқланди	5910	1010 — 1090

## 2-§. Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар (1500)

105. Айланма маблағларга тааллуқли бўлган моддий қийматликларни тайёрлаш ва сотиб олиш тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётида амалга оширилади.

106. 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетига моддий қийматликларнинг ҳисоб баҳоси олиб борилади. Бунда у ёки бу қийматликлар қаердан келиб тушганлиги ва суғурталовчида материалларни тайёрлаш ва олиб келиш харажатларининг хусусиятига кўра 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» ва шу каби бошқа счётлар билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилади.

1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг кредитига харид қилинган қийматликларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобланган қиймати, моддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда олиб борилади.

Моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннархи ва ҳисоб баҳоси бўйича қиймати орасидаги фарқ суммаси 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётига ҳисобдан чиқарилади.

Ой охирида 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидаги қолдиқ тайёрланган ва харид қилинган, шунингдек, йўлдаги ёки мол етказиб берувчиларнинг омборларидан (ушбу қийматликларни омборга кирим қилинмасдан) олиб келинмаган материалларнинг мавжудлигини кўрсатади.

107. Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счётлар (1500)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Товар моддий қийматликларини тайёрлаш ва етказиб бериш жараёнида ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан кўрсатилган хизматларнинг ҳисобдан чиқарилиши	1510	2310
2.	Мол етказиб берувчилардан материаллар олинishi	1510	6010
3.	Мол етказиб берувчиларга материалларнинг камомад суммаси бўйича даъво билдирилиши	4860	1510
4.	Ундирилмаган даъво суммаларининг материаллар таннаригига киритилиши	1510	4860
5.	Товар моддий қийматликларни харид қилишда ҳисобдор шахслар томонидан тўланган суммалар	1510	6970
6.	Материалларни харид қилишдаги турли ташкилотларнинг хизматлари суммаси	1510	6990
7.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан келиб тушган материаллар	1510	6110, 6120
8.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг кирим қилиниши	0710	1510
9.	Омборга келиб тушган моддий қийматликларнинг кирим қилиниши	1010 — 1090	1510
10.	Ўстиришга ва боқувга келиб тушган ҳайвонларнинг кирим қилиниши	2710	1510
11.	Фарқ суммасининг ҳисобдан чиқарилиши: а) келиб тушган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ҳисоб баҳосидан паст бўлганда; б) келиб тушган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ҳисоб баҳоларидан юқори бўлганда;	1510	1610
		1610	1510

### 3-§. Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)

108. Моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ва ҳисоб баҳоси орасидаги фарқ тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида амалга оширилади.

Моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ва ҳисоб баҳолари орасидаги фарқ суммаси 1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётининг дебети ёки кредитига 1510 «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётидан ҳисобдан чиқарилади.

1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида йиғилган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ва ҳисоб баҳолари орасидаги фарқ суммалари ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва бошқа тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида сарфланган материалларнинг ҳисоб баҳосига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқарилади.

1610 «Материаллар қийматидаги фарқлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб моддий қийматликларнинг гуруҳлари бўйича юритилади.

109. Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Фарқ суммасининг ҳисобдан чиқарилиши: а) келиб тушган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ҳисоб баҳоларидан паст бўлганда; б) келиб тушган моддий қийматликларнинг ҳақиқий таннариги ҳисоб баҳоларидан юқори бўлганда;	1510	1610
		1610	1510

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
2.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган материаллар бўйича фарқлар суммаси	1610	4110, 4120
3.	Материаллар қийматидаги фарқлар (ҳисобланган улушда) тегишли счётларга ҳисобдан чиқарилди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	1610
4.	Материаллар қийматидаги фарқнинг бир қисми ажратилган бўлинмаларга, уларга берилган материаллар счётига ҳисобдан чиқарилди	4110	1610

#### 4-§. Суғурта ишини юритиш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2000)

110. Суғурталовчининг асосий фаолияти бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумотларни жамлаш 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётида амалга оширилади.

111. 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебети бўйича хизматларни кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий фаолиятни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган билвосита харажатлар акс эттирилади. Суғурталовчиларнинг асосий фаолияти бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

суғурта шартномаларини тузиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш билан банд бўлган суғурталовчининг ходимлари меҳнат ҳақини тўлаш бўйича харажатлар;

суғурта ишини ташкил қилиш ва технологиясига мувофиқ, суғурта хизматларини кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган суғурталовчининг харажатлари;

суғурта хизматларини кўрсатиш жараёнига хизмат кўрсатиш бўйича суғурта ташкилотини материаллар, мосламалар, инвентар, хўжалик жиҳозлари ва бошқа воситалар билан таъминлаш билан боғлиқ харажатлар;

суғурта товонларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушини тўлаш билан боғлиқ харажатлар;

суғурта ҳодисасининг оқибатларини бартараф қилиш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар;

актуарий, аджастер, сюрвейер ва ассистанс хизматлари ҳақини тўлаш бўйича харажатлар;

олдини олиш чора-тадбирларига ажратмалар;

қайта суғурта қилиш операциялари бўйича комисион рағбатлантиришлар, тантёмаларни тўлаш бўйича харажатлар;

суғурта воситачиларига комисион мукофотларни тўлаш бўйича харажатлар ва бошқалар.

Хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри харажатлар 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётига материаллар, ходимларга меҳнат ҳақини тўлаш бўйича ҳисоб китобларни ҳисобга олувчи ва бошқа счётларнинг кредити бўйича ўтказилади.

Асосий фаолиятни бошқариш ва ташкил этиш билан боғлиқ билвосита харажатлар 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётига 2510 «Умумишлабчиқариш харажатлари» счётидан ўтказилади.

2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг кредити бўйича кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади. Ушбу суммалар 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётидан 9130 «Кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётининг дебетига ўтказилади.

Аналитик ҳисоб харажатлар турлари ва хизматлар турлари бўйича юритилади. Харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши, шунингдек, калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида амалга оширилади. Ушбу счётларнинг таркиби ва фойдаланиш услубиятини ҳар бир суғурталовчи ўзининг ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқаришни ташкил этиш хусусиятларига қараб белгилайди. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойи ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши ҳамда калькуляцион ҳисоб алоҳида счётлар тизимида ҳисобга олинмаса, 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг аналитик ҳисоби ҳам суғурталовчининг алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

112. Асосий ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2000)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Бевосита маҳсулот хизмат кўрсатишда қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши	2010	0211 — 0299
2.	Хизмат кўрсатишга тааллуқли бўлган номоддий активларнинг амортизацияси	2010	0510 — 0590
3.	Тўғридан-тўғри материал харажатлари хизмат кўрсатишга ҳисобдан чиқарилиши	2010	1010 — 1090
4.	Материаллар қийматидаги фарқ тегишли улушларда асосий иш юритиш харажатларига ҳисобдан чиқарилиши	2010	1610
5.	Умумишлабчиқариш харажатларининг хизматларнинг таннархига киритилиши	2010	2510
6.	Илгари келгуси давр харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли улуши хизматларнинг таннархига олиб борилиши	2010	3110-3190
7.	Қондирилмаган даъволар суммаси хизматларининг таннархига киритилиши	2010	4860
8.	Асосий фаолиятдаги суғурта харажатлари	2010	6510
9.	Асосий фаолият харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар	2010	6520
10.	Асосий фаолият ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича суммалар ҳисобланиши	2010	6710
11.	Ҳисобдор шахслар томонидан амалга оширилган харажатлар	2010	4220 — 4290, 6970
12.	Турли корхоналарга улар томонидан кўрсатилган хизматлар учун қарзлар	2010	6990
13.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий фаолият эҳтиёжларга қилган харажатлари	2010	6110, 6120
14.	Материалларнинг асосий фаолиятдан қайтарилиши	1010 — 1090	2010
15.	Суғурта агентлари ва брокерларига комиссия мукофотларни ҳисоблаш	2010	6040
16.	Суғурта товонларини таннархга киритиш	2010	2210, 2220
17.	Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонларини ҳисобдан чиқариш	2010	2230
18.	Қайта суғурта қилишга оид брокерлик рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимларни ҳисобдан чиқариш	2010	2410

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
19.	Актуррийлар (актуарий ташкилотлари), аджастерлар (аджастер ташкилотлари, сюрвейерлар (сюрвейер ташкилотлари), ассистансларга (ассистанс хизматларини кўрсатувчи ташкилотларга) тўланадиган суммаларнинг ҳисобланиши	2010	6090
20.	Олдини олиш чора-тадбирларига ажратмалар	2010	8040
21.	Иш юритиш харажатларининг кўрсатилган хизматлар таннархига киритилиши	9130	2010
22.	Табиий офатлар, ёнғин ва шу кабилар натижасида тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар ҳисобидан чиқарилиши	9720	2010
23.	Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган моддий қийматликларнинг камомади	5910	2010

### 5-§. Суғурта товонларини ҳисобга олувчи счётлар (2200)

113. Тўғридан-тўғри суғурта ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта товонлари тўғрисидаги ахборотни жамлаш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

2210 «Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри суғурта бўйича содир бўлган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари»;

2220 «Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари»;

2230 «Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари»

114. 2210 «Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри суғурта бўйича содир бўлган суғурта бўйича ходисалари бўйича суғурта товонлари» счётида ҳисобот даврида содир бўлган ходисалар бўйича тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари ҳисобга олинади.

115. 2220 «Муддатидан олдин тугатилган шартномалар бўйича суғурта товонлари» счётида муддатидан олдин тугатилган тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари ҳисобга олинади.

116. 2230 «Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари» счётида 6050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти дебети билан боғланган ҳолда қайта суғурталанувчига тўланган суғурта товонлари суммалари акс эттирилади.

117. Суғурта товонини ҳисоблашда 2210 — 2220 счётлари 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счёти билан боғланган ҳолда дебетланади.

118. Ҳисобот даврининг охирида 2210 — 2230 счётларнинг дебет томонидаги қолдиғи 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебетига ўтказилади.

119. Суғурта товонлари ҳисобга олувчи счётлар (2200)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта товонларининг ҳисобланиши	2210 — 2220	6030
2.	Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган зарар улушининг ҳисобланиши	2230	6050
3.	Нотўғри тўланган суғурта товонларини қайтариб олиш тўғрисидаги талабнинг билдирилиши	4890	2210 — 2230
4.	Тегишли суғурта товонларининг иш юритиш харажатларига ўтказилиши	2010	2210 — 2230

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

**6-§. Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300)**

120. Суғурталовчининг асосий фаолиятига ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ҳисобланган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида амалга оширилади.

121. Ушбу счёт қуйидагиларни таъминлайдиган, ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилади:

а) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буг ва бошқалар) билан хизмат кўрсатиш;

б) транспорт хизматини кўрсатиш;

в) асосий воситаларни таъмирлаш;

г) суғурта соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича хизматларни кўрсатиш ва бошқалар.

Бундан ташқари ушбу счётларда суғурталовчи балансида турувчи илмий текшириш ва тажриба конструкторлик бўлинмаларининг харажатлари акс этирилиши мумкин.

122. 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг дебети бўйича хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар, шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс этирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ тўғри харажатлар 2310 «Асосий ишлаб чиқариш» счётига, ишлаб чиқариш захиралари, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар, асосий воситаларга эскириш ва номоддий активларга амортизация ҳисоблаш ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётига 2510 «Умумишлабчиқариш харажатлари» счётидан ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар айрим ҳолларда бевосита 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётида ҳисобга олиниши мумкин.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг кредитида тугалланган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш ҳақиқий таннархининг суммалари акс этирилади. Ушбу суммалар 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётининг кредитидан 2510 «Умумишлабчиқариш харажатлари», 9130 «Кўрсатилган хизматларнинг таннархи», 9420 «Маъмурий харажатлар» счётларига ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёти бўйича аналитик ҳисоб харажат элементлари ва моддалари бўйича ва маҳсулот турлари бўйича юритилади.

123. Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счётлар (2300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларида фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши	2310	0211 — 0299
2.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларига тааллуқли номоддий активларга амортизация ҳисобланди	2310	0510 — 0590
3.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди	2310	1010 — 1090
4.	Маҳсулот олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши	2310	2710



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сўётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
5.	Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш		
	а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	2310 3290	6230 2310
6.	Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобланган улушларда ёрдамчи ишлаб чиқариш сўётларига ҳисобдан чиқариш	2310	1610
7.	Умумишлабчиқариш харажатларининг тегишли улуши ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматлари таннархига киритилиши	2310	2510
8.	Келгуси даврлар харажатларининг улуши ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулотлари, иш ва хизматлари таннархига киритилди	2310	3110 — 3190 3210 — 3290
9.	Мол етказиб берувчилардан ёрдамчи ишлаб чиқаришга моддий қийматликлар ва хизматлар (сув, буғ, энергия ва ҳоказо) келиб тушди	2310	6010, 6990
10.	Қондирилмаган даъволар суммасининг ёрдамчи цехларга тегишли бўлган қисми уларнинг маҳсулоти, иш ва хизматлари таннархига ҳисобдан чиқарилди	2310	4860
11.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги суғурта харажатлари	2310	6510
12.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар	2310	6520
13.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш бўйича суммаларнинг ҳисобланиши	2310	6710
14.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришга кўрсатилган хизматлари бўйича турли корхоналарга бўлган қарзлар	2310	6990
15.	Олинган суммадан ортиқча харажат қилганликлари учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар	2310	6970
16.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларига кўрсатган хизматлари	2310	6110, 6120
17.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчаси кирим қилинди	2310	9390
18.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш томонидан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни харид қилишда қилинган харажатлари асбоб-ускуналар қийматига қўшилди	0710 — 0720	2310
19.	Капитал қўйилмаларда амалга оширилган ёрдамчи цехларнинг харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилди	0810 — 0890	2310
20.	Илгари ёрдамчи ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши	1010 — 1090	2310
21.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган эҳтиёт қисмлар кирим қилинди	1040	2310
22.	Материалларни тайёрлаш ва харид қилишда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари ва харажатлари	1510	2310
23.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг хизмат кўрсатувчи хўжаликларга ўтказилиши	2710	2310
24.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ва хизматларининг (мавсумий тармоқларда) келгуси давр харажатларига олиб борилиши	3190 — 3290	2310
25.	Маҳсулотларни сотиш ва етказиб беришда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	9410	2310
26.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари ва бажарилган ишлари, кўрсатган хизматларининг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш	9130	2310

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
27.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг сотиш ва турли чиқиб кетишидаги харажатларининг ҳисобдан чиқарилиши: асосий воситалар; номоддий активлар	9210 9220	2310 2310
28.	Бошқа корхоналарга ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг инвестиция тариқасида маҳсулотлари берилди ва хизматлари кўрсатилди	9130	2310
29.	Ажратилган бўлинмаларга ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг харажатлари ҳисобдан чиқарилди ёки маҳсулот берилди	4110	2310
30.	Табий офат, ёнғин ва шу кабилар натижасида кўрилган ёрдамчи цехларнинг зарарлари ҳисобдан чиқарилди	9720	2310
31.	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги аниқланган моддий қийматликларнинг камомади ва бузилишлари	5910	2310
32.	Қайтариладиган ва кўп марта ишлатиладиган идишлар бўйича харажатлар ва йўқотишлар	9430	2310

**7-§. Қайта суғурта қилишга оид рағбатлантиришлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2400)**

124. Қайта суғурта қилишга оид рағбатлантиришлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2410 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тентъемалар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатлар» счётида амалга оширилади.

125. 2410 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тентъемалар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатлар» счёти дебити бўйича 6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти билан боғланган ҳолда қайта суғурта қилиш операциялари бўйича ҳисобланган комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тантъемалар ва йиғимлар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида рағбатлантиришларнинг суммаси 2410 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тентъемалар ва йиғимларни тўлаш бўйича харажатлар» счётининг кредити бўйича 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» дебетига ўтказилади.

126. Қайта суғурта қилишга оид рағбатлантиришлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (2400)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Қайта суғурта қилишга оид тўланадиган комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тантъемалар ва йиғимларнинг ҳисобланиши	2410	6080
2.	Қайта суғурта қилишга оид тўланган рағбатлантиришларнинг иш юритиш харажатларига ўтказилиши	2010	2410

**8-§. Умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (2500)**

127. Суғурталовчининг умумишлабчиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2510 «Умумишлабчиқариш харажатлари» счётида амалга оширилади.

128. Ушбу счётада умумишлабчиқариш характериға эға бўлган харажатлар акс эттирилади, жумладан:

- а) машина ва усқуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича;
- б) ишлаб чиқаришға тааллуқли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари бўйича;
- в) ишлаб чиқаришға тааллуқли бўлган асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;
- г) ишлаб чиқаришдаги мол-мулкнинг суғурта харажатлари;
- д) ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари;
- е) ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш бинолари, машина ва усқуналар, бошқа ижараға олинган воситалар учун ижара тўловлари;
- ж) ишлаб чиқаришға хизмат кўрсатишда банд бўлган ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи;
- з) ишлаб чиқариш хусусиятиға эға бўлган бошқа харажатлар.

129. Умумишлабчиқариш харажатлари умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобға олувчи счётларнинг дебетида ишлаб чиқариш захиралари, ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобға олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобға олувчи счётларда ҳисобға олинган харажатлар 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари», 2310 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Умумишлабчиқариш харажатларини алоҳида ҳисоб объектлари орасида тақсимлаш тартиби суғурталовчининг ҳисоб сиёсати орқали аниқланади.

Умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобға олувчи счётлар (2500) бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчининг алоҳида бўлинмалари ва харажатлар моддалари бўйича юритилади.

130. Умумишлабчиқариш харажатларини ҳисобға олувчи счётлар (2500)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Умумишлабчиқариш аҳамиятиға эға бўлган асосий воситаларнинг эскириши	2510	0220 — 0299
2.	Умумишлабчиқариш аҳамиятиға эға бўлган номоддий активларнинг амортизацияси	2510	0510 — 0590
3.	Умумишлабчиқариш мақсадларига материалларнинг сарфланиши	2510	1010 — 1090
4.	Умумишлабчиқариш мақсадларига сарфланган материаллар қийматидаги фарқ ҳисобдан чиқарилди	2510	1610
5.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари умумишлабчиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилди	2510	2310
6.	Келгуси давр харажатлари умумишлабчиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилди	2510	3110 — 3190
7.	Ишлаб чиқаришға хизмат кўрсатиш (энергия, сув, газ, алоқа ва ҳоказо) бўйича мол етказиб берувчиларнинг хизматлари	2510	6010
8.	Илгари тақдим этилган, лекин қондирилмаган даъволар суммасининг умумишлабчиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилиши	2510	4860
9.	Умумишлабчиқариш харажатлари билан боғлиқ суғурта харажатлари	2510	6510
10.	Мақсадли давлат жамғармаларига қилинган ажратмалар умумишлабчиқариш харажатларига киритилди	2510	6520

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сўётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
11.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатларининг ҳисобланиши	2510	6710
12.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари томонидан амалга оширилган харажатлар	2510	6110, 6120
13.	Илгари ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун берилган материалларнинг ортиқчаси ва қайтарилиши	1010	2510
14.	Умумишлабчиқариш харажатларининг маҳсулот таннарихига киритилиши	2310 2010	2510
15.	Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш харажатлари келгуси давр харажатлари таркибида акс эттирилди	3110 — 3190	2510
16.	Умумишлабчиқариш харажатларининг (бекор туриб қоллишлар ва ҳоказолар) бир қисми жавобгар шахслар зиммасига юкланди	4730	2510
17.	Умумишлабчиқариш харажатларининг бир қисми (табий офат, ёнгин ва ҳоказолар сабабли) зарарларга ҳисобдан чиқарилди	9430, 9720	2510

### 9-§. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи сўётлар (2700)

131. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўётида амалга оширилади.

Суғурталовчининг хизмат кўрсатувчи хўжаликлари сифатида суғурталовчининг мақсади бўлган фаолият билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлар тушунилади. Жумладан, ушбу сўётда суғурталовчининг балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой-коммунал хўжалиги объектлари, спорт ва маданият, тикувчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш устахоналари, ошхона ва буфетлар, ишчи ҳайвонларни сақловчи хўжалиklarини сақлаш харажатлари акс эттирилади.

132. 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўётининг дебетида хизмат кўрсатувчи хўжаликларда маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. Харажатлар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўётнинг дебетига товар-моддий захиралари, меҳнат ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқаларни ҳисобга олувчи сўётларнинг кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўётининг кредитида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий таннарихи акс эттирилади. Ушбу суммалар 2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўётининг дебети бўйича товар моддий захираларни ҳисобга олувчи сўётлар ва бошқа сўётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўёти бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

2710 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар» сўётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир хизмат кўрсатувчи хўжалик ва харажат элементлари, моддалари бўйича ва маҳсулот турлари бўйича юритилади.

133. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларни ҳисобга олувчи счётлар (2700)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши	2710	0210 — 0299
2.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари	2710	6710
3.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда фойдаланилаётган номоддий активлар амортизацияси	2710	0510-0590
4.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан ёрдамчи ишлаб чиқаришга кўрсатилган ва уларнинг истеъмол қилган хизматлари қиймати	2710	2310
5.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатларининг сотиш ва маъмурий харажатларга тақсимланиши	9410, 9420	2710
6.	Ҳисобот даври охирида хизмат кўрсатувчи хўжаликлар зарарларининг давр харажатларига ҳисобдан чиқарилиши	9430	2710
7.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун материалларнинг сарфланиши	2710	1010 — 1090
8.	Тугалланмаган маҳсулотни қайта баҳолаш: а) қийматининг оширилиши б) қийматининг камайтирилиши	2710 3290	6230 2710
9.	Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобланган улушда хизмат кўрсатувчи хўжаликлар счётига ҳисобдан чиқарилди	2710	1610
10.	Келгуси даврлар харажатларининг улуши хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулоти, иш ва хизматлари таннархига олиб борилди	2710	3110 — 3190
11.	Мол етказиб берувчилардан хизмат кўрсатувчи хўжаликларга келиб тушган моддий қийматликлар (сув, буг, энергия ва ҳоказолар) ва хизматлар	2710	6010
12.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда суғурта бўйича харажатлар	2710	6510
13.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари бўйича мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар	2710	6520
14.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга кўрсатган хизматлари учун турли корхоналарга бўлган қарзлар	2710	6990
15.	Ҳисобдор шахсларга қарзлар	2710	6970
16.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларига ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг кўрсатган хизматлари	2710	6110, 6120
17.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларда ортиқча тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг кирим қилиниши	2710	9390
18.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг капитал қўйилмаларни амалга оширишдаги харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилди	0810 — 0890	2710
19.	Илгари хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши	1010 — 1090	2710
20.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг материалларни харид қилишда кўрсатган хизматлари ва харажатлари	1510	2710
21.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг харажатлари (мавсумий тармоқларда) келгуси давр харажатлари таркибига киритилди	3110-3190	2710
22.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулотларни етказиш ва сотишда кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилди	9410	2710

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
23.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг сотган маҳсулотлари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматларининг ҳақиқий таннархини ҳисобдан чиқариш	9130	2710
24.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан бошқа корхоналарга инвестиция тариқасида маҳсулотлар берилди ва хизматлар кўрсатилди	9130	2710
25.	Ажратилган бўлинмаларга хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг маҳсулотлари берилди ёки харажатлари ҳисобдан чиқарилди	4110	2710
26.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг табиий офат, ёнгин ва шу кабилар натижасида кўрган зарарлари ҳисобдан чиқарилди	9430, 9720	2710
27.	Бошқа шахслар ва аҳолидан сотиб олинган ҳайвонлар кирим қилинди	2710	6990
28.	Мол етказиб берувчилар сотиб олинган ёш ҳайвонлар кирим қилинди	2710	6010
29.	Ундирилмайдиган даъво суммасининг ҳисобдан чиқарилиши	2710	4860
30.	Ҳайвонларни етказиб бериш бўйича ҳисобдор шахсларнинг харажатлари	2710	6870
31.	Таъсисчилардан уларнинг улуши сифатида олинган ёш ҳайвонларнинг кирим қилиниши	2710	4610
32.	Ишчи отларнинг боласини (той) кирим қилиш	2710	2310
33.	Бошқа шахслардан беғараз тарзда берилган ёш ҳайвонларни кирим қилиш	2710	8530
34.	Ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказиш	0840	2710
35.	Ёш ҳайвонларни четга сотиш ва инвентаризация вақтида аниқланган камчиликлар	9220	2710
36.	Ёш ҳайвонларнинг шўъба ва қарам корхоналарга берилиши	9220	2710
37.	Эпизоотия натижаси ҳалок бўлган ёш ҳайвонларни ҳисобдан чиқариш	9720	2710

### III кичик бўлим. Келгуси давр харажатлари ва кечиктирилган харажатлар — жорий қисми

#### 1-§. Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100)

134. Ушбу ҳисобот даврида амалга оширилган, аммо жорий қисми бўйича келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи»;
- 3120 «Олдиндан тўланган хизматлар ҳақи»;
- 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари».

135. Бу счётларда қуйидагилар билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилиши мумкин:

- а) матбуотнинг даврий нашрларига йиллик обунанинг жами суммасини олдиндан тўлаш;
- б) мулкнинг йиллик суғуртасини тўлаш;
- в) келгуси даврлар учун ижара тўлов бадаллари ва келгусида таннархга киритилиши мумкин бўлган бошқа харажатлар.

136. Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100)да ҳисобга олинган харажатлар, харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Келгуси давр харажатларини жорий харажатларга ҳисобдан чиқариш ўрнатилган муддат давомида ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ёки миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади.

137. 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» счётида ушбу ҳисобот даврида тўланган, аммо келгуси ҳисобот даврига тегишли ижара ҳақи ҳисобга олинади, масалан, суғурталовчи йил бошида бир йил учун олдиндан ижара ҳақини тўлади.

138. 3120 «Олдиндан тўланган хизматлар ҳақи» счётида ушбу ҳисобот даврида олдиндан ҳақи тўланган, аммо келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган хизматлар ҳисобга олинади. Ушбу счётда обуна бўйича харажатлар ва бошқаларни акс эттириш мумкин.

139. 3190 «Бошқа келгуси давр харажатлари» счётида 3110 «Олдиндан тўланган ижара ҳақи» ва 3120 «Олдиндан тўланган хизмат ҳақи» счётларида ҳисобга олинмаган бошқа олдиндан тўланган харажатлар ҳисобга олинади.

Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100) бўйича аналитик ҳисоб счётлар, харажат моддалари ва объектлари (йўналишлари) бўйича юритилади.

140. Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (3100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Келгуси давр харажатларида ҳисобга олинadиган ишларни амалга ошириш учун материаллар, чиқарилди	3190	1010 — 1090
2.	Келгуси давр харажатларига тегишли бўлган ишларни амалга оширишда ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизматлари	3190	2310
3.	Келгуси даврлар харажатларига тааллуқли бўлган умум-ишлабчиқариш харажатлари улуши ҳисобдан чиқарилди	3190	2510
4.	Келгуси йилга обуна бўйича харажатлар амалга оширилди	3120	5110
5.	Келгуси давр харажатларига тегишли бўлган моддий қийматликлар ёки ишлар учун мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга бўлган қарзлар	3190	6010, 7010
6.	Келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинadиган бошқа тўланадиган счётлар	3190	Мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар
7.	Келгуси давр харажатларининг улуши навбатдаги ҳисобот даври келганда тегишли харажатлар счётларига ўтказилди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	3110 — 3190

## 2-§. Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3200)

141. Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи ва кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми бўйича ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи»;  
3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар»;

3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар».

142. 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётида вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғининг жорий қисми ҳисобга олинади.

Вақтинчалик фарқларга тегишли солиқларнинг ҳисобланиши умумий суммада 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счётининг кредитида ва жорий қисми 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебитида акс эттирилади.

Кечиктирилган солиқларнинг тегишли қисмини узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказиш 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебити ва 0950 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг кредитида акс эттирилади.

Солиқни кечиктирилган харажатларнинг тегишли суммасига камайтириш юз берадиган даври келганда солиқ суммаси 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счётининг дебитида ва 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг кредитида акс эттирилади. Шундай қилиб, 3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи» счётининг дебитидаги қолдиқ жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган умумий солиқ суммасини камайтирилиши лозим бўлган солиқ суммасининг жорий қисмини кўрсатади.

143. 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» счёти қопланиш муддати давомида харажатларга тақсимланиб бориладиган облигация дисконт (чегирма)лар бўйича суғурталовчининг узоқ муддатли кечиктирилган харажатларининг жорий қисмини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигацияларни сотувчи (эмитент)лар томонидан қўлланилади. Облигацияларни чегирма билан сотиш 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» ёки 0950 «Дисконт (чегирма)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётлари дисконт (чегирма)лар суммаси ва олинган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар дебитида ва 6830 «Тўланадиган облигациялар» ёки 7830 «Тўланадиган облигациялар» счётининг кредитида акс эттирилади. Облигациялар бўйича жорий дисконт (чегирма)лар ҳисобланганда 9610 «Фоишлар кўринишидаги харажатлар» счёти дебетланади ва 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар» счёти кредитланади.

144. Бошқа кечиктирилган харажатларнинг жорий қисмига, узоқ муддатли қисми 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счётида ҳисобга олинган ва келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларда (3100) ҳисобга олиш назарда тутилмаган харажатлар қиради.

3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг дебитида бошқа кечиктирилган харажатлар 0990 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар» счёти билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади. Бу харажатларни жорий харажатларга ўтказиш даврининг вақти келганида улар 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётининг кредитидан ушбу харажатларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг дебитида ўтказилади.

3210 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи», 3220 «Дисконт (чегирма)лар бўйича кечиктирилган харажатлар», 3290 «Бошқа кечиктирилган харажатлар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб кечиктирилган харажатларнинг ҳар бир тури, ҳар бир даври ва ҳисобдан чиқариш муддатлари бўйича юритилади.



145. Кечиктирилган харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (3200)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Вақтинчалик фарқларга тегишли бўлган харажатлар бўйича ҳисобланган солиқларнинг жорий қисми	3210	6410
2.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган солиқни узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказиш	3210	0950
3.	Ўтган ҳисобот даврида кечиктирилган тегишли солиқ суммасига жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқлар камайтирилди	6410	3210
4.	Облигацияларни чегирма билан сотиш	3220	7830, 6830
5.	Дисконт бўйича кечиктирилган харажатларни узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказиш	3220	0960
6.	Жорий облигация чегирмасини ҳисобдан чиқариш	9610	3220
7.	Бошқа кечиктирилган харажатларнинг жорий қисми	3290	Мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар
8.	Бошқа кечиктирилган харажатларни узоқ муддатли қисмидан жорий қисмига ўтказиш	3290	0990
9.	Кечиктирилган харажатларнинг тегишли қисми жорий харажатлар таркибига киритилди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	3290

#### IV кичик бўлим. Олинадиган счётлар — жорий қисми

146. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари қуйидагилар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

- а) харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар;
- б) олинган векселлар;
- в) суғурталанувчилар, суғурта агентлари, брокерларидан олинадиган счётлар;
- г) қайта суғурта қилишга берилган ва олинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар;
- д) суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари ва зарарлари;
- е) ҳаёт суғурта бўйича ссудалар;
- ж) ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;
- з) турли юридик ва жисмоний шахсларга берилган бўнақлар;
- и) ходимлар, таъсисчилар ва турли дебиторларнинг қарзлари.

147. Чет эл валютасида олинадиган счётлар ушбу бўлимнинг счётларида сўмда чет эл валютасини пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларидан кўчирма олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан ҳисобга олинади. Дебиторлик қарзларини ҳар ойда ҳисобот ойининг охири санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта баҳолаш натижасидаги курс фарқлари (курс фарқи ижобий бўлганда) 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» ёки (курс фарқи салбий бўлганда) 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётига олиб борилади.

148. Ушбу кичик бўлимда қуйидаги счётларда ҳисобга олиш тартиби ёритилади:

4000 — Олинадиган счётлар;

4100 — Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар;

4200 — Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

4300 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

4400 — Бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар;

4500 — Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар;

4600 — Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;

4700 — Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар;

4800 — Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар;

4900 — Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар.

### 1-§. Олинадиган счётлар (4000)

149. Харидорлар ва буюртмачилар билан шу жумладан, суғурталанувчилар, суғурта агентлари ва брокерлари, қайта суғурталовчилар, қайта суғурталанувчилар ва бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»;

4020 «Олинган векселлар»;

4030 «Суғурталанувчилардан олинадиган счётлар»;

4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар»;

4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар»;

4051 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар»;

4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар»;

4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар»;

4080 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари»;

4090 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари».

150. 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счётида сотилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади. Шунингдек, ушбу счётда суғурталовчининг ўзи томонидан суғурта воситачиси, сюрвейер ва аджастер хизматларининг кўрсатилиши бўйича дебиторлик қарздорликлар ҳисобга олинади.

151. 4020 «Олинган векселлар» счётида олинган векселлар билан таъминланган харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича дебиторлик қарзи ҳисобга олинади.

Муддатида тўланмаган векселлар бўйича даъво билдирилганда, векселлар қий-

мати 4020 «Олинган векселлар» счётининг кредитидан 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебетиға ҳисобдан чиқарилади.

152. 4030 «Суғурталанувчилардан олинадиган счётлар» счётида суғурта шартномалари бўйича суғурталанувчиларнинг дебиторлик қарзлари суммаси акс эттирилади. Дебитор қарздорлик вужудға келганда ушбу счёт 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счёти билан боғланган ҳолда дебетланади. Ҳақиқатда тўланиши пул маблағларини ҳисобға олувчи счётларнинг дебети ва 4030 «Суғурталанувчилардан олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

153. 4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар» счётида суғурталанувчилар томонидан суғурта агентларига ёки брокерларига тўланган, суғурталовчига келиб тушиши лозим бўлган суғурта мукофотларининг суммалари акс эттирилади. Суғурта агенти ёки брокеридан суғурта мукофотининг келиб тушганлиги тўғрисида хабар келганда 4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар» счётининг дебети 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда ҳисобланган мукофот суммаси акс эттирилади. Суғурта мукофотларининг ҳақиқатда суғурта агенти ёки брокери томонидан тўланиши пул маблағларини ҳисобға олувчи счётларнинг дебети 4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Агар агентлик келишувида қонунчиликда ўрнатилган тартибда, суғурта агентлари ёки брокерларига комиссия мукофотларнинг ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушлаб қолинган комиссия мукофотлар суммасига, 6040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалға оширилади.

154. 4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётида қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларининг суммалари акс эттирилади. Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофоти ҳисобланганда, мукофот суммаси 4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети 6270 «Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, акс эттирилади. Бундан сўнг ҳақиқатда олинган суғурта мукофоти суммаси, пул маблағларини ҳисобға олувчи счётларнинг дебети 4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

155. 4051 «Қайта суғурта қилишға оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётида қайта суғурта қилиш бўйича ҳисобланган комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар суммалари акс эттирилади. Ҳисобланган комиссия рағбатлантиришлар суммасига, 4051 «Қайта суғурта қилишға оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети 9080 «Қайта суғурта қилишға оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалға оширилади. Ҳақиқатда олинган комиссия рағбатлантиришлар суммаси, пул маблағларини ҳисобға олувчи счётларнинг дебети 4051 «Қайта суғурта қилишға оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, акс эттирилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурта қилиш бўйича комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тантjemалар

ва йиғимларнинг ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушлаб қолинган комиссия рағбатлантиришлар суммасига, 6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4051 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантъемалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

156. 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётида қайта суғурта қилиш бўйича ҳисобланган суммалар акс эттирилади. Қайта суғурталовчидан олинадиган ҳисобланган суғурта товонининг суммасига, 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети 9070 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Товонинг тўланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурталовчининг қарзи депо мукофотлар ҳисобига қопланса, депо мукофотлар суммасига, 6070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» дебети 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

157. 4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар» счётида ҳаёт суғуртаси турлари бўйича суғурта полисини таъминотга олган ҳолда суғурталанувчиларга берилган ссудалар акс эттирилади. Судда берилган вақтда ссуда суммаси, 4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, акс эттирилади. Ссуда қопланмаган ҳолатда ва суғурталанувчининг қарзи суғурта товони суммасидан ушлаб қолинганда 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар» кредити билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади. Суғурталанувчи томонидан қарзнинг қопланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади.

158. 4080 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари» счётида қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурталанувчи томонидан қайта суғурта қилиш берилган таваккалчиликлар бўйича унга ҳисобланган, қайта суғурталовчи томонидан вақтинча ушлаб турилган суғурта товонларининг суммаси акс эттирилади. Ушбу счёт қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурталанувчи бўлган суғурталовчи томондан фойдаланилади. Депо суғурта товони 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити 4080 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари» счётининг дебети билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонларини олиш муддати келганда) 4080 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари» счётининг кредити 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети билан боғланган ҳолда тескари проводка берилади.

159. 4090 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари»

счётида қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ қайта суғурталанувчи томонидан қайта суғурта қилиш қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича унга ҳисобланган, қайта суғурталанувчи томонидан вақтинча ушлаб турилган суғурта мукофотларининг суммаси акс эттирилади. Ушбу счёт қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича қайта суғурталовчи бўлган суғурталовчи томонидан фойдаланилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга берилаётган таваккалчиликларнинг жами бўйича суғурта мукофотларини маълум давр оралиғида ўтказиш назарда тутилган бўлса, ушбу давр тугагунга қадар қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти комиссия рағбатлантиришлар чегирилган ҳолатда депонентланган (депо мукофот) ҳисобланади. Депо мукофотлар 4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити 4090 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари» счётининг дебети билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади. Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини олиш муддати келганда) 4090 «Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари» счётининг кредити 4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети билан боғланган ҳолда тескари провodka берилади.

160. 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020 «Олинган векселлар» счётлари асосий (операцион) фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000), асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар (9200) ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9300) билан боғланган ҳолда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага дебетланади.

4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар», 4020 «Олинган векселлар» счётлари пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан келиб тушган тўловлар суммасига, олинган бўнақларни ҳисобга олиш ва бошқалар билан боғланган ҳолда кредитланади.

161. Олинадиган счётлар бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир харидор (буюртмачи), суғурталанувчи, суғурта воситачиси, қайта суғурталовчи ва суғурталанувчи бўйича юритилади.

162. Олинадиган счётлар (4000)нинг боғланиши.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдаги харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари суммаси	4010	9210, 9220
2.	Харидорлар ва буюртмачилардан асосий воситалар ва бошқа активлар объектларини сотишдан тўловлар келиб тушиши	5010 — 5530	4010
3.	Харидор ва буюртмачига сотилган асосий воситалар ва бошқа активлар объектлари бўйича даъво билдирилиши	4860	4010
4.	Харидорлар ва буюртмачиларга сотилган асосий воситалар ва бошқа активлар объектлари бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини тақдим этишда олинган бўнақларнинг ҳисобга олиниши	6310	4010
5.	Харидорлар ва буюртмачиларнинг тўланмаган қарзларини зарарга ҳисобдан чиқарилиши	9430	4010
6.	Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон қарзлар бўйича резервлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилиши	4910	4010

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
7.	Олинган векселлар бўйича қарзларнинг қопланиши	5010 — 5530	4020
8.	Олинган векселларнинг узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ўтказилиши	4020	0910
9.	Суғурта шартномалари бўйича суғурталанувчилар қарздорлигининг вужудга келиши	4030	6280
10.	Суғурта товонини тўлашда навбатдаги вақтида тўланмаган суғурта мукофотини ушлаб қолиш	6030	4030
11.	Суғурта воситачиларидан суғурта мукофотининг келиб тушганлиги тўғрисида хабар олиниши	4040	6280
12.	Агентлик келишувига мувофиқ суғурта воситачиси томонидан ҳисобланган комисион мукофот суммасининг ушлаб қолиниши	6040	4040
13.	Суғурта воситачиси томонидан суғурта мукофотларининг тўланиши	5010, 5020, 5110, 5210, 5220	4040
14.	Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотларининг ҳисобланиши	4050	6270
15.	Қайта суғурталанувчи томонидан қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича комисион рағбатлантиришларнинг ушлаб қолиниши	6050	4050
16.	Қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотининг тўланиши	5110, 5210, 5220	4050
17.	Қайта суғурталовчидан олинadиган суғурта товонининг ҳисобланиши	4060	9070
18.	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурталовчи томонидан товоннинг тўланиши	5110, 5210, 5220	4060
19.	Қайта суғурталовчининг товонларни тўлаш бўйича қарздорлигининг депо мукофот ҳисобидан қопланиши	6070	4060
20.	Ҳаёт суғуртаси турлари бўйича суғурта полиси кафолати остида суғурталанувчиларга ссуда бериш	4070	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
21.	Ссудалар бўйича суғурталанувчининг қарздорлигини суғурта товони суммасидан ушлаб қолиш	6030	4070
22.	Ҳаёт суғуртаси бўйича ссудалар бўйича суғурталанувчи қарздорлигининг қопланиши	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	4070
23.	Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотларининг ҳисобланиши	4090	4050
24.	Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарарларининг ҳисобланиши	4080	4060
25.	Депо мукофотларни тўлаш муддатининг келиши	4050	4090
26.	Депо зарарларни тўлаш муддатининг келиши	4060	4080

**2-§. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар (4100)**

163. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари билан кўрсатилган хизматлар учун дебиторлик қарзлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

4110 «Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар»;

4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар».

164. 4110 «Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар» счётида суғурталовчининг умумий балансига (ички хўжалик ёки ички баланс ҳисоб-китоблар) қўшилган ажратилган бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади. Бу счётда ажратилган мулклар, моддий қийматликларни ўзаро ҳамкорликда чиқариш, бўлинмаларнинг ходимларига иш ҳақи тўлаш ва бошқа жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асосий ҳужжатлар бўлиб, таъсис шартнома, чора-тадбирлар шартномаси, таъсисчиларнинг ушбу бўлинмаларни ташкил қилиш тўғрисидаги қарори, таъсисчиларнинг мулкни бериш тўғрисидаги қарори ва бошқалар ҳисобланади.

Кўрсатилган бўлинмаларга ажратилган мулк суғурталовчи томонидан асосий воситалар (0100), номоддий активлар (0400), ўрнатилган асбоб-ускуналар (0700), материаллар (1000) ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлардан 4110 «Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар» счётининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

165. 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар» счётида шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг (балансларро ёки хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар) дебиторлик қарзлари ҳисобга олинади. Ушбу счётда товар, маҳсулот, иш, хизматларни сотиш ва бошқа жорий операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4110 «Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счётлар» ва 4120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятлардан олинадиган счётлар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ажратилган бўлинма, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари бўйича юритилади.

166. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётларни ҳисобга олувчи счётлар (4100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Дебиторлик қарзларини қоплаш учун ажратилган бўлинмалардан асосий воситалар ва бошқа активлар келиб тушди	0110 — 0190 ва бошқалар	4110
2.	Ажратилган бўлинмаларга мол-мулк (асосий воситалар ва бошқа активлар) ажратилди	4110	0110 — 0190 ва бошқалар
3.	Ажратилган бўлинмалар ходимларига меҳнат ҳақи тўлаш учун пул маблағлари ажратилди	4110	5010, 5110
4.	Ажратилган бўлинмалар томонидан асосий воситалар қайтарилди	0110 — 0190	4110
5.	Дебиторлик қарзларини қоплаш учун ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул маблағлари келиб тушди	5010 — 5530	4110, 4120
6.	Ажратилган бўлинмаларга моддий қийматликлар берилди (1500 счётдан фойдаланганда)	4110	1510

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
7.	Материаллар қийматидаги фарқ ажратилган бўлинмалар ҳисобига уларга берилган материаллар бўйича ҳисобдан чиқарилди (1610 счётни қўлаганда)	4110	1610

### 3-§. Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4200)

167. Суғурталовчи ходимларига меҳнат ҳақи бўйича, операцион ва маъмурий-хўжалик харажатлари учун ҳисобдорлик асосида, шунингдек, хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

- 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар»;
- 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар»;
- 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар»;
- 4290 «Ходимларга берилган бошқа бўнақлар».

168. Ҳисобдорликка берилган суммага, ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4200) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан, жумладан 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счётлари билан боғланган ҳолда дебетланади. Ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4200) харажатлар ва сотиб олинган қийматликлар ҳисобга олинган счётлар билан, ёки амалга оширилган харажатларнинг турига қараб бошқа счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Тўлиқ ишлатилмаган бўнақлар (масалан, хизмат сафарлари учун) суғурталовчи кассасига қайтарилиши ҳамда ходимларга берилган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (4200)нинг кредитида ва 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счётларининг дебитида акс эттирилиши лозим.

169. 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счётида суғурталовчи ходимларига меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақларнинг барча турлари юзасидан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Бўнақларнинг келгусидаги меҳнат ҳақи ҳисобига берилиши ходимларнинг сабаби кўрсатилган аризасига асосан амалга оширилади. Бундан ташқари, ушбу счётада қўйидаги бухгалтерия ёзувлари билан акс эттириладиган, яъни 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счётининг дебити ва 4210 «Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнақлар» счётининг кредитида меҳнат ҳақи бўйича ҳар ойлик бўнақлар ҳисобга олинади.

170. 4220 «Хизмат сафарларига берилган бўнақлар» счётида суғурталовчи ходимларига хизмат сафарлари учун берилган бўнақлар ҳисобга олинади. Хорижга хизмат сафарига юборилаётган ходимга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 7-февралда 16-сон билан тасдиқланган «Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатларига маблағлар бериш тартиби»га (2000 йил 5 июнь, рўйхат рақами 932) мувофиқ, чет эл валютасида бўнақ берилади. Ушбу валютадаги бўнақ берилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмга айлантирилади ва сўмда ҳисобга олинади. Хизмат сафарлари учун берилган ва сарфланган чет эл валютасининг ҳисоби алоҳида юритилади.

Хизмат сафарлари учун бўнақлар хизмат сафари тўғрисидаги буйруқ, чипталар қиймати, кунлик яшаш харажатлари ва бошқалар кўрсатилган ҳолда бўнақ суммасини ҳисоблаш асосида берилади.



171. 4230 «Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар» счётида умум-хўжалик эҳтиёжлари учун турли хилдаги кичик инвентар ва жиҳозларни нақд пулга сотиб олиш учун берилган бўнаклар акс эттирилади. Товар-моддий қийматликларни баҳолаш ва кирим қилиш тегишли тасдиқловчи ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

172. 4290 «Ходимга берилган бошқа бўнаклар» счётида 4210 — 4230 счётларида акс эттирилмаган суғурталовчи ходимларига берилган бошқа бўнаклар ҳисобга олинади.

Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4200) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган бўнак бўйича юритилади.

173. Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4200)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Меҳнат ҳақи ҳисобидан бўнак берилди	4210	5010
2.	Ходимларга келгусидаги меҳнат ҳақи ҳисобига берилган бўнаклар ушлаб қолинди	6710	4210
3.	ҳисобдор шахсларга банкдаги счётлардан бўнаклар берилди	4220 — 4290	5110 — 5530
4.	Ҳисобдор шахсларга кассадан бўнаклар берилди	4220 — 4290	5010, 5020
5.	Ҳисобдор шахсларга пул эквивалентлари берилди	4220 — 4290	5610
6.	Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари кассага қайтарилди	5010, 5020	4220 — 4290
7.	Ишлатилмаган ҳисобдор суммалари суғурталовчининг банкдаги счётига қайтарилди	5110 — 5530	4220 — 4290
8.	Ҳисобдор шахслар сотиб олинган турли хилдаги пул эквивалентларига ҳақ тўлади	5610	4220 — 4290
9.	Ишлатилмаган пул эквивалентлари қайтарилди	5610	4220 — 4290
10.	Ҳисобдор шахслар капитал қўйилмалар, товарлар, ҳайвонлар, материаллар, асбоб-ускуналарни сотиб олиш, етказиб келиш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширди	0710 — 0890, 1010 — 1090, 2710	4220 — 4290
11.	Ҳисобдор шахслар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар, шунингдек, умумишлаб-чиқариш харажатларни амалга оширди	2310, 2510, 2710	4220 — 4290
12.	Ҳисобдор шахслар давр харажатларига тегишли бўлган турли хилдаги харажатларни тўлади	9410 — 9440	4220 — 4290
13.	Ҳисобдор шахслар келгуси давр харажатларига тегишли бўлган турли харажатларни тўлади	3190	4220 — 4290

#### 4-§. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4300)

174. Товар-моддий захиралари ва бошқа активларни етказиб бериш шунингдек, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш учун берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар»;

4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар»;

4330 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун берилган бўнаклар»;

4340 «Бошқа берилган бўнаклар».

175. Берилган бўнаклар суммаси, шунингдек, қисман тайёр ҳолдаги товарлар, иш ва хизматлар учун тўланган суммалар 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар», 4320 «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар», 4330 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун берилган бўнаклар», 4340 «Бошқа берилган бўнаклар» счётларининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўнаклар мол етказиб берувчилар ва суғурталовчи ўртасида тузилган шартнома ёки контракт асосида берилади. Айрим ҳолларда, қисман бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома бўлиши мумкин. Бунда тўлов топшириқномаларида қисман тўлов миқдори ёки олдиндан тўлов фоизи кўрсатилади.

Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4300) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

176. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (4300)нинг боғлианиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғлианиши	
		Дебет	Кредит
1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун нақд пулда бўнаклар берилди	4310	5010
2.	Банкдаги счётлардан бўнаклар ўтказилди	4310 — 4340	5110 — 5530
3.	Олинган кредитлар ва қарзлар ҳисобидан бўнаклар ўтказилди	4310 — 4340	6810 — 6820, 7810 — 7820
4.	Контрактнинг бекор қилиниши натижасида аввал берилган бўнаклар қайтарилди	5010 — 5530	4310 — 4340
5.	Аввал берилган олдини олиш чора-тадбирлари учун берилган бўнакларнинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича вужудга келган кредиторлик қарздорлик ҳисобига ёпилиши	6011	4330
6.	Мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга бўлган қарзларни қоплашда аввал берилган бўнакларнинг ҳисобга олиниши	6010, 7010	4310 — 4340
7.	Мол етказиб берувчиларга берилган бўнакларнинг даъво муддати ўтганлари ҳисобдан чиқарилди	9430	4310 — 4340
8.	Берилган бўнакнинг тегишли суммаси узоқ муддатли қисмидан жорий қисмга ўтказилди	4310 — 4340	0940

#### 5-§. Бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400)

177. Суғурталовчи томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича тўланган бўнаклар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)» счётида амалга оширилади.

178. 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)» счётида бўнақ сифатида тўланган солиқ суммалари, шу жумладан харид қилинган товар-материал захиралари бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларида кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинади. Солиқлар суммасини ҳисобдан чиқариш 4410 «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари

бўйича)» счётининг кредитида 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бюджетга бўнақ тўловлари ўтказилганда бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400)нинг дебети ва пул маблағларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ёзувлар амалга оширилади. Бюджетга тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китоблар 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счётининг дебети ва бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400)нинг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

179. Бюджетга бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Харид қилинган моддий ресурслар, товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммаси	4410	6010, 6120, 6990
2.	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнақлар ўтказилди	4410	5110
3.	Моддий ресурслар, товарлар, иш ва хизматларга тегишли бўлган ҚҚС ҳисобга олинди	6410	4410
4.	Солиқлар ва йиғимлар бўйича якуний ҳисоб-китоблар	6410	4410

#### 6-§. Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500)

180. Суғурталовчи томонидан мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича мажбурий тўловлари бўйича тўланган бўнақлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4510 «Суғурталар бўйича бўнақ тўловлари»;

4520 «Мақсадли давлат жамғармаларига бўнақ тўловлари».

181. 4510 «Суғурталар бўйича бўнақ тўловлари» счётида суғурталовчи томонидан суғурталар бўйича тўланган бўнақ тўловлари ҳисобга олинади.

182. 4520 «Мақсадли давлат жамғармаларига бўнақ тўловлари» счётида суғурталовчи томонидан бюджетдан ташқари Пенсия, Йўл ва бошқа мақсадли давлат жамғармаларига тўланган бўнақ тўловлари ҳисобга олинади.

Бўнақ тўловларини ўтказишда мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500)нинг дебети, пул маблағларни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ёзувлар амалга оширилади. Мажбурий тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китобларда 6510 «Суғурталар бўйича бўнақ тўловлари», 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига бўнақ тўловлар» счётларининг дебети ва мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500)нинг кредитида ёзувлар амалга оширилади.

183. Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4500)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари ўтказилди	4510 — 4520	5110 — 5530
2.	Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталарга тўловлар бўйича якуний ҳисоб-китоблар	6510 — 6520	4510 — 4520

**7-§. Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4600)**

184. Суғурталовчи таъсисчилари (акциядорлик жамиятининг акциядорлари, ўртоқлик жамиятларининг иштирокчилари ва ш. к.)нинг суғурталовчи устав капиталига улушлар бўйича қарзлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётида амалга оширилади.

185. Суғурталовчини ташкил қилишда таъсисчилар ёки акцияга обуна бўлган шахсларнинг қарз суммаси 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг дебети устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300) билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

Таъсисчиларнинг улуш суммалари пул маблағлари кўринишида ҳақиқатда келиб тушганда 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади. Моддий ва бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) кўринишидаги улушлар 4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счётининг кредитида асосий воситалар, номоддий активлар, материаллар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Суғурталовчига мулк сифатида акцияларга тўлов учун натура шаклида берилган мол-мулк таъсисчилар келишуви асосида аниқланган баҳода кирим қилинади.

4610 «Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи» счёти бўйича аналитик ҳисоб (кўрсатувчига акцияларидан ташқари) ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

186. Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4600)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Иштирокчилар улушлари суммасида (акцияга обуна суммасида) устав капиталининг эълон қилинган ҳажми (суғурталовчи рўйхатдан ўтгандан кейин)	4610	8310, 8320, 8330
2.	Таъсисчилар суғурталовчи мулкига тугалланмаган қурилиш, асбоб ускуна, асосий воситаларни тақдим этишди	0110 — 0190, 0710 — 0720, 0810	4610
3.	Таъсисчилар акцияларга обуна тўлови сифатида номоддий активларни тақдим этишди	0410 — 0490	4610
4.	Таъсисчилар акцияларга обуна тўлови сифатида узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни тақдим этишди	0610, 5810	4610
5.	Таъсисчилар суғурталовчи мулкига товар-моддий захираларини тақдим этишди	1010 — 1090	4610
6.	Таъсисчиларнинг улушлари суммаси пул маблағлари кўринишида келиб тушди	5010 — 5530	4610
7.	Суғурталовчининг устав капиталига улушлари таъсисчиларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинди	6710	4610

**8-§. Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4700)**

187. Суғурталовчи ходимлари билан меҳнат ҳақи бўйича, ҳисобдор шахслар

билан ҳисоб-китоблардан ташқари барча турдаги ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи»;

4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи»;

4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи»;

4790 «Ходимларнинг бошқа қарзлари».

188. 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи» счётида суғурталовчи ходимларига кредитга берилган товарлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Кредитга товар сотиб олган шахслар ишлайдиган суғурталовчилар товарлар қиймати суммасини савдо ташкилотларига банк кредити ҳисобига қоплаши мумкин. Банк томонидан тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўланганда 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи» счёти 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётлари билан боғланган ҳолда дебетланади. Суғурталовчи ходимларидан навбатдаги тўловларнинг ушлаб қолишда 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» счёти 4710 «Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи» счёти билан боғланган ҳолда дебетланади, сўнг эса ушлаб қолинган сумма банк кредитини тўлаш учун 5110 «Ҳисоб-китоб счёти» счётининг кредитидан 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счётларининг дебетига ўтказилади.

Ўзининг ходимлари томонидан кредитга сотиб олган товарлар бўйича қарзларини қоплашда банк кредитларидан фойдаланмайдиган суғурталовчилар, ушбу ходимлар берган топшириқ-мажбуриятларига асосан уларнинг меҳнат ҳақи суммасидан навбатдаги тўловларни ушлаб қолинганда 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) билан боғланган ҳолда (савдо корхоналарининг лицевой счётлари бўйича) дебетланади. Ушлаб қолинган сумманинг савдо корхоналарига ўтказиш берилишига қараб, турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900) пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда дебетланади.

189. 4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» счётида суғурталовчи ходимларига берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади (масалан, якка тартибда уй-жой қуришга ва бошқаларга).

4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» счётининг дебетида ходимларга берилган қарз суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Агар маблағлар суғурталовчига берилган кредит ҳисобидан бевосита банк томонидан (бу маблағларни олдиндан суғурталовчининг ҳисоб-китоб счётига ўтказмасдан) ходимларга берилса, бунда 4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» счётининг дебетида 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётлари билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилади.

Қарздор ходимлардан келиб тушган тўловлар суммасига 4720 «Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи» счёти (қабул қилинган тўловлар тартибидан келиб чиққан ҳолда) 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари», 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счётлари билан боғланган ҳолда кредитланади.

Банк кредитларини қоплаш 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари», 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счётларининг дебетида ва банкка тегиш-

ли бўлган сумма ўтказилган пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

190. 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счётида суғурталовчи ходими томонидан пул маблағлари ва товар-моддий қийматликларнинг камомади ва талон-торож қилиниши, яроқсизлик натижасида етказган моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар, шунингдек, бошқа турдаги зарарларни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счётининг дебитида айбдор шахслардан ундириб олинган суммалар товар-моддий захиралар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счётининг кредитида, тўланган тўловлар суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ва моддий зарарни қоплаш учун меҳнат ҳақидан ушлаб қолинган суммага 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар» счёти билан боғланган ҳолда ёзувлар амалга оширилади.

191. 4790 «Ходимларнинг бошқа қарзлари» счётида 4710 — 4730 счётларида акс эттирилмаган суғурталовчи ходимлари билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Бошқа операциялар бўйича ходимларнинг қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4700) бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчининг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

192. Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзини ҳисобга олувчи счётлар (4700)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Савдо корхоналари томонидан ходимларга кредитга сотилган товарлар учун ўтказиб берилди	4710	5110 — 5530
2.	Кредитга олинган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи учун банк кредитлари олинди	4710	6810, 7810
3.	Кредитга олинган товарларнинг тўлови учун ходимлардан келиб тушган навбатдаги тўловлар суммаси	5010, 5110	4710
4.	Кредитга олинган товарлар учун ходимларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолинган тўловлар	6710	4710
5.	Ходимларга берилган қарзлар суммаси	4720	5010 — 5530
6.	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар	4730	9210, 9220
7.	Қимматли қоғозларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар	4730	0610 — 0690, 5810 — 5830
8.	Товар-моддий қийматликларнинг камомади учун айбдор шахслардан ундириладиган суммалар	4730	1010 — 1090
9.	Инвентаризация натижасида кассадаги пул маблағлари ва пул эквивалентларининг камомади	4730	5010, 5020, 5610
10.	Ходимларга пул эквивалентлари берилди	4790	5610
11.	Бошқа операциялар бўйича ходимларнинг қарзи зарарга ҳисобдан чиқарилди, агар ундирилиши суд томонидан рад этилган бўлса	9430	4790

#### 9-§. Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар (4800)

193. Юқорида тушунтириш берилган олинган счётларда кўрсатилмаган турли операциялар, жумладан, олинган фоизлар, дивидендлар, роялти, узоқ муддатли ижара бўйича олинган жорий тўловлар, даъволар бўйича олинган счётлар

ва бошқалар бўйича дебиторлар билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар»;

4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар»;

4830 «Олинадиган фоизлар»;

4840 «Олинадиган дивидендлар»;

4850 «Олинадиган роялти»;

4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар»;

4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари».

194. 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётида шартномага мувофиқ, узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган ижара тўловларининг жорий қисми ҳисобга олинади. Ижара тўловлари жорий қисмининг келиб тушиши 4810 «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

195. 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётида шартномага мувофиқ, ижара бўйича олинадиган ижара тўловлари ҳисобга олинади. Ижара тўловлари ҳисобланганда 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти 9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар» счёти билан боғланган ҳолда дебетланади. Ижара тўловларининг келиб тушиши 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

196. 4830 «Олинадиган фоизлар» счётида фоизларни ҳисоблаш ва уларнинг олиниши ҳисобга олинади. Муддати ўтган фоизлар алоҳида ҳисобга олинади ва улар бўйича шартномага мувофиқ пеня ҳисобланади. Ушбу счётда, шунингдек, суғурта полиси кафолати остида берилган ссудлар бўйича ҳисобланган фоизлар ҳам ҳисобга олинади. Ссудалар бўйича фоизларнинг ҳисобланиши 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг дебети 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизларни суғурта товони ҳисобидан ушлаб қолишда 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади.

197. 4840 «Олинадиган дивидендлар» счётида қимматли қоғозлар бўйича дивидендларни ҳисоблаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

198. 4850 «Олинадиган роялти» счётида роялтини ҳисоблаш ва уларнинг олиниши ҳисобга олинади.

199. 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебетида даъволар бўйича ҳисоб-китоблар, жумладан:

а) Суғурта товонини қоплаш бўйича суғурта ҳодисасининг юз берганлигида айбдор бўлган учинчи шахсларга;

б) мол етказиб берувчиларга, пудратчиларга ва транспорт ташкилотларига уларнинг счётлари текширилганда шартномада келишилган ва прејскурантда назарда тутилган баҳо ва тарифларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, шунингдек, арифметик хатолар аниқланганда — мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тақдим этилган счётлардаги баҳоларнинг ошиб кетиши ёки арифметик хатолар товар-моддий қийматликлар ёки харажатларни ҳисобга олувчи счётларда ёзувлар амалга оширилгандан сўнг аниқланганда мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар ёки ишлаб чиқариш захиралари, товарлар ва тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда;

в) мол етказиб берувчиларга, транспорт ва бошқа ташкилотларга юкнинг камомади бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар билан боғланган ҳолда;

г) суғурталовчининг счётларидан нотўғри ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича банк муассасаларига, пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда;

д) шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун мол етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқалардан, тўловчилар томонидан тан олинган ёки хўжалик суди томонидан белгиланган миқдорда олинадиган жарималар, пенялар, неустойкалар бўйича (тўловчилар томонидан тан олинмаган, билдирилган даъволар суммаси ҳисобда акс эттирилмайди), 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади;

е) мол етказиб берувчилар ёки пудратчиларга уларнинг айби билан юзага келган, яроқсиз маҳсулотлар ва бўш туриб қолишлар бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда.

200. 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда келиб тушган тўловлар суммасига кредитланади. Кейинчалик аниқланган ва олиними керак бўлмаган суммалар, қоидага мувофиқ, ҳисобга олишга қабул қилинган шу счётларга 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити бўйича олиб борилади.

4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб даъволар бўйича алоҳида юритилади.

201. 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счётида юқоридаги счётларда кўрсатилмаган ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Аналитик ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича алоҳида юритилади.

202. Турли дебиторлар қарзларини ҳисобга олувчи счётлар (4800)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли ижара бўйича тўловларнинг жорий қисми	4810	0920
2.	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган суммаларни ҳисоблаш	4820	9350
3.	Ижара бўйича қарзларни қоплаш учун ижарачилардан суммалар келиб тушди	5010 — 5530	4810, 4820
4.	Олинган векселлар бўйича фоизлар ҳисобланди	4830	9530
5.	Мижозлардан келиб тушадиганлар акс эттирилди:		
	а) фоизлар	4830	9530
	б) дивидендлар	4840	9520
	в) роялти	4850	9510
6.	Суғурталовчининг банкдаги счётига фоизлар ва дивидендлар келиб тушди	5110 — 5530	4830, 4840
7.	Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизларнинг тўланиши	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	4830
8.	Тўланаётган суғурта товонлари ҳисобидан ссудалар бўйича фоизларнинг ушлаб қолиниши	6030	4830
9.	Бошқа ташкилотлардан роялтининг келиб тушиши	5110 — 5530	4850
10.	Ўрнатиладиган асбоб ускуналар счётида аниқланган баҳо ва тарифларнинг бир-бирига мувофиқ келмаслиги, хатолар бўйича мол етказувчиларга даъво билдирилди	4860	0710 — 0720



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
11.	Капитал қурилиш учун илгари тўланган, ҳажмининг ошиб кетиши, баҳоларнинг номутаносиблиги ва счётлардаги хатолар бўйича пудратчиларга даъво билдирилди	4860	0810 — 0890
12.	Баҳоларнинг номутаносиблиги ва арифметик хатолар бўйича товар-моддий захираларининг камомади бўйича мол етказиб берувчиларга даъво билдирилди	4860	1010 — 1090
13.	Камомадлар, счётлардаги хатолар, сифат бўйича даъво билдирилди (1510 счётдан фойдаланилганда)	4860	1510
14.	Суғурталовчи счётларидан нотўғри олинган суммалар бўйича банкка даъво билдирилди	4860	5110 — 5530
15.	Келиб тушган моддий қийматликларни кирим қилишда мол етказиб берувчиларга даъволар билдирилди	4860	6010
16.	Бошқа корхоналар томонидан шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари учун тан олинган жарима, пеня ва неустойкалар, шунингдек, суғурта шартномалари бўйича регресс даъволар суммаси	4860	9330
17.	Қониқтирилмаган даъво суммаси харажатларни ҳисобга олувчи счётларга олиб борилди		Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар 4860
18.	Ажратилган бўлимлар томонидан турли ташкилотларга хизмат кўрсатилди	4890	6110
19.	Бошқа корхоналар ва шахслар ҳисобидан ходимларга тегишли бўлган суммалар	4890	6710
20.	Регресс талаблар бўйича даъволарнинг тўланиши		Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 4860

#### 10-§. Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар (4900)

203. Даргумон қарзлар бўйича резервларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счётида амалга оширилади.

204. Суғурталовчининг юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблари бўйича даргумон қарзлари суммасига резерв ташкил қилинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига олиб борилади.

Белгиланган муддатда қопланмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган суғурталовчининг дебиторлик қарзи даргумон қарз сифатида тан олинади.

Даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобот йили охирида суғурталовчининг дебиторлик қарзларининг инвентаризацияси натижалари асосида ташкил этилади.

Резерв ҳажми ҳар бир даргумон қарз бўйича алоҳида, қарздорнинг молиявий аҳволи (тўлов қобилияти) ва қарз суммасини тўлиқ ёки қисман тўлаш эҳтимолини баҳолаш асосида аниқланади.

Агар шубҳали қарз бўйича резерв ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг охиригача ушбу резервнинг маълум бир қисми ишлатилмаса, у ҳолда ишлатилмаган сумма тегишли йилнинг фойдасига қўшилади ва даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиқ базасига қўшилмайди.

Илгари суғурталовчи томонидан даргумон қарз сифатида тан олинган қарзлар-

ни баланسدан чиқариш 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счётининг дебетида тегишли дебиторлар билан ҳисоб-китоблар (олинадиган счётлар)ни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади. Ишлатилмаган даргумон қарзлар бўйича резерв суммасининг фойдага қўшилиши 4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счётининг дебетида ва 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётининг кредитида акс этирилади.

4910 «Даргумон қарзлар бўйича резерв» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир даргумон қарз ва резерв ташкил қилинган муддат бўйича юритилади.

205. Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар (4900)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Даргумон қарзлар бўйича резерв ташкил қилинди	9430	4910
2.	Харидор ва буюртмачиларнинг қарзлари даргумон қарзлар бўйича резерв ҳисобига ҳисобдан чиқарилди	4910	4010, 4020
3.	Даргумон қарзлар бўйича резервлар суммасининг ишлатилмаган қисмини улар ташкил этилган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшилиши	4910	9390

#### **V кичик бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар**

206. Ушбу бўлимнинг счётлари суғурталовчига тегишли бўлган кассадаги мавжуд миллий ва чет эл валютасидаги, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги банклар счётлардаги пул маблағлари, пул эквивалентлари, қимматли қоғозларга қилинган қисқа муддатли қўйилмалар, шунингдек, камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

207. Ушбу бўлимдаги счётларда чет эл валютасидаги пул маблағлари ва уларга тегишли операциялар миллий валютада — сўмда, чет эл валютасини пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларидан кўчирма олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш орқали ҳисобга олинади.

208. Пул маблағлари қолдиғини ҳисобот ойнанинг охири санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ҳар ойдаги қайта баҳолаш натижасидаги курс фарқлари (ижобий курс фарқи) 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» ёки (салбий курс фарқи) 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётига олиб борилади.

209. Ушбу бўлимда қуйидаги счётлардаги ҳисоб тартиби ёритилади:

5000 — Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

5100 — Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

5200 — Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

5500 — Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар;

5600 — Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар;

5700 — Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётлар;

5800 — Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар;

5900 — Камомадлар ва қийматликларнинг бузулишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар.

**1-§. Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5000)**

210. Суғурталовчи кассасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»;

5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»

Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг (5000) дебети бўйича суғурталовчи кассасига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. Кредити бўйича суғурталовчи кассасидан тўланадиган пул маблағлари ва лимитдан ортиқча пулни банкка топшириш акс эттирилади.

211. Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5000)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан тушумнинг нақд пулда олинishi	5010, 5020	9210 — 9220
2.	Банкдаги тегишли счётлардан пул маблағлари кассага келиб тушди (иш ҳақи, нафақа, мукофотлар ва шу кабиларни бериш учун)	5010, 5020	5110 — 5530
3.	Ҳисобдор шахслар томонидан ишлатилмаган олдин олинган бўнақларнинг қайтарилиши	5010, 5020	4220 — 4290
4.	Акцияни номинал қийматидан юқори нархда сотиш натижасида олинган эмиссия даромади	5010, 5020	8410
5.	Таъсисчилар ўзларининг улушлари ҳисобидан суғурталовчининг устав капиталига нақд пул маблағларини киритди	5010, 5020	4610
6.	Квартира ижарачиларидан қарз суммаси келиб тушди	5010, 5020	4890
7.	Коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ва бошқа тўловларнинг келиб тушиши	5010, 5020	4890
8.	Ишчиларга алоҳида уй-жой қуришга қарз бериш учун кредит суммаси нақд пулда олинди	5010, 5020	6810, 7810
9.	Пул маблағлари кассадан топширилди ва банкдаги ҳисоб-китоб счётига ўтказилди	5110 — 5530	5010, 5020
10.	Суғурта агентидан суғурта мукофотлари олинди	5010, 5020	4040
11.	Суғурталанувчидан суғурта мукофотлари олинди	5010, 5020	4030
12.	Акциядорлардан уларга тегишли акциялар қайтариб сотиб олинди	8610, 8620	5010, 5020
13.	Қимматли қоғозларни сотиб олишдаги харажатлар тўланди (брокерлар, маслаҳатчилар хизмати учун тўловлар)	9690	5010, 5020
14.	Ҳисобланган меҳнат ҳақи ва бошқа тўловлар берилди (мукофот ва шу кабилар)	6710	5010, 5020
15.	Ҳисобдор суммалар берилди	4220 — 4290	5010, 5020
16.	Ходимларга берилган қарз суммаси	4720	5010, 5020
17.	Турли хил суммалар берилди (бажариш варақалари бўйича ва бошқалар)	6990	5010, 5020
18.	Суғурталовчининг ажратилган бўлинмалари ҳисобига нақд тўланиши	4110	5010, 5020
19.	Табиий офатлар билан боғлиқ турли хил қопланмайдиган харажатлар тўланиши	9720	5010, 5020
20.	Пул маблағларининг камомади (инвентаризация натижасида)	4730	5010, 5020
21.	Ҳисобланган фонслар бўйича қарзлар қопланиши	6920	5010, 5020
22.	Ижарага берувчига тегишли тўловларнинг тўланиши	6910, 6950	5010, 5020

**2-§. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100)**

212. Суғурталовчининг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»да амалга оширилади.

213. 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»нинг дебети бўйича суғурталовчининг ҳисоб-китоб счётига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 5110 «Ҳисоб-китоб счёти»нинг кредитида суғурталовчининг ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида суғурталовчининг ҳисоб-китоб счёти дебети ёки кредитига хатолик билан олиб борилган суммалар 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» ёки 6960 «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоб счёти бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100) бўйича аналитик ҳисоб миллий валютадаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир счёт бўйича юритилади.

214. Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан ижара тўловларининг келиб тушиши	5110	4810, 4820
2.	Товарларни кредитга сотишдан тушган пуллар	5110	4710
3.	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар, асосий воситалар ва бошқа активларни сотилишидан тушган тушумлар	5110	4010
4.	Пул маблағлари кассадан ҳисоб-китоб счётига топширилди	5110	5010
5.	Чег эл валютасини сотиб олиш учун пул маблағлари ўтказилди	5530	5110
6.	Банкка қайтарилган чек ва аккредитивлар бўйича суммалар ҳисоб-китоб счётига ўтказилди	5110	5510, 5520
7.	Илгари қисқа муддатли инвестиция тартибида берилган қарзларнинг қайтарилиши	5110	5830
8.	Илгари берилган бўнақ қайтарилди	5110	4310 — 4390
9.	Қондирилган даъволар суммасининг келиб тушиши	5110	4860
10.	Олинган бўнақлар суммаси	5110	6310 — 6390
11.	Илгари акцияга обуна бўлган таъсисчилардан улуш суммасининг келиб тушиши	5110	4610
12.	Номинал қийматдан юқори баҳода сотилган акциялардан эмиссион даромаднинг келиб тушиши	5110	8410
13.	Суғурта агенти ва брокеридан суғурта мукофотининг келиб тушиши	5110	4040
14.	Суғурталанувчилардан суғурта мукофотларининг келиб тушиши	5110	4030
15.	Қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар, тантъемалар ва йиғимларнинг келиб тушиши	5110	4050
16.	Қайта суғурта қилиш бўйича зарар улуши қопламасининг келиб тушиши	5110	4060

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
17.	Суғурта полиси кафолати остида берилган ссудалар бўйича суғурталанувчининг қарздорлигининг қопланиши	5110	4830
18.	Суғурталовчининг суғурталанувчи олдидаги қарзининг қопланиши	6030	5110
19.	Суғурталовчининг суғурта агентлари ва брокерлари олдидаги қарздорлигининг қопланиши	6040	5110
20.	Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича қарздорликнинг қопланиши	6050	5110
21.	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича қарздорликнинг қопланиши	6060	5110
22.	Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тангъемалар ва йиғимларнинг тўланиши	6080	5110
23.	Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистанслар хизмати ҳақини тўлаш	6090	5110
24.	Банкдан кассага пул маблағлари келиб тушди (меҳнат ҳақи, нафақа, мукофот ва шу кабиларни бериш учун)	5010	5110
25.	Хусусий акцияларнинг сотиб олинishi	8610, 8620	5110
26.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг қопланиши	6010	5110
27.	Берилган бўнақлар суммаси	4310 — 4340	5110
28.	Илгари олинган бўнақларни қайтарилиши	6300, 7310	5110
29.	Бюджетга тўловлар бўйича қарз суммасининг ўтказилиши	6410	5110
30.	Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларнинг қопланиши	6510 — 6530	5110
31.	Тасисчиларга ҳисобланган дивиденднинг тўланиши	6610	5110
32.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган қарз суммасининг қопланиши	6110, 6120	5110
33.	Қисқа муддатли кредит ва қарзларнинг қопланиши	6810 — 6840	5110
34.	Узоқ муддатли кредит ва қарзларнинг жорий қисмининг қопланиши	6950	5110
35.	Ҳисобланган фоизлар бўйича қарзларнинг қопланиши	6920	5110
36.	Ижарага берувчига тегишли бўлган тўловлар тўланди	6910, 6950	5110

### 3-§. Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200)

215. Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлар ҳудудидаги банклар счётларидаги чет эл валютасидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари»;

5220 «Чет элдаги валюта счётлари»;

216. 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари» ва 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» счётларининг дебетида валюта счётларига пул маблағларининг келиб тушиши, кредитида эса пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида аниқланган суғурталовчининг валюта счётининг дебети ёки кредитига хатолик билан ўтказилган суммалар 4860 «Даъволар бўйича олинандиган счётлар» ёки 6960 «Даъволар бўйича тўланандиган счётлар» счётлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида валюта счёти бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб, чет эл валютасидаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир счёт бўйича юритилади.

217. Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5200)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан ижара тўловларининг келиб тушиши	5210, 5220	4810, 4820
2.	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар, асосий воситалар ва бошқа активларни сотилишидан валютанинг келиб тушиши	5210, 5220	4010
3.	Кассада валюта маблағларининг валюта счётига топширилиши	5210, 5220	5020
4.	Ишлатилмаган чек ва аккредитив суммасининг валюта счётига ўтказилиши	5210, 5220	5510 — 5520
5.	Илгари қисқа муддатли инвестициялар тартибида берилган қарзнинг қайтарилиши	5210, 5220	5830
6.	Илгари берилган бўнақларнинг қайтарилиши	5210, 5220	4310 — 4340
7.	Қондирилган даъволар суммасининг келиб тушиши	5210, 5220	4860
8.	Олинган бўнақлар суммаси	5210, 5220	6300, 7310
9.	Илгари акцияларга обуна бўлган таъсисчилардан улуш суммасининг келиб тушиши	5210, 5220	4610
10.	Номинал қийматдан юқори баҳода сотилган акциялардан эмиссион даромаднинг келиб тушиши	5210, 5220	8410
11.	Суғурта агенти ва брокеридан суғурта мукофотининг келиб тушиши	5210, 5220	4040
12.	Суғурталанувчилардан суғурта мукофотларининг келиб тушиши	5210, 5220	4030
13.	Қайта суғурта қилиш бўйича комисион рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимларнинг келиб тушиши	5210, 5220	4050
14.	Қайта суғурта қилиш бўйича зарар улуши қопламасининг келиб тушиши	5210, 5220	4060
15.	Суғурталовчининг суғурталанувчи олдидаги қарзининг қопланиши	6030	5210, 5220
16.	Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича қарздорликнинг қопланиши	6050	5210, 5220
17.	Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича қарздорликнинг қопланиши	6060	5210, 5220
18.	Қайта суғурта қилишга оид комисион рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимларнинг тўланиши	6080	5210, 5220
19.	Инвестицияга валюта маблағларнинг қўйилиши	0600, 5800	5210, 5220
20.	Банқдан кассага валюта маблағларининг келиб тушиши	5020	5210, 5220
21.	Хусусий акцияларнинг чет эл валютасига сотиб олиниши	8610, 8620	5210, 5220
22.	Чет эллик мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзларнинг тўланиши	6010	5210, 5220
23.	Чет эл валютасида берилган бўнақларнинг суммаси	4310 — 4340	5210, 5220
24.	Илгари олинган чет эл валютасидаги бўнақларнинг қайтарилиши	6300, 7310	5210, 5220
25.	Таъсисчиларга чет эл валютасида ҳисобланган дивиденднинг тўланиши	6610	5210, 5220

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
26.	Ҳисобланган фоизлар бўйича қарзлар қопланди	6920	5210, 5220
27.	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар қопланди	6810 — 6840	5210, 5220
28.	Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларнинг жорий қисми қопланди	6950	5210, 5220
29.	Ижарага берувчига тегишли бўлган тўловлар тўланди	6910, 6950	5210, 5220

#### 4-§. Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500)

218. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет мамлакатлардаги аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларидаги (векселлардан ташқари) пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида, шунингдек, мақсадли молиялаштириш (тушумлар) пул маблағларининг алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

- 5510 «Аккредитивлар»;
- 5520 «Чек дафтарчалари»;
- 5530 «Бошқа махсус счётлар».

219. 5510 «Аккредитивлар» счётида аккредитивдаги пул маблағлари ҳисобга олинади. Аккредитивга пул маблағларини ўтказиш 5510 «Аккредитивлар» счётининг дебетиди ва 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

5510 «Аккредитивлар» счёти бўйича аккредитивга ҳисобга олинган пул маблағлари уларнинг ишлатилиши бўйича (банк кўчирмаларига асосан), 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»нинг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағлар, банк томонидан улар қайси счёtdан ўтказилган бўлса, шу счётларга қайта тикланганда 5510 «Аккредитивлар» счётининг кредити, 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5510 «Аккредитивлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчи томонидан қўйилган ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида юритилади.

220. 5520 «Чек дафтарчалари» счётида чек дафтарчаларидаги пул маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади. Чек дафтарчаларини беришда пул маблағларини депонентлаш 5520 «Чек дафтарчалари» счётининг дебети ва 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет элдаги валюта счётлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади. Суғурталовчи томонидан берилган чекларнинг тўлови доирасидаги сумма 5520 «Чек дафтарчалари» счётининг кредитидан харажат ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Чек билан берилган, лекин банк томонидан тўланмаган (тўловга тақдим этилмаган) сумма 5520 «Чек дафтарчалари» счётида қолади ва ушбу 5520 «Чек дафтарчалари» счётининг қолдиги банк кўчирмалари билан мос келиши лозим. Банкка қайтарилган чекларнинг (фойдаланилмай қолган) суммаси 5520 «Чек дафтарчалари» счётининг кредитида 5110 «Ҳисоб-китоб счёти», 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», 5220 «Чет элдаги валюта счётлари» ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Кредитор корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш учун суғурталовчи ходимларига ҳисобдорликка берилган чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳаракати устидан назорат тезкор равишда юритилади.

5520 «Чек дафтарчалари» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган чек дафтарчалари бўйича юритилади.

221. 5530 «Бошқа махсус счётлар»да банкда махсус сақланадиган мақсадли молиялаштириладиган (тушумлар) маблағлар, шу жумладан ижтимоий муассасалар, объектлар (болалар боғчаси ва бошқалар)ни сақлаш учун ота-оналардан, ўзга фойдаланувчилар ва бошқа манбалардан келиб тушган пул маблағлари; суғурталовчининг талабига кўра алоҳида счётда йиғиладиган ва сарфланадиган капитал қўйилмаларни молиялаштириш маблағлари; давлат идораларининг субсидиялари ва шу кабиларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Суғурталовчининг ажратилган бўлинмаларга банкда жорий харажатларни (меҳнат ҳақи, алоҳида хўжалик харажатлари, хизмат сафарлари ва шу кабилар) амалга ошириш учун очилган жорий счётларда ушбу кўрсатилган маблағларнинг ҳаракати алоҳида счётда акс эттирилади.

5530 «Бошқа махсус счётлар» бўйича аналитик ҳисобни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет элдаги бошқа махсус счётлардаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

222. Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5500)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Аккредитивларга пул маблағлари ўтказилди	5510	5110 — 5220
2.	Қондирилган даъволар суммасининг махсус счётга келиб тушиши	5510 — 5530	4860
3.	Депозит иштирокчиси сифатида акция обуначиларидан бўнак суммасининг олинishi	5530	6320
4.	Қисқа муддатли банк кредитлари ҳисобидан аккредитивларга пул маблағлари ўтказилди	5510	6810
5.	Сотиш харажатларининг тўлови чек билан амалга оширилди	9410	5520
6.	Ишлатилмаган сумманинг муддат охирида қайтарилishi: а) аккредитивлар б) чек дафтарчалари	5110 — 5220	5510
		5110 — 5220	5520
7.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзни тўлашда аккредитивдаги сумма ҳисобдан чиқарилди	6010	5510
8.	Аккредитивдан бўнакнинг берилиши	4310 — 4340	5510
9.	Суғурта бўйича қарзларнинг аккредитив маблағлари ҳисобига қопланиши	6510	5510
10.	Бошқа кредиторларнинг хизматлари учун тўловларда ишлатилган чеклар суммасини ҳисобдан чиқариш	6990	5520
11.	Махсус счётдан шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган қарзнинг тўланиши	6120	5530
12.	Сотиб олинган путёвқалар учун махсус счётдан тўланган сумма	5610	5530
13.	Чек дафтарчаларидаги ишлатилмаган маблағларнинг қисқа муддатли банк кредитларини қоплаш учун қайтарилishi	6810	5520
14.	Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағнинг узоқ муддатли банк кредитларини қоплаш учун қайтарилishi	6950, 7810	5510
15.	Ҳисобланган фоизлар бўйича қарзларнинг қопланиши	6920	5510 — 5530
16.	Ижарага берувчига тегишли бўлган тўловлар тўланди	6910, 6950	5530



**5-§. Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар (5600)**

223. Суғурталовчи кассасидаги пул эквивалентларининг (почта маркалари ва бошқалар) мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)» счётида амалга оширилади.

5610 «Пул эквивалентлари (турлари бўйича)» счётида маркалар, патталар ва бошқа пул эквивалентлари номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади. Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётнинг дебитида пул эквивалентларини сотиб олиш пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, кредитида эса пул эквивалентларининг сарфланиши харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар (5600) бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича юритилади.

224. Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар (5600)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Пул эквивалентларининг нақд пулга харид қилиниши	5610	5010, 5020
2.	Пул эквивалентларини ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларини ўтказиш орқали харид қилиниши	5610	5110
3.	Ҳисобдор шахслар орқали пул эквивалентларининг харид қилиниши	5610	4220 — 4290 6970
4.	Турли шахслардан пул эквивалентларининг харид қилиниши	5610	6990

**6-§. Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётлар (5700)**

225. Йўлдаги пул маблағлари (нақд пулга ва пул ўтказиш орқали маҳсулот сотишдан олинган даромад) тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5710 «Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари» счётида амалга оширилади.

226. 5710 «Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари» счётида сақлаш жойидан чиқиб кетган, аммо мўлжалланган жойига етиб бормаган пул маблағлари (инкассаторга берилган сотишдан олинган тушумлар, пул ўтказмалари) ҳисобга олинади.

Ушбу счёт транзит счёт ҳисобланади ва пул маблағларининг ҳаракати устидан узлуксиз назоратни ўрнатиш учун боғловчи вазифасини бажаради.

5710 «Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари» счётининг дебитида пулни инкассаторларга топшириш кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Пул маблағлари кирим қилингандан кейин 5710 «Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)лари» счёти кредитланиб, пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счёт (5700)нинг аналитик ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

227. Йўлдаги пул маблағ (ўтказма)ларини ҳисобга олувчи счётлар (5700)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Кассадаги нақд пулларни банкдаги ҳисоб-китоб счётига ўтказиш учун инкассаторга топширилди	5710	5010, 5020

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
2.	Харидорларнинг қарзлари келиб тушган пул ўтказмалари бўйича қопланди	5710	4010
3.	Банкка ҳали келиб тушмаган пул маблағларини ўтказиш орқали бўнақ олиш	5710	6300, 7310
4.	Турли дебиторлардан пул ўтказмаларини олиш	5710	4890
5.	Ажратилган бўлинмалардан пул ўтказмаларини олиш	5710	4110
6.	Йўлдаги пул маблағлари кассага келиб тушди	5010 — 5020	5710
7.	Йўлдаги пул маблағлари банкдаги ҳисоб-китоб счётига келиб тушди	5110 — 5530	5710

### 7-§. Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800)

228. Суғурталовчининг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қилинган қисқа муддатли (бир йил муддатдан кўп бўлмаган) инвестициялари (қўйилмалар) давлат қарзларининг фоизли облигациялари, бошқа корхоналарга берилган қарзлар ва бошқаларнинг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

5810 «Қимматли қоғозлар»;

5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар»;

5890 «Бошқа жорий инвестициялар».

229. 5810 «Қимматли қоғозлар» счётида акцияларга, давлат қарзларининг фоизли облигацияларига ва бошқа қимматли қоғозларига қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматли қоғозлар 5810 «Қимматли қоғозлар» счётига сотиб олиш қийматида кирим қилинади.

Суғурталовчида акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши 5810 «Қимматли қоғозлар» счётининг дебетиди ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ва агар қимматли қоғозлар учун тўлов моддий ёки бошқа қийматликлар (пул маблағларидан ташқари) орқали амалга оширилса, моддий ва бошқа қийматликларнинг сотилишини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитиди ҳисобга олинади.

Агар сотиб олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг сотиб олиш баҳоси уларнинг номинал қийматидан фарқ қилса, у ҳолда сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни шундай ҳисобдан чиқариш ёки қўшимча ҳисобланиши керакки, 5810 «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинган қимматли қоғозларнинг баҳоси уларни қоплаш даврида номинал қийматига мувофиқ бўлиши лозим. Сотиб олиш ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланадиган вақтгача бўлган даврда 5810 «Қимматли қоғозлар» счётининг дебети (қўшимча ҳисоблаш)да ёки кредити (ҳисобдан чиқариш) да, 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» ёки 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5810 «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинган облигация ва бошқа қимматли қоғозларнинг қопланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 5810 «Қимматли қоғозлар» счётининг кредитиди акс эттирилади.

230. 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётида суғурталовчининг бошқа корхоналарга қисқа муддатга берган пулли ва бошқа қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётининг дебетиди пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади. Қарзларнинг қайтарилиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетиди ва 5830 «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётининг кредитиди акс этирилади.

231. 5890 «Бошқа жорий инвестициялар» счётида суғурталовчиларнинг банк ва бошқа омонатларга сўмда ва чет эл валютасидаги қўйилмаларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Омонатларга пул маблағларининг ўтказилиши суғурталовчиларда 5890 «Бошқа жорий инвестициялар» счётининг дебетиди пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади. Ҳисобда банк томонидан омонатлар суммаси қайтарилганда суғурталовчида тескари ёзув амалга оширилади.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800) бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари ва ушбу қўйилмалар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи-корхоналар, омонатлар ва ҳоказолар) бўйича юритилади.

232. Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар (5800)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Қимматли қоғозлар маҳсулотлар, товарлар, иш, хизматларни бериш йўли билан харид қилинди	5810	9030
2.	Қимматли қоғозлар асосий воситалар ва бошқа активларни бериш йўли билан харид қилинди	5810	9210, 9220
3.	Узоқ муддатли инвестицияларнинг таркибий ўзгариши (реструктуризация) амалга оширилди	5810	0610
4.	Қимматли қоғозлар нақд пулга харид қилинди	5810	5010
5.	Қимматли қоғозлар қиймати банкдаги счётдан тўланиши орқали харид қилинди	5810	5110 — 5530
6.	Харидорларга ссуда маблағларининг векселда берилиши	5810	5110 — 5530
7.	Акцияларнинг тўлов сифатида қимматли қоғозларнинг келиб тушиши	5810	4610
8.	Қимматли қоғозларни сотилиши	5110	5810
9.	Суғурталовчининг қарзи қимматли қоғозлар билан қопланиши	6990	5810
10.	Мажбуриятлар учун гаров сифатида акцияларнинг берилиши	6010	5810
11.	Харидорга вексел суммасига даъво билдирилиши	4860	5810
12.	Даъво муддати тугаганлиги туфайли вексел бўйича қарзни зарар ҳисобига чиқариш	9690	5810
13.	Инвентаризация натижасида қимматли қоғозларнинг камомади	4730	5810
14.	Қисқа муддатли қарзларнинг асосий восита ва бошқа активлар кўринишида берилиши	5830	9210, 9220
15.	Қисқа муддатли қарзларнинг товар ва хизматлар кўринишида берилиши	5830	9030
16.	Бошқа корхоналар томонидан қисқа муддатли қарзларнинг қайтарилиши	5110	5830

**8-§. Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан  
йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи  
счётлар (5900)**

233. Қийматликларни тайёрлаш, сақлаш, сотиш ва инвентаризация қилиш жараёнларида аниқланган камомад, талон-торож ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотиш суммалари, шунингдек, ушбу бўлимнинг юқорида келтирилган счётларида ҳисобга олинмаган, бироқ суғурталовчи мулки ҳисобланган бошқа жорий активларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар»;

5920 «Бошқа жорий активлар».

234. Товар-моддий захиралари, асосий воситалар ва номоддий активларнинг камомади ва бузилиши 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётининг дебети ва товар-моддий захираларини ҳисобга олувчи счётлар ва асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ҳамда турли чиқиб кетишни ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

235. 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счётининг кредитида қуйидаги:

а) қийматликларнинг табиий йўқотиш меъёрларидан ортиқ камомадлари, қийматликларнинг бузилиши, йўқолиши ва ўғирланишининг аниқ айбдорлари аниқланганда — 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар», 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счётларининг дебети;

б) қийматликларнинг табиий йўқотиш меъёрларидан ортиқ бузилиши ва ўғирланишидан йўқотишлар, аниқ айбдор шахси аниқланмаганда ва даъво тасдиқланмаганлиги натижасида суднинг эътирози — 9430 «Бошқа операцион харажатлар» дебетида ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича юритилади.

236. 5920 «Бошқа жорий активлар» счётининг дебетида ушбу бўлимнинг юқорида келтирилган счётларида ҳисобга олиниши мўлжалланмаган жорий активлар акс эттирилади. 5920 «Бошқа жорий активлар» счётининг кредитида бошқа жорий активларнинг сарфланиши акс эттирилади.

5920 «Бошқа жорий активлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб уларнинг турлари бўйича юритилади.

237. Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар (5900)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	ТМЗнинг йўқолиши ва бузилишидан камомадлар	5910	1010 — 1090
2.	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг йўқолиши ва бузилишидан йўқотишлар	5910	9210, 9220
3.	Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар	4860, 4730	5910
4.	Ундирилмаган суммалар ҳисобдан чиқарилди, шунингдек, камомадлар зарарга олиб борилди	9430	5910
5.	Пул ўтказиш йўли билан бошқа жорий активлар сотиб олинди	5920	5110
6.	Ҳисобдор шахслар орқали бошқа жорий активлар сотиб олинди	5920	4220 — 4290 6970

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
7.	Бошқа жорий активларнинг сарфланиши	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	5920

### III бўлим. Мажбуриятлар

#### VI кичик бўлим. Жорий мажбуриятлар

238. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари суғурталовчининг юридик ва жисмоний шахслар олдидagi жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

239. Чет эл валютасидаги мажбуриятлар ушбу бўлимдаги счётларда пулли ҳисобкитоб ҳужжатларидан кўчирма олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича чет эл валютасини қайта ҳисоблаш йўли билан, сўмда ҳисобга олинади. Кредиторлик қарзларини ҳисобот оининг охири санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта баҳолаганда вужудга келган курс фарқлари 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» (ижобий курс фарқи бўлганда) ёки 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» (салбий курс фарқи бўлганда) счётига олиб борилади.

240. Ушбу бўлимда қуйидаги счётлар бўйича ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:

- 6000 — Тўланадиган счётлар;
- 6100 — Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар;
- 6200 — Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6300 — Олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6400 — Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6500 — Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6600 — Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6700 — Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6800 — Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;
- 6900 — Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар.

#### 1-§. Тўланадиган счётлар (6000)

241. Товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек, ташиш бўйича олинган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган жорий мажбуриятлар, суғурта операциялари бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар»;
- 6011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар»;
- 6020 «Берилган векселлар»;

6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар»;

6040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар»;

6050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар»;

6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар»;

6070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар»;

6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъяемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар»;

6090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган счётлар».

242. 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматларнинг қийматига ушбу қийматликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади.

Агар омборга келиб тушган моддий қийматликларнинг сифати, миқдори, шунингдек, баҳоси шартномада келишилган шартларга мос келмаса, 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти билан боғланган ҳолда тегишли суммага кредитланади.

6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича алоҳида юритилади.

— 243. 6011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг кредити бўйича олдини олиш чора-тадбирлари бўйича пудратчиларнинг бажарган ишлари бўйича мажбуриятлар ҳисобга олинади. Суғурталовчи томонидан олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ишлар қабул қилиб олинганда, олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бажарилган ишлар суммасига, 8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси» счётининг дебети 6011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Аввал олдини олиш чора-тадбирлари учун берилган бўнак маблағлари ҳисобидан олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича вужудга келган кредиторлик қарздорликни қоплаш, 6011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг дебети ва 4330 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун берилган бўнақлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка бериш орқали амалга оширилади. Олдини олиш чора-тадбирлари учун кўшимча тўлов суммасига, 6011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

244. 6020 «Берилган векселлар» счётининг кредитида сотиб олинган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматлар учун векселлар билан таъминланган жорий мажбуриятлар ҳисобга олинади ва уларни қоплаш давригача ҳисобда туради. Векселлар бўйича мажбуриятлар қопланишига қараб улар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитидан 6020 «Берилган векселлар» ва 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

6020 «Берилган векселлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган вексел бўйича юритилади.

+

245. 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётида суғурталовчининг суғурталанувчиларга суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Суғурта товони ҳисобланганда 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счёти мувофиқ равишда 9431, 9432, 2210, 2220 счётлар билан кредитланади. Суғурта товонининг тўланиши 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда проводка билан расмийлаштирилади.

Суғурталовчилар ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта захираларининг вақтинча бўш маблағларидан суғурта полиси кафолати остида суғурталанувчиларга ссудалар бериши мумкин. Суғурталанувчи томонидан ссудани ўз вақтида қайтармаган ҳолатда, суғурталанувчининг ссудалар бўйича қарздорлигини суғурта товони суммасидан ушлаб қолиш 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётнинг дебети 4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизларнинг суғурта товони ҳисобидан ушлаб қолиниши 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётнинг дебети 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга оширган ҳолда расмийлаштирилади.

246. 6040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар» счётида суғурта агентлари ва брокерларига ҳисобланган коммиссион мукофотлар суммаси акс эттирилади. Коммиссион мукофотларнинг ҳисобланиши 2010 «Суғурта ишини юриш харажатлари» счёти дебети 6040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Коммиссион мукофотларнинг тўланиши 6040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Агар агентлик келишувида қонунчиликда ўрнатилган тартибда, суғурта агентлари ёки брокерларига коммиссион мукофотларнинг ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушлаб қолинган коммиссион мукофотлар суммасига, 6040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

247. 6050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётида қайта суғурта қилиш бўйича олинган шартномалар бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари акс эттирилади. Қайта суғурталанувчига тўланадиган суғурта товонининг ҳисобланиши 2230 «Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари» счётининг дебети 6050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Товон улуши тўланганда 6050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланади.

248. 6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётида суғурталовчининг қайта суғурта қилишга берилган шартномалари бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Қайта суғурта мукофоти ҳисобланганда ушбу суммага, 9040 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари» счётининг дебети 6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Суғурта мукофоти-

нинг қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ тўланиши 6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда проводка билан расмийлаштирилади.

249. 6070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счётида қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича депо мукофотлар акс эттирилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга берилаётган таваккалчиликларнинг жами бўйича суғурта мукофотларини маълум давр оралиғида ўтказиш назарда тутилган бўлса, ушбу давр тугагунга қадар қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти комиссия рағбатлантиришлар чегирилган ҳолатда депонентланган (депо мукофот) ҳисобланади. Депо мукофотларининг ҳисобланиши 6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг дебети бўйича 6070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини тўлаш муддати келганда) 6070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счётининг дебети 6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда тескари проводка берилади.

250. 6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъяемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счётида қайта суғурталанувчига тўланадиган қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимлар акс эттирилади. Комиссия рағбатлантиришларнинг ҳисобланиши, 6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъяемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг кредити 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебети билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимларнинг тўланиши 6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъяемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади.

Одатда, қайта суғурта қилиш бўйича комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимлар қайта суғурта қилиш шартномасида акс эттирилади ва қайта суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга ўтказишда ушлаб қолиниши мумкин. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушбу сумма, 6080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантъяемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4051 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, акс эттирилади.

251. 6090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган счётлар» счётида актуарийлар (актуар ташкилотлар), аджастерлар (аджастер ташкилотлар), сюрвейерлар (сюрвейерлик ташкилотлари), ассистанслар (ассистанс хизматларини кўрсатиш бўйича ташкилотлар)га тўланадиган суммалар акс эттирилади. Мажбуриятларнинг ҳисобланиши 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебети 6090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюр-



вейерлар ва ассистансларга тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Юқоридаги субъектлар хизмат ҳақларининг тўланиши 6090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган счётлар» счётининг дебети билан пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади.

252. Тўланадиган счётлар (6000)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Мол етказиб берувчилардан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар келиб тушди	0710, 0720	6010
2.	Капитал қўйилмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган счётлар тўловга қабул қилинди	0810 — 0890	6010
3.	Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди	1010 — 1090	6010
4.	Мол етказиб берувчилардан ўстиришга ва боқувга ҳайвонлар келиб тушди	2710	6010
5.	Мол етказиб берувчилардан турли ТМЗ келиб тушди (1510 счёти қўлланилганда)	1510	6010
6.	Мол етказиб берувчилардан товар-моддий захираларни харид қилишда ҳисобга олинган ҚҚС суммаси	4410	6010
7.	Суғурталовчи томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлаб-чиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчиларнинг бажарган иш ва хизматлари (жумладан: энергия, газ, буғ, сув) қабул қилинди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420	6010
8.	Мол етказиб берувчилардан келгуси давр харажатларига тегишли бўлган иш ва хизматлар қабул қилинди	3190	6010
9.	Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотишда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар кўрсатган иш ва хизматлар қабул қилинди	9410	6010
10.	Табиий офатларни тугатиш бўйича мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг хизматлари қабул қилинди	9720	6010
11.	Олдини олиш чора-тадбирларини молиялаштириш учун пул маблағларининг ҳисобланиши	8040	6010
12.	Олдини олиш чора-тадбирлари захираси пул маблағларини ўтказиш	6010	5110
13.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарзлар банкдаги счётлардан тўланди	6010	5110 — 5530
14.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг счётларини тўлашда олдиндан берилган бўнақларнинг ҳисобга олиниши	6010	4310 — 4340
15.	Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқариш суммалари	6010	9360
16.	Кредиторлик қарзини тўлаш учун мол етказиб берувчига оддий вексел берилди	6010	6020
17.	Амалга оширилган олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ишларнинг суғурталовчи томонидан қабул қилиб олиниши	8040	6011
18.	Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича вужудга келган кредиторлик қарздорлик ҳисобига олдини олиш чора-тадбирлари бўйича аввал берилган бўнақларни ҳисобга олиш	6011	4330

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
19.	Амалга оширилган олдини олиш чора-тадбирлари учун қўшимча тўлов	6011	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
20.	Суғурта товонини ҳисоблаш	2210 — 2220	6030
21.	Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ўтган даврларда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонларининг ҳисобланиши	9431 — 9432	6030
22.	Суғурта товонининг тўланиши	6030	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
23.	Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича суғурталанувчининг қарздорлигини суғурта товони суммасидан ушлаб қолиш	6030	4070
24.	Суғурта қопламасини тўлашда вақтида тўланмаган навбатдаги суғурта мукофотини ушлаб қолиш	6030	4030
25.	Агентлик келишувига мувофиқ суғурта воситачисига ҳисобланган коммиссион мукофотлар суммасининг ушлаб қолиниши	6040	4040
26.	Суғурта агентлари ва брокерларига коммиссион мукофотларни ҳисоблаш	2010	6040
27.	Суғурта агентлари ва брокерларига ҳисобланган коммиссион мукофотларнинг тўланиши	6040	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
28.	Қайта суғурталанувчига тўланадиган суғурта товонини ҳисоблаш	2230	6050
29.	Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича товон улушини тўлаш	6050	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
30.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича қайта суғурта мукофотини ҳисоблаш	9040	6060
31.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича қайта суғурта мукофотининг тўланиши	6060	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
32.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича депо мукофотларни ҳисоблаш (ушбу проводка қайта суғурта мукофоти ҳисоблангандан сўнг амалга оширилади)	6060	6070
33.	Қайта суғурта қилиш берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини тўлаш муддатининг келиши (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотларнинг ҳисобдан чиқарилиши)	6070	6060
34.	Қайта суғурта қилиш бўйича коммиссион рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимларнинг ҳисобланиши	2010	6080
35.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича коммиссион рағбатлантиришларнинг ушлаб қолиниши	6080	4051
36.	Қайта суғурта қилиш бўйича коммиссион рағбатлантиришлар, тантёмалар ва йиғимларнинг тўланиши	6080	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
37.	Актuariйлар (актуар ташкилотлар), аджастерлар (аджастерлик ташкилотлари), сюрвейерлар (сюрвейерлик ташкилотлари), ассистанслар (ассистанс хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар)	2010	6090
38.	Актуар, аджастерлик, сюрвейерлик ва ассистанс хизматларининг тўланиши	6090	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

## 2-§. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар (6100)

253. Суғурталовчининг ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар»;

6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар».

254. 6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счётида суғурталовчининг умумий балансига қўшиладиган филиаллар ва ваколатхоналарнинг жорий мажбуриятлари (ички хўжалик ёки ички баланс ҳисоб-китоблари) ҳисобга олинади.

6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» счётининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича ажратилган бўлинмалар олдидаги жорий мажбуриятлар товар-моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажат ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

255. 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счётида шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига жорий мажбуриятлар (балансларо ҳисоб-китоблар ёки ички идоровий ҳисоб-китоблар) ҳисобга олинади.

6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счётининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги жорий мажбуриятлар товар моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажатлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6110 «Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар» ва 6120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ажратилган бўлинма, шўъба ва қарам хўжалик жамияти бўйича алоҳида юритилади.

256. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар (6100)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ажратилган бўлинмалардан, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан товар-моддий қийматликлар олинди	0710 — 0890 1010	6110, 6120
2.	Худди шу ҳолат, 1510 счётни қўллаган ҳолда	1510	6110, 6120
3.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган ТМЗлар қийматидаги фарқлар ҳисобга олинди	1610	6110, 6120
4.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари бўйича кўрсатган хизматлар қабул қилинди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420	6110, 6120

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
5.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари кўрсатган хизматлар келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинди	3190	6110, 6120
6.	Ажратилган бўлинмалардан кассага нақд пул келиб тушди (йўлланмалар учун)	5010	6110
7.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул маблағлари келиб тушди	5110 — 5530	6110, 6120
8.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул эквивалентлари келиб тушди	5610	6110, 6120

### 3-§. Кечиктирилган мажбуриятлар ва суғурта мукофотларини ҳисобга олувчи счётлар (6200)

257. Вақтинчалик фарқлар натижасида вужудга келадиган кечиктирилган жорий мажбуриятлар, тўғридан-тўғри суғурта ва қайта суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»;

6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»;

6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар»;

6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»;

6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар»;

6270 «Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари»;

6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари»;

6290 «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар».

258. 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счётида қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг дисконт (чегирма)лари бўйича суғурталовчининг кечиктирилган узоқ муддатли даромадларининг жорий қисми акс этирилади. Ушбу счёт фақат облигацияларни сотиб олувчи томонидан қўлланилади. Облигациялар дисконт билан сотиб олинганда, дисконт суммаси 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти кредитида, тўланган сумма эса пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида ва қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар ёки узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида акс этирилади. Облигациялар дисконт (чегирма)ларининг жорий қисмини даромадларга ўтказишда 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счёти кредитланади ва 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти дебетланади.

6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

259. 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигациялар мукофоти (устамаси) бўйича суғурталовчининг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларининг жорий қисмини акс этиради. Ушбу счёт фақат облигация сотувчиларда қўлланилади. Облигациялар мукофот билан сотилганда, мукофот (устама) суммаси 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти, об-

лигациянинг номинал қиймати эса 6830 «Тўланадиган облигациялар» (қисқа муддатли) ёки 7830 «Тўланадиган облигациялар» (узоқ муддатли) счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Облигацияларнинг мукофот (устама)лари жорий қисмини даромадларга ўтказишда 9530 «Фоишлар кўринишидаги даромадлар» счёти кредитланади ва 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти дебетланади.

6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

260. 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётида ҳисобот даврида бўнак сифатида олинган (ҳисобланган), аммо келгуси даврларга тегишли бўлган даромадлар акс эттирилади. Кечиктирилган даромадлар ижара тўловлари, чипталарнинг сотилиши; журналларга обуна тўлови ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин. Ҳали етказиб берилмаган тайёр маҳсулотлар, товарлар, бажарилмаган ишлар ва кўрсатилмаган хизматлар учун пул маблағлари келиб тушганда 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади. Келгуси ҳисобот даврига тегишли даромадлар тайёр маҳсулотлар, товарлар сотилганда, ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда даромад сифатида тан олинади ва 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётининг дебетидан 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар», 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» ва 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётларининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир даромад тури бўйича алоҳида юритилади.

261. 6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счётида масъул Ҳукумат идораларининг қарори бўйича қонунчиликка мувофиқ тўланиши кечиктирилишига руҳсат этилган солиқлар бўйича бюджет олдидаги қарзлар ва мажбурий тўловларнинг жорий қисми акс эттирилади. 6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счётининг кредитида кечиктирилган жорий тўловлар суммаси бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6400), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

6240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кечиктирилган солиқ ва тўловлар тури бўйича алоҳида юритилади.

262. 6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» счётида вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келган кечиктирилган даромад (фойда) солиғи суммаси акс эттирилади.

Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғига доир мажбуриятларнинг тегишли жорий қисми 7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётидан 6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» счётига ўтказилади. Кейинчалик вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи вужудга келишига қараб 6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» счёти 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счёти билан боғланади.

263. 6270 «Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари»

счётида қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича олинган суғурта мукофотлари акс эттирилади. Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофоти ҳисобланганда, мукофот суммаси 4050 «Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинган счётлар» счётининг дебети 6270 «Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Ҳисобот даври охирида 6270 «Қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредит томонидаги қолдиғи дебет бўйича 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

264. 6280 «Тўғридан тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётида суғурта шартномалари бўйича олинган суғурта мукофотлари ҳисобга олинади. Суғурта мукофотларининг тўланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, расмийлаштирилади. Бундан ташқари, ушбу счёт қўйидаги счётлар билан ҳам боғланиши мумкин:

суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар (6030);

тўланадиган дивидендларни ҳисобга олувчи счётлар (6610);

ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар (6710).

Ушбу счётнинг 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счёти билан боғланиши, суғурталовчи томонидан суғурталанувчига тўланаётган суғурта товони суммасидан тикловчи суғурта мукофотини ёки тўланмаган суғурта мукофотини ушлаб қолишда амалга оширилади. Бунда 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счётнинг дебети 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади.

Ҳисобот даврининг охирида ушбу счётнинг кредит томонидаги қолдиғи дебети бўйича 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади. 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар суғурта шартномаси бўйича юритилади.

265. 6290 «Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар» счётида суғурталовчининг 6210 — 6250 счётларда кўрсатилмаган бошқа кечиктирилган мажбуриятлари акс эттирилади.

266. Кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар (6200)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Облигациялар дисконт билан сотиб олинганда дисконт суммаси	0600, 5800	6210, 5110 — 5530
2.	Жорий облигациялар дисконти ҳисобдан чиқарилиши	6210	9530
3.	Кечиктирилган дисконтнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилиши	7210	6210
4.	Облигациялар мукофот билан сотилганда, мукофот суммаси	5110 — 5530	6220
5.	Жорий облигациялар мукофотининг ҳисобдан чиқарилиши	6220	9530
6.	Кечиктирилган мукофотларнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилди	7220	6220
7.	Келгусида жўнатиладиган ТМЗ, кўрсатиладиган хизматлар, бажариладиган ишлар учун пул маблағлари келиб тушди	5110 — 5530	6230

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
8.	Кечиктирилган даромадларнинг товарлар сотилганда ва хизматлар кўрсатилиши билан даромадга қўшилиши	6230	9030
9.	Ижара бўйича кечиктирилган даромад суммаси тегишли даврда даромадга қўшилди	6230	9350, 9550
10.	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисобот даврида бюджетга тўлаш учун ҳисобдан чиқарилди	7240	6240
11.	Вақтинчалик фарқлар бўйича даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар жорий қисмига ўтказилди	7250	6250
12.	Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинган суғурта мукофотларининг кўрсатилган суғурта хизматлари бўйича даромадларга ўтказилиши	6270	9030
13.	Қайта суғурта қилиш бўйича қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотларининг ҳисобланиши	4050	6270
14.	Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг тўланиши	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	6280
15.	Суғурта компанияси томонидан ўз ходимлари билан тузилган суғурта шартномалари бўйича тўловнинг уларнинг меҳнат ҳақи ҳисобидан амалга оширилиши	6710	6280
16.	Суғурта компанияси томонидан ўз таъсисчилари билан тузилган суғурта шартномалари бўйича тўловнинг уларнинг суғурталовчи устав капиталида иштирок этишидан олинган даромадлари ҳисобидан амалга оширилиши	6610	6280
17.	Суғурталанувчиларнинг суғурта мукофотлари бўйича қарздорлигининг вужудга келиши	4030	6280
18.	Суғурта воситачисига суғурта мукофоти тушганлиги тўғрисида суғурта воситачисидан хабарнинг олинishi	4040	6280
19.	Тикловчи мукофот ёки тўланмаган суғурта мукофотининг суғурта товонидан ушлаб қолиш	6030	6280
20.	Аввалдан тўланган мукофотлар бўйича суғурта полисининг берилиши	6330	6280
21.	Тегишли товарлар партияси бўйича суғурта полисининг берилиш (бош полис бўйича суғурталаш)	6330	6280
22.	Тўғридан-тўғри суғурталаш бўйича суғурта мукофотларининг суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадларга ўтказилиши	6280	9030

#### 4-§. Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)

267. Буюртмачиларга қисман тайёр ҳолдаги ТМЗни етказиб беришга ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек, акцияга обуначилардан олинган бўнаклар бўйича жорий мажбуриятлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»;
- 6320 «Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар»;
- 6330 «Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари»;
- 6390 «Бошқа олинган бўнаклар».

268. Суғурталовчи харидор ва буюртмачиларга хизмат кўрсатиш учун улардан

бўнак тўловини (олдиндан тўлашни) талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолатда бўнак ТМЗларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш бўйича шартноманинг бажарилиши, ҳамда харидор ва буюртмачилардан келгусидаги тўловларнинг келиб тушишига кафолат сифатида хизмат қилади.

Бундай бўнаклар пул маблағини олган суғурталовчи учун маҳсулот ва товарларни етказиб бериш ҳамда ишларни бажариш ёки хизматларни кўрсатишни амалга оширилишига қадар мажбурият бўлиб ҳисобланади.

Олинган бўнак суммалари, шунингдек, қисман тайёр ҳолдаги маҳсулот (иш, хизмат) учун қабул қилинган тўловлар суммаси олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6310, 6320, 6390)нинг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади. Буюртмачиларга ишлар тугатиб топширилганда ва хизматлар кўрсатилганда шунингдек, харидорларга маҳсулот юклаб жўнатирилганда, олинган бўнаклар харидор ва буюртмачиларнинг мажбуриятларини камайтиради ва олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6310, 6320, 6390)нинг дебети ва олинадиган счётлар (4000) кредитига олиб борилади.

Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6310, 6320, 6390) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган бўнаклар тури бўйича алоҳида юритилади.

269. 6330 «Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари» счётида суғурталанувчилар томонидан олдиндан тўланган бўнак суғурта мукофотлари акс эттирилади. Агар суғурта шартномасида суғурта мукофотининг аввалдан тўланиши ва суғурта полисининг суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда берилиши назарда тутилган бўлса, бундай ҳолда суғурта мукофотининг тўланиши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 6330 «Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Суғурта полисининг берилиши 6330 «Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари» счётининг дебети 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда расмийлаштирилади.

Бош полис бўйича суғурталашни амалга оширишда олдиндан тўланган суғурта мукофоти (депозит) суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети 6330 «Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Ҳар бир товар партияси бўйича суғурта полислари расмийлаштирилганда мувофик суғурта мукофоти суммасига киритилган депозит суммаси камайтирилади ва 6330 «Суғурталанувчилардан олинган бўнак суғурта мукофотлари» счётининг дебети 6280 «Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича (6330) аналитик ҳисоб ҳар бир олинган бўнак бўйича юритилади.

270. Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар (6300)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Бўнаклар олинди	5010 — 5530	6310 — 6390
2.	Хизмат кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотишда илгари олинган бўнаклар ҳисобга олинди	6310 — 6390	4010
3.	Илгари олинган бўнаклар қайтарилди	6310 — 6390	5010 — 5530
4.	Илгари олинган бўнаклар банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарз маблағлари ҳисобидан қайтарилди	6310 — 6390	6810 — 6840, 7810 — 7840



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
5.	Суғурта шартномаси бўйича суғурта мукофотининг олдиндан тўланиши	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	6330
6.	Бош полис бўйича депозитнинг тўланиши	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар	6330
7.	Аввалдан тўланган суғурта мукофотлари бўйича суғурта полисларини бериш	6330	6280
8.	Мувофиқ келувчи товар партияси бўйича суғурта полисининг берилиши (бош полис бўйича суғурталаш)	6330	6280
9.	Фойдаланилмаган бўнак суғурта мукофотларининг қайтарилиши	6330	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
10.	Даъво билдириш муддати давомида фойдаланилмаган бўнак суммалари ҳисобдан чиқарилди	6310 — 6390	9390

#### 5-§. Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6400)

+

271. Бюджетга тўловлар бўйича суғурталовчининг жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётида амалга оширилади.

272. 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг кредитида бюджетга тўланиши керак бўлган мажбурият суммаси олинган счётлар, давр харажатлари, солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши, меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Якуний ҳисоб-китобда, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга илгари ўтказилган бўнак тўловлари 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг дебет томонида бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400) билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Бюджетга ҳақиқатда ўтказилган суммалар 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счётининг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар (турлари бўйича)» счёти бўйича аналитик ҳисоби ҳар бир солиқ турлари бўйича алоҳида юритилади.

273. Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счёт (6400)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Давр харажатларига тааллуқли ҳар хил ажратмалар, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарзлар	9430	6410
2.	Тайёр маҳсулотларни, товарларни сотишда, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш, шунингдек асосий воситалар ва бошқа активларни сотиш ва турли равишда чиқаришда ҚҚС ва акциз суммаси ҳисобланди	4010	6410

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
3.	Бюджетдан маблағлар қайтарилди ёки келгуси тўловлар ҳисобига ўтказилди (яқуний ҳисоб-китоблар ва ш. к.)	5110, 5210, 5530, 4410	6410
4.	Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинди	6710	6410
5.	Ҳисобланган дивиденддан даромад солиғи суммаси ушлаб қолинди	6610	6410
6.	Фойдадан бюджетга тўловлар ҳисобланди	9810 — 9890	6410
7.	Бюджетга тўловлар ўтказиб берилди	6410	5010 — 5530
8.	Моддий ресурслар, товарлар, ишлар ва хизматларга тегишли бўлган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	6410	4410
9.	Олинган кредитлар ва қарзлар ҳисобидан бюджетга қарзлар тўланди	6410	6810 — 6840, 7810 — 7840

### 6-§. Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6500)

274. Суғурталовчи мулки ва ходимларини суғурта қилиш, давлат ижтимоий суғуртаси, суғурталовчи ходимларининг нафақа таъминоти ва тиббий суғуртаси, мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар, шунингдек, учинчи шахслар мулкӣ манфаатларига келтирилган зарарлар учун фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

6510 «Суғурта бўйича тўловлар»;

6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар».

275. 6510 «Суғурта бўйича тўловлар» счёти суғурталовчининг мулки ва ходимини суғурталаш бўйича қарзлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

276. 6520 «Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар» счёти мақсадли давлат жамғармалари олдидagi ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

277. Суғурта тўловлари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммалари суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Суғурта тўловлари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар бўйича қарз суммаларининг тўланиши суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500) бўйича аналитик ҳисоб суғуртачилар ва алоҳида суғурта шартномалари, шунингдек суғурталовчи тўловчи деб ҳисобланган ҳар бир мақсадли давлат жамғармалари бўйича алоҳида юритилади.

278. Суғурта ва мақсадли давлат жамғармалари бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6500)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Капитал қўйилмалар билан боғлиқ суғурта тўловлари бўйича қарз суммалари	0810 — 0890	6510

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
2.	Суғурта бўйича ҳисобланган тўловлар суғурталовчи харажатларига ўтказилди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	6510
3.	Ҳисобланган суғурта тўловлари суммаси банкдаги счётлардан тўланди	6510	5110 — 5530
4.	Суғурталовчи ходими ҳисобидан мақсадли Давлат жамғармаларига ажратмалар қилинди	6710	6520
5.	Харажатга киритилган мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	6520
6.	Мақсадли давлат жамғармаларига илгари ҳисобланган суммалар ўтказиб берилди	6520	5110 — 5530

### 7-§. Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олувчи счётлар (6600)

279. Суғурталовчининг таъсисчилар олдида дивидендлар бўйича ва чиқиб кетаётган таъсисчилар олдида уларнинг улушлари бўйича жорий мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6610 «Тўланадиган дивидендлар»;

6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар».

280. Суғурталовчи раҳбарияти томонидан акцияларга дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор эълон қилингандан сўнг, дивиденд суммаси жорий мажбурият сифатида акс эттирилади. Дивидендлар акциялар бўйича қонунчиликка мувофиқ тақсимланади.

281. 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счёти ҳисобланган дивиденд суммасига 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти билан боғланган ҳолда кредитланади.

Дивидендлар бўйича манбаида олинган солиқларнинг ҳисобланиши 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счётининг дебети 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича) счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

282. 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар» счётининг кредит томонида суғурталовчининг чиқиб кетаётган таъсисчиси улушлари бўйича ҳисобланган мажбуриятлари суммаси 8330 «Пай ва улушлар», 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий», 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счётлари билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6610 «Тўланадиган дивидендлар», 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб (кўрсатувчига акциялардан ташқари) ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

283. Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6600)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Акциядорларга дивидендлар ҳисобланди	8710	6610
2.	Дивиденд тўлаш манбаида даромад солиғи ҳисобланди	6610	6410
3.	Ҳисобланган дивидендлар тўланди	6610	5010 — 5530

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
4.	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар ҳисобланди	8330, 8610, 8620	6620
5.	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар тўланди	6620	5010 — 5530

**8-§. Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни  
ҳисобга олувчи счётлар (6700)**

284. Суғурталовчи рўйхатида бўлган ва рўйхатда турмаган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (меҳнат ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, ёрдам, ишлайдиган пенсия олувчиларга ҳисобланган пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»;

6720 «Депонентланган иш ҳақи».

285. 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» счётининг кредит томонида меҳнат ҳақи, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, пенсиялар ва бошқа шу каби суммалар акс эттирилади. 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» счётининг дебет томонида ҳисобланган меҳнат ҳақини тўлаш ва ундан ушланмалар акс эттирилади.

286. Ҳар йилги ва қўшимча таътил бўйича суммаларни ҳисоблашда ушбу суммалар меҳнат ҳақи жамғармасига жорий ойга тўғри келадиган таътил кунлари суммаси миқдорида киритилади. Таътилнинг бир қисми кейинги ойга ўтган ҳолларда, ушбу кунлар учун ходимларга тўланган суммалар жорий ойда берилган бўнак суммаси каби акс эттирилади ва 4290 «Ходимларга берилган бошқа бўнақлар» счётининг дебетида ва 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счётининг кредитида кўрсатилади.

287. 6720 «Депонентланган иш ҳақи» счётида ходимларнинг олинмаган иш ҳақи бўйича қарзлари акс эттирилади.

6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар» ва 6720 «Депонентланган иш ҳақи» счётлари бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчининг ҳар бир ходими бўйича алоҳида юритилади.

288. Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олувчи счётлар (6700)нинг бошқа счётлар билан боғланиши.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Капитал қўйилмалар соҳасида банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	0810 — 0890	6710
2.	ТМЗларни тайёрлаш ва сотиб олиш муомалалари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди	1010 — 1090	6710
3.	ТМЗларни тайёрлаш ва сотиб олиш муомалалари бўйича меҳнат ҳақи ҳисобланди (1510 счёти қўлланганда)	1510	6710
4.	Маҳсулот сотишда, бошқарув ва бошқа муомалаларда банд бўлган ходимларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9410 — 9430	6710
5.	Келгуси давр харажатларига киритиладиган ишлар учун меҳнат ҳақи ҳисобланди (мавсумий тармоқларда ва бошқалар)	3190	6710
6.	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш жараёнлари бўйича ҳисобланган меҳнат ҳақи	9210	6710

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
7.	Ортиқча тўланган суммалар (меҳнат ҳақи ва ҳоказолар) кассага қайтарилди	5010	6710
8.	Табийий офатлар, ёнғинларни бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9720	6710
9.	Ходимларга бир марталик мукофот ҳисобланди	9430	6710
10.	Маҳсулот, иш, хизматлар қиймати суғурталовчи ишчиларидан ушлаб қолинди	6710	4790
11.	Ходимларга ҳисобланган суммалар кассадан тўланди (меҳнат ҳақи, мукофотлар ва ҳоказо)	6710	5010
12.	Ҳисобдор шахсларнинг қайтармаган бўнак суммалари ушлаб қолинди	6710	4220 — 4290
13.	Акцияларга обуна бўйича мажбуриятлар қопланди	6710	4610
14.	Кредитга сотиб олинган товарлар учун ҳисоб-китоблар бўйича навбатдаги тўловлар ишчилардан ушлаб қолинди	6710	4710
15.	Айбдор ишчиларнинг меҳнат ҳақи суммасидан етказилган моддий зарарлар суммаси ушлаб қолинди	6710	4730

### 9-§. Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6800)

289. Суғурталовчи томонидан Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги банклар ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олинган турли қисқа муддатли (12 ой муддатгача) кредит ва қарзларнинг ҳолатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари»;

6820 «Қисқа муддатли қарзлар»;

6830 «Тўланадиган облигациялар»;

6840 «Тўланадиган векселлар».

290. 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счётида суғурталовчининг банклардан олган турли қисқа муддатли кредитлари ҳисобга олинади.

Олинган қисқа муддатли банк кредитларининг суммалари 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Қайтарилган қисқа муддатли банк кредитлари суммаси 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счётининг дебет томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитни тақдим этган банк, кредит суммаси, муддати бўйича алоҳида юритилади.

291. 6820 «Қисқа муддатли қарзлар» счётида Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги қарз берувчилар (банкдан ташқари)дан 12 ойдан кўп бўлмаган муддатга олинган қарзлар ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) тушган маблағлар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 6820 «Қисқа муддатли қарзлар» счётининг кредити бўйича қайд қилиб борилади.

Олинган қарзларни қайтариш 6820 «Қисқа муддатли қарзлар» счётининг дебетида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредитида акс эттирилади.

6820 «Қисқа муддатли қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб қарз берувчилар ва қарзларни қайтариш муддати бўйича алоҳида юритилади.

292. 6830 «Тўланадиган облигациялар» счётида тўлов муддати 12 ойдан ортиқ

бўлмаган облигацияларни муомалага чиқариш ҳисобига суғурталовчига жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади. Агар маблағларни жалб қилиш облигацияларни номинал қийматидан юқори баҳога сотиш йўли билан амалга оширилса, унда облигацияларни сотиш баҳоси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ 6220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счётининг кредитида ҳисобга олинади.

6830 «Тўланадиган облигациялар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигация тури ва уни қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

293. 6840 «Тўланадиган векселлар» счётида қоплаш муддати 12 ойдан ортиқ бўлмаган берилган векселлар ҳисобга олинади.

Суғурталовчида берилган векселларни ҳисобга олиш муомалалари 6840 «Тўланадиган векселлар» счётининг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети томонида акс эттирилади.

Вексел бўйича муомалалар натижасида қарз берувчидан олинган пул маблағларининг суғурталовчи томонидан қайтариши 6840 «Тўланадиган векселлар» счётининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6840 «Тўланадиган векселлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб векселлар ҳисобини амалга оширадиган банклар, вексел ушловчилар ва ҳар бир вексел бўйича алоҳида юритилади.

294. Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6800)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар олинди	5110 — 5530	6810 — 6820
2.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобига ТМЗ харид қилинди	1010 — 1090	6810 — 6820
3.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидидаги қарз тўланди	6010	6810 — 6820
4.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар қайтарилди	6810 — 6820	5110 — 5530
5.	Қисқа муддатли банк кредитлари ва қарзлар ажратилган бўлинмалар ҳисобидан қайтарилди	6810 — 6820	6110
6.	Берилган вексел ва облигациялар эвазига қисқа муддатли қарз олинди	5110 — 5530	6830 — 6840
7.	Берилган вексел ва облигациялар қопланди	6830 — 6840	5110 — 5530

#### 10-§. Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)

295. Турли кредиторлар билан муомалалари бўйича қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6910 «Тўланадиган қисқа муддатли ижара»;

6920 «Ҳисобланган фоизлар»;

6930 «Роялти бўйича қарз»;

6940 «Кафолатлар бўйича қарз»;

6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми»;

6960 «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар»;

6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар»;

6990 «Бошқа мажбуриятлар».

296. 6910 «Тўланидиган қисқа муддатли ижара» счётида суғурталовчининг қисқа муддатли ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги мажбурияти акс эттирилади. Ҳисобланган ижара суммаси 6910 «Тўланидиган қисқа муддатли ижара» счётининг кредит томонида, ижарага берувчига тўланган сумма эса ушбу счётнинг дебет томонида акс эттирилади.

6910 «Тўланидиган қисқа муддатли ижара» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича алоҳида юритилади.

297. 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётида кредиторлар томонидан берилган қарзлар ва кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар акс эттирилади. Тўланиши лозим бўлган фоизлар бўйича ҳисобланган суммалар 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг кредитида, фоизлар бўйича қарзларни тўлаш эса ушбу счётнинг дебетиде акс эттирилади.

Қайта суғурталовчида депонентланган суғурта мукофотига ҳисобланган қайта суғурталовчининг даромадининг ҳисоби, 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётининг дебити 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Ҳисобланган даромадларнинг қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ тўланиши 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг дебити пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади.

6920 «Ҳисобланган фоизлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича алоҳида юритилади.

298. 6930 «Роялти бўйича қарзлар» счётида суғурталовчининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фойдаланиш учун активларнинг олиниши натижасида вужудга келган роялти тўловлари бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари ҳисобга олинади. Роялти бўйича ҳисобланган қарзлар 6930 «Роялти бўйича қарзлар» счётининг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

6930 «Роялти бўйича қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича алоҳида юритилади.

299. 6940 «Кафолатлар бўйича қарзлар» счётида суғурталовчининг сотилган маҳсулотларга кафолатли хизмат кўрсатиш бўйича харидорлар олдидаги мажбуриятлари акс эттирилади. Агар суғурталовчи маҳсулотини сотиш вақтида харидорга кафолат муддатини берса, ушбу мажбурият бутун кафолат муддати давомида мавжуд бўлади. Кафолат суммаси маҳсулот сотиш амалга оширилган даврда харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида акс эттирилади. Суғурталовчи ўз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, келгуси даврларга бериладиган кафолат суммаси қанчага тўғри келиши, яъни товар ёки хизматнинг бир бирлигига тўғри келадиган ўртача хизмат қийматини ҳисоблаб чиқиши ва ушбу суммани 6940 «Кафолатлар бўйича қарзлар» счётининг кредит томонида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттириши мумкин.

6940 «Кафолатлар бўйича қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб кафолат билан сотилган ҳар бир маҳсулот, иш ва хизматларнинг турлари бўйича алоҳида юритилади.

300. 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счётида мазкур ҳисобот даврида тўланиши лозим бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми акс эттирилади. Узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилганда 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти тўланидиган суммага узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади ва узоқ муддатли мажбуриятларнинг бошланғич суммасини камайтиради.

Шунингдек ушбу счётда узоқ муддатли ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ҳам акс эттирилади.

6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли мажбуриятларнинг турлари, қайтарилиш муддатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва унинг ташқарисидаги узоқ муддатли мажбуриятларни ажратган ҳолда, алоҳида юритилади.

301. 6960 «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» счёти харидорлар, буюртмачилар ва бошқа корхоналар томонидан билдирилган даъволар, шунингдек тан олинган (ёки эътироф этилган) жарималар, пенялар ва неустойкалар бўйича суғурталовчининг қарзи тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Даъволар асосан шартнома мажбуриятларини бажармаганликдан келиб чиқиб, 6960 «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг кредитида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади.

6960 «Даъволар бўйича тўланадиган счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор ва даъво бўйича алоҳида юритилади.

302. 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счёти суғурталовчи ишчиларига маъмурий-хўжалик ва операцион харажатлар, шунингдек хизмат сафарлари учун берилган ҳисобдорлик суммалари билан ҳақиқий сарфланган суммалари ўртасидаги фарқ натижасида келиб чиқадиган қарзлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар сарфланган сумма ҳисобдорлик бўйича берилган суммадан ошса, суғурталовчининг ҳисобдор шахс олдида қарзи вужудга келади ва ушбу сумма 6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счётининг кредит томонида кўрсатилади.

6970 «Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ҳисобдор шахслар бўйича алоҳида юритилади.

303. 6990 «Бошқа мажбуриятлар» счёти турли нотижорат муомалалар бўйича жисмоний ва юридик шахслар (ўқув юртлари, илмий корхоналар ва ш.к.) олдидаги суд органларининг ижрония ҳужжатлари ёки қарорлари асосида суғурталовчи ишчиларининг меҳнат ҳақидан турли корхона ва алоҳида шахслар фойдасига ушлаб қолинган суммалар бўйича суғурталовчининг жорий мажбуриятлари акс этирилади.

6890 «Бошқа мажбуриятлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб бошқа мажбуриятларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

304. Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (6900)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Қисқа муддатли ижара бўйича фоиз ҳисобланди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	6910
2.	Қисқа муддатли ижара бўйича қарз тўланди	6910	5010 — 5530
3.	Узоқ муддатли ижара бўйича фоиз ҳисобланди	9610	6920
4.	Кредитлар, қарзлар ва депо мукофотлар бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
5.	Қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар тўланди	6920	5110 — 5530
6.	Роялти ҳисобланди	9690	6930
7.	Ҳисобланган роялти тўланди	6930	5110 — 5530
8.	Кафолатли хизмат бўйича қарз ҳисобланди	9430	6940
9.	Кафолатли хизмат бўйича ҳақиқий харажатлар ҳисобдан чиқарилди	6940	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
10.	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми ўтказилди	7810 — 7920	6950
11.	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми бўйича тўланган сумма	6950	5110 — 5530
12.	Тан олинган даъволар (хатолар, йўлдаги камомад, маҳсулот сифатининг мувофиқ келмаслиги ва ҳоказолар) бўйича қарзлар ҳисобланди	9430	6960
13.	ТМЗлардаги арифметик хатолардан келиб чиққан даъволар бўйича қарзлар (ҳисоб-китоб ҳужжатларидагидан ҳақиқатда кам етказиб берилганда) ҳисобланди	1010 — 1090	6960
14.	Шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлик учун жарималар, пенялар, неустойкалар суммалари бўйича қарзлар (тан олинган ёки арбитраж томонидан эътироф этилган ҳажмда) ҳисобланди	9430	6960
15.	Асосий ишлаб чиқариш, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликларга тааллуқли харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга қарзлар ҳисобланди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420	6970
16.	Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган (транспорт ва бошқа) харажатларни амалга оширганлиги учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди	9410	6970
17.	Табиий офатларнинг олдини олиш ёки бартараф қилиш билан боғлиқ бўлган турли харажатларнинг тўлови учун ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар ҳисобланди	9720	6970
18.	Капитал қўйилмаларда турли корхоналар хизматлар кўрсатди	0810 — 0890	6990
19.	Турли корхона ва шахслардан турли ТМЗ сотиб олинди ва ҳар хил хизматлар қабул қилинди	1510	6990
20.	Турли корхоналар асосий, ёрдамчи, умумишлабчиқариш цехлари ва хизмат кўрсатиш хўжаликларга хизматлари кўрсатишди	2010, 2310, 2510, 2710	6990
21.	Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришда кўрсатган хизматлари учун бошқа корхоналарга бўлган қарз	9210	6990
22.	Бошқа шахслардан пул эквивалентлари келиб тушди	5610	6990
23.	Бошқа шахслардан ўтказмалар келиб тушди	5710	6990
24.	Бошқа шахслардан қимматли қоғозлар сотиб олинди	0610, 5810	6990
25.	Турли корхоналарнинг ижтимоий соҳа объектларини сақлаш бўйича кўрсатган хизматлари ҳисобланди	2710	6990
26.	Сотиб олинган акцияларни сақлаганлиги учун депозитарийга бўлган қарз ҳисобланди	9690	6990

### VII кичик бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар

305. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари суғурталовчининг юридик ва жисмоний шахслар олдидаги узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

306. Суғурталовчининг чет эл валютасидаги мажбуриятлари ушбу бўлимдаги счётларда пул ҳисоб-китоб ҳужжатларидан кўчирма олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда ҳисобга олинади. Ҳисобот ойининг охириги санасига кредиторлик қарзларини Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки курси бўйича қайта баҳолашда аниқланган курс фарқлари (ижобий курс фарқи бўлганда) 9540 «Валюта курс фарқидан даромадлар» ёки (салбий курс фарқи бўлганда) 9620 «Валюта курс фарқидан зарарлар» счётларида ҳисобга олинади.

307. Ушбу кичик бўлимда қуйидаги счётлар бўйича ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:

7000 — Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар;

7100 — Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар;

7200 — Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар;

7300 — Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар;

7800 — Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар;

7900 — Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар.

### 1-§. Узоқ муддатли тўланадиган счётлар (7000)

308. Суғурталовчининг мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар, шунингдек юк ташиш бўйича олинган хизматлар учун вужудга келган узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7020 «Берилган векселлар»;

7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар»;

7080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, тантjemалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар»;

7090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар».

309. 7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредитида ҳақиқатда келиб тушган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматларнинг қиймати ушбу қийматликлар ёки тегишли харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кўрсатилади.

7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчилар ва пудратчилар бўйича алоҳида юритилади.

310. 7011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчи-

ларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити бўйича олдини олиш чора-тадбирлари бўйича пудратчиларнинг бажарган ишлари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобга олинади. Суғурталовчи томонидан олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ишлар қабул қилиб олинганда, олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида бажарилган ишлар суммасига, 8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси» счётининг дебети 7011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Аввал олдини олиш чора-тадбирлари учун берилган бўнак маблағлари ҳисобидан олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича вужудга келган кредиторлик қарздорликни қоплаш, 7011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети ва 4330 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун берилган бўнаклар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка бериш орқали амалга оширилади. Олдини олиш чора-тадбирлари учун қўшимча тўлов суммасига, 7011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

7011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир мол етказиб берувчи ва пудратчи бўйича юритилади.

311. 7020 «Берилган векселлар» счётининг кредитида сотиб олинган ТМЗ ва бошқа активлар, қабул қилинган иш ва хизматлар учун векселлар билан таъминланган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобга олинади ва улар қопланиш давригача ҳисобда туради.

7020 «Берилган векселлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб берилган векселларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида юритилади.

312. Мол етказиб берувчиларга тўланадиган узоқ муддатли мажбуриятлар жорий қисмга ўтказилганда 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар», 6020 «Берилган векселлар» счётлари кредитланиб, 7010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар», 7020 «Берилган векселлар» счётлари дебетланади.

313. 7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётида суғурталовчининг суғурталанувчиларга суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Суғурта товони ҳисобланганда 7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти мувофиқ равишда 9431, 9432, 2210, 2220 счётлар билан кредитланади. Суғурта товонининг тўланиши 7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда проводка билан расмийлаштирилади.

Суғурталовчилар ҳаёт суғуртаси бўйича суғурта захираларининг вақтинча бўш маблағларидан суғурта полиси кафолати остида суғурталанувчиларга ссудалар бериши мумкин. Суғурталанувчи томонидан ссудани ўз вақтида қайтармаган ҳолатда, суғурталанувчининг ссудалар бўйича қарздорлигини суғурта товони суммасидан ушлаб қолиш 7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети 4070 «Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган таваккалчиликлар бўйича олинadиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Ссудалар бўйича ҳисобланган фоизларнинг суғурта товони ҳисобидан ушлаб қолиниши 7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ

муддатли счётлар» счётнинг дебети 4830 «Олинадиган фоизлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга оширган ҳолда расмийлаштирилади.

7030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир суғурталанувчи ва суғурта шартномаси бўйича юритилади.

314. 7040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётида суғурта агентлари ва брокерларига ҳисобланган комиссия мукофотлар суммаси акс эттирилади. Комиссион мукофотларнинг ҳисобланиши 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счёти дебети 7040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Комиссион мукофотларнинг тўланиши 7040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Агар агентлик келишувида қонунчиликда ўрнатилган тартибда, суғурта агентлари ёки брокерларига комиссия мукофотларнинг ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушлаб қолинган комиссия мукофотлар суммасига, 7040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети 4040 «Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

7040 «Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир агент, суғурталанувчи ва суғурта шартномаси бўйича юритилади.

315. 7050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётида қайта суғурта қилиш бўйича олинган шартномалар бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари акс эттирилади. Қайта суғурталанувчига тўланадиган суғурта товонининг ҳисобланиши 2230 «Қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича суғурта товонлари» счётининг дебети 7050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзувни амалга ошириш орқали расмийлаштирилади. Товон улуши тўланганда 7050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланади.

7050 «Қайта суғурта қилиш бўйича олинган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қайта суғурталанувчи ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича юритилади.

316. 7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётида суғурталовчининг қайта суғурта қилишга берилган шартномалари бўйича мажбуриятлари акс эттирилади. Қайта суғурта мукофоти ҳисобланганда ушбу суммага, 9040 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари» счётининг дебети 7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Суғурта мукофотининг қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ тўланиши 7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда проводка билан расмийлаштирилади.

7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қайта суғурталовчи ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича юритилади.

317. 7070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счётида қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича депо мукофотлар акс эттирилади. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга берилаётган таваккалчиликларнинг жами бўйича суғурта мукофотларини маълум давр оралиғида ўтказиш назарда тутилган бўлса, ушбу давр тугагунга қадар қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича ҳисобланган суғурта мукофоти комиссия рағбатлантиришлар чегирилган ҳолатда депонентланган (депо мукофот) ҳисобланади. Депо мукофотларининг ҳисобланиши 7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети бўйича 7070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Қайта суғурта қилиш шартномасида кўрсатилган муддатнинг тугаши билан (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини тўлаш муддати келганда) 7070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счётининг дебети 7060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда тескари проводка берилади.

7070 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қайта суғурталовчи ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича юритилади.

318. 7080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётида қайта суғурталанувчига тўланадиган қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар акс эттирилади. Комиссия рағбатлантиришларнинг ҳисобланиши, 7080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебети билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимларнинг тўланиши 7080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади.

Одатда, қайта суғурта қилиш бўйича комиссия ва брокерлик рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар қайта суғурта қилиш шартномасида акс эттирилади ва қайта суғурталанувчи томонидан суғурта мукофотларини қайта суғурта қилишга ўтказишда ушлаб қолиниши мумкин. Агар қайта суғурта қилиш шартномасида қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар суммаси қонунчиликда белгиланган тартибда ушлаб қолиниши назарда тутилган бўлса, ушбу сумма, 7080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг дебети 4051 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, танъемалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, акс эттирилади.

7080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантириш, танъемалар ва йиғимлар бўйича тўланадиган счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қайта суғурталанувчи, брокер ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича юритилади.

319. 7090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётида актуарийлар (актуар ташкилотлар), аджастерлар (аджастер ташкилотлар), сюрвейерлар (сюрвейерлик ташкилотлари), ассистанслар (ассистанс хизматларини кўрсатиш бўйича ташкилотлар)га тўланадиган

суммалар акс эттирилади. Мажбуриятларнинг ҳисобланиши 2010 «Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебети 7090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Юқоридаги субъектлар хизмат ҳақларининг тўланиши 7090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счётининг дебети билан пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади.

7090 «Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир актуарий, аджастер, сюрвейер ва ассистанс ва суғурта шартномаси бўйича юритилади.

320. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар (7000)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Суғурталовчига ўрнатиладиган асбоб-ускуналар келиб тушди	0710, 0720	7010
2.	Капитал қўйилмалар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари юзасидан берилган счётлар тўловга қабул қилинди	0810 — 0890	7010
3.	Мол етказиб берувчилардан материаллар келиб тушди	1010 — 1090	7010
4.	Мол етказиб берувчилардан ўстиришга ва бўрдоқига боқиладиган ҳайвонлар келиб тушди	2710	7010
5.	Мол етказиб берувчилардан турли ТМЗ келиб тушди (1510 счёти қўлланилганда)	1510	7010
6.	Мол етказиб берувчилардан товар моддий захиралари сотиб олинганда тўланган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	4410	7010
7.	Суғурталовчи томонидан асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун мол етказиб берувчиларнинг бажарган иш ва хизматлари (жумладан: энергия, газ, буғ, сув) қабул қилинди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420 — 9430	7010
8.	Келгуси давр харажатларига тегишли бўлган мол етказиб берувчилардан олинган иш ва хизматлар	3190	7010
9.	Маҳсулотлар, товарлар, иш ва хизматларни сотиш жараёнида мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг кўрсатган иш ва хизматлари	9410	7010
10.	Табийй офатларни тугатишда мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг хизматлари	9720	7010
11.	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг қарзлари узоқ муддатли қисмдан жорий қисмга ҳисобдан чиқарилди	7010	6010
12.	Даъво муддати тугаган кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқарилди	7010	9390
13.	Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича вужудга келган кредиторлик қарздорлик ҳисобига олдини олиш чора-тадбирлари бўйича аввал берилган бўнақларни ҳисобга олиш	7011	4330
14.	Амалга оширилган олдини олиш чора-тадбирлари учун қўшимча тўлов	7011	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
15.	Суғурта товонини ҳисоблаш	2210 — 2220	7030

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
16.	Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ўтган даврларда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонларининг ҳисобланиши	9431 — 9432	7030
17.	Суғурта товонининг тўланиши	7030	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
18.	Ҳаёт суғуртаси бўйича берилган ссудалар бўйича суғурталанувчининг қарздорлигини суғурта товони суммасидан ушлаб қолиш	7030	4070
19.	Суғурта қопламасини тўлашда вақтида тўланмаган навбатдаги суғурта мукофотини ушлаб қолиш	7030	4030
20.	Агентлик келишувига мувофиқ суғурта воситачисига ҳисобланган комиссия мукофотлар суммасининг ушлаб қолиниши	7040	4040
21.	Суғурта агентлари ва брокерларига комиссия мукофотларни ҳисоблаш	2010	7040
22.	Суғурта агентлари ва брокерларига ҳисобланган комиссия мукофотларнинг тўланиши	7040	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
23.	Қайта суғурталанувчига тўланадиган суғурта товонини ҳисоблаш	2230	7050
24.	Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича товон улушини тўлаш	7050	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
25.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича қайта суғурта мукофотини ҳисоблаш	9040	7060
26.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича қайта суғурта мукофотининг тўланиши	7060	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар
27.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича депо мукофотларни ҳисоблаш (ушбу проводка қайта суғурта мукофоти ҳисоблангандан сўнг амалга оширилади)	7060	7070
28.	Қайта суғурта қилиш берилган таваккалчиликлар бўйича суғурта мукофотларини тўлаш муддатининг келиши (қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича депо мукофотларнинг ҳисобдан чиқарилиши)	7070	7060
29.	Қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимларнинг ҳисобланиши	2010	7080
30.	Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича комиссия рағбатлантиришларнинг ушлаб қолиниши	7080	4051
31.	Қайта суғурта қилиш бўйича комиссия рағбатлантиришлар, тантъяемалар ва йиғимларнинг тўланиши	7080	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
32.	Актuariйлар (актуар ташкилотлар), аджастерлар (аджастерлик ташкилотлари), сюрвейерлар (сюрвейерлик ташкилотлари), ассистанслар (ассистанс хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар)га тўлаш учун суммалар ҳисобланди	2010	7090
33.	Актуар, аджастерлик, сюрвейерлик ва ассистанс хизматларининг тўланиши	7090	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар

## 2-§. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар (7100)

321. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7110 «Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз»;

7120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз».

322. 7110 «Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз» счётида суғурталовчининг умумий балансга қўшиладиган филиаллар, ваколатхоналар, бўлимлар ва бошқа ажратилган бўлинмалар олдидаги узоқ муддатли мажбуриятлар (ички хўжалик ёки баланс ичидаги ҳисоб-китоблар) ҳисобга олинади.

Суғурталовчининг турли хилдаги муомалалар бўйича ажратилган бўлинмалар олдидаги узоқ муддатли мажбуриятлари 7110 «Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз» счётининг кредитида товар моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажатлар ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

323. 7120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз» счётида суғурталовчининг шўъба ва қарам хўжалик жамиятлар олдидаги узоқ муддатли мажбуриятлари (баланслараро ҳисоб-китоблар ёки ички идоравий ҳисоб-китоблар) ҳисобга олинади.

7120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар» счётининг кредитида турли хилдаги муомалалар бўйича шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари олдидаги жорий мажбуриятлар товар моддий қийматликлар, пул маблағлари, харажат ва бошқаларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

7110 «Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз», 7120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз» счётлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ажратилган бўлинма, шўъба ва қарам хўжалик жамияти бўйича алоҳида юритилади.

324. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (7100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ажратилган бўлинмалардан, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан товар моддий қийматликлари қабул қилинди	0710 — 0890, 1010 — 1090	7110, 7120
2.	Худди шу ҳолат, 1510 счётни қўллаган ҳолда	1510	7110, 7120



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
3.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинган ТМЗлар қийматидаги фарқ ҳисобга олинди	1610	7110, 7120
4.	Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжалик, умумишлабчиқариш ва бошқарув эҳтиёжлари учун ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари кўрсатган хизматлар ҳисобга олинди	2010, 2310, 2510, 2710, 9420 — 9430	7110, 7120
5.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг келгуси давр харажатлари таркибида ҳисобга олинган хизматлари	3190	7110, 7120
6.	Ажратилган бўлинмалардан кассага нақд пул келиб тушди (йўланмалар учун)	5010	7110
7.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан банкка пул маблағлари келиб тушди	5110 — 5530	7110, 7120
8.	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан пул эквивалентлари келиб тушди	5610	7110, 7120

### 3-§. Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар (7200)

325. Суғурталовчининг узоқ муддатга кечиктирилган мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»;

7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар»;

7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар»;

7290 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар».

326. 7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигацияларнинг дисконти (чегирмаси) бўйича суғурталовчининг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигация сотиб олувчиларда қўлланилади. Облигациялар дисконт билан сотиб олинганда, дисконт суммаси 7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти ва тўланган сумма пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредит томонида узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади. Облигациялар бўйича дисконт (чегирма)лар жорий қисмга ўтказилганда 7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти дебетланади ва 6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» счёти кредитланади.

7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

327. 7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти қопланиш даври давомида даромадга тақсимланадиган облигация-

ларнинг мукофоти (устамаси) бўйича суғурталовчининг узоқ муддатли кечиктирилган даромадларини акс эттиради. Ушбу счёт фақат облигация сотувчиларда қўлланилади. Облигациялар мукофот билан сотилганда 7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти ва 7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда кредитланади. Облигациялар бўйича мукофот (устама)лар жорий қисмга ўтказилганда 7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти дебетланади ва 6220 «Мукофот (устама)лар шаклидаги кечиктирилган даромадлар» счёти кредитланади.

7220 «Мукофот (устама)лар шаклидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигациянинг тури ва қоплаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

328. 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул маблағларини олиш ва товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш муддатлари орасидаги фарқ билан боғлиқ суғурталовчи мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни акс эттириш учун мўлжалланган. 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётининг кредитида келгуси даврга тегишли бўлган даромадлар суммаси пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, дебитида эса тегишли давр келганда 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счётига ўтказилган даромадлар жорий қисмининг суммаси акс эттирилади.

7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир даромад тури бўйича алоҳида юритилади.

329. 7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётида қонунчиликка мувофиқ тегишли ҳукумат идораларининг қарори бўйича бир неча йилга кечиктириб тўлашга рухсат этилган солиқ бўйича бюджет олдидаги узоқ муддатли қарзлар ва мажбурий тўловлар акс эттирилади. 7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётининг кредитида узоқ муддатли кечиктирилган тўловлар суммаси бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (6400), суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни (6500) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

7240 «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кечиктирилган солиқ ва тўловлар тури бўйича ва қопланиш муддати бўйича алоҳида юритилади.

330. 7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётида вақтинчалик фарқлар натижасида юзага келадиган кечиктирилган даромад (фойда) солиғи суммаси акс эттиради.

Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар ҳисоб даромадидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади, тўланадиган даромад (фойда) солиғи эса солиқ солинадиган даромаддан келиб чиқиб ҳисобланади. Ҳисоб даромад ва солиқ солинадиган даромадни аниқлашдаги ёндашувлардаги фарқ молиявий ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Суғурталовчининг ҳисоб сиёсатида мувофиқ ҳисоб маълумотлари бўйича ҳисобланган даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар суғурталовчи томонидан даромадни олиш давомида амалга оширилган деб қаралиб, тегишли даромадлар ва харажатлар юзага келган даврда ҳисобланади ва суғурталовчининг молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бунда ҳисоб даромадидан келиб чиқиб, ҳисобланган даромад (фойда) солиғи ва солиққа тортиладиган даро-

мадан келиб чиқиб ҳисобланган тўланадиган даромад (фойда) солиғи ўртасидаги фарқ, вақтинчалик фарқ сифатида юритилади ва 7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятларнинг тегишли жорий қисми 7250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар» счётининг дебетидан 6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар» счётининг кредитига ўтказилади.

331. 7290 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар» счётида 7210 — 7250 сётларида кўрсатилмаган суғурталовчининг бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлари акс эттирилади.

332. Узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олувчи сётлар (7200)нинг бошқа сётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Сётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Дисконт билан сотилган облигацияларнинг дисконт суммаси	5110 — 5530	7210
2.	Кечиктирилган дисконтнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилди	7210	6210
3.	Облигациялар мукофот билан сотилганда ҳисобланган мукофот суммаси	5110 — 5530	7220
4.	Кечиктирилган мукофотнинг узоқ муддатли қисми жорий қисмга ўтказилди	7220	6220
5.	Келгусида жўнатиладиган ТМЗ, кўрсатиладиган хизматлар, бажариладиган ишлар учун олдиндан пул маблағларини келиб тушиши	5110 — 5530	7230
6.	Узоқ муддатли кечиктирилган даромадларнинг жорий қисми ҳисобдан чиқарилди	7230	6230
7.	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктириш берилди	6410, 6510 — 6530	7240
8.	Бюджетга тўловлар учун солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисобот даврига ҳисобдан чиқарилди.	7240	6240
9.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	9810	7250
10.	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғининг узоқ муддатли қисмини жорий қисмга ўтказиш	7250	6250

#### 4-§. Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи сётлар (7300)

333. Суғурталовчининг буюртмачиларга қисман тайёр ТМЗни етказиб бериши ёки иш бажариши ва хизматлар кўрсатиши учун олган бўнаклари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётида амалга оширилади.

Олинган бўнак суммалари, шунингдек, қисман тайёр маҳсулот (иш, хизмат) учун олинган тўловлар суммаси 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счётининг кредит томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи сётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Харидорлар ва буюртмачилардан олинган

узоқ муддатли бўнақлар суммасининг жорий қисмга ўтказилиши 7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счётининг дебети, 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

7310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб олинган бўнақлар тури бўйича алоҳида юритилади.

334. Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақларни ҳисобга олувчи счётлар (7300)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли бўнақлар олинди	5010 — 5530	7310
2.	Узоқ муддатли бўнақлар суммаси жорий қисмга ўтказилди	7310	6310
3.	Илгари олинган узоқ муддатли бўнақлар қайтарилди	7310	5010 — 5530
4.	Илгари олинган бўнақлар банк кредитлари ва бошқа корхоналарнинг қарзи ҳисобига қайтарилди	7310	6110 — 6190, 7110 — 7190

#### 5-§. Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (7800)

335. Суғурталовчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва чет элдаги банклар ва қарз берувчилардан сўмда ва чет эл валютасида олган узоқ муддатли (12 ойдан узоқ муддатга) кредит ва қарзларининг ҳолатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари»;

7820 «Узоқ муддатли қарзлар»;

7830 «Тўланадиган облигациялар»;

7840 «Тўланадиган векселлар».

336. Олинган узоқ муддатли банк кредитлар суммаси 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетида акс эттирилади.

Узоқ муддатли банк кредитини жорий қисмга ўтказишда, тегишли суммага 7810 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счёти дебетланади ва 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисми» счёти кредитланади бунда узоқ муддатли банк кредитининг бошланғич қиймати камайтирилади.

Узоқ муддатли кредитларнинг аналитик ҳисоби уларга берилган кредитларнинг турлари ва муддатлари, банклар бўйича алоҳида юритилади.

337. 7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счётида суғурталовчининг Ўзбекистон Республикаси ва чет элдаги қарз берувчилар (банкдан ташқари)дан 12 ойдан узоқ муддатга олган қарзлари ҳисобга олинади.

Қарз берувчилардан (банкдан ташқари) келиб тушган маблағлар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебети ва 7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Узоқ муддатли қарзлар жорий қисмга ўтказилганда 7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счёти дебетланади ва тўланадиган сумма узоқ муддатли қарзларнинг бошланғич суммасини ушбу миқдорга камайтириб, 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисм» счётининг кредит томонида кўрсатилади.

7820 «Узоқ муддатли қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарз берувчи ва қарзларни тўлаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

338. 7830 «Тўланадиган облигациялар» счётида тўлов муддати 12 ойдан кўп бўлган облигацияларни сотиш ҳисобига суғурталовчига жалб этилган маблағлар

ҳисобга олинади. Агар маблағларни жалб қилиш облигацияларни номинал қийматидан юқори баҳога сотиш йўли билан амалга оширилса, унда облигацияларни сотиш баҳоси билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ 7220 «Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» счётининг кредитида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли тўланадиган облигациялар жорий қисмга ўтказилганда 7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти дебетланади ва тўланадиган сумма узоқ муддатли тўланадиган облигацияларнинг бошланғич суммасини ушбу миқдорга камайтириб, 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисм» счётининг кредит томонида кўрсатилади.

7830 «Тўланадиган облигациялар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир облигация тури ва тўлаш муддати бўйича алоҳида юритилади.

339. 7840 «Тўланадиган векселлар» счётида қарз берувчиларга 12 ойдан ортиқ муддатда қайтариш учун берилган векселлар ҳисобга олинади.

Берилган векселлар суғурталовчида 7840 «Тўланадиган векселлар» счётининг кредитида ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли тўланадиган векселлар жорий қисмга ўтказилганда 7840 «Тўланадиган векселлар» счёти дебетланади ва тўланадиган сумма узоқ муддатли тўланадиган векселларнинг бошланғич суммасини ушбу миқдорга камайтириб 6950 «Узоқ муддатли мажбуриятлар — жорий қисм» счётининг кредит томонида кўрсатилади.

Тўланадиган векселлар бўйича аналитик ҳисоб векселлар ҳисобини амалга оширадиган банклар, вексел ушловчилар ва ҳар бир вексел бўйича алоҳида юритилади.

340. Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (7800)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар олинди	5110 — 5530	7810 — 7820
2.	Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобига олинган ТМЗ қабул қилинди	1010 — 1090	7810 — 7820
3.	Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлар ҳисобидан бўнақлар берилди	4310 — 4340, 4410, 4510 — 4520	7810 — 7820
4.	Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисобидан мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга бўлган қарз тўланди	6010	7810 — 7820
5.	Берилган вексел ва облигациялар эвазига узоқ муддатли қарз олинди	5110 — 5530	7830 — 7840
6.	Кредитлар, қарзлар, облигациялар ва векселларни жорий қисмини ўтказиш	7810 — 7840	6950

#### 6-§. Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (7900)

341. Суғурталовчининг турли жисмоний ва юридик шахслар олдидаги узоқ муддатли ижара, нотижорат муомалалар (ўқув юртлари, илмий корхоналар ва хоказо); транспорт корхоналарининг кўрсатган хизматлари бўйича, суд идораларининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларга асосан турли корхоналар ва алоҳида шахслар манфаати учун суғурталовчи ишчиларининг иш ҳақидан ушланган суммалар бўйи-

ча узоқ муддатли мажбуриятлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара»;

7920 «Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзлар».

342. 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счётида ижарага олинган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи билан ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Суғурталовчига келиб тушган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи олдидаги қарзлар 0310 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти билан боғланган ҳолда 7910 «Тўланадиган узоқ муддатли ижара» счётининг кредитида ҳисобга олинади.

343. Суғурталовчининг турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзлари 7920 «Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзлар» счётининг кредитида ТМЗ ва харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади.

7920 «Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича алоҳида юритилади.

344. Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар (7900)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли ижарага ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар учун ижарага берувчи олдидаги қарз	0310	7910
2.	Узоқ муддатли ижара бўйича тўловларни жорий қисмга ўтказиш	7910	6950
3.	Турли корхоналар ва шахслардан товар-моддий захиралари сотиб олинди	1010 — 1090	7920
4.	Ўрнатиладиган асбоб ускуналарни сотиб олишда ва капитал қўйилмаларда турли корхоналарнинг кўрсатган хизмати	0710 — 0720, 0810 — 0890	7920
5.	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишида кўрсатган хизматлари учун турли корхоналар олдидаги қарз	9210, 9220	7920
6.	Турли корхона ва шахслардан пул эквивалентлари келиб тушди	5610	7920
7.	Бошқа шахслардан пул ўтказмалари келиб тушди	5710	7920
8.	Бошқа шахслардан қимматли қоғозлар сотиб олинди	0610, 5810	7920
9.	Ижтимоий соҳа объектларини сақлаш учун турли корхоналарнинг кўрсатган хизматлари	9430	7920

### III кичик бўлим. Суғурта захиралари

345. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари суғурта захиралари ва суғурта захираларидаги қайта суғурталовчиларнинг улушлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

346. Ушбу кичик бўлимда қуйидаги счётларда ҳисобни юритиш тартиби ёритилган:

8000 «Суғурта захираларини ҳисобга олувчи счётлар»;

8100 «Суғурта захираларидаги қайта суғурталовчилар улушларини ҳисобга олувчи счётлар».

**1-§. Суғурта захираларини ҳисобга олувчи счётлар (8000)**

347. Шакллантирилган суғурта захиралари тўғрисидаги ахборотларни умумийлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

- 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси»;
- 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси»;
- 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси»;
- 8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси»;
- 8050 «Активларнинг номувофиклиги захираси»;
- 8060 «Фалокатлар захираси»;
- 8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси»;
- 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира».

348. 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счётида ҳисобот санасига ишлаб топилмаган мукофотлар захираси суммаси акс эттирилади. Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счётининг дебети 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

349. 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» счётида ҳисобот санасига содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси суммаси акс эттирилади. Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

350. 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётида хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг суммаси акс эттирилади. Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг шаклланишида, захира суммасига 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Суғурта амалга оширилиши билан суғурта товони суммасига 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётининг дебети 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Шунингдек, ушбу

ёзув суғурталовчининг хабар қилинган зарарларни бартараф қилиш харажатлари суммасига ҳам амалга оширилади. Суғурта шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари тугатилганда, зарарларни бартараф қилиш бўйича харажатлар миқдорига оширилган хабар қилинган зарар суммасига 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётининг дебети 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

351. 8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси» счётида олдини олиш чора-тадбирлари захирасининг суммаси акс эттирилади. Олдини олиш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар 2010 ««Суғурта ишини юритиш харажатлари» счётининг дебети 8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, проводка билан расмийлаштирилади. Суғурталовчи томонидан олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ишлар қабул қилиб олинганда, олдини олиш чора-тадбирларининг амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ба-жарилган ишлар суммасига 8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси» счётининг дебети 6011 «Олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича пудратчиларга тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8040 «Олдини олиш чора-тадбирлари захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

352. 8050 «Активларнинг номувофиқлиги захираси» счётида ҳисобот санасига активларнинг номувофиқлиги захираси суммаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан активларнинг номувофиқлиги захираси миқдори ҳисобланади.

Активларнинг номувофиқлиги захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9290 «Активларнинг номувофиқлиги захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8050 «Активларнинг номувофиқлиги захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, активларнинг номувофиқлиги захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8050 «Активларнинг номувофиқлиги захираси» 9290 Активларнинг номувофиқлиги захираси ўзгаришининг захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8050 «Активларнинг номувофиқлиги захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

353. 8060 «Фалокатлар захираси» счётида ҳисобот санасига фалокатлар захираси суммаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан фалокатлар захираси миқдори ҳисобланади.

Фалокатлар захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8060 «Фалокатлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, фалокатлар захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8060 «Фалокатлар захираси» 9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8060 «Фалокатлар захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

354. 8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» счётида ҳисобот санасига за-



рарлиликнинг тебраниши захираси суммаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан зарарлиликнинг тебраниши захираси миқдори ҳисобланади.

Зарарлиликнинг тебраниши захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, зарарлиликнинг тебраниши захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» 9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

355. 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» счётида ҳисобот санасига ҳаёт суғурта бўйича захира суммаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ҳаёт суғуртаси бўйича захира миқдори ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртаси бўйича захираниннг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ҳаёт суғуртаси бўйича захираниннг камайиш суммасига счётининг дебети 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

356. Суғурта захираларини ҳисобга олувчи счётларнинг (8000) бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг (РНП) ҳисобланиши: РНПнинг ошган суммаси, ёки РНПнинг камайиш суммаси	9230	8010
		8010	9230
2.	Содир бўлган лекин, хабар қилинмаган зарарлар захирасининг (РПНУ) ҳисобланиши: РПНУнинг ошган суммаси, ёки РПНУнинг камайиш суммаси	9250	8020
		8020	9250
3.	Хабар қилинган, бартараф қилинмаган зарарлар захирасининг (РЗУ) шаклланиши	9250	8030
4.	Суғурта товонининг тўланиши билан мажбуриятнинг тугатилиши	8030	9250
5.	Зарарни бартараф қилиш харажатлари	8030	9250
6.	Суғурталовчи мажбуриятларининг тугатилиши: хабар қилинган зарарларни бартараф қилиш бўйича суғурталовчининг харажатлари суммасига оширилган хабар қилинган зарар	8030	9250
7.	Фалокатлар захирасининг (РК) ҳисобланиши: РКнинг ошган суммаси, ёки РКнинг камайиш суммаси	9260	8060
		8060	9260
8.	Зарарлиликнинг тебраниши захирасининг (РКУ) ҳисобланиши: РКУнинг ошган суммаси, ёки РКУнинг камайиш суммаси	9270	8070
		8070	9270

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
9.	Хаёт суғуртаси бўйича захирани (РЖ) ҳисоблаш:		
	РЖнинг ошган суммаси, ёки РЖнинг камайиш суммаси	9280 8090	8090 9280
10.	Олдини олиш чора-тадбирлари захирасига ажратмалар	2010	8040
11.	Суғурталовчи томонидан амалга оширилган олдини олиш бўйича ишларни қабул қилиниши	8040	6011

## 2-§. Суғурта захираларидаги қайта суғурталовчилар улушларини ҳисобга олувчи счётлар (8100)

357. Ишлаб топилмаган мукофотлар, хабар қилинган, лекин бартараф қилинмаган зарарлар, содир бўлган лекин, хабар қилинмаган зарарлар ва ҳаёт суғуртаси бўйича захираларидаги қайта суғурталовчиларнинг улушлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»;

8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»;

8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши»;

8140 «Хаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши».

Суғурта захираларидаги қайта суғурталовчиларнинг улушлари ҳисобот даври охирида суғурта захираларини мувофиқ равишда ҳисоблашда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2006 йил 8 февралда 11-сон билан тасдиқланган Суғурталовчилар томонидан суғурта захираларини шакллантириш ва жойлаштириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомга (2006 йил 6 май, рўйхат рақами 1571 — Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 166-модда) мувофиқ ҳисобланади.

358. 8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётида ушбу суғурта захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси акс этирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши ҳисобланади. Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчининг улуши миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

359. 8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётида ушбу суғурта захираларидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси акс этирилади. Қоидага кўра хабар қилинган

лекин, бартараф этилмаган зарарлар захираси содир бўлган ҳодисалар тўғрисида хабар берилгандан сўнг шакллантирилади. Хабар қилинган лекин, бартараф қилинмаган зарарлар захираси 8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ҳисобга олинади. Қайта суғурталанувчи томонидан суғурта товонининг тўланиши ёки тўланмаслигидан қатъи назар, зарар бартараф қилингандан сўнг, қайта суғурталанувчи ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши суммасига 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир суғурта тури бўйича алоҳида юритилади.

360. 8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётида ушбу суғурта захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши ҳисобланади. Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчининг улуши миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

361. 8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётида ушбу суғурта захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши суммаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши ҳисобланади. Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир алоҳида суғурта тури бўйича юритилади.

362. Суғурта захираларидаги қайта суғурталовчиларнинг улушларини ҳисобга олувчи счётлар (8100)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчининг улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8110	9230
		9230	8110
2.	Хабар қилинган лекин, бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчилар улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8120	9250
		9250	8120
3.	Содир бўлган лекин, бартараф қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчилар улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8130	9240
		9240	8130
4.	Ҳаёт суғуртаси захирасидаги қайта суғурталовчилар улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8140	9280
		9280	8140

#### IV бўлим. Хусусий капитал

##### I кичик бўлим. Капитал, тақсимланмаган фойда ва резервлар

363. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари суғурталовчининг хусусий капитали ҳолати ва ҳаракати, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ, ташкил этилган резервлар ва фондлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хусусий капитал суғурталовчининг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқдир.

Хусусий капитал мулк эгаси томонидан амалга оширилган қўшимча инвестициялар, фаолият натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

364. Ушбу кичик бўлимда қуйидаги счётларда ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:

8300 — Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар;

8400 — Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар;

8500 — Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар;

8600 — Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар;

8700 — Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар;

8800 — Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар;

8900 — Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар.

**1-§. Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300)**

365. Суғурталовчи устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8310 «Оддий акциялар»;

8320 «Имтиёзли акциялар»;

8330 «Пай ва улушлар».

366. Устав капитали — бу таъсис ҳужжатида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) суғурталовчи мулкига қўйган маблағлари (улушлари, акциялар номинал қийматида ва ҳоказолар)нинг пул ифода-сидаги йиғиндисиدير. Устав капиталини шакллантириш жараёни суғурталовчи ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ равишда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тартибга солинади.

Устав капитали рўйхатдан ўтказилган ҳажмда ёки тўланган акцияларнинг номинал қиймати йиғиндиси миқдориди акс эттирилади. Устав капиталининг ҳажми рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларидаги суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Суғурталовчи устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори асосида ва таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Акциядорларга суғурталовчи устав капиталидаги улушининг қайтарилиши устав капитали миқдорини камайтирмайди ва бу муомала айнан акциядорлик жамиятининг сотиб олинган хусусий акциялари каби 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счётларининг дебетиди пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобга олинади.

367. 8310 «Оддий акциялар» счёти оддий акцияларни ўзида мужассамлаштирган акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин унинг устав капитали эмиссия проспектида рўйхатга олинган суммада 8310 «Оддий акциялар» счётининг кредити ва 4610 «Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг дебетиди акс эттирилади. Суғурталовчининг акциядорлик капитали ҳисобда рўйхатдан ўтган, лекин эмиссияси тугалланмаган миқдорда ҳисобга олиниши сабабли эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган) чиқарилган (акциядорлар томонидан обуна амалга оширилган) ва муомаладаги оддий акцияларнинг ҳар қайси эмиссияси бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритиш талаб этилади.

Акциядорлик жамиятлари ўз устав капиталини муомалага қўшимча акциялар чиқариш ёки муомаладаги акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан ошириши мумкин. Акциядорлик жамиятлари устав капитали миқдори акциялар номинал қийматининг пасайиши, суғурталовчилар томонидан акцияларнинг бир қисмини акция эгаларидан сотиб олиниши натижасида камайиши мумкин.

Акциялар ликвидлигини ошириш мақсадида уларни майдалаб юбориш яъни, уларнинг номинал қийматини мутаносиб равишда камайтириб умумий миқдорини кўпайтириш усули қўлланилади. Акцияларни майдалаш натижалари акциядорлар капиталининг ҳажмига таъсир кўрсатмай, фақатгина янги муомаладаги акцияларнинг номинал қиймати ва миқдорини кўпайтириши сабабли ушбу муомалалар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди. Ушбу муомалаларни 8310 «Оддий акциялар» счётига очилган аналитик ҳисоб регистрларида қайд қилиш зарур.

368. 8320 «Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акция кўринишида чиқарил-

ган акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциялар 8310 «Оддий акциялар» ва 8320 «Имтиёзли акциялар» счётларда номинал қийматлари бўйича ҳисобга олинади.

8310 «Оддий акциялар» ва 8320 «Имтиёзли акциялар» счётлар бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчининг таъсисчилари ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича маълумотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

369. 8330 «Пай ва улушлар» счёти суғурталовчининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари асосан қатнашувчиларнинг улушларини ўзида мужассамлаштирган устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Давлат суғурталовчилари давлат томонидан ажратилган асосий ва айланма маблағлардан ташкил қилинган устав капиталини белгиланган тартибда шакллантиради.

Суғурталовчи рўйхатдан ўтгандан кейин унинг устав капитали таъсисчиларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган пай ва улушларидан ташкил топади ва 8330 «Пай ва улушлар» счётининг кредити, ҳамда 4610 «Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг дебет томонида акс эттирилади.

8330 «Пай ва улушлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб суғурталовчининг ҳар бир таъсисчиси бўйича алоҳида юритилади.

370. Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган суммада, (суғурталовчи рўйхатдан ўтказилгандан кейин) устав капитали тасдиқланиши	4610	8310 — 8330
2.	Фойданинг бир қисми устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилди: а) ҳисобланган дивидендлар миқдорида б) устав капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойда миқдорида	8710 6610	6610 8310 — 8330
3.	Устав капитали тўпланган капитал миқдоригача камайтирилиши	8310 — 8330	4610
4.	Суғурталовчи таъсисчиларига улушлари қайтариллиши	8330	6620
5.	Акциядорлардан сотиб олинган ва бекор қилинган хусусий акциялар устав капиталини камайтирилишига ҳисобдан чиқарилди: а) номинал қийматдан юқори баҳода сотиб олиш номинал қийматига номинал қийматдан ошган суммаси б) номинал қийматидан паст нархда сотиб олиш сотиб олиш қийматига номинал қийматидан паст суммасига	8310, 8320, 8410, 9690 8310, 8320 8310, 8320	8610, 8620 8610, 8620 8610, 8620 9590

## 2-§. Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар (8400)

371. Оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларнинг акциялар номинал қийматидан ошган миқдори кўринишидаги қўшилган капитал нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8410 «Эмиссия даромади»;

8420 «Устав капиталини шакллантиришдаги курс фарқи».

372. 8410 «Эмиссия даромади» счёти акцияларни дастлабки сотишда номинал қийматидан юқори баҳода олинган маблағлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ушбу маблағлар келиб тушганда 8410 «Эмиссия даромади» счёти кредитланиб, хусусий акцияларни бекор қилишда сотиб олиш қиймати ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ қопланганда эса ушбу счёт дебетланади.

8410 «Эмиссия даромади» счёти бўйича аналитик ҳисоб оддий ва имтиёзли акциялардан олинган даромадлар бўйича алоҳида юритилади.

373. 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи» счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган курс фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Устав капиталини шакллантириш учун берилган валюта ва валюта қийматликлари, устав капиталига улушларни киритиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликларини ва бошқа мулкларни баҳолаш рўйхатдан ўтказиш санасидаги таъсис ҳужжатларида белгиланган баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Бунда вужудга келган курс фарқлари 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи» счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий курс фарқлари 8420 «Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи» счётининг кредитида, салбий курс фарқлари эса мазкур счётнинг дебетиде акс эттирилади. Курс фарқларини бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган, устав капиталидаги таъсисчиларнинг улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

8420 «Устав капиталини шакллантиришда курс фарқи» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир таъсисчи бўйича алоҳида юритилади.

374. Қўшилган капитални ҳисобга олувчи счётлар (8400)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Бирламчи эмиссия акцияларнинг номинал ва эмиссия қийматлари ўртасидаги фарқ сифатида қўшимча тўланган капитал маблағлари келиб тушиши	5010 — 5530	8410
2.	Қўшилган капитал маблағлари хусусий акцияларни бекор қилишда сотиб олиш ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқни қоплашга ишлатилиши	8410	8610, 8620
3.	Устав капиталини шаклланиш жараёнида вужудга келган ижобий курс фарқи ҳисобга олиниши	Мол-мулкни ҳисобга олувчи счётлар	8420

### 3-§. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8500)

375. Суғурталовчи таъсис ҳужжатларига асосан фойда ҳисобидан шакллантирилдиган резерв капитали, мулкни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервлари, пул маблағларидан ташқари текинга олинган мулклар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

8520 «Резерв капитали»;

8530 «Текинга олинган мулк».

376. 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида мулкларни қайта баҳолаш натижасида вужудга келган ўзгаришлар ҳисобга олинади. Мулкларни қайта баҳолаш натижасида резерв капиталининг шаклланиши ва тўлдирилиши 8510 «Мулк-

ни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида қайта баҳолаш натижасида қиймати ошган мулкларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Агар қайта баҳолаш натижасида мулкларнинг қиймати камайса, камайган сумма ўша мулкнинг навбатдаги қиймати ошиши ҳисобига тўлдирилади ва у 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебитида акс эттирилади. Шу мулкнинг аввалги қайта баҳолашдаги қийматидан ошган арзонлаштирилган сумма харажат сифатида тан олинади ва 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

377. Мулкни қайта баҳолаш бўйича жамланган сумманинг таъсисчилар ўртасида тақсимланиши 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебитида 6620 «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

378. 8520 «Резерв капитали» счёти суғурталовчи томонидан таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Резерв капитали маблағлари суғурталовчи зарарларини қоплаш ва бошқа қоплаш манбалари бўлмаган бошқа мақсадларга сарфланиши мумкин.

Резерв капиталининг шаклланиши 8520 «Резерв капитали» счётининг кредитида 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

379. 8530 «Текинга олинган мулклар» счёти суғурталовчи томонидан текинга олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Текинга олинган мулклар 8530 «Текинга олинган мулклар» счётининг кредитида суғурталовчи мулкларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади. Текинга олинган мулклар қиймати солиққа тортиш мақсадида умумий суғурталовчи даромадига қўшилади. Текинга олинган мулкларни солиққа тортиш тартиби Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги билан тартибга солинади.

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб резерв капиталининг шаклланиш манбалари ва турлари бўйича юритилади.

380. Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар (8500)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Резерв капитали ҳажмининг мулк қийматини қайта баҳолаш натижасида кўпайиши: а) асосий воситалар; б) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар; в) ўрнатиладиган асбоб-ускуналар; г) тугалланмаган қурилиш; д) узоқ муддатли инвестициялар	0110 — 0199 0310 0710 — 0720 0810 0610 — 0690	8510
2.	Мулкнинг қийматини ўтган қайта баҳолаш қийматининг оширилган миқдоригача камайирилиши натижасида резерв капиталининг камайиши: а) асосий воситалар; б) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар; в) ўрнатиладиган асбоб-ускуналар; г) тугалланмаган қурилиш;	8510	0110 — 0199 0310 0710 — 0720 0810



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
	д) узоқ муддатли инвестициялар ўтган қайта баҳолаш қийматидан ошган суммага: а) асосий воситалар; б) узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар; в) ўрнатиладиган асбоб-ускуналар; г) тугалланмаган қурилиш; д) узоқ муддатли инвестициялар	9430	0610 — 0690 0110 — 0199 0310 0710 — 0720 0810 0610-0690
3.	Асосий воситалар эскиришини қайта баҳолаш: а) қиймати оширилганда; б) қиймати камайтирилганда.	8510 0211 — 0290	0211 — 0299 8510
4.	Таъсис ҳужжатларига мувофиқ ва жорий йилнинг тақсимланмаган фойда суммаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда резерв капиталига йўналтирилди	8710	8520
5.	Суғурталовчини тугатиш натижасида резерв капитални ҳисобидан таъсисчиларга даромад (дивиденд)лар ҳисобланди	8530	6610, 6620
6.	Резерв капитални суммаси жорий ҳисобот йилида фойда олинмаганлиги ёки фойда суммаси етарли бўлмаганлиги сабабли имтиёзли акцияларга даромад (дивиденд)лар ҳисоблаш учун йўналтирилди	8520	6610
7.	Текинга олинган қимматли қоғозлар ҳисобга олинди	0610, 5810	8530
8.	Текинга олинган асосий воситалар ҳисобга олинди	0110 — 0190	8530
9.	Текинга олинган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар ҳисобга олинди	0710 — 0720	8530

#### 4-§. Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар (8600)

381. Кейинчалик қайта сотиш ёки бекор қилиш мақсадида сотиб олинган хусусий акцияларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий»;

8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли».

382. Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар 8300 «Устав капитални ҳисобга олувчи счётлар»га нисбатан контр-пассив счёт ҳисобланиб, акциядорлик жамиятларининг устав капитални миқдорини камайтиради ва балансда устав капитални суммасидан чегириладиган сумма сифатида кўрсатилади.

Эмитент томонидан сотиб олинган хусусий акцияларнинг қиймати 8610 «Сотиб олинган хусусий акциялар — оддий» ва 8620 «Сотиб олинган хусусий акциялар — имтиёзли» счётларининг дебетида ҳақиқий сотиб олиш баҳосида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Сотиб олинган хусусий акцияларни сотиб олиш баҳосидан юқори баҳода қайтадан сотганда ўртадаги фарқ суммаси 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётига кредитланади. Агарда сотиб олинган хусусий акция сотиб олиш баҳосидан паст баҳода қайта сотилса ўртадаги фарқ суммаси 9690 «Молиявий фаолият бўйича харажатлар» счётининг дебет томонида кўрсатилади.

Номинал қийматидан паст баҳода сотиб олинган хусусий акцияларни бекор

қилишда ушбу қийматлар ўртасидаги фарқ 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётининг кредитида акс эттирилади.

Агар бекор қилинган сотиб олинган хусусий акцияларнинг қиймати уларнинг номинал қийматдан юқори бўлса, унда фарқ 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

383. Бошқа корхоналар (масъулияти чекланган жамиятлар, шерикчилик ва бошқалар) сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётлар (8600)ни суғурталовчи томонидан ўрнатилган тартибда бошқа қатнашувчиларга ёки учинчи шахсга бериш учун сотиб олинган устав капиталидаги улушни ҳисобга олиш учун фойдаланади.

384. Сотиб олинган хусусий акцияларни ҳисобга олувчи счётларнинг (8600) бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Акциядорлардан уларга тегишли акциялар (қатнашчи улуши) сотиб олиш қийматида сотиб олинди	8610, 8620	5110 — 5530, 6620
2.	Сотиб олинган хусусий акциялар (пайлар)ни сотиб олиш баҳосидан юқори баҳода қайта сотиш: сотиб олиш қийматига сотиб олиш қийматидан юқори фарқига	5010 — 5530 5010 — 5530	8610, 8620 9590
3.	Сотиб олинган хусусий акциялар (пайлар)ни сотиб олиш баҳосидан паст баҳода қайта сотиш: сотиб олиш қийматига сотиб олиш қийматидан паст фарқига	5010 — 5530 9690	8610, 8620 8610, 8620
4.	Номинал қийматидан паст баҳода сотиб олинган хусусий акциялар (пайлар)ни бекор қилиш: сотиб олиш қийматига номинал қийматидан паст фарқига	8310, 8320 8310, 8320	8610, 8620 9590
5.	Номинал қийматидан юқори баҳода сотиб олинган акциялар (пайлар)ни бекор қилиш: номинал қийматига номинал қийматидан юқори фарқига	8310, 8320 8410, 9690	8610, 8620 8610, 8620

#### 5-§. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётлар (8700)

385. Суғурталовчининг барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммасининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)»;

8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)».

386. 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётида суғурталовчининг ҳисобот даврида фаолияти бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади.

Соф фойда суммаси ҳисобот даврининг охирида якуний ёзув билан 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг кредитига, зарар суммаси эса ушбу счётнинг дебетига 9910 «Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар» счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

Тақсимланмаган фойда суммаси дивидендлар тўлаш учун йўналтирилганда 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётининг дебетида ва 6610 «Тўланадиган дивидендлар» счётининг кредитида акс эттирилади.

Тақсимланмаган фойда суммасидан қонунчиликда белгиланган тартибда резерв капитални шакллантириш учун фойдаланиш мумкин, бунда 8710 «Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счёти дебетланади ва 8520 «Резерв капитални» счёти кредитланади.

Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан кейин қолган сумма 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счётидан 8720 «Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)лар» счётига ўтказилади.

387. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олувчи счётларнинг (8700) бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ҳисобот даврида аниқланган якуний молиявий натижа тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) счётига ўтказилди: фойда суммаси зарар суммаси	9910	8710
		8710	9910
2.	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси дивиденд тўлашга йўналтирилди	8710	6610
3.	Тақсимланмаган фойда резерв капитални шакллантиришга йўналтирилди	8710	8520
4.	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси қолдиғи жамғарилган фойдага ўтказилиши, агарда: фойда бўлса; зарар бўлса;	8710	8720
		8720	8710

+

#### 6-§. Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800)

-

388. Мақсадли молиялаштириш маблағларининг ҳолати ва ҳаракати, шунингдек аъзолик бадаллари ва мақсадли йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун мўлжалланган бошқа қайтарилмайдиган маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

8810 «Грантлар»;

8820 «Субсидиялар»;

8830 «Аъзолик бадаллари»;

8840 «Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари»;

8890 «Бошқа мақсадли тушумлар».

389. Ушбу мақсадли тушумларни суғурталовчининг хусусий капитални сифатида акс эттириш шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) маблағларнинг мақсадли йўналиш бўйича ишлатилиши;

б) маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларнинг йўқлиги;

в) белгиланган шартлар бажарилганда қайтариб берилмаслиги.

390. Грант деганда ижтимоий хусусиятга эга мақсадлар, иқтисодиётни ривожлантириш, илмий-техник ва инновацион дастурларни бажариш учун Ҳукумат, нодавлат, хорижий, ҳамда халқаро ташкилотлар ва жамғармалар томонидан кўрсатилмайдиган текин, гуманитар ёки моддий-техник маблағлар тушунилади. Грант маблағлари қатъий равишда белгиланган мақсадларга ишлатилади.

391. Ажратилган грант тўғрисида хабарнома олинганда ушбу грант суммаси 8810 «Грантлар» счётининг кредитида 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Грант суммасидан молиялаштириладиган ва бюджетда кўзда тутилган пул маб-

лағлари ёки мулкнинг қабул қилиниши пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5110 — 5530), капитал қўйилма (0800), ўрнатиладиган ускуналар (0700), ТМЗ ва бошқа активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида 4890 «Бошқа дебиторлар қарзлари» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Чет эл валютасида олинган грант суммаси хўжалик муомалалари амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валютага ўтказилади.

392. 8820 «Субсидиялар» счёти ажратилган субсидиялар, яъни иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида белгиланган шартлар учун суғурталовчиларга давлат томонидан пул ёки натура кўринишида кўрсатилган ёрдам суммаси ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Давлат (ҳукумат) томонидан берилган ёрдам турли кўринишда (қўшимча бериш, субвенция ва бошқалар) бўлиши ва ҳар хил шартларга мувофиқ берилиши мумкин.

Давлат субсидияларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 октябрда 52-сон билан тасдиқланган (10-сонли БҲМС) «Давлат субсидияларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини очиш» Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (1998 йил 3 декабрь, рўйхат рақами 562 — Меъёрий ҳужжатлар маълумотномаси, 1999 йил, 6-сон) мувофиқ амалга оширилади.

393. 8830 «Аъзолик бадаллари» счётида жамият аъзоларининг таъсис ҳужжатларида белгиланган аъзолик бадаллари акс эттирилади.

Аъзолик бадалларининг келиб тушиши 8830 «Аъзолик бадаллари» счётининг кредит томонида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

394. 8840 «Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари» счётида мақсадли вазифаларни бажариш учун солиқ тўлашдан озод қилинган суммалар акс эттирилади.

Солиқ тўлашдан озод қилинган суммалар бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томонида 8840 «Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари» счёти билан боғланган ҳисобга олинади.

Солиқ тўлашдан озод қилиш натижасида вужудга келган суммалар имтиёзли давр белгиланган ҳолатда ушбу давр тугагунгача, қолган ҳолатларда ҳар йили 8840 «Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёзлари» счётининг дебитида 8530 «Текинга олинган мулклар» счётининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

395. 8890 «Бошқа мақсадли тушумлар» счётининг кредитида бошқа мақсадларга мўлжалланган тушумлар пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800) бўйича аналитик ҳисоб мақсадли маблағларнинг йўналиши ва молиялаштириш манбалари бўйича алоҳида юритилади.

396. Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар (8800)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Ажратилган грант ва субсидиялар ҳақида хабарнома олинди	4890	8810, 8820
2.	Грант ва субсидиялар бўйича маблағлар олинди	5110 — 5530	4890
3.	Тегишли тузилмаларнинг қарорига мувофиқ берилган грант ва субсидия суммаси суғурталовчи устав капитали ҳажмини қўпайтиришга йўналтирилди	8810, 8820	8310, 8320, 8330, 8420

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
4.	Тегишли тузилмаларнинг қарорига мувофиқ илгари берилган грант ва субсидия суммаси суғурталовчи резерв капитали ҳажмини кўпайишига йўналтирилди	8810, 8820	8530
5.	Аъзолик бадаллари ва бошқа мақсадли тушумлар келиб тушди	5010 — 5530	8830
6.	Солиққа тортишдан озод қилиш натижасида вужудга келган бўш пул маблағлари ҳисобга олинди	6410	8840
7.	Солиққа тортишдан озод қилиш бўйича имтиёзли даврнинг тугаши натижасида вужудга келган бўш пул маблағлари ҳисобдан чиқарилди	8840	8530
8.	Бошқа мақсадли тушумлар келиб тушди	5010 — 5530	8890

### 7-§. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар (8900)

397. Харажатлар ва тўловларни харажатларга бир маромда олиб бориш мақсадида ўрнатилган тартибда резерв қилинган суммаларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётида амалга оширилади.

Харажатларга қўшиладиган суммаларни резервлаш қонун ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низоми билан тартибга солинади (ЎЗР. ХҚТ., 1999 й., 2-сон, 9-модда).

Резервларни ҳисоблаш муомалалари 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётининг кредитида ва харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида акс эттирилади.

Резерв қилинган суммалар ҳисобидан амалга оширилган ҳақиқий харажатлар ва тўловлар суммаси захиралар миқдорини камайтириб 8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счётининг дебитида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади.

У ёки бу резервнинг ташкил қилиниши ва маблағларнинг фойдаланиши вақти-вақти билан (йилнинг охирида албатта) меъёр, ҳисоблар ва бошқаларга асосан текширилиб турилади, зарурият туғилганда тўғриланади (корректур).

8910 «Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир резерв турлари бўйича алоҳида юритилади.

398. Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини ҳисобга олувчи счётлар (8900)нинг бошқа счётлар билан боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резервлари ташкил қилинди	Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар	8910
2.	Суғурталовчининг ишлаб чиқариш цехлари ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар томонидан асосий воситаларни таъмирлаш учун ва бошқа бажарилган ишлар, хизматлар қиймати ҳисобга олинди	8910	2010, 2310, 2510, 2710

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
3.	Ҳисобланган келгуси харажатлар захираларининг фойдаланилмай қолган суммаси суғурталовчи даромадига қўшилди	8910	9390

## V бўлим. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши

### I кичик бўлим. Даромадлар ва харажатлар

399. Ушбу кичик бўлимнинг счётлари ҳисобот давридаги суғурталовчи фаолияти молиявий натижаларининг шаклланиши ва ишлатилиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низом (ЎЗР. ХҚТ., 1999 й., 2-сон, 9-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари билан тартибга солинади.

400. Ушбу кичик бўлимда қуйидаги счётларнинг ҳисоб тартиби ёритилади:

9000 — Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар;

9100 — Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар;

9200 — Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счётлар;

9300 — Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар;

9400 — Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар;

9500 — Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар;

9600 — Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар;

9700 — Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар;

9800 — Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар;

9900 — Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар.

Молиявий натижаларни шакллантириш учун алоҳида даромадларни ҳисобга олувчи счётлар ва алоҳида харажатларни ҳисобга олувчи счётлар ишлатилади. Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдаги қўшилган қиймат солиғи, акциз ва бошқа тўловлар олинган счётлар ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг дебетда ва бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётларнинг (6400) кредитда акс эттирилади.

#### 1-§. Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000)

401. Хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар»;

9040 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари»;

9050 «Харидорлар ва буютмачиларга берилган чегирмалар»;

9060 «Суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан даромадлар»;

9070 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар»;

9080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича даромадлар»;

9090 «Сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар».

402. 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитида суғурталовчининг асосий фаолиятдан даромадлар олинадиган счётлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади, бироқ, олдинги ҳисобот даврларида олинган, аммо жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммалари 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Хизматларни сотишда 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётида сотишдан тушган соф тушум суммаси акс эттирилади.

Шунингдек 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётида қуйидагилар акс эттирилади:

суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари;

қайта суғурта қилишга қабул қилинган таваккалчиликлар бўйича олинган суғурта мукофотлари;

қайта суғурта қилиш бўйича олинган комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар;

суғурта захиралари ўзгариши натижасини ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томонидаги қолдиғи;

ва суғурта хизматларини кўрсатиш бўйича бошқа даромадлар.

Шунингдек, ушбу счётнинг қолдиғи қуйидаги суммаларга камайтиради:

қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари;

суғурта захиралари ўзгариши натижасини ҳисобга олувчи счётларнинг кредит томонидаги қолдиғи.

Ҳисобот даврининг охирида 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счёти 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади.

403. 9040 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари» счётида қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича қайта суғурталовчига берилаётган суғурта мукофотлари акс эттирилади. Ушбу счёт 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётига контрпассив счёт ҳисобланади ва унинг дебет томони обороти суғурта хизматларини кўрсатишдан олинган даромадларни камайтиради. Ушбу счётда дебети бўйича 6060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган счётлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича қайта суғурталовчига бериладиган ҳисобланган суғурта мукофотлари акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида тўланган суғурта мукофотларининг суммалари 9040 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланган суғурта мукофотлари» счётнинг кредити бўйича 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетига ўтказилади.

404. 9050 «Харидорлар ва буютмачиларга берилган чегирмалар» счёти шартнома шартларига мувофиқ берилган сотув чегирмалари натижасида берилган нарх

чегирмаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу счёти асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000) гуруҳига контр-пассив счёти ҳисобланади ва унинг дебет айланмаси товарларни сотишдан, ва хизмат кўрсатишдан даромадларни камайтиради. 9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётининг дебетиди сотув ва нархлардан берилган чегирмаларнинг суммаси тегишли олинадиган счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

405. 9060 «Суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётида суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар акс эттирилади. Бошқа шахсларнинг қарздорлиги вужудга келганда 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счётининг дебети бўйича 9060 «Суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда ёзув амалга оширилади. Ҳисобот даврининг охирида 9060 «Суғурта воситачиси хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига ўтказилади.

406. 9070 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар» счётида қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар акс эттирилади. Қайта суғурталовчидан олинадиган ҳисобланган суғурта товони суммасига 4060 «Қайта суғурта қилишга берилган таваккалчиликлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети бўйича 9070 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Ҳисобот даврининг охирида 9070 «Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар» счётининг кредит томонидаги қолдиғи дебети бўйича 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига ўтказилади.

407. 9080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича даромадлар» счётида қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича олинган комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар акс эттирилади. Ҳисобланган комиссия рағбатлантиришлар суммасига 4051 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича олинадиган счётлар» счётининг дебети бўйича 9080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Ҳисобот даври охирида 9080 «Қайта суғурта қилишга оид комиссия рағбатлантиришлар, тантjemалар ва йиғимлар бўйича даромадлар» счётининг кредит томонидаги қолдиғи дебети бўйича 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига ўтказилади.

408. 9090 «Сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётида сюрвейерлик ва аджастерлик хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар акс эттирилади. Бошқа шахсларнинг қарздорлиги шаклланганда 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счётининг дебети бўйича 9090 «Сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Ҳисобот даври охирида 9090 «Сюрвейер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредит томонидаги қолдиғи дебети бўйича 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг кредитига ўтказилади.

409. Асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олувчи счётлар (9000) бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир сотилган товар, кўрсатиладиган суғурта ва



бошқа хизмат турлари бўйича алоҳида юритилади. Бундан ташқари, аналитик ҳисобни географик сегментлар (ҳудудлар) ва суғурталовчи томонидан бошқариш учун керакли бўлган бошқа сегментлар бўйича юритиш мумкин.

410. Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9000)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар (ҚҚС, акцизлардан ташқари) учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги суммага	4010, 4020	9030
2.	Хизматларни нақд пулга сотиш	5010, 5020	9030
3.	Суғурталовчи ходимига хизматлар (жумладан, махсус кийимлар) сотилди	4790	9030
4.	Дивидендлар хизматлар билан тўланди	6610	9030
5.	Воситачилик операциялари бўйича комиссиян мукофотлар суммаси	4010	9030
6.	Хизматлар шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига сотилди	4120	9030
7.	Кечиктирилган даромадлар суммаси улар тааллуқли бўлган ҳисобот даври келганда сотиш ҳажмига киритилди	6230	9030
8.	Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган таваккалчиликлар бўйича тўланадиган суғурта мукофотларининг ҳисобланиши	9040	6060
9.	Қайта суғурта қилиш бўйича тўланган суғурта мукофотларининг ҳисобдан чиқарилиши	9030	9040
10.	Сотишдан ва нархдан чегирмалар бериш	9050	4010
11.	Ҳисобот даврининг охирида 9050 «Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар» счётини ёпилиши	9030	9050
12.	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9030	9910
13.	Қайта суғурта қилиш бўйича олинган комиссиян рағбатлантиришларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9080	9030
14.	Қайта суғурталовчидан олинган суғурта товонининг ҳисобланиши	4060	9070
15.	Қайта суғурталовчидан олинган товонларнинг якуний молиявий натижага ўтказилиши	9070	9910
16.	Қайта суғурта қилиш бўйича комиссиян рағбатлантиришлар, тангъемалар ва йиғимларнинг ҳисобланиши	4051	9080
17.	Қайта суғурта қилиш бўйича комиссиян рағбатлантиришлар, тангъемалар ва йиғимларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9080	9030

## 2-§. Сотилган товарлар ва хизматлар таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100)

411. Товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

9130 «Кўрсатилган хизматларнинг таннархи»;

9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш»;

9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар».

412. Хизмат кўрсатишда хизматларнинг таннархи 9130 «Кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётининг кредити бўйича суғурта бўйича хизматларни шакл-

лантирувчи харажатларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда, акс эттирилади.

413. 9130 «Кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счётига, шунингдек, 2010 «Сугурта ишини юритиш харажатлари» счётининг суммалари ҳам ўтказилади.

414. Ҳисобот даврининг охирида 9130 «Кўрсатилган хизматларнинг таннархи» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади.

415. Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100)дан амалда фойдаланиш суғурталовчида қўлланиладиган товар-моддий захираларнинг ҳисоб усулига, яъни товар-моддий захираларнинг узлуксиз ёки даврий ҳисобига боғлиқ.

416. Товар-моддий захираларни узлуксиз ҳисобга олиш усули қўлланилганда ҳар бир маҳсулот ёки товарнинг таннархи унинг ишлаб чиқариш жараёнидаги харажатига қараб харажатларни ҳисобга олувчи счётларда тўпланади.

417. Товар-моддий захираларни даврий ҳисобга олиш усулидан фойдаланилганда ҳар бир маҳсулот (товар)нинг таннархи ҳисобот даври давомида вақтинчалик 9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш/харид қилиш» счётида йиғилади, бироқ сотилган маҳсулотлар, товарларнинг ҳақиқий таннархини фақат ТМЗ инвентаризация қилингандан сўнг аниқлаш мумкин. 9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар» счёти — ҳисобот даврининг охирида инвентаризация натижасида ТМЗни мавжудлигини акс эттириш учун фойдаланиладиган вақтинчалик счёт. Кўрсатилган счётнинг дебети бўйича ТМЗнинг камайиши, кредити бўйича ТМЗнинг ўсиши ТМЗни ҳисобга олувчи счётлар (1000) билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар» счётининг қолдиғи 9910 «Якуний молиявий натижа» счётига ўтказилиши орқали ёпилади.

418. Сотилган товар ва хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи хўжалик цехларининг бажарган ишлари ва кўрсатган хизматларининг таннархи	9130	2010, 2310, 2710
2.	Товар-моддий захираларни сотиб олиш (ТМЗни даврий ҳисобга олиш усулида)	9140	6010
3.	Ҳисобот даврининг охирида инвентаризация натижалари бўйича ТМЗ счётлари бўйича қолдиқларга тузатишлар қилинди: асосий моддий захиралар: захираларнинг ўсиши захираларнинг камайиши	1010 — 1090 9150	9150 1010 — 1090
4.	Ҳисобот даврининг охирида 9140 «Даврий ҳисобда ТМЗ сотиб олиш / харид қилиш» счётининг ёпилиши	9910	9140
5.	Ҳисобот даври охирида 9150 «Даврий ҳисобда ТМЗ бўйича тузатишлар» счётининг ёпилиши	9910 (9150)	9150 (9910)
6.	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар (9100)нинг ёпилиши	9910	9130

**3-§. Асосий воситалар, бошқа активларнинг чиқиб кетишини ва суғурта захиралари ўзгаришининг натижасини ҳисобга олувчи счётлар (9200)**

419. Суғурталовчига тегишли асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетиши (тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав капиталига бериш, узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бериш, аниқланган камомад ёки йўқотиш) ва суғурта захиралари ўзгариши натижаси тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши»;

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши»;

9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси»;

9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси»;

9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси»;

9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси»;

9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси»;

9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси»;

9290 «Активларнинг номувофиқлиги захираси ўзгаришининг натижаси».

420. 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг дебети бўйича чиқиб кетган асосий восита объектларининг бошланғич қиймати, шунингдек асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади.

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитига асосий воситалар объектларини сотишдан олинган тушумлар ва ҳисобдан чиқариш натижасида сотиш ва фойдаланиш мумкин бўлган баҳода келиб тушган материалларнинг қиймати, шунингдек чиқиб кетган асосий воситалар объектлари бўйича чиқиб кетиш вақтида ҳисобланган эскириш суммалари олиб борилади.

Асосий воситаларни сотишдан тушумлар 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитида олинадиган счётлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Жорий ҳисобот даврида 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти бўйича дебет қолдиқ (зарар) 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига, ушбу счёт бўйича кредит қолдиқ (фойда) эса 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётига ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситалар объектларини узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бериш натижасида 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётида юзага келадиган ва кечиктирилган даромадларга тегишли бўлган фойда суммаси 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар» (жорий қисми) ёки 7230 «Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» (узоқ муддатли қисми) счётига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар объектларининг камомади ёки бузилиш ҳолларида қийматликлар камомади сифатида акс эттириладиган қолдиқ қиймати 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредити бўйича 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Аниқ айбдор аниқлангандан кейин камомад ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар суммаси 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счётининг дебетига, аниқ айбдорлар аниқланмаган ҳолда эса 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти билан боғланган ҳолда олиб борилади.

9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти бўйича аналитик ҳисоб чиқиб кетаётган асосий воситаларнинг инвентар объектлари бўйича алоҳида юри-тилади.

421. 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг дебетида чиқиб кетаётган қийматликларнинг баланс қиймати, шунингдек, шу билан боғлиқ амалга оширилган харажатлар (комиссион мукофотлар ва ҳоказолар) акс эттирилади.

9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитига активларни сотишдан тушум, яъни сотилган мулк учун суғурталовчига тегишли бўлган сумма олиб борилади. Номоддий активлар объектларининг сотилиши ва турли чиқиб кетишида 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счётининг кредитига шунингдек, ушбу объектлар бўйича чиқиб кетиш вақтигача ҳисобланган эскириш суммаси, номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олувчи тегишли счётлар (0500) билан боғланган ҳолда, ҳисобдан чиқарилади.

Ушбу счёт бўйича дебет қолдиқ (зарар) 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётига, кредит қолдиқ (фойда) эса 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётига ҳисобдан чиқарилади.

422. 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётида ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг ўзгариши ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида ҳисобот даври бўйича ушбу счёт 8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши», 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счётлари билан боғланади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ва ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши ҳисобланади.

Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 8010 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси» счётининг дебети 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчининг улуши миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8110 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетида ўтказилади. 9230 «Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

423. 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётида ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг ўзгариши

ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида ҳисобот даври бўйича ушбу счёти 8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши», 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» счёти билан боғланади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ва ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши ҳисобланади.

Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 8020 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси» счётининг дебети 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчининг улуши миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8130 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиги 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетига ўтказилади. 9240 «Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиги 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

424. 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётида хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси ҳисобга олинади. Ушбу счёти 8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши», 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счёти билан боғланади. Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасининг шаклланишида, захира суммасига 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Суғурта амалга оширилиши билан суғурта товони суммасига 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётининг дебети 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Шунингдек, ушбу ёзув суғурталовчининг хабар қилинган зарарларни бартараф қилиш харажатлари суммасига ҳам амалга оширилади. Суғурта шартномаси ёки қонунчиликка мувофиқ суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари тугатилганда,

зарарларни бартараф қилиш бўйича харажатлар миқдорига оширилган хабар қилинган зарар суммасига 8030 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси» счётининг дебети 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Хабар қилинган лекин, бартараф қилинмаган зарарлар захираси 8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ҳисобга олинади. Қайта суғурталанувчи томонидан суғурта товонининг тўланиши ёки тўланмаслигидан қатъи назар, зарар бартараф қилингандан сўнг, қайта суғурталанувчи ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши суммасига 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8120 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетига ўтказилади. 9250 «Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

425. 9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётида фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига фалокатлар захираси миқдори ҳисобланади.

Фалокатлар захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8060 «Фалокатлар захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, фалокатлар захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8060 «Фалокатлар захираси» 9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетига ўтказилади. 9260 «Фалокатлар захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

426. 9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётида зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси акс эттирилади. Ҳисобот санасига зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси миқдори ҳисобланади.

Зарарлиликнинг тебраниши захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, зарарлиликнинг тебраниши захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8070 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси» 9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетиға ўтказилади. 9270 «Зарарлиликнинг тебраниши захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

427. 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётида Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида ҳисобот даври бўйича ушбу счёт 8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши», 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» счётлари билан боғланади. Ҳисобот санасига суғурталовчи томонидан ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси ва ушбу захирадаги қайта суғурталовчининг улуши ҳисобланади.

Ҳаёт суғуртаси бўйича захиранинг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ҳаёт суғуртаси бўйича захиранинг камайиш суммасига счётининг дебети 8090 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захира» 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг дебети 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг камайиш суммасига 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8140 «Ҳаёт суғуртаси бўйича захирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетиға ўтказилади. 9280 «Ҳаёт суғуртаси захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

428. 9290 «Активларнинг номувофиклиги захираси ўзгаришининг натижаси» счётида активларнинг номувофиклиги захираси ўзгариши акс эттирилади. Ҳисобот санасига активларнинг номувофиклиги захираси ўзгаришининг натижаси миқдори ҳисобланади.

Активларнинг номувофиклиги захирасининг миқдори ҳисобот даври бошидаги миқдорига нисбатан ошган тақдирда, ошган суммага 9290 «Активларнинг номувофиклиги захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебети 8050 «Активларнинг номувофиклиги захираси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади. Акс ҳолда, активларнинг номувофиклиги захирасининг камайиш суммасига счётининг дебети 8050 «Активларнинг номувофиклиги захираси» 9290 «Активларнинг номувофиклиги захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг кредити билан боғланган ҳолда, ёзув амалга оширилади.

9290 «Активларнинг номувофиклиги захираси ўзгаришининг натижаси» счётининг дебет томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг дебетиға ўтказилади. 9290 «Активларнинг номувофиклиги захираси

ўзгаришининг натижаси» счётининг кредит томонидаги қолдиғи 9030 «Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар» счётининг кредитига ўтказилади.

429. Асосий воситалар, бошқа активларнинг чиқиб кетишини ва суғурта заҳиралари ўзгаришининг натижасини ҳисобга олувчи счётлар (9200)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Тугатиш, сотиш, текинга бериш, устав капиталига улуш сифатида бериш, узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича бериш, камомад ёки йўқолишини аниқланиши натижасида чиқиб кетаётган асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш	9210	0110 — 0190
2.	Чиқиб кетаётган асосий воситалар бўйича эскириш	0210 — 0290	9210
3.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг хизматлари ва харажатлари ҳисобдан чиқарилди	9210	2310
4.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича операцияларда иштирок этаётган ишчиларга меҳнат ҳақи ҳисобланди	9210	6710
5.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича операцияларда иштирок этаётган ишчиларга ҳисобланган меҳнат ҳақи суммасидан ижтимоий суғурта ажратмалари амалга оширилди	9210	6520
6.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишида кўрсатилган хизматлар учун бошқа корхоналарга бўлган қарз	9210	6990
7.	Асосий воситалар объектларини узоқ муддатли ижарага бериш натижасида ҳосил бўлган келгуси давр даромадлари ҳисобдан чиқарилди	9210	6230, 7230
8.	Мавжуд асосий воситалар объектлари узоқ муддатли ижарасининг тўлиқ муддати давомида олинадиган ижара тўловлари суммаси (ижарага берувчида)	0920	9210
9.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан қолган материалларнинг кирим қилиниши	1010 — 1090	9210
10.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан банкка келиб тушган тушум (нақдсиз ҳисоб-китоблар бўйича)	5110	9210
11.	Харидорларнинг уларга сотилган асосий воситалар учун қарзи	4010	9210
12.	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг уларга сотилган асосий воситалар учун қарзи	4120	9210
13.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича муомалаларнинг молиявий натижаларини аниқлаш: а) фойда б) зарар	9210 9430	9310 9210
14.	Чиқиб кетаётган номоддий активларни ҳисобдан чиқариш (сотиш, ҳисобдан чиқариш, текинга бериш ва ҳоказо)	9220	0410 — 0490
15.	Харидорларнинг уларга сотилган номоддий ва бошқа активлар учун қарзи	4010	9220
16.	Номоддий ва бошқа активлар шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига сотилди	4120	9220
17.	Сотилган материалларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилди	9220	1010 — 1090
18.	Четга чиқарилган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилди	9220	1610
19.	Ўстиришда ва боқувда бўлган ҳайвонларнинг четга чиқарилиши	9220	2710



Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
20.	Қимматли қоғозларни сотиш	9220	0610, 5810
21.	Суғурталовчи томонидан чет эл валютасини сотиш кундаги курси бўйича қайта ҳисоблаш орқали сотиш	5110, 5510 — 5530	9220
22.	Чет эл валютасини сотиш билан боғлиқ харажатлар	9220	5110 — 5530
23.	Бошқа активларни сотишдан тушум валюта ва ҳисоб-китоб счётларига келиб тушди	5110, 5210	9220
24.	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сотишда чет эл валютасини ҳисобдан чиқариш	9220	5210 — 5220
25.	Бошқа активларнинг чиқиб кетиши бўйича муомалаларнинг молиявий натижасини аниқлаш: а) фойда б) зарар	9220	9320
		9430	9220
26.	Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасининг (РНП) ҳисобланиши: РНПнинг ошган суммаси, ёки РНПнинг камайиш суммаси	9230	8010
		8010	9230
27.	Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчининг улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8110	9230
		9230	8110
28.	Содир бўлган лекин, хабар қилинмаган зарарлар захирасининг (РПНУ) ҳисобланиши: РПНУнинг ошган суммаси, ёки РПНУнинг камайиш суммаси	9250	8020
		8020	9250
29.	Содир бўлган лекин, бартараф қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчилар улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8130	9240
		9240	8130
30.	Хабар қилинган, бартараф қилинмаган зарарлар захирасининг (РЗУ) шаклланиши	9250	8030
31.	Суғурта товонининг тўланиши билан мажбуриятнинг тугатилиши	8030	9250
32.	Зарарни бартараф қилиш харажатлари	8030	9250
33.	Суғурталовчи мажбуриятларининг тугатилиши: хабар қилинган зарарларни бартараф қилиш бўйича суғурталовчининг харажатлари суммасига оширилган хабар қилинган зарар	8030	9250
34.	Хабар қилинган лекин, бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчилар улуши	8120	9250
35.	Хабар қилинган лекин, бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчилар улушининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари тугатилгандан кейин ҳисобдан чиқарилиши	9250	8120
36.	Фалокатлар захирасининг (РК) ҳисобланиши: РКнинг ошган суммаси, ёки РКнинг камайиш суммаси	9260	8060
		8060	9260
37.	Зарарлиликнинг тебраниши захирасининг (РКУ) ҳисобланиши: РКУнинг ошган суммаси, ёки	9270	8070

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
	РКУнинг камайиш суммаси	8070	9270
38.	Ҳаёт суғуртаси бўйича захирани (РЖ) ҳисоблаш: РЖнинг ошган суммаси, ёки РЖнинг камайиш суммаси	9280 8090	8090 9280
39.	Ҳаёт суғуртаси захирасидаги қайта суғурталовчилар улушининг ҳисобланиши: ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг ошган суммаси, ёки ушбу захирадаги қайта суғурталовчилар улушининг камайган суммаси	8140 9280	9280 8140
40.	Активларнинг номувофиқлиги захирасининг (РНСА) ҳисобланиши: РНСАнинг ошган суммаси, ёки РНСАнинг камайиш суммаси	9290 8050	8050 9290
41.	Суғурта захиралари ўзгариши натижасини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши: дебет томонидаги қолдиқ  кредит томонидаги қолдиқ	9030  9230, 9240, 9250, 9260, 9270, 9280, 9290	9230, 9240, 9250, 9260, 9270, 9280, 9290 9030

**4-§. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9300)**

430. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда»;

9330 «Ундирилган жарима, пеня ва устамалар»;

9340 «Ўтган йиллар фойдалари»;

9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар»;

9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар»;

9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари»;

9380 «Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»;

9390 «Бошқа операцион даромадлар».

431. Ҳисобот даврининг охирида асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётининг кредитида 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

432. Ҳисобот даврининг охирида бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда суммаси 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счётининг кредитида 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

433. Хўжалик шартномаларининг шартларини бузганликлари учун қарздорлардан ундирилган жарималар, пеня, устамалар ва бошқа жарима турлари, шунингдек етказилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлар 9330 «Ундирилган жарима, пеня

ва устамалар» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ёки олинадиган счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

434. Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдалари 9340 «Ўтган йиллар фойдалари» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ёки тегишли олинадиган счётларнинг дебети билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

435. Мулкни қисқа муддатли ижарага беришдан даромадлар 9350 «Қисқа муддатли ижарадан даромадлар» счётининг кредитида 4820 «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

436. Даъво муддати ўтиб кетган кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар» счётининг кредитида кредитор ва депонент қарзларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

437. 9370 «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари» счётида шу суғурталовчининг асосий фаолияти бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган даромадлар ҳисобга олинади. Буларга суғурталовчи балансида бўлган соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданият ва спорт объектларидан олинган даромадлар кирази.

438. Пул маблағлари ва пул эквивалентлари кўринишида текинга олинган даромадлар 9380 «Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам» счётининг кредитида пул маблағлари ва пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

439. Бошқа операцион фаолиятдан олинган даромадлар 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счётининг кредитида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ёки олинадиган счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

440. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9300)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	9210	9310
2.	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	9220	9320
3.	Шартнома мажбуриятларига риоя этмаганлиги учун бошқа корхоналарга тақдим этилган жарима, пеня ва устамалар суммаси	4860	9330
4.	Ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдалари	4010	9340
5.	Қисқа муддатли ижара шартномаси бўйича ижара тўловлари суммаси	4820	9350
6.	Даъво муддати ўтиши билан кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш	6010	9360
7.	Кредитор қарзлар ва ҳоказоларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	6910 — 6990	9360
8.	Камомадлар бўйича баҳолардаги фарқлар моддий жавобгар шахс ҳисобига олиб борилди	4730	9370
9.	Текинга олинган пул маблағлари	5110 — 5530	9380
10.	Асосий, ёрдамчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи хўжаликлардаги, умумишлабчиқариш омборларидаги материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқчалари кирим қилинди	2010, 2310, 2510, 2710	9390
11.	Илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар	Олинадиган счётлар	9390

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
12.	Мулк суғуртаси бўйича суғурта ташкилотларидан келиб тушган суғурта тўловлари	4510	9390
13.	Шубҳали қарзлар бўйича сарфланмаган захира суммасининг ушбу захира ташкил қилинган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшилиши	4910	9390
14.	Тугалланмаган қурилишдаги ортиқчалар	0810 — 0890	9390
15.	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган талаб қилинмаган бўнақ суммаларининг ҳисобдан чиқарилиши	6310 — 6390	9390
16.	Ҳисобот даврининг охирида асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9310 — 9390	9910

### 5-§. Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400)

441. Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган сотиш харажатлари, бошқарув харажатлари, бошқа операцион харажатлар, шунингдек келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

9410 «Сотиш харажатлари»;

9420 «Маъмурий харажатлар»;

9430 «Бошқа операцион харажатлар»;

9431 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари»;

9432 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонлари».

9440 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари».

442. Давр харажатларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади (ЎзР. ҚҚТ., 1999 й., 2-сон, 9-модда).

443. 9410 «Сотиш харажатлари» счётида маҳсулотни сотиш бўйича харажатлар, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиб бериш билан боғлиқ, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9410 «Сотиш харажатлари» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

444. 9420 «Маъмурий харажатлар» счётида суғурталовчини бошқариш бўйича харажатлар, бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари, умумбошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг ижара тўловлари ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади. Ҳисобот даврининг охирида 9420 «Маъмурий харажатлар» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

445. 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўлов харажатлари, иш ҳақи ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган компенсациялаш ва рағбатлантириш аҳамиятига молик тўловлар, банк ва депозитария хизматларининг тўловлари, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа операцион фаолият жараёнида

вужудга келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият ва фавқулодда харажатлар моддаларининг белгилари бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

446. 9431 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари» счётида тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари ҳисобга олинади. Суғурта товонини ҳисоблашда 9431 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари» счёти дебетланган ҳолда 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счёти билан боғланади. Ҳисобот даврининг охирида 9431 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, ўтган даврда хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

447. 9432 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари» счётида тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича ҳисобланган суғурта товонлари ҳисобга олинади. Суғурта товонини ҳисоблашда 9432 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари» счёти дебетланган ҳолда 6030 «Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар» счёти билан боғланади. Ҳисобот даврининг 9432 «Тўғридан-тўғри суғурта бўйича ўтган даврларда содир бўлган, лекин ҳисобот даврида хабар қилинган суғурта ходисалари бўйича суғурта товонлари» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

448. 9440 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» счётида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган (ЎзР. ХҚТ., 1999 й., 2-сон, 9-модда) «Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.4. бўлимида келтирилган келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида 9440 «Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади. Ушбу счётда ҳисобот даври давомида йиғилган харажатлар тўғрисидаги ахборот балансдан ташқари 012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счётининг дебетига ёзилади.

449. Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар (9400)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Маҳсулотларни жўнатиш бўйича транспорт харажатлари	9410	6990
2.	Четдан реклама ва маркетинг хизматлари	9410	6010
3.	Савдо жараёнида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириши	9410	0210 — 0299
4.	Савдо жараёнида ишлатилаётган номоддий активларнинг эскириши	9410	0510 — 0590
5.	Бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари	9420	6710

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
6.	Бошқарув аҳамиятига молик асосий воситаларнинг эскириши	9420	0210 — 0299
7.	Бошқарув биносининг ижара тўлови	9420	6910
8.	Бошқарув эҳтиёжлари учун материаллар сарфланди	9420	1010 — 1090
9.	Транспорт корхоналарининг хизмати	9420	6010
10.	Хизмат сафарлари ва вакиллик харажатлари	9420	4220, 4230
11.	Юридик шахснинг юқори ташкилоти ва бирлашмаларини сақлашга ажратмалар	9420	6120
12.	Банк ва аудиторлик хизматлари учун тўловлар	9430	6990
13.	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан зарарлар	9430	9210, 9220
14.	Айбдор шахсни аниқлаш имкони бўлмаган ҳолдаги камомадлар ва йўқотишлар	9430	5910
15.	Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисобланди	9430	4910
16.	Солиқ идоралари қарорига кўра жарима ҳисобланди	9430	6410
17.	Суғурталовчи балансида бўлган олий ўқув юртларини сақлаш учун ажратмалар	9430	6110
18.	Суғурталовчи ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмалар тўланди	9430	5110 — 5530
19.	Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилди	9430	2010
20.	Ўтган йиллар муомалаларидан кўрилган зарарлар	9430	Олинадиган счётлар
21.	Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар	9430	6960
22.	Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатлари тўланди	9430	5110 — 5530
23.	ТМЗнинг сотилиши бўйича баҳонинг камайиш натижалари ҳисобдан чиқарилди	9430	3190
24.	Тўғридан-тўғри суғурта шартномалари бўйича ўтган даврларда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича суғурта товонларининг ҳисобланиши	9431 — 9432	6030
25.	Нотўғри тўланган суғурта товонларини қайтариш тўғрисида даъво билдириш	4890	9431 — 9432
26.	Тегишли суғурта товонларини молиявий натижаларга ўтказиш	9910	9431 — 9432
27.	Қуйидаги ишларда фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириши ва номоддий активларнинг амортизацияси: а) янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган ишга тушириш ишларида; б) оммавий ёки серияли ишлаб чиқаришга мўлжалланмаган янги технологик жараёнларни ўзлаштиришга хизмат кўрсатишда; в) қазиб олиш тармоқларида тайёргарлик ишларида.	9440	0210 — 0299, 0510 — 0590
28.	Ҳисобот даври охирида давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9410 — 9440

#### 6-§. Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9500)

450. Молиявий фаолият даромадлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар»;  
 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар»;  
 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар»;  
 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар»;  
 9550 «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар»;  
 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;  
 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари».

451. Роялти кўринишида олинган даромадлар 9510 «Роялти кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида 4850 «Олинадиган роялти» ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

452. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улуш билан иштирок этишдан олинган даромадлар, суғурталовчига тегишли бўлган акциялар бўйича дивидендлар ва облигация ва бошқа қимматли қоғозлардан даромадлар 9520 «Дивидендлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида 4840 «Олинадиган дивидендлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

453. Узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишидаги даромадлар 9530 «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» счётининг кредитида 4830 «Олинадиган фоизлар» счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

454. 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётида баланснинг валюта моддалари бўйича ижобий курс фарқларидан олинган даромадлар акс эттирилади. Чет эл валютасидаги операциялар бўйича ижобий курс фарқи, шу жумладан бухгалтерия балансини тузиш санасига қарзларни қайта баҳолаш фарқлари 9540 «Валюталар курслари фарқидан даромадлар» счётининг кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

455. Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар 9550 «Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» счётининг кредитида 4830 «Олинадиган фоизлар», 6230 «Бошқа кечиктирилган даромадлар», пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар ва бошқа тегишли счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

456. Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» счётининг кредитида узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар ва қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

457. 9590 «Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счётида молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари акс эттирилади.

458. Молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётлар (9500)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Роялти бўйича олинадиган суммалар	4850	9510
2.	Бошқа корхоналарда улушли қатнашишдан олинган даромадлар, суғурталовчига тегишли бўлган акция ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар	4840	9520
3.	Қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар	4830	9530
4.	Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан ижобий курс фарқлари	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар, мажбу-	9540

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
		риятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар	
5.	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси	4830	9550
6.	Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш (қийматининг оширилиши)	0610, 5810	9560
7.	Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9510 — 9590	9910

### 7-§. Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (9600)

459. Молиявий фаолият бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар»;

9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар»;

9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»;

9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

460. Банклар, мол етказиб берувчиларнинг кредитлари ва қарзлар, узоқ муддатли ижара бўйича фоизлар ва бошқа фоиз тўлови харажатлари 9610 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётининг дебетида 6920 «Ҳисобланган фоизлар» ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бундан ташқари, депонентланган қайта суғурта мукофотида ҳисобланган суғурталовчининг даромадлари ҳисоби ҳам, 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг кредити билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Қайта суғурта қилиш шартномасига мувофиқ ҳисобланган даромадларнинг тўланиши 6920 «Ҳисобланган фоизлар» счётининг дебети пул маблағларини ҳисобга олувчи счётларнинг кредити билан боғланган ҳолдаги проводка билан расмийлаштирилади.

461. 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётида салбий курс фарқи ва баланснинг валюта моддаларига доир операциялар бўйича зарарлар акс эттирилади. Чет эл валютаси операциялари бўйича салбий курс фарқлари, шу жумладан бухгалтерия балансини тузиш санасига қарзларни қайта баҳолашдан фарқ 9620 «Валюталар курслари фарқидан зарарлар» счётининг дебетида пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинган счётлар ва мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

462. Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар 9630 «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлари» счётининг дебетида мажбуриятлар ва пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

463. 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» счётида молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар акс эттирилади.



464. Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар (9600)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Кредитлар ва қарзлар бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
2.	Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича фоизлар ҳисобланди	9610	6920
3.	Баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан салбий курс фарқлари	Пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар, мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар ва бошқалар	3290
4.	Қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш (қийматининг камайтирилиши) натижасида кўрилган зарарлар ва ҳ. к.	9690	0610 — 0690, 5810 — 5890
5.	Ҳисобот даври охирида молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9610 — 9690

#### 8-§. Фавқулодда фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар (9700)

465. Суғурталовчининг одатий хўжалик фаолиятидан кескин фарқ қиладиган фавқулоддаги ҳодисалар (тасодиф, қутилмаган ва одатий бўлмаган зарар ва йўқотишлар) натижасида вужудга келадиган фойда ва зарарлар ҳисоби куйидаги счётларда юритилади:

9710 «Фавқулоддаги фойдалар»;

9720 «Фавқулоддаги зарарлар».

466. Фавқулодда ҳодисалардан фойда 9710 «Фавқулоддаги фойдалар» счётининг кредитида ТМЗни ҳисобга олувчи счётлар, олинадиган счётлар ёки пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади.

467. Фавқулодда ҳодисалардан зарар 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётининг дебитида узоқ муддатли ва жорий активларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс этирилади.

Ҳисобот даврининг охирида 9710 «Фавқулоддаги фойдалар», 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётлари 9910 «Яқуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

9710 «Фавқулоддаги фойдалар», 9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётлари бўйича аналитик ҳисоб фавқулоддаги фойда ва зарарларнинг номлари бўйича юритилади.

468. Фавқулоддаги фойда (зарар)ларни ҳисобга олувчи счётлар (9700)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Фавқулодда ҳодиса (табiiй офат) натижасида усқуналар, материаллар, товарлар қирим қилинди	0710 — 0720, 1010 — 1090	9710
2.	Табiiй офатдан кейин ўтказилган инвентаризация натижасида аниқланган усқуналарнинг камомади	9720	0710 — 0720

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
3.	Табиий офат туфайли йўқотилган турли хил моддий қийматликлар ҳисобдан чиқарилди	9720	1010 — 1090, 2710
4.	Табиий офат туфайли тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги йўқотишлар	9720	2010, 2310
5.	Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг табиий офатдан кўрган зарари ҳисобдан чиқарилди	9720	2710
6.	9710 «Фавқулоддаги фойдалар» счётининг ёпилиши	9710	9910
7.	9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётининг ёпилиши	9910	9720

### 9-§. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар (9800)

469. Қонунчиликда белгиланган даромад (фойда) солиғи бўйича йил давомида ҳисобланган бўнақ тўловлари ва қайта ҳисоблаш бўйича ҳақиқатда фойдадан тўловларни ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар мўлжалланган:

9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар»;

9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар».

470. Йил давомида бюджетга солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа ажратмалар бўйича ҳисобланган тўловлар 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар», 9820 «Фойдадан ҳисобланадиган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар» счётининг дебетида бюджетга тўловлар бўйича қарзларни (турлари бўйича) ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Ҳисобот даври тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузилганда 9810 «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар», 9820 «Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар» счёти 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва тўловларнинг турлари бўйича юритилади.

471. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётлар (9800)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Фойдадан бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган суммалар	9810, 9820	6410
2.	Ҳисобот даврининг охирида солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9810, 9820

### 10-§. Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар (9900)

472. 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти ҳисобот йилида суғурталовчи фаолияти якуний молиявий натижасининг шаклланиши тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ва фавқулодда даромадлардан ушбу фаолият турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилишидан юзага келади. 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебетида суғурталовчининг харажат

(зарар)лар, кредитида эса даромад (фойда)лар акс эттирилади. Ҳисобот давридаги дебет ва кредит айланмаси таққосланиши ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)ни кўрсатади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида 9910 «Якуний молиявий натижа» счётининг дебети ва кредити бўйича айланмалар йиғилади ва ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини ифодаловчи ушбу счёт бўйича умумий қолдиқ ҳисоблаб чиқарилади.

Ҳисобот даврининг тугаши билан йиллик молиявий ҳисобот тузишда 9910 «Якуний молиявий натижа» счёти 8710 «Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)» счёти билан боғланган ҳолда ёпилади.

473. Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар (9900)нинг боғланиши

Т/р	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётларнинг боғланиши	
		Дебет	Кредит
1.	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9030, 9060, 9070, 9080, 9090	9910
2.	Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)лар таннархини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9130 — 9150
3.	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9310 — 9390	9910
4.	Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9410 — 9440
5.	Молиявий фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9510 — 9590	9910
6.	Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9610 — 9690
7.	9710 «Фавқулоддаги фойдалар» счётининг ёпилиши	9710	9910
8.	9720 «Фавқулоддаги зарарлар» счётининг ёпилиши	9910	9720
9.	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга олувчи счётларнинг ёпилиши	9910	9810, 9820
10.	Ҳисобот йилининг соф фойдаси	9910	8710
11.	Ҳисобот йилининг соф зарари	8710	9910

## VI бўлим. Балансдан ташқари счётлар

474. Ушбу қисмнинг счётлари суғурталовчига тегишли бўлмаган, лекин вақтинчалик фойдаланаётган ёки ихтиёрида бўлган (қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар, масъул сақлашга ва қайта ишловга қабул қилинган моддий қийматликлар ва бошқа) мавжуд қийматликлар, шартли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек алоҳида хўжалик муомалалари устидан назорат қилиш учун мўлжалланган.

Келтирилган қийматликларнинг бухгалтерия ҳисоби оддий тизим бўйича юритилади.

475. Ушбу қисмда қуйидаги счётларда ҳисоб юритиш тартиби ёритилади:

001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар»;

002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар»;

003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар»;

004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар»;

005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар»;

006 «Қатъий ҳисобот варақлари»;

- 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи»;
- 008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган»;
- 009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган»;
- 010 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар»;
- 011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк»;
- 012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар»;
- 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)»;
- 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари».

### **1-§. Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001)**

476. 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти суғурталовчи томонидан қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ижарага олинган асосий воситалар 001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счётида шартномада кўрсатилган баҳода юритилади.

001 «Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ижарага берувчилар бўйича ва ҳар бир ижарага олинган асосий воситалар объектлари (ижарага берувчининг инвентар рақамлари) бўйича юритилади.

### **2-§. Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002)**

477. 002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счёти масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Товар-моддий қийматликлар 002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счётида қабул қилиш-топшириш далолатномаси ёки счёт-фактурада кўрсатилган баҳоларда ҳисобга олинади.

002 «Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб корхоналар, турлари, нави ва сақлаш жойи бўйича юритилади.

### **3-§. Қайта ишловга қабул қилинган материаллар (003)**

478. 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тўланмайдиган ва қайта ишлаш учун берилган (давальческое сырьё) буюртмачининг хом ашё ва материалларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хом ашё ва материалларни қайта ишлаш ёки қўшимча ишлов бериш (буюртмачининг хом ашё ва материалларининг қийматидан ташқари) харажатларининг ҳисоби харажатларни ҳисобга олувчи счётларда юритилади.

Қайта ишловга қабул қилинган буюртмачининг хом ашё ва материаллари 003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счётида шартномада кўрсатилган баҳоларда ҳисобга олинади.

003 «Қайта ишловга қабул қилинган материаллар» счёти бўйича аналитик ҳисоб

буюртмачилар, хом ашё ва материалларнинг турлари, навлари ва уларни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

#### **4-§. Комиссияга қабул қилинган товарлар (004)**

479. 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти шартномага мувофиқ комиссияга қабул қилинган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу счёtdан комиссионер корхоналар фойдаланади.

Комиссияга қабул қилинган товарлар 004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счётида қабул қилиш-топшириш далолатномаларида кўрсатилган нархларда ҳисобга олинади.

004 «Комиссияга қабул қилинган товарлар» счёти бўйича аналитик ҳисоб товарларнинг турлари ва корхона — комитентлар бўйича юритилади.

#### **5-§. Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005)**

480. 005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счёти пудратчи корхоналар томонидан монтаж учун буюртмачидан олинган барча турдаги ускуналарнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Ушбу счёtdан пудратчи корхоналар фойдаланади.

Ускуналар 005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счётида буюртмачи томонидан тегишли ҳужжатларда кўрсатилган баҳода ҳисобга олинади.

005 «Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар» счёти бўйича аналитик ҳисоб алоҳида объектлар ёки агрегатлар бўйича юритилади.

#### **6-§. Қатъий ҳисобот варақлари (006)**

481. 006 «Қатъий ҳисобот варақлари» счёти сақланаётган ва ҳисобдорлик асосида бериладиган қатъий ҳисобот варақлари — патта дафтарчалари, гувоҳнома бланкалари, дипломлар, турли абонементлар, талонлар, товарларни кузатиб борувчи ҳужжатларнинг варақлари ва шу кабиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қатъий ҳисобот варақларига киритиладиган ҳужжатлар рўйхати, уларни сақлаш ва фойдаланиш тартиби суғурталовчи томонидан ўрнатилади.

Қатъий ҳисобот варақлари 006 «Қатъий ҳисобот варақлари» счётида шартли баҳоларда ҳисобга олинади.

006 «Қатъий ҳисобот варақлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб қатъий ҳисобот варақларининг ҳар бир тури ва уларни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

#### **7-§. Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи (007)**

482. 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» счёти қарздорларнинг тўлашга қобилиятсизлиги туфайли зарарга ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бундай қарз ҳисобдан чиқарилган пайтидан бошлаб беш йил давомида қарздорларнинг мулкӣ ҳолати ўзгарган вақтда қарзни

ундириб олиш имкониятини кузатиб бориш учун баланسدан ташқари счётада ҳисобга олиниши лозим.

Илгари зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзни ундириб олиш натижасида келиб тушган суммага пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти билан боғланган ҳолда дебетланади. Бир вақтнинг ўзида кўрсатилган суммага 007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» счёти кредитланади.

007 «Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилиб ҳисобдан чиқарилган қарзи» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича юритилади.

#### **8-§. Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган (008)**

483. 008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» счёти мажбурият ва тўловларнинг бажарилишини таъминлаш учун олинган кафолатларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар кафолатда сумма кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бухгалтерия ҳисобида ушбу сумма шартнома шартидан келиб чиқиб аниқланади. 008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» счётида ҳисобга олинган таъминот суммаси қарзларнинг қопланиши доирасида ҳисобдан чиқарилади.

008 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — олинган» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир олинган таъминот бўйича юритилади.

#### **9-§. Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган (009)**

484. 009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счёти мажбурият ва тўловларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича берилган кафолатларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар, кафолатда сумма кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда бухгалтерия ҳисобида ушбу сумма шартнома шартларидан келиб чиқиб аниқланади. 009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счётида ҳисобга олинган таъминот суммаси қарзларнинг қопланиши доирасида ҳисобдан чиқарилади.

009 «Мажбуриятлар ва тўловларни таъминлаш — берилган» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир берилган таъминот бўйича юритилади.

#### **10-§. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар (010)**

485. 010 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ижарага берилган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

010 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счётидан узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар ижара муддатининг тугашида эгасига қайтарилганда ёки бошқа сабабларга кўра қайтариб олинган ёки шартнома муддати тугагандан кейин ижарачи сотиб олган вақтдан бошлаб ҳисобдан чиқарилади.

010 «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар бўйича алоҳида асосий воситаларнинг ҳисоб инвентарь карточкалари бўйича юритилади.

#### **11-§. Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк (011)**

486. 011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» счёти ссуда шартномаси бўйича олинган мулкларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» счётидан ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар шартнома муддати тугаши билан эгасига қайтарилганда ҳисобдан чиқарилади.

011 «Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк» счёти бўйича аналитик ҳисоб ссуда шартномаси бўйича олинган мулкнинг ҳар бир объекти бўйича юритилади.

#### **12-§. Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012)**

487. 012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счёти бўйича ушбу ҳисобот даврининг солиқ солинадиган базасига қўшилладиган, бироқ кейинги ҳисобот даврларнинг солиқ солинадиган фойда (даромад)дан чиқариладиган харажатлар акс эттирилади. Ушбу харажат моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 2-сонли иловасида келтирилган (ЎзР. ХҚТ., 1999 й., 2-сон, 9-модда).

Балансдан ташқари 012 «Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар» счётида аналитик ҳисоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (ЎзР. ХҚТ., 1999 й., 2-сон, 9-модда) 2-сонли иловасида кўзда тутилган моддалар солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар миқдори ва уларни чиқариш муддатлари тўғрисидаги ахборотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

#### **13-§. Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013)**

488. 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счёти вақтинчалик солиқ солишдан озод этилган, мақсадли ишлатилиши кўзда тутилмаган бўшаган маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бюджетга тўловнинг ҳар бир тури бўйича ҳисобланган бўшаган маблағлар суммаси 013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счётининг дебетига акс эттирилади.

013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счётида ҳисобга олинган бюджетга мажбурий тўловлар ва солиқлар бўйича ҳисобланган сумма «Молия-

вий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» (2-сонли шакл)да акс эттирилмайди ва мос равишда молиявий натижаларнинг шаклланишига таъсир этмайди.

013 «Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)» счётидан солиқ солишдан озод этилиши натижасида бўшаган маблағлар суммаси имтиёз берилган даврининг тугаши билан ҳисобдан чиқарилади.

Бунда, бўшаган маблағлар тўғрисидаги маълумот имтиёз муддатининг тугаши билан ҳисобдан чиқарилгандан кейин суғурталовчида 5 йил давомида сақланиши лозим.

#### 14-§. Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари (014)

489. 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозларини фойдаланишга бериш вақтида уларнинг қиймати тўлиқ ишлаб чиқариш харажатлари ёки давр харажатларига олиб борилади ва бир вақтнинг ўзида 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётида акс эттирилади.

Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари кейинчалик фойдаланиш (ишлатиш)га яроқсиз бўлган ҳолда уларнинг 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счётидан ҳисобдан чиқарилиши тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳисобдан чиқариш далолатномаси асосида амалга оширилади.

Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозларининг сақланишини таъминлаш мақсадида 014 «Фойдаланишдаги инвентарь ва хўжалик жиҳозлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб якка тартибда фойдаланувчилар ва цехлар омборлари оралигида юритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 194 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
22 майда 1814-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 1 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳуқуқий экспертиза қилиш натижаси бўйича 2008 йил 20 майдаги хулосага ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябр-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*



даги 469-сон, «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2000 йил 19 майдаги 197-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компаниясининг 2008 йил 7 майдаги 01-03/174-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 11 октябрда 282-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Фьючерс битимларини тузиш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақида мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. «Ўзулгуржисавдо» акциядорлик компанияси мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Хасанов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

**Адлия вазири**

Тошкент ш.,  
2008 йил 22 май,  
111-мх-сон

**Р. МУҲИТДИНОВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ**195 Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил  
22 майда 1815-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2008 йил 1 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги «2010 йилгача Ўзбекистон Республикасида микроолиялаштиришни ривожлантириш дастури тўғрисида» 114-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк  
Бошқаруви раиси**

Тошкент ш.,  
2008 йил 19 апрель,  
10/3-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Марказий банк Бошқарувининг  
2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 июндаги 114-сон қарорига мувофиқ, кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш шаклларида амалга оширилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

2. Кредит уюшмасини тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

3. Қўйидаги ҳолларда кредит уюшмаси тугатилиши мумкин:

кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинганда (ихтиёрий равишда тугатиш);

кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилиши тугатилганда ёки лицензия бекор қилинганда;

кредит уюшмаси банкрот деб эълон қилинганда.

Қайта ташкил этилаётган ёки ихтиёрий равишда тугатилаётган кредит уюшмасининг Кенгаши ушбу ҳолатлар юзасидан кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилингандан сўнг дарҳол Марказий банкни ёзма равишда хабардор қилади.

## II. Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш

### § 1. Кредит уюшмаларини қўшиб юбориш

4. Кредит уюшмаларини қўшиб юбориш деганда, икки ёки бир неча кредит уюшмаларининг фаолияти тугатилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини янгидан ташкил этилаётган кредит уюшмасига ўтказиш тушунилади.

5. Қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир кредит уюшмаси Кенгаши аъзоларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига кредит уюшмасини қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек, топшириш ҳужжатини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни қўяди.

Қўшиб юборишда иштирок этаётган ҳар бир кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши:

бошқа кредит уюшмалари билан қўшиб юбориш ва янги кредит уюшмасини ташкил этиш;

қўшиб юборишнинг шартлари ва тартиби кўрсатилган шартнома лойиҳасини тасдиқлаш;

топшириш ҳужжати лойиҳасини тасдиқлаш;

кредит уюшмасини қўшиб юбориш ва янги кредит уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага кредит уюшмаси номидан имзо қўйиш ваколатини маълум бир шахсга юклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

6. Янги ташкил этилаётган кредит уюшмасининг уставини тасдиқлаш, Кенгаш ва тафтиш комиссиясини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган барча кредит уюшмалари аъзоларининг қўшма умумий йиғилишида амалга оширилади.

Кредит уюшмасини қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор кредит уюшмаси аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат овози билан қабул қилинади.

7. Кредит уюшмаларини қўшиб юборишда иштирок этадиган барча кредит уюшмалари аъзоларининг қўшма умумий йиғилиши бўлиб ўтган санадан бошлаб 90 кун муддат ичида қайта ташкил этиладиган кредит уюшмаси Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомда (2006 йил 23 июнь, рўйхат рақами 1586) белгиланган кредит уюшмасини рўйхатга олиш ва лицензиялаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ҳамда қўшимча равишда қўйидаги ҳужжатларни Марказий банкка тақдим этади:

қўшиб юборишда иштирок этаётган кредит уюшмалари ўртасида тузилган қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома;

топшириш ҳужжати;

қўшиб юборишда иштирок этаётган кредит уюшмалари аъзоларининг бирлаштирилган рўйхати;

қўшиб юборишда иштирок этаётган кредит уюшмалари умумий йиғилишнинг қўшиб юбориш тўғрисидаги қарори қабул қилинган санага баланс ҳисоботлари.

8. Кредит уюшмалари қўшиб юборилганда ҳар бир кредит уюшмасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжати ва қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномага мувофиқ янги ташкил этилган кредит уюшмасига ўтади.

9. Янги ташкил этилаётган кредит уюшмасининг номи қўшиб юборилаётган кредит уюшмалари номига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

10. Қўшиб юбориш натижасида янги ташкил этилган кредит уюшмасини давлат рўйхатига олиш билан бир вақтда кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилади. Бир вақтнинг ўзида, Марказий банкнинг қўшиб юборилаётган кредит уюшмалари лицензияларининг амал қилишини тугатилиши тўғрисидаги қарори асосида кредит уюшмалари Кредит уюшмаларининг давлат реестридан чиқарилади ҳамда лицензияларининг асл нусхалари Марказий банкка қайтариб берилади.

## § 2. Кредит уюшмаларини қўшиб олиш

11. Бир ёки бир неча кредит уюшмалари фаолиятларини тугатиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бошқа кредит уюшмасига ўтказилиши — кредит уюшмаларини қўшиб олиш деб ҳисобланади.

12. Қўшиб олинаётган кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши, унинг Кенгаши томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида:

ушбу кредит уюшмасининг бошқа кредит уюшмасига қўшилиши;

қўшилишнинг шартлари ва тартиби кўрсатилган шартнома лойиҳасини тасдиқлаш;

топшириш ҳужжати лойиҳасини тасдиқлаш;

бошқа кредит уюшмасига қўшиб олиниши тўғрисидаги шартномага кредит уюшмаси номидан имзо қўйиш ваколатини маълум бир шахсга юклаш тўғрисида қарорни қабул қилади ва тасдиқлайди.

Қўшиб олинаётган кредит уюшмаси Кенгаши уюшма аъзоларининг учдан икки қисми маъқуллаган умумий йиғилиш қарорини қўшиб олаётган кредит уюшмасига юборади.

13. Қўшиб олаётган кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши, қўшиб олинаётган уюшма Кенгаши томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида:

қўшилиш истагини билдирган кредит уюшмасини қўшиб олиш;

қўшиб олишнинг шартлари ва тартиби кўрсатилган шартнома лойиҳасини тасдиқлаш;

қўшиб олиш тўғрисидаги шартномага кредит уюшмаси номидан имзо қўйиш ваколатини маълум бир шахсга юклаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Қўшиб олинаётган ва қўшиб олаётган кредит уюшмалари аъзоларининг қўшма умумий йиғилишида қўшилиш шартномасига мувофиқ қўшиб олаётган кредит уюшмаси уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки уставнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

14. Қўшиб олинаётган ва қўшиб олаётган кредит уюшмалари аъзоларининг кредит уюшмаларини қўшиб олиш тўғрисидаги қўшма умумий йиғилиши бўлиб ўтган санадан бошлаб 90 кун муддат ичида қўшиб олаётган кредит уюшмаси Марказий банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит уюшмаси уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги кредит уюшмаси аъзоларининг қўшма умумий йиғилишининг баённомаси;

кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни ёки уставнинг янги таҳрири;

кредит уюшмалари ўртасида қўшилиш тўғрисида тузилган шартнома;

топшириш ҳужжати;

қўшиб олишда иштирок этаётган кредит уюшмалари аъзоларининг бирлаштирилган рўйхати;

кредит уюшмаларининг алоҳида баланслари ва қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилинган санага умумлаштирилган баланс.

Марказий банкка тақдим этилган ҳужжатларнинг бир нусхаси қўшиб олаётган кредит уюшмаси йиғмажилдига тикилади.

15. Қўшиб олинаётган кредит уюшмасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжати ва қўшилиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ қўшиб олаётган кредит уюшмасига ўтади.

16. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида Марказий банк қўшиб олган кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ёки уставнинг янги таҳририни рўйхатга олади. Бир вақтнинг ўзида, Марказий банкнинг қўшиб олинаётган кредит уюшмалари лицензияларининг амал қилишини тугатилиши тўғрисидаги қарори асосида кредит уюшмалари Кредит уюшмалари давлат реестридан чиқарилади ҳамда лицензияларининг асл нусхалари Марказий банкка қайтарилади.

## § 2. Кредит уюшмаларини бўлиш

17. Кредит уюшмаси фаолиятини тугатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган кредит уюшмасига ўтказиш — кредит уюшмасини бўлиш деб ҳисобланади.

18. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган кредит уюшмаси Кенгаши кредит уюшмаси умумий йиғилиши муҳокамасига:

кредит уюшмасини бўлиш шаклида қайта ташкил этиш;

қайта ташкил этишнинг тартиби ва шартлари;

янги ташкил этилаётган кредит уюшмалари аъзоларининг рўйхати;

тақсимлаш балансини тасдиқлаш масалаларини қўяди.

19. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган янги кредит уюшмасини ташкил этиш тўғрисида уюшма аъзоларининг учдан икки қисми овози билан маъқуллаган қарорни қабул қилади ҳамда тақсимлаш балансини тасдиқлайди.

20. Бўлиш натижасида янги ташкил этилаётган ҳар бир кредит уюшмаси аъзоларининг алоҳида умумий йиғилишлари ўтказилиб, уларда кредит уюшмаларининг уставини тасдиқлаш, Кенгаш ва тафтиш комиссиясини сайлаш масалалари кўриб чиқилади.

21. Янги ташкил этилаётган ҳар бир кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб 90 кун муддат ичида бўлиш йўли билан қайта ташкил этилаётган кредит уюшмалари Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомда (2006 йил 23 июнь, рўйхат рақами 1586) белгиланган кредит уюшмасини рўйхатга олиш ва лицензиялаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни ҳамда қўшимча равишда қайта ташкил этилаётган кредит уюшмасининг тақсимлаш балансини Марказий банкка тақдим этади.

Бўлиш йўли билан янги ташкил этилаётган кредит уюшмаларининг номи бўлинаётган кредит уюшмаси номига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

22. Кредит уюшмаси бўлинганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ янги ташкил этилаётган кредит уюшмаларига ўтказилади.

23. Бўлиш натижасида янги ташкил этилаётган кредит уюшмаларини Кредит уюшмаларининг давлат реестрига киритиш билан бирга уларга кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилади. Бир вақтнинг ўзида, Марказий банкнинг бўлинаётган кредит уюшмаси лицензиясининг амал қилишини тугатилиши тўғрисидаги қарори асосида кредит уюшмаси Кредит уюшмаларининг давлат реестридан чиқарилади ҳамда лицензиянинг асл нусхаси Марказий банкка қайтариб берилади.

24. Кредит уюшмаларини бўлиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарори асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

#### § 4. Кредит уюшмасини ажратиб чиқариш

25. Кредит уюшмасини ажратиб чиқариш деганда, бир ёки бир неча кредит уюшмалар ташкил этилиб, қайта ташкил этилаётган кредит уюшмаси фаолияти тугатилмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми уларга берилиши тушунилади.

26. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган кредит уюшмаси Кенгаши кредит уюшмасининг умумий йиғилиши муҳокамасига ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, ажралиб чиқаётган янги кредит уюшмаси аъзолари рўйхатини тасдиқлаш, ажратиб чиқариш шаклида кредит уюшмасини қайта ташкил этиш билан боғлиқ ўзгартиришларни уставга киритиш, шунингдек, тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритади.

27. Ажратиб чиқариш натижасида юзага келган янги кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши мазкур кредит уюшмаси уставини тасдиқлайди ва унинг бошқарув органларини сайлайди.

28. Ажратиб чиқараётган кредит уюшмаси аъзоларининг кредит уюшмаларини ажратиб чиқариш тўғрисидаги умумий йиғилиши ўтказилган санадан бошлаб 90 кун муддат ичида ажратиб чиқараётган кредит уюшмаси Марказий банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит уюшмаси уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги аъзоларнинг умумий йиғилишининг баённомаси;

кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матни ёки уставнинг янги таҳрири;

тақсимлаш баланси.

Шу билан бир вақтда ажратиб чиқарилаётган кредит уюшмаси Кредит уюшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисидаги низомда (2006 йил 23 июнь, рўйхат рақами 1586) белгиланган тартибда кредит уюшмасини рўйхатга олиш ва лицензиялаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни Марказий банкка тақдим этади.

29. Кредит уюшмаси таркибидан бир ёки бир неча кредит уюшмалари ажратиб чиқарилганда, тақсимлаш балансига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми янги ташкил этилган кредит уюшмаларига ўтади.

30. Ажратиб чиқариш натижасида янги ташкил этилган кредит уюшмаларини Кредит уюшмаларининг давлат реестрига киритиш билан бир вақтда уларга кредит

уюшмаси фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар берилади. Бир вақтнинг ўзида, тақдим этилган ҳужжатлар асосида Марказий банк ажратиб чиқарилган кредит уюшмаси уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ёки уставнинг янги таҳририни рўйхатга олади.

31. Кредит уюшмаларини ажратиб чиқариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд қарори асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

### III. Кредит уюшмаларини тугатиш

#### § 1. Кредит уюшмаларини тугатиш асослари

32. Кредит уюшмасини ихтиёрий равишда тугатиш кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори қабул қилинган ҳолда амалга оширилади. Мазкур қарорда тугатувчи — тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорти маълумотлари) (бундан кейинги ўринларда тугатувчи деб юригилади) кўрсатилади.

33. Тугатувчи кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишида уюшма Кенгаши таклифига мувофиқ тайинланади.

34. Кредит уюшмаси томонидан унинг ихтиёрий равишда тугатилаётганлиги тўғрисидаги кредит уюшмаси аъзолари умумий йиғилишининг қарори ва лицензиянинг асл нусхаси Марказий банкка тақдим этилади.

35. Суд қарори асосида кредит уюшмаси кредиторларнинг талабини қондира олмаган тақдирда кредиторларнинг аризаси ёки банкротлик аломатлари мавжуд бўлганда кредит уюшмасининг мурожаатига мувофиқ банкрот деб тан олинади.

Кредит уюшмасининг банкротлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Марказий банкнинг кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинганда, ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида Кенгаши кредит уюшмаси аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради, унда кредит уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади ва тугатувчи таркиби тасдиқланади. Тугатувчи таркиби тасдиқлангунга қадар кредит уюшмасининг барча молиявий операциялари тўхтатилади.

37. Кредит уюшмаси фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тугатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида Марказий банк томонидан қабул қилинган қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиниши мумкин.

#### § 2. Кредит уюшмасини тугатиш тартиби

38. Тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан кредит уюшмасини тугатиш жараёни якунлангунча:

уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши, бошқа бошқарув органлари ва мансабдор шахсларининг ваколатлари тўхтатилади, жумладан, уларнинг мулкни тасарруф этиш ва мажбуриятларни бажариш ҳуқуқлари бекор қилинади, кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарори юзасидан Марказий банкни ёзма равишда хабардор қилиш ҳоллари бундан мустасно;

барча мажбуриятларни, шунингдек муддати кечиктирилган мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланган ҳисобланади;

кредит уюшмасига тегишли мулкӣ хусусиятга эга бўлган барча талаблар фақат тугатувчи номига билдирилиши ҳамда мазкур Низом ва қонун ҳужжатларда назарда тутилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин;

тугатиш жараёни бошлангунга қадар судда қабул қилинган қарорлар ва тугатилаётган кредит уюшмасига нисбатан мулкӣ талабларга оид суднинг ижро ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида ижро этилиши учун тугатувчига топширилади.

39. Кредит уюшмасини тугатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар тугатилаётган кредит уюшмаси ҳисобидан амалга оширилади.

40. Кредит уюшмасини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнг, Марказий банк томонидан кредит уюшмаси тугатиш жараёнида эканлиги бўйича маълумотлар кредит уюшмалари Давлат реестрига ёзув киритилади.

41. Тугатувчи тайинлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиладиган бир ёки бир нечта даврий босма нашрда кредит уюшмасини тугатиш бошланганлиги тўғрисидаги эълон тугатувчи томонидан чоп этилиши лозим. Эълонда кредиторлар томонидан талабларини баён этиш тартиби ва муддати кўрсатилиши шарт.

42. Талабларни баён этиш муддати тугатиш тўғрисида эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ойдан кам бўлмаслиги зарур.

43. Даврий босма нашрда чоп этилишидан ташқари, тугатувчи кредит уюшмасида тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида барча уюшма аъзоларини ва кредиторларини ёзма равишда хабардор қилиши лозим.

44. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб кредит уюшмаси ишларини бошқариш соҳасидаги барча ваколатлари унга ўтади. Тугатувчи кредит уюшмаси номидан бошқариш вазибалари бажарилишини ва кредит уюшмаси фаолиятини тугатиш билан боғлиқ бўлган барча ишларни амалга оширади.

45. Тугатувчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

кредит уюшмаси активларини аниқлаш ҳамда тугатиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, мулк эгаси ва кредит уюшмаси бошқаруви органлари ваколатлари доирасида уларни тасарруф этиш;

кредит уюшмаси активлари ва мулкни захирага олиш;

кредит уюшмасининг ҳужжатлари ва мулки, шунингдек, гаров таъминоти сифатида берилган бошқа мол-мулкларнинг бутлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

тугатиш жараёнини амалга ошириш учун ходимларни шартнома асосида ёллаш (кредит уюшмаси кредиторларини бу жараёнга ходимлар сифатида жалб этилиши мумкин эмас);

тугатилаётган кредит уюшмасининг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда, меҳнатга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

тугатилаётган кредит уюшмаси номидан судда қатнашиш;

депозитга пул қўйган кредит уюшмаси аъзолари ва кредиторларнинг талабларини қондириш учун маблағлар етарли бўлмаган тақдирда тугатувчи кредит уюшмасининг мулкни сотиш;

кредит уюшмаси номидан талаблар қўйиш, кредит уюшмаси кредиторлари талабларининг қонунийлигини аниқлаш ва қонуний деб топилган талабларни қондириш.

46. Тугатувчининг зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юкланади:



кредит уюшмаси активлари ва пасивларини тўлиқ назорат қилиш;  
кредит уюшмаси ишларини бошқариш билан боғлиқ жавобгарлик;  
кредиторларнинг талабларини тўла қондирилишини таъминлайдиган баҳода кредит уюшмаси активларини сотиш;  
кредиторларга тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш.

47. Тугатувчи ноқонуний ёки қасддан нотўғри қилинган ҳаракатлари (ҳаракат-сизлиги) натижасида кредит уюшмасига келтирилган зарар учун жавобгардир. Тугатувчи тугатиш билан боғлиқ нормадаги операция таваккалчилиги тоифасига кирувчи зарарлар учун жавоб бермайди.

48. Кредит уюшмасининг банкдаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига келиб тушаётган барча маблағлар кирим қилинмайди, бунда маблағлар кредит уюшмаси тугатилаётганлиги ҳақидаги билдиришнома билан жўнатувчига қайтарилади.

49. Тугатувчи кредит уюшмасида тугатиш ишлари бошланганлиги ва унинг маблағларини олиш ёки кўчириш ишлари тугатувчининг рухсати билан амалга оширилиши ҳақида кредит уюшмасининг ҳисобварақлари очилган барча кредит ташкилотларини хабардор қилиши шарт.

Кредит уюшмасининг бошқа кредит ташкилотларида мавжуд бўлган барча ҳисобварақлари тугатувчи ихтиёрига ўтади.

50. Тугатувчи кредит уюшмасининг активлари устидан кредит уюшмасини тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, хавфсизлик хизмати ва бошқа мавжуд воситалардан фойдаланган ҳолда унинг барча бинолари, мол-мулки ва жиҳозлари бутлигини ҳамда қимматбаҳо буюмлар (нақд пул, қимматли қоғозлар, автомобиллар ва ҳ. к.) назоратини таъминлаши шарт.

51. Кредит уюшмасининг барча ишлари, жумладан тугатиш жараёни бошлангунга қадар қабул қилинган, аммо ҳисобвараққа кирим қилинмаган депозитлар ва кредитларни қоплаш учун олинган маблағларга доир ишлар ниҳоясига етказилиши ҳамда белгиланган тартибда тегишли дафтарларга киритилади.

52. Кредит уюшмаси томонидан хизмат кўрсатувчи банкка тугатувчи имзоларининг нотариал тасдиқланган намуналари ва кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши қарорининг нусхаси тақдим этилади.

Кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши қарори банкка тақдим этилган кундан бошлаб кредит уюшмасининг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи тугатиш ҳисобварағи сифатида амал қилишни бошлайди ва активларни сотишдан келиб тушган маблағлар ҳамда кредит уюшмасининг барча маблағларининг ҳисоби талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағида олиб борилади.

53. Тугатувчи тугатиш санасига активларнинг баланс қиймати ва қисқача тавсифи кўрсатилган мулкнинг инвентаризация қилинишини ташкил этиши керак.

54. Кредит уюшмаси кассасидаги банкнотлар, тангалар ва уюшма ҳисобварақлардаги маблағлар шаклидаги молиявий активлар номинал қиймати бўйича баҳоланади.

Қимматли қоғозлар шаклидаги активлар баҳоси қимматли қоғозлар бозоридаги вазиятга боғлиқ ҳолда бозор баҳосида қайта баҳоланади.

Асосий қарз суммаси ва ҳисобланган фоизлардан келиб чиққан ҳолда кредитларнинг баҳоси бозор нархида аниқланади. Тугатувчи кредит ва сотиш қунигача ҳисобланган фоизлар миқдоридан таркиб топган номинал нархдан паст бўлган баҳода мазкур кредитлар сотилган ҳар бир ҳолат бўйича тугатиш ҳисоботида ёзма равишда асослар келтиради.

55. Активларни баҳолаш, баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (сертификат)га эга бўлган малакали баҳоловчи мутахассис ёки ташкилотлар иштирокида баҳоланади. Тугатувчи активлар нархига таъсир этувчи барча ахборот ва омилларни ўрганади ва улар асосида активларнинг сотув кундаги нархи асосида уларнинг сотилиш нархини белгилайди.

56. Активларнинг аниқланган ҳисоб-китоб баҳосидан паст бўлган баҳода сотилган тақдирда, тугатувчи мазкур операция бўйича маълумотларни ёзма равишда тугатиш ҳисоботида акс эттириши лозим.

57. Мол-мулкнинг инвентаризацияси тугаганидан ҳамда кредиторлар талабларининг муддати ўтганидан сўнг тугатувчи қўйидагиларни ўз ичига олган оралик балансни тузади:

тугатилаётган кредит уюшмаси тўғрисидаги маълумот;  
кредит уюшмасининг мол-мулкнинг таркиби;  
кредиторлар қўйган талабларнинг рўйхати;  
ҳар бир бажарилган талабни кўриб чиқиш натижалари.

58. Оралик тугатиш баланси кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилишида тасдиқланади.

59. Тугатилаётган кредит уюшмасининг оралик тугатиш баланси тасдиқланган кундан бошлаб уюшма кредиторлари талабларининг қондирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатувчи томонидан оралик тугатиш балансига мувофиқ амалга оширилади.

Кредит уюшмаси аъзолари бўлган жисмоний шахслар ўз омонатларини олишда устуворликка эгадирлар.

60. Кредиторларнинг талаблари тугатувчи томонидан асоссиз деб топилган бўлса, уларни қондиришдан бош тортилиши мумкин.

61. Кредиторлар талабларини қондириш рад этилганлиги тўғрисида, сабаблари кўрсатилган ҳолда уларнинг манзилига ёзма тарзда хабарнома жўнатилади.

Кредитор талабларини қондириш рад этилган ёки уни кўриб чиқишдан бош тортилган ҳолда, у тугатувчига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

62. Тугатилаётган кредит уюшмасининг мулки етарли бўлмаган тақдирда, кредиторларнинг талабларини қондириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Шунингдек, кредитор даъво билан судга мурожаат қилмаган, тугатувчи тан олмаган бўлса, уларнинг талабларини қондириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

63. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб ишлари яқунланганидан сўнг тугатувчи тугатиш балансини тузади, уни кредит уюшмаси аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлайди.

64. Кредиторлар ўртасидаги мажбуриятлар копланиб бўлинганидан сўнг, тугатиш балансига мувофиқ кредит уюшмасининг қолган маблағлари кредит уюшмаси аъзолари ўртасида уларнинг пай бадалларига мутаносиб равишда тақсимланади.

65. Тугатиш ишлари яқунланганидан сўнг тугатувчи Марказий банкка қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

умумий йиғилишнинг кредит уюшмасини тугатиш тўғрисидаги баённомаси;  
умумий йиғилишнинг тугатувчини тайинлаш тўғрисидаги қарори;  
кредит уюшмасини тугатилиши тўғрисидаги даврий босма нашрларда чоп этилган маълумотларнинг нусхалари;  
кредит уюшмасининг охириги иш куни санасига баланси;

тугатиш баланси;  
кредит уюшмасининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органининг маълумотномаси;  
йўқ қилиш учун кредит уюшмаси ҳужжатлари ва йиғмажилдлари топширилганлиги тўғрисида далолатнома;  
ҳужжатларни архивда сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси;  
тугатиш ҳисобварағи ёпилгани ҳақидаги банк маълумотномаси.

#### IV. Яқуний қоидалар

66. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, қайта ташкил этилган ёки тугатилган кредит уюшмалари бўйича Кредит уюшмаларининг давлат реестридан чиқариш ёки киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

67. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Кредит уюшмаларининг Давлат реестрига тегишли ёзув киритилганидан кейин, кредит уюшмасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тамомланган ҳисобланади.

Қайта ташкил этиш ёки тугатиш натижасида пайдо бўлган ва фаолияти тугатилган кредит уюшмалари тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади.

+

-

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги норматив-ҳуқуқий**  
**ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2008 йил 10 майдан 23 майгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 апрелдаги 41-сонли буйруғи.*

*2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 22 майдан кучга киради).*

2. «Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/4-сонли қарори.*

*2008 йил 12 майда 522-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 22 майдан кучга киради).*

3. «Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сонли қарори.*

*2008 йил 16 майда 1807-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).*

4. «Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 7 майдаги 49-сонли буйруғи.*

*2008 йил 16 майда 1808-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).*

5. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 99-мқ-сонли буйруғи.*

*2008 йил 16 майда 1809-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).*

6. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг айрим меъерий ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 3 майдаги 11/1-сонли қарори.*

*2008 йил 16 майда 1810-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).*

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й.*

7. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган алкоғолли маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғалаш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Бош директорининг 2008 йил 28 апрелдаги 156-сонли буйруғи.*

**2008 йил 16 майда 480-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 майдан кучга киради).**

8. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, кредит уюшмалари ҳамда микрокредит ташкилотлари ижро органлари раҳбарлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/5-сонли қарори.*

**2008 йил 19 майда 1641-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).**

9. «Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 5 майдаги 49, 34-сонли қарори.*

**2008 йил 19 майда 1811-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).**

10. «Хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасига келиш ва кетиш визаларини расмийлаштириш бўйича йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2008 йил 7 майдаги 518-сонли буйруғи.*

**2008 йил 19 майда 349-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).**

11. «Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 43, 51, 2008-22 -сонли қарори.*

**2008 йил 19 майда 1460-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).**

12. «Академик лицейлар ва касб ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2008 йил 30 апрелдаги 01-148К/К, 118, 16/ҚҚ-сонли қарори.*

**2008 йил 19 майда 1812-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).**

13. «Театр-концерт тадбирларини ўтказишда фонограммадан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақидаги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан*

чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг 2008 йил 28 апрелдаги 11-сонли буйруғи.

**2008 йил 19 майда 1188-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 29 майдан кучга киради).**

14. «Банкрот корхонани тугатишга доир иш юритишни олиб бориш тўғрисида низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 апрелдаги 4-сонли қарори*

**2008 йил 20 майда 993-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 30 майдан кучга киради).**

15. «Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 апрелдаги 5-сонли қарори*

**2008 йил 20 майда 493-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 30 майдан кучга киради).**

16. «Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 5 майдаги 47-сонли буйруғи*

**2008 йил 22 майда 1813-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 июндан кучга киради).**

17. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2008 йил 22 майдаги 111-мҳ-сонли буйруғи*

**2008 йил 22 майда 1814-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 июндан кучга киради).**

18. «Кредит уюшмаларини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош қарувининг 2008 йил 19 апрелдаги 10/3-сонли қарори*

**2008 йил 22 майда 1815-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 1 июндан кучга киради).**

## **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Суғурталовчиларнинг алоҳида суғурта таваккалчиликлари бўйича мажбуриятлари, жами мажбуриятларнинг йўл қўйиладиган энг қўп ҳажми ва тўлов қобилияти меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1565, 2006 йил 22 апрель).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 12 майдаги 95-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Тузларнинг кўллардаги конлари захираларига таснифлашни қўллаш бўйича вақтинчалик йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурс-*

лар давлат қўмитасининг раиси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 494, 1998 йил 8 октябрь).

**Адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 99-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Ўзсавдогарбанкнинг ҳисоб-китоб чекларини аҳоли томонидан товарлар учун ҳисоб-китобларда қўлланиши тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 217, 1996 йил 17 январь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 100-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. Турғун шохобчалар орқали савдо фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги ишбилармонларнинг нақд пул маблағларини топшириш ва олиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 752, 1999 йил 18 июнь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 16 майдаги 100-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

5. Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Шакар инвестмент» қўшма корхонаси, Товар хомашё биржаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1378, 2004 йил 28 июнь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 19 майдаги 103-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

6. Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1460, 2005 йил 22 март).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 19 майдаги 105-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

7. Банкрот корхонани тугатишга доир иш юритишни олиб бориш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 993, 2000 йил 22 декабрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 20 майдаги 108-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

8. Банкрот деб эълон қилинган корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида олди-сотди қилишда мулк ҳуқуқини расмийлаштириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 493, 1998 йил 29 сентябрь).*

**Адлия вазирининг 2008 йил 20 майдаги 109-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

9. Фьючерс битимларини тузиш тартиби тўғрисида низом. «Ўзулгуржисавдо»

ассоциацияси Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 282, 1996 йил 11 октябрь).

Адлия вазирининг 2008 йил 22 майдаги 111-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ  
МАЪЛУМОТЛАРИ  
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



## ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

**LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:**

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;

— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;

— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;

— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гурuhlани;

— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;

— излаш шартларини сақлаб қолиш;

— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

**WWW.LEX.UZ**

сайтига марҳамат қилинг

-

+